

ЖАҲОН БЕСТСЕЛЛЕРИНИНГ
ДАВОМИ

МИРЗАКАРИМ

НОРБЕКОВ

ТЕНТАКНИНГ
ТАЖРИБАСИ



Бахтли ва фаравон яшаш ҳиқмати



Оилавий бахтни уй шароитида
мустақил яратиш сирлари

УЎК: 159.9

КБК: 88.3

Н 79

Норбеков, Мирзакарим

Тентакнинг тажрибаси 3. [Матн]: М. Норбеков. – Тошкент: Spectrum Media Group, 2017. – 368 б.

ISBN: 978-9943-4602-2-5

УЎК: 159.9

КБК: 88.3

Ўз бахтининг ҳимоячиси ҳам, уни яқсон қилувчиси ҳам инсоннинг ўзи. Агар сизга фарзандларнинг ўтиш ёшидаги қийинчиликларни қандай енгиб ўтиш, фарзандлардан чақир тиканак ўсиб етишмаслиги учун уларнинг боғчасини нималар билан ўғитлаш лозимлигига қизиқсангиз, фаровонликнинг изчил ва доимий гуркираб ривожланишининг илоҳий қонуниятини билишни истасангиз, Мирзакарим Норбековнинг «Тентакнинг тажрибаси 3» китобидан баҳраманд бўлинг.

Сиз ахир кўплаб ҳаётини саволларингизга жавоб топишни истайсиз-ку? У ҳолда олға, ушбу китобни мутолаа қилинг, мушоҳада юритинг ва ҳаракатга киришинг!

Рус тилидан

Меҳри БОНУ таржимаси

Масъул муҳаррир:

Муҳиддин Омон

Тақризчилар:

Ф.К. Анзиратов, тиббиёт фанлари доктори

Ҳ.Н. Бобобеков, Турон фанлар академияси

ва Лейбниц номидаги Европа

табiiй фанлар академияси академиги,

тарих фанлари доктори

ISBN: 978-9943-4602-2-5

© М.С. Норбеков, 2017.

© «Spectrum Media Group», 2017.

Ушбу китобимни қувончу гамларини, галаба нашидаларию, мағлубият изтиробларини мен билан баҳам кўрган, ҳаётларининг энг ажойиб дамларини тенг бўлишган дўстларимга бағишлайман.

Шунингдек, биз билан бирга шугулланиб муайян тажриба тўплаган ва эришган муваффақияту ютуқларимиздан қувонган ошналаримга, ўзимнинг барча гойибона дўстларимга ва маслакдошларимга, руҳан менга яқин бўлган инсонларга, адашиб мени суперақдди ёки гипертентак деб ҳисоблайдиган барча китобхонларимга бағишлайман.

Муаллиф

Муқаддас оила тушунчасига беписанд муносабатда бўлиш, фарзандлар тарбияси ҳамда миллий қадриятлар билан боғлиқ бебаҳо ҳаётий тажрибаларни унутиш қандай оқибатларга олиб келишини бугунги кунда баъзи бир «ўта замонавий»лашиб кетаётган давлатлар мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Азиз ўқувчи, ушбу китобда кўтарилган долзарб муаммоларни муаллиф айнан шу давлатларни ўрганиш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда баён этган.

Ҳар нарса қиёсда билинади. Китобни ўқиш жараёнида ўз миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз билан ўша давлатлардаги турмуш тарзи, ҳаёт тутумини солиштириш орқали миллийлигимиз ва она Ватанимизга нисбатан муҳаббатимиз янада ортади. Муаллиф ичдан емирилиб бораётган, на анъанаси, на ота-боболар меросига ҳурмати йўқ мамлакатлар мисолида гўёки бизнинг кўзимизни очади, боримизни қадрлашга ўргатади.

Ўйлаймизки, китобдан олган хулосаларингиз ҳаётингизда дастуриламал бўлади.

(Тахририятдан)

Die ...

Die ...

Die ...

Die ...

Die ...

Die ...

Die ...

Die ...

Die ...

Die ...

Die ...

Die ...

Die ...

Die ...

Die ...

**Ўз ҳаётига хўжайин, яъни ҳокими
мутлақ бўлиш ҳақида
ЖУДА-А-А ЛЎНДА
КИРИШ СЎЗИ**

► Эгаллаган билимлари китобхоннинг икки қулоғи орасида жойлашган ичаклари орқали ўтар экан, бу илмлар фикрларнинг йўгон ичагига эмас, унинг ҳаёт қонига қўшилиб кетиши учун ушбу китобдан қандай фойдаланиши ҳақида.

► Нима учун уч хил одам бир хил ҳаракатни амалга ошириб, турлича натижага эга бўлади?

► Сиздаги барча омад ва омадсизликларнинг асл сабаби қаерда?

1870

1871

1872

С

алом азиз китобхонларим! Мен билан шахсан таниш бўлганлар, ҳозирча учрашиб танишишга улгурмаганлар, китобларим билан аллақачон таниш бўлганлар, менинг камтарона ёзганларимни илк бора ўқиётганлар, Сизлар билан ушбу китоб саҳифалари орқали ғойибона бўлса-да учрашиб турганимдан бениҳоя хурсандман.

Хўш дўстлар, бошладикми?

«Қандай қилиб ҳамманинг хавасини келтирадиган одам бўлиш ҳақида», «Фалончи бўлиш ҳақида», «Писмадончи бўлиш ҳақида» жуда кўплаб махсус адабиётлар мавжуд ва бу дунёда турли-туман илмларни сув қилиб ичворган одамларнинг сон-саногии йўқ.

Қадрдонларим айтинг-чи, бу маълумотлар уммонида ким чиндан ҳам йирик наҳанг-у, ким эса бор-йўғи итбалик эканини қандай фарқлаш мумкин?


Бир неча йил муқаддам туғилган кунимга менинг махсус ўқув курсларимда шуғулланган икки академик ўз китобларини совға қилишди. Китоблардан бири «Префектура бошқарувининг асоси: олий ўқув юрти талабалари учун қўлланма» деб номланган эди.

Китобни кўришим биланок феъл-атворимдаги заҳар ўзини кўрсатди-қўйди: «Ҳамкасабалар, сизлар қачондир бўлса ҳам бирорта префектурани бошқарганмисизлар?» деб сўра-

дим. Улар эса хайрон бўлганча: «Йўқ, Бизга бунинг нима кераги бор?» – дейишди.

Ҳеч қачон префектурани бошқармаган, ҳеч қачон топ-менежер бўлиб ишламаган одам, деярли институтдан ташкарига чиқмаган олим бўлғуси префектларга амалий иш учун қўлланма ёзганмиш. Ана холос?!

Профессор деганлари оддий одамлар билан таққослаганда, илмий атамаларни жимжимали қилиб териб ташлашни қойил қилади. Буниси аниқ. Зеро, ушбу тоифа мутахассислар учун лағмонни қулоққа чилвирдек қилиб илиб ташлаш чўт эмас. Ҳар доим ҳам, агар бирор бир атамаларни керакли ва кераксиз жойларга қалаштириб ташланса, уни ўқиётган оддий одам эсдан оғиб қолай дейди ва у бечора ўзича: «Қара-я, бу олим жудаям ақлли эканда!» деган хаёлга боради.



Аслида эса ҳар қандай фикр шахсий тажрибадан келиб чиқмаса ва нуқул шахсий хаёлларнинг маҳсули бўлса, уни шу заҳотиёқ ахлат челагига улоктириш мумкин.

Марҳамат қилиб айтинг-чи, сизлардан қай бирингиз туғма импотентни ҳақиқий лаззатни ҳис қилишга ўргата оласиз? Бу пайтда соғлом одам нималарни ҳис қилишини, бечора импотент ўзида қандай қилиб пайдо қилиши мумкинлигини тасвирлаб бера оласизми? Сиз фақат ҳаракатлар техникасига ўргатишингиз, импотентлар учун рисола ёзишингиз мумкин. Лекин! Айтинг-чи, шўрлик қахрамонингиз шу билан лаззат ҳис қила оладими?

Кўпинча шундай бўлади, ўзи росмана лаззат нима эканини ҳис қилиб кўрмаган одам, бу нарсага қандай эришиш

Тентакнинг тажрибаси 3

мумкинлиги ҳақида кўлланма ёзади. Ҳеч қачон севмаган одам севги нималигини ўргатади. Ҳеч қачон бой бўлиб кўрмаган одам қандай қилиб бойиб кетиш ҳақида китоб ёзади. Бахтиқаро шўрпешоналар эса қандай қилиб бахтли бўлиш мумкинлиги ҳақида тавсияномалар битади.

Машғулотларимга қатнайдиغان хонимлардан бири қайсидир аёллар журналининг таъсисчиси эди. У журналининг навбатдаги сонини менга жўнатди, чунки биринчи саҳифада менинг суратим чоп этилган эди. Албатта, мен ўзим ҳақимда нималар ёзилгани билан қизикдим.

Журнални varaқлаб, бошқа мақолаларни ҳам кузата бошладим. Бир рухшунос аёл оилада эркак киши агар ўзини муайян бир тарзда тутса, аёл унга жавобан ўзини қандай тутиши кераклиги борасида тавсиялар берганди. Шунга кўзим тушиб қолди. Мен бу мақолани охиригача ўқиб чиқдим... Гарчи бу менга осон бўлмаса-да, лекин ўқидим.


Навбатдаги машғулотлар бошланганида журналнинг муассиси бўлган ўша аёлга: «Хоним, сизнинг журналингизда жуда ғалати рухшунос ишлар эканми?.. Тахминимча, унинг тавсия ва маслаҳатларини ўз эрида синаган ҳар қандай тентак аёл камида турмуш ўртоғидан калтак ейди. Баттарроқ ҳолатида эса эр бундай шаллаки хотиннинг баҳридан кечиб кўя қолади. Ишончим комилки, бу рухшуносиигизнинг эри йўқ ёки бўлса ҳам, у билан аллақачон ажрашган. Ўзини ҳурмат қиладиган биронта эркак қанчалик лапашанг бўлишидан қатъи назар, ўла қолса ҳам бундай хотин билан яшамайди!» – дедим.

Бу каби жодугарлар ҳақида яхши бир латифа бор:

- Салом дўстим! Кўришмаганимизга ҳам анча бўлди. Ишларинг қалай?
- Мени хотиним ташлаб кетди.
- Э қўй, хафа бўлма. Бунақа хотинлардан ҳали юзтасини учратасан.
- Яна юзта?! Эй худойим, қайси гуноҳларим учун?!

Журнал муассиси ташқарига бирровга чиқиб келди. Қайтиб келганида эса: «Мен ҳозир мақола эгаси билан кўнги-роқлашдим ва суриштирдим, у аёл ҳақиқатан ҳам уч марта турмушга чиқиб, ажрашган экан», – деди. Ҳар доимгидек. Кўпинча ҳаётда ўзи ҳеч нимага эриша олмаган одам ҳаётдан сабоқ беришга уринади. Айтишади-ку, бўзчи белбоққа ёлчимас деб.

Юқоридаги саволим ёдингиздами – бирор кимсани у ўз ишининг устасими ёки шунчаки гап сотишдан нарига ўтмайдиган сафсатабозми – қандай фарқлаш мумкин?



Жуда оддий – агар ўша кимса ўзи фикр билдираётган жабҳада муваффақиятга эришган бўлса – демак, Сизнинг каршингизда ростгўй одам турибди. Агар у назариядан нарига ўтмайдиган ҳаёлпараст бўлса – туёғини шиқиллатсин.

Модомики, Сизнинг камтарин қулингиз ўзимни ростгўй одам деб ҳисоблар эканман, демак, бу китоб саҳифаларидаги гаплар ё ўзимнинг шахсий тажрибамдан келиб чиққан ҳолда берилган ёки тадқиқотга жалб этилган минг-минглаб бошқа кишиларнинг умумлаштирилган тажрибаларига асосланиб ёзилган.

Мен, ўз касбининг устаси сифатида жуда тор йўналишдаги мутахассислик эгасиман. Бу мутахассислик объектим – Инсон: Менинг вазифам – Сизнинг тажрибангиз ва муваффақиятларингиз омилини йиғиш ва коллекция тарзида тўплаш. Чунки Сизнинг истаган муаммонгизни оладиган бўлсак, ушбу муаммо ҳаётда илк бор учраётгани йўк.

Тенгизнинг тажрибаси 3

Демак, уларни умумлаштириш, таҳлил қилиш ва олдиндан айтиб бера олиш мумкин. Уларии чиқитга чиқариб ташлаш ҳам мумкин.

Одамлардаги муаммоларга нисбатан менда ғайриоддий сезгирлик пайдо бўлган, десам ҳам бўлади. Нимадир бўлса, дарров эслаб, таҳлил қила бошлайман: ушбу ҳолатда мана бундай йўл тутиш – ҳеч қандай натижа бермаган эди, бунисида – салбий натижа берган, буида эса – ижобий натижа қайд этилган.

Чунки, сиз агар йилма-йил, ойма-ой, кунба-кун инсонлардаги феъл-атворларни, хулқларни, одатларни, ўзига хосликларни тизимлаштириб борсангиз, вақти-соати келиб, уларнинг деярли барчаси қоиуният экани яққол кўзга ташланиб қолади.

Марҳамат қилиб айтинг-чи, ўз соҳангиз бўйича фаолият олиб бориш билан бирга касбингизнинг энг нозик сирасрорларини ҳам ўзлаштиришни хоҳлармидингиз? Хоҳлардингиз-а? Сиз ҳам олижаноб очкўзлик хасталигига чалинган экансиз-да?

Модомики, шундай экан унда куйидаги ҳолатни тасаввур қилинг. Уйингизга сантехник меҳмонга келди! Меҳмонга-ми? Албатта иш юзасидан!

Қадрдонларим, биласизми, сантехник сиздан нимаси билан фарқ қилади? Ахир сантехника борасида сиз ҳам нималарнидир тушунасиз-ку! Ҳар ҳолда раковинани унитаздан ажрата оласиз, ванна билан унитазнинг сув тушириш мосламасини фарқлай оласиз-ку? Фарқлай оласиз!

Сизлардан қайси бирингиз бу ускуналарни таъмирлай олади? Юзтадан битта-иккитангизгина бу ишии эплай оласиз. Бошқалар эса, ҳеч бўлмаса, улардан фойдаланишни эплашяпти, шунисига ҳам шукр!

Демак, сантехник сиздан шу жиҳатдан фарқ қиладики, сиз фақат фойдаланишни биладиган номатлуб жойда

у ҳар куни қўли билан ўша жойни ковлаб ишлайди. Ҳар куни!

Айни дамда эса менинг сиздан фарқим шуки, мен ҳар куни, ҳатто резина қўлқоп киймасдан туриб, сизларнинг турли бало-бадбўйларга тикилиб қолган ҳаётингизни ковлаштириш билан бандман.

Малакамни ошириб бориш учун эса ҳаётимнинг ҳар бнр кунини унитазларнинг янги ва хилма-хил шаклларини ўрганишга сарфлар эканман, фикрлар ва қилиқлар натижасида булғаб ташланган ҳаёт паймоналарини дезинфекция қилишнинг турли йўллари ва усулларини кўздан кечириб, бу олижаноб жараённи автоматлаштиришнинг янги усулларини излайман.

Ва бу заҳматли иш қирк йилдан ортиқроқ давом этмоқда.

Лекин камтарин қулингиз қанчалик малакали мутахассис бўлмасин, ҳаммани бадавлат қилишнинг иложи йўқ, ҳаммани соғлом қилиш мумкин эмас, ҳаммани бахтли қилишни эса айтмасам ҳам бўлади.

Сиз нима деб ўйлайсиз, нима учун шундай?

Айтинг-чи азизларим, оддий шишадан бриллиант ясаш мумкинми? Йўқ!

Бунинг учун бошланғич ашёларнинг захираси етарли бўлиши керак. Ўсиш ва олдинга интилиш, орзу қилиш, ижодкорлик истаги барча одамларда бир хил эмас.

Агар одам олмос бўлса, уни қандай сайқаллаб қирралашингдан қатъи назар, у бриллиантга айланади. Агар одам оддий шиша бўлса, жонимни жабборга берсам ҳам, бу ашёдан бор-йўғи ялтироқ шиша, мунчок, арзонбаҳо такинчок ясаш мумкин, холос.

Заргар сифатида мен ҳар куни минглаб одамлар орасидан, ўзининг бўлғуси бойвачча эканлигидан мутлақо беҳабар, ҳозирча одамлар билан тирбанд «коммуналка» уйида бурнини ковлаб ўтирган олмосларимни излайман.



Менинг энг асосий вазифам – бу одамларни ўз имкониятлари билан таништириш. Яъни Сизни ўз-ўзингиз билан таништириш!

Менинг азизларим, менинг қадрдонларим! Минг афсуслар бўлсинки, ушбу китоб бутун инсоният вакиллари-нинг ҳаммасига ҳам тўғри келавермайди. Бу китоб Ер сайёраси аҳолисининг бор-йўғи икки фоиз кишиларигагина тўғри келади.

Мана шу икки фоизни ташкил этувчи инсонларга сизнинг камтарин қулингиз қачонлардир ёдгорлик қўйишни хоҳлардим, бундай ёдгорликни ҳатто кўз олдимга келтириб, тасаввур ҳам қиляпман: тўқ рангли гранитдан ишланган ёдгорлик, унда эса «2%» кўрсаткичи. Юқори пробали олтидан. Нима учун икки фоиз? Бу – статистика дўстларим, шунчаки статистика.

Масалан, илмий иш билан шуғулланувчи олимларниинг сони ҳам ҳеч қачон умумий аҳоли сонининг икки фоиздан ошмайди.

Даҳоларнинг, мутафаккирларнинг, барча кимёгар, физиклар, профессорлар, фан докторлари, академикларнинг сони ҳам 2 фоиздан ошмайди.

Санъат вакиллариининг сони ҳам ҳеч қачон 2 фоиздан ошмайди. Барча адабиёт институтларини битирган инсонлардан фақат 2 фоизигина ҳақиқий ёзувчилар бўлиб етишадилар.

Ялпи ички маҳсулотнинг 100 фоизи ҳам айнан 2 фоиз инсонларнинг саъй-ҳаракати туфайли ишлаб чиқарилади. 2 фоиз аҳолигина қолган барчани едиради, кийдиради ҳамда инсоният тарихини бошқариб боради.



Ва фақат 2 фоиз аҳолигина шундай кизиқ қобилиятга эга – ўзлигини сақлаб қола олади. Ўзлигини англаш, ўзлигини тан олиш ва ривожлантириш...

Инсоиятнинг қолган 98% қисмига қараганимда менда шундай ҳолат пайдо бўладики: гўё мен кўп йиллардан буён жиннихонада ётибман-у, куни билан ўзим билан ўзим алаҳсираб мулоқот қилаётгандекман. Бу туйғулар аллақачон мени тириклайин гўрга тикқан бўларди, агар-да...

Агар ёнимда нималарнидир ўқиб, ўрганиб, ўрганганларини бир-бирига узатиш асосида нималаргадир эриша олган шахслар жамоаси бўлмаганида... Бу инсоиятнинг юпқ-а-ги-н-а бир қатлами, менинг севимли шогирдларим ва дўстларим, улар яхши маънода ўзларининг «қиз»қувчан бурунларини ҳар нарсага тикаверадиган», нигоҳларини бир коса иссиқ шўрвадан узиб, юлдузли осмонни кўра олганлар.

Теварак атрофингизни аксарият ҳолларда фақат бир хил машғулот жараёни билан банд бўлган, кўримсиз, тунд тўда ташкил этади: ғижирламасдан, барқарор ва созланган ҳолатда ишлаши учун улар тўхтовсиз ўзларининг икки – кириш ва чиқиш дарвозасини тозалаш ва мойлаш билан банд: туну куи ана шу икки тешик посбонлигидаги фахрли соқчилик вазифасини ўташ!

Мана шу бир хил оҳангдаги ҳаёт гирдобларида болаларча кизиқувчан, жонли нигоҳ ярқ этиб кўриниб қолса, мен зудлик билан ана шундай ўз шахсий ҳаётининг бўлғуси ҳукмдорига ёрдам қўлини узатаман ва уни бор кучим билан кирғоқ томон судрайман. У нафасини ростлаб, теварак-атрофга кўз югуртириб олар экан, менинг дўстона тепкиларим туфайли тетиклангач, ўзининг шахсий бахт-соадати йўналишида чопқиллаб кетади.

Тенгачининг тажрибаси 3

Мана шундай инсонлар учун мен машгулотлар олиб бораман, мана шундай инсонлар учун мен ўз китобларимни ёзаман... Яъни айнан Сиз учун қадрли китобхон, Сиз учун!

Бошқаларга эса минг афсуслар бўлсинки, ҳеч қандай йўл билан ҳам ёрдам бера олмайман...

инсоният қавмига мансуб аксарият аҳолининг ташхислари бир хил: хотиранинг ич кетиш жараёнидаги склероз: улар доим чопгани-чопган, қаерга ва нима учун чопишаётгани эса ҳеч кимнинг ёдида ҳам йўқ.

Ўз саволларига жавоб излаётган шогирдлар Устоздан тихирлик билан сўрашибди:

– Нима учун имконият ёхуд муайян хислат ва илм эгалари ёрдамга муҳтож одамларга доим ҳам кўмак беришмайди?

– Масалан мен жуда яхши одамни биламан, лекин у жуда камбағал...

Бу саволга Устоз шундай жавоб берди:

– Ўз шахсий ҳаётингизда амалий сабоқ олишингиз мумкин бўлгани ҳолда менинг сўзларимдан сизга нима наф?

Ва у шогирдларига ичи тиллага лик тўла қопчани берди.

– Ўша камбағал одамнинг олдига бориб, мана шу тилла тангаларни беринг, фақат шартим шуки, пул беряпмизку деб уни камситманг. Унинг ўзига ҳам танлаш учун имкон қолдиринг.

Шогирдлар бу шартни қандай амалга оширсак экан, деб бош қотиришди ва йўлини топишди. Камбағалнинг фақир кулбаси олдида ариқ оқиб ўтарди. Шу ариқ устига уч гўладан иборат кўприкча қурилганди. Кўприк устидан у кунига бир неча марта ўтиб қайтар, ихчам кўприкка ташлаб қўйилган қопчани эса пайқамасликнинг шложи йўқ эди.

Айнан мана шу кўприк устига шогирдлар қопчани ташлаб қўйишга қарор қилишди. Ўзлари эса хурсанд бўлиб, буталарнинг орасида кута бошлашди. Ниҳоят, улар кутган киши пайдо бўлди. Камбағал шошиб юриб борар экан,

кўприкда ётган тилла тўла қопчани пайқамасдан ўтиб кетди, кулбасига кириб, икки-уч дақиқадан кейин қайтиб чиқди-да, яна кўприк устидан тез ўтиб шаҳар томонга қараб кетди.

Бу қанақаси?! Шогирдлар бекиниб ўтирган жойларидан чиқиб, уни қувиб етишди ва қўрқиб кетган бечорани саволга тутишди:

– Ҳой биродар, айтинг-чи, кўприк устида ётган нарсани кўрдингиз-ку, нега уни олмадингиз?

– Ме-н-н ҳеч нимани кўрмадим, ҳеч нимадан хабарим йўқ, мен ҳеч кимга ёмонлик қилганим йўқ, илтимо-с-с, мени қўйиб юборинглар. Гапим рост. Ўлай агар, мен чиндан ҳам ҳеч нимани кўрганим йў-қ-қ...

Шогирдларнинг жаҳли чиқибди:

– Қанақа қилиб тилла тўла қопчани пайқамаслик мумкин, ахир у кўприкнинг шундоққина ўртасида ётганди-ку?!

Бунга жавобан камбагал истеҳзоли жилмайиб жавоб берди:

– Бугун уйга кетаётиб ўзимча, мен бу гўлаларнинг устидан шунчалик узоқ вақтдан буён ўтиб-қайтиб юрибманки, ҳатто кўзимни юмиб ҳам юра оламан, деб ўйладим. Синаб кўрдим ва эплардим, ҳатто ёқиб қолди. Шунинг учун ортга қайтганимда ҳам кўзларимни юмиб ўтдим... Мени қўйиб-б юборинглар, илтимос!!



Қадрдонларим, Сизлар кўзингизни очинг, ўтиниб сўрайман Сиздан!

Марҳамат қилиб айтинг-чи, таом тайёрлашни биласизми? Биласизми ёки йўқми? Ҳеч бўлмаса нонга сарийғ суришни биларсиз? Қаҳва кукунининг устидан қайнаган сув куйишни-чи? Мана, жуда соз!

Тенганинг тажрибаси 3

Энди эса айтинг-чи, бу юмушларни нима учун қиласиз? Эргалабдан тухум қовурасиз? Нонга сариёғ сурасиз? Нима учун? Ишхонада очликдан сулайиб қолмаслик учун, тўғрими?

У ҳолда айтинг-чи, нима учун ишлайсиз? Бир бўлак ёғли нонга пул топиш учунми?!

Мана сизга аҳмоқона ҳаётнинг ўта беъмани, бироқ энг асосий формуласи! Бу бўлмағур формулада ниманидир ўзгартириш керакка ўхшайди... сиз эргалаб уйғонасиз, ўзингиз англаб-англамай, гайришуурий тарзда қандайдир егулик тайёрлайсиз, ошқозонингизни тўлдирасиз-да, ойлик маошингизни топиш илинжида чопқиллаб кетасиз.

Эркин одам эса, агар унга қандайдир манбалар керак бўлса, бу манбалар исталган жойда тўлиб ётганини биледи. Исталган жойдан у ўзига қанча зарур нарса керак бўлса, шунча ола биледи!

Тушунолмаясизми? У ҳолда бошқачасига тушунтираман...

Сизнинг шахсан иштирокингизда қайнатилган тухум қанча туради? Текин!

«Уч юлдуз»ли ресторанда эса бош ошпаз томонидан қайнатилган тухумнинг ўртача нархи 200 доллар туради! Фарқи борми?!

«Уч юлдуз»ли ресторан – сизнинг эътиборингиз учун бу шундай юқори савияли ресторанки, у ерда тамадди қилиш учун ҳеч бўлмаса аввалдан жойни банд қилиш керак, у ерда тамадди қилишни хоҳловчилар шунчалик кўпки, баъзан уларнинг қаторига кириш учун сен ҳам дунёнинг қайсидир бир бурчагидан бир марта тушлик қилиш учун келасан.

Қизиқиш юзасидан мен ҳам бир марта татиб кўрдим – пул бисёр, хоҳиш ҳам йўқ эмас!

Шу сабабли, бу ердаги тухумнинг оддий ошхона тухумидан қандай фарқи бор экан, деб қизиқиб қолдим.

Буюртма қилдим. Олиб келишди. Ҳамма тухумлар сингари тухум, фақат устки қисми бироз кесиб олиниб, аллақандай зираворлар сепилган.

Татиб кўрдим – жуда мазали-и!

Эҳтимол биргина тухумга шунча пул тўлаганимдан у менга мазали туюлгандир?! Бунисини аниқ тушуна олмадим. Лекин бу тухум камтарин кулингизнинг бутун умри давомида еган тухумлар орасидаги энг мазалиси эди!!!

Завод ошхонасида тайёрланадиган карам шўрва одатда нима учун бемаза бўлишини биласизми? Чунки у ердаги аксарият ошпазлар ишга қандай кайфиятда боради? Худди сургунга бораётгандек. Худди кийноққа солиниш учун кетаётгандек боришади: чунки уларнинг ишлаш учун бошқа борадиган жойлари йўқ! Уларни бошқа ҳеч қаерга ишга олишмайди! Ва улар таом тайёрлашга механик ёндашадилар, шунчаки қўл учида, кўр-кўрона.

Бу ошпазларнинг бирдан-бир қўшимча даромади – таом тайёрлаш учун ажратилган масаллиқлардан уриб қолишдан иборат – улар ишдан кейин гўшт, карам, арзон-гаров ёғлардан уйига ташиб кетиш билан бирга, бу тежалган маҳсулотларнинг ёнига яна қанчадир микдордаги маош ҳам олишади. Ва улар ҳамиша, қачондир ўзларини ишдан бўшатиб юборишларидан хавотирда юрадилар.

Яна битта худди шунга ўхшаш нусхани биламан. У ҳам айнан шунга ўхшаш маҳсулотлардан егулик тайёрлаб, «Гумма-а! Қайноқкина гуммал-а-р. Карамли, картошкали гуммалар бор!» – деб бақирганча, бирорта поезд бекатидаги мўъжазгина дўкончада ўтиради. Унинг иш қуроли сифатидаги бор-буди фақат жун одеялга ўралган кострюл холос.

Шундай одамларни Сиз ҳам кўргандирсиз? Лекин бу каби ишлардан зинҳор катта даромад топиб бўлмайди. Унинг ҳоли юқорида тилга олганимиз ошпаздан фарқи

Тентакниче ташрибаси 3

фақат битта: агар ошпаз аллақандай амаки учун ишлаб берса, буниси – ўзи учун меҳнат қилади.

Келинг, энди бу касбнинг ўлчов даражасини янада юқорирок кўтарамиз. Мисол учун, менинг сарҳил таомлар шинавандаси бўлган бир дўстим бор. Унинг шахсий ошпази француз. Айтгандай, бу французнинг йиллик маоши бир миллион евро атрофида. Қайси хизмати учун экан дейсизми?

Худди шу санъати учун: масаллиқларни аралаштириш, тўғраш, қайнатиш ва қовуриш учун.

Эътибор беринг-а, у ҳам худди сиз бажарган ишни бажаряпти. У ҳам айнан сиз каби ҳар куни ошхонада куймаланади. Лекин шу билан бирга ўзининг қозонига, сизга, қўйинг-чи бутун идиш-товоғига завқ билан ёндашади, таом тайёрлашдан эса лаззат олади. Франсуз ошпаз фикр юритади, ўйлаб топади, ижод қилади, янги нималардир яратади!

Мана сизга бир хилдаги малаканинг турли инсонлар томонидан амалда қўлланишига яққол мисол.

Биз сиз билан бу экстра тоифали ошпаздан нимамиз билан фарқ қиламиз? Биз сиз билан кўчада гумма сотаётган аёлдан қандай фарқ қиламиз? Биз сиз билан завод ошхонасида алюмин кострюлда бемаза шўрва тайёрлайдиган ошпаздан қайси жиҳатдан фарқ қиламиз?

Сиз минг бир ташвишда, шунчаки ошқозонингизни қулдирашини тинчителиш учунгина ошхонада куймаланасиз. Ниманидир егандай бўлиб, арзимаган ўша маблағингизни ишлаб топиш учун ишга жўнайсиз. Сўнг топганингизни бамайлихотир ҳожатхонага оқизасиз-да, тинчийсиз.

Азизларим, бу – отўйини аргимчоғидан тушиш пайти келмадимикан? Буларнинг бари кўнгилга уриб, беҳузур қилиб ташламадимиз? Менимча, ҳаётингизни ўзгартириш пайти аллақачон келди! Руҳиятингизни жамланг-да уни ўзгартиринг!

Худди ушбу латифадагидек!

- Доктор, доктор, мен ҳеч ҳожатга бора олмаяпман.
- Хафа бўлманг, ҳожатга бора олмаётган бўлсангиз, театрға боринг, кўргазмага боринг!



Сиз нимагаки киришманг, исталган фаолият турида ё мағлубият азобию, ё бесамар меҳнатга эга бўласиз ёки муваффақият нашидасини суришга эришасиз.

Ҳаммамиз ҳам ҳаётда бир хил қозон-товокдан фойдаланамиз. Ҳаммамиз ҳам бир хилдаги масаллиқ ва маҳсулотга эгамиз. Лекин агар турли хил инсонлар мисолида кўрадиган бўлсак, улар бир хилдаги масаллиқлардан юзлаб, умуман бир-бирига ўхшамаган таомлар тайёрлашади. Кимдир пишириш усули аллақачои ёд бўлиб кетган оддийгина бўтқани пишириб, тухум қовуриб қўя қолади. Кимдир эса ижод қилади, ўзидан нимадир кўшади, ихтиро қилади...

Ихтирочилик дегаи ўзи иима? Ихтирочи ким? Ихтирочи бу «иложи йўқ» дегаи гапни тушунмайдиган одам. Улар кўпинча ўз ихтиролари, қандайдир илмий муассасаларнинг мутахассислари томондан деярли иложи йўқ, деб топилганидан беҳабар бўладилар.

Аксарият ихтирочилар биров ҳардамхаёл одамлар, улар баъзан ўта паришонхотир бўлишади.

Мен буни жуда яхши биламан, чунки ўзим ҳам шунақалардан бириман. Уларни теварак-атрофдаги нарсалар қониқтирмайди. Улар энди ўзгалар наздида такомиллаштириш мумкин эмасдек туюлган нарсаларни ҳам мукамаллаштира оладилар.

Тенгачининг тажрибаси 3

Ихтирочилар орасида энг бекаму-кўст ускуна деган тушунча бор, агар у йўқолса, унинг вазифасини кўшни ускуна бажара бошлайди. Ишонинг, теварак-атрофимизда, ҳавода ҳали шунчалик кўп ғоялар сузиб юрибди-ки! Улар ўз романтикларини, хаёлпарастларини, ҳамма иарса ўйлаб топиб бўлинганига ишонмайдиган, қизиқувчан ва ихтирочиларини кутишяпти.

Қизиқ бир мисол келтираман. Баландлик ўлчагич. Яъни самолёт қандай баландликда учиб кетаётганини кўрсатиб берувчи ускуна. Самолётлар эндигина пайдо бўлган пайтлар бу усқунанинг оғирлиги тахминан икки пудга яқин бўлган. Самолётлар парвози учун эса ҳар бир килограмм аҳамиятга эга. Мутахассислар олдига усқунанинг кўрсаткич аниқлигини оширган ҳолда оғирлигини камайтириш вазифаси кўйилган эди.

Бутун бошли институт бу муаммо устида неча йиллаб бош қотиришига тўғри келди. Давлатнинг қанчадан-қанча маблағлари сарфланди. Ускуна анча аниқ кўрсаткичга эга бўлди, лекин энди унинг оғирлиги 32 кг дан 48 килогача ошиб кетганди.

Гўё шу билан муаммонинг ечими топилгандек эди!

Ушбу усқунани такомиллаштириш билан банд бўлган мутахассислардан бири, самолёт ишлаб чиқариш борасида умуман ҳеч нимага тушунмайдиган бир одамни шу масалада таклиф қилди. У масала ечими атрофида бир икки соат айланди, у ёқдан бу ёққа бориб келди... ва шартта усқунанинг икки юз граммлик тайёр ечимини тавсия қилди.

У атмосфера босимини ўлчайдиган оддий усқунани олиб, унга шкала ва стрелка ўрнатганди холос. Шаклан бесўнақай, мураккаб ва қиммат машина ўрнига бу хаёлпараст ихтирочи енгил, арзон ва ихчамгина усқунани яратишга эришди.

Ҳа, чинакам ихтирочининг мияси мана шундай, ғайриоддий тарзда ишлайди.

Сизнинг бошингиз ҳам мана шунақа ишлаши керак, кадрли китобхон!

Исон учун энг катта хавф бу – тайёр ҳақиқатлардир. Энг қулай йўл – бу истеъмолчининг йўли. «Ўйлаб ҳам ўтирма, эл қатори иш тут». Менинг кадрдонларим, бизнинг вазифамиз тайёр йўриқномаларнинг аллақачонлар пайхон қилинган йўлларида юрмай, теша тегмаган ечимлар, ҳали қўл урилмаган кенгликлар томон боришдан иборатдир.



Фақат мустақил мушоҳада юритиш малакасига эга бўлган инсонгина ўз тақдирини ўзи бошқариши мумкин!

Ҳаётда янги ниманидир бошлаш ҳар доим ҳам оғир, чунки бу қўрқинчли. Болаликда энди юришни бошлаганда, атак-чечак қадам ташлай бошлаш қўрқинчли. Биринчи марта севги изҳор қилиш ҳам қўрқинчли, машинани биринчи марта бошқариш ҳам қўрқинчли. Ўзингии хусусий ишхонангни очиш – эҳ-е қанчалар даҳшат, қанчалар қўрқинчли!

Бизнинг ўзимиз ва муваффақиятларимизнинг ўртасида турувчи битта-ю битта ғов бу – бизнинг қўрқувларимиздир. Бўлмагур хомхаёллар, вос-вослардан халос бўлинг-да, уларни улоктириб юборинг!

Миллиардлаб кишилар бу беъмани вос-восларга тобе ҳолда қашшоқликда ва рўшноликка чиқа олмай яшаб келмоқда! Миллиардлаб инсонлар ўзларини ҳар куни омадсизлик ботқоғига янада чуқурроқ ботиб кетиш учун дастурлашади!

Ҳақиқий, том маънодаги умуминсоний фожеа мана қаерда! Ҳар бир одамнинг миясида, қовоқ бошида!

Хатто муваффақиятли, илғор одамларда ҳам кўпинча у ёки бу кўринишдаги думбулликни кирди-чиқдиликларини кузатаман. Бир гал машғулотларимда иши жуда бароридан келган шогирдларимдан бирига савол бердим:

— Алексей, айтгинг-чи, қачон мен сиз ҳақингизда фахру ифтихор билан: «Мана – менинг иевара шогирдларимдан чиққан биринчи мультимиллионер», – деб айта оламан.

У эса шуидай деб жавоб берди:

— Яна икки йиллардан кейин.

Мана шундай кейин мен унинг калласида яхшилаб тозалаш уюштирдим. Мулойимгина, хафа қилмасдан, яхшиликча дегандай. Биласизми, унинг энг жиддий хатоси нимада эди? У ўзини омадсизлик сари йўналтирибди, омадсизликни мақсад қилиб олган эди. Тушунапсизми? Йўқми?

Айтайлик, сизнинг чўнтагингизда бир доллар бор. Қанча вақт оралигида сиз уни икки долларга айлантirmoқ-чисиз? Бир соат етадими? Пул аслида мутлақо бир хил тезликда кўпаяди? Бир доллардан икки доллар қилиш нимаю, эллик миллиондан юз миллион қилишнинг ҳеч қандай фарқи йўқ!


Агар сизнинг шогирдингиз икки-уч йиллар орасида бир долларни икки доллар қилишга ҳаракат қилмоқчиман, деб айтса, бу сизга қандай таъсир этган бўларди? Сиз тутакиб кетган бўлардингиз ва уни бўғишга тушардингиз, шундайми? Чунки 40 миллионни ҳам, 40 долларни ҳам икки баравар қилиш учун бир хил вақт сарфланади. Муаммони эса бизнинг ўзимиз яратамиз.

Сен миллион доллар топадиган бўлгаингдан кейин, юз минг сен учун зерикарли рақам бўлиб қолади. Лекин гап миллиард доллар ҳақида борса, бу сизда ишончсизлик уйғотади. Миллиард доллар даромад топганингиздан кейин – юз миллион сизда ҳомуза тортиш кайфиятини уйғотади. 500 миллион доллар даромад ишлаб топиш таклифига сиз «Шуям муаммо бўптими?» тарзида қарайсиз.

Ҳақиқат биз муаммони таҳлил қилар эканмиз, жуда қийиндек туюлган нарсалар энди ортга ўгирилганда оддий ва тушунарли эканлигини кўрамиз.

Талабалик синдроми ёдингиздами? Энди ўқишга кирганда, «Эй Худо, биринчи курсни бир амаллаб тугатиб олсам эди, кейин енгилроқ бўларди», – деб ўйлайди одам. Кейин эса: «Энг оғири – бу иккинчи курс, биринчи курс ўйинчок эди!» – дейди. Учинчи курсда «Вой мишиқилар-ей, куйиб пишишга не ҳожат, биринчи, иккинчи курсда ўйнаб-кулиб ўқийсан, мана бизнинг курсга келиб бошинг ўқишдан чиқмай қолади!» – деган фикрга келишади.

Ҳаётда ҳам худди шундай, сиз учинчи курсда ҳали ўқимагансиз ёки 300 млн долларни кўрмагансиз. Сизга бу ҳаёлга ҳам сиғдириш қийин бўлган баландликдек кўринади, қачонки сиз 300 млн доллар эгасига айлансангиз, уч миллион доллар ҳақида фикр юритадиган одамлар – (одатда бундай пуллар сизнинг чўнтагингизда майда-чуйда харажатлар учун ётади), сизга зери-к-а-р-л-и ва ўта ҳасис бўлиб туюлади.



Биздаги барча қувончу кулфатларнинг манбаи азизларим, ўз бошимизда!
Зинҳор осмону фалакда ёхуд коинотда эмас!

Мен ўқиган институтда битта йигит бўларди. Бутун ўқиш даврини у битта умумий дафтар билан тугатган. Дафтарини доим қўлтиғига кистириб юрарди.

Дастлабки икки йил мен уни шу институт ўқитувчиси бўлса керак, деб ўйлагандим. Ҳамма талабалар битта хонада тўрт кишидан яшарди, у эса бир ўзи икки хонани банд этганди. Бу йигит институтга келса, тўғри устозларнинг

Тенгачининг ташрифиси 3

олдига келарди, устозлар ҳам у билан хурсанд ҳолда қўл бериб кўришар, яна йўлакда нималариидир пичирлашиб гаплашиб олишарди. Бу ўта сирли бир шахс институтда бот-бот кўринса-да, лекин дарс машғулотларида ҳеч қачон катнашмасди.

Кейинчалик билишимча, кўпчилик мени ҳам институт ўқитувчиси деб ўйлар экан. Чунки, одатда, тўрт хонали секцияда 12 талаба яшарди, мен эса мана шундай секцияда бир ўзим яшардим. У ердаги хоналардан бири менинг кабинетим эди, бошқаси спортзал, учинчиси ошхона, тўртинчиси – ётоқхонам.

Мен шунақа яшардим, чунки шундай яшашим тўғри деб ҳисоблардим. Мен учун бу меъёрий шароит эди. Бу шароит мен учун меъёрий бўлиб қолгани учун бошқалар ҳам буни тўғри, деб ҳисоблашарди.


Яна ўша дафтарли йигитга қайтамиз. У институтга фақат янги талаба қизлар билан танишиш учун келарди. Унинг фақат иккита мақсади бор эди: лаззатли овқат ва янги машуқалар орттириш.

Институтни тугатгач, у ўзини «СовтрансАвто»га бош муҳандис этиб тайинлади. Бу собик иттифоқ давридаги транспорт компанияси эди. Икки йилдан кейин у шу компаниянинг бош директори бўлди. Бир неча йиллардан кейин вазир ўринбосари, иттифоқ парчаланиб кетганидан кейин эса автотранспорт вазири бўлди.

Шу йиллар мобайнида биз у билан бор-йўғи икки марта учрашдик. Шунда ҳам тасодифан. Ундан: «Қанақа қилиб сени бундай лавозимларга тайинлашади?», – деб сўрадим. У «Тушунмадим? Мени кимдир тайинлаши керакми? Мен ўзимни ўзим тайинлайман!» – деди.

У ўша пайтдаги Россия давлати раҳбари қабулига кирган ва «Сизнинг автотранспорт соҳангиз ёмои ишлаяпти, мен уни яхшироқ ишлайдиган қила оламан», – деган. Раҳбар эса ундан «Ишончингиз комилми?» – деб сўраган.

У хотиржам: «Агар ишончим комил бўлмаганида, ҳозир бу ерда, Сизнинг олдингида турмаган бўлардим!» – деб жавоб берган. Давлат раҳбари унга «Майли, ишларни шу бугуннинг ўзидан қабул қилиб ол, сен автотранспорт вазирисан» – деган. Шундай қилиб бу одам деярли ўзини ўзи лавозимга тайинлади, Ҳукумат раҳбари эса буни тасдиқлади. Тушуняпсизми?



Азизларим, шунинг учун биз ўзимизни ўз ҳаётимизнинг бош директори этиб тайинлашимиз лозим! Бизнесни ҳам ўзимизга-ўзимиз, маошни ҳам ўзимизга-ўзимиз тайинлаймиз, таътилни ҳам ўзимизга-ўзимиз белгилаймиз!

Марҳамат қилиб айтинг-чи азизларим, телевизор ёки музлатгич харид қилганда, техникани қўллаш бўйича унинг йўриқномаси билан танишиб чиқасизми? Ушбу китобдан қандай фойдаланиш борасидаги йўриқнома билан сизни таништириб чиқсам, нима дейсиз?

1. Бу китобни ўқиш: ҳазил-мутойибага мойиллиги бўлмаган одамларга, руҳшунос-психиатр назорати остида бўлган инсонларга, руҳиятига турли даражадаги ташхислар қўйилган ва шу билан бирга тиббий психотроп моддалар қабул қилаётган шахсларга қатъиян тавсия этилмайди. Бу сизга ҳам керак эмас, уни ўқимасангиз, мени кўнглим сиз учун ҳам хотиржам бўлади.

2. Бу китоб ўз олдида якка-ю ягона мақсад қўйган махсус технология асосида ёзилган: ушбу мақсад эса маълумотларни китобхон миясига максимал даражада етказиб беришдан иборатдир.

Тентакнинг тажрибаси 3

Бу китобда учрайдиган барча – беъмани ҳазиллар, уятсиз латифалар, масхара қилишлар, ҳазил-мутойиба, ҳикояларни турли хилдаги ҳиссиётлар бўёғида бериш, хатолар ва тутуриксиз, келишмаган жумлалар – буларнинг ҳаммаси фақат ягона битта мақсадни кўзлайди – у ҳам бўлса, сизнинг эътиборингизни доимий ҳушёрликда ушлаб туришдир. Шунинг учун муаллифдан, яъни каминадан ранжимаслигингизни илтимос қиламан. Ким китобнинг ёзилиш технологияси ҳақида батафсилроқ билишни хоҳласа, уни мазкур китобдан олдинги «Тентакнинг тажрибаси – 2» асаримда атрофлича тушунтириб ўтганман.

3. Рекламали танаффус. Мен яқинда қайсидир рекламани кузата туриб бир нарсани тушуниб қолдим. Илгари, реклама энди-энди телевидениега кириб келган пайтларида реклама ролигини бир-икки кўрсатишнинг ўзи етарли эди ва тўда-тўда одамлар ўзларининг пешона тери билан топган пулларини навбатдаги кўзбўямачининг фирибгарлик идорасига омонатга топшириш учун югуришарди. АО «МММ», «Хопер Инвест» ёки «Властелина» сингари. Йиллар ўтган сари реклама кўпчиликка таъсир этмай қўйди ва бугунги кунда реклама ролиги бир ойдан кўпроқ вақт айлантирилмаса, у томошабин ёки тингловчи эътиборини жалб қила олмайди, эътиборига тушмайдиган бўлиб қолди. Яъни, одам шунчаки бундай маълумотни эслаб қолмайди, агар эслаб қолган тақдирда ҳам уни ишончли маҳсулот сифатида қабул қилмайди. Яна бунинг устига гир атрофда Интернет, турли хилдаги юзлаб каналлари бўлган кабелли тармоқлар, дунёни маълумотлар тўлқини босиб кетди ва одамлар таъсирга кам берилувчан бўлиб қолишди. Мен бу билан нимага шама қиялман?


Бу китобни ўқиётганингизда эътибор берган бўлсангиз, турли жойларда турли сўзлар билан ўхшаш нарсаларни гапириб ўтаман. Илтимос, буни зинҳор қариликнинг аломати деб ўйламанг. Шунчаки, эндиликда китобхонга теран-

рок етказиш учун бир нарсани беш марталаб такрорлашга тўғри келяпти. Айтгандай, агар сиз қадимий матнларни ўқиган бўлсангиз, ўзига хос муҳим фикрлар турли нуқтаи назарлар билан бир неча мартадан такрорланган бўлади. Бу китобхоннинг миясида анчагина ҳажмга эга сурат ҳосил қилади, акс ҳолда инсон бу фикрни эслаб қолмайди ёки тушуниб етмайди.

4. Энг асосийси! Азиз китобхон ўқиётганингизда ҳам, бошқа пайтда ҳам қаддингиз тик бўлсин ва атрофга ҳамиша табассум қилинг!

Мана, биз сиз билан аста-секин китобимизнинг мавзусига яқинлашдик.

Оила – рўзғор дегани, рўзғор эса ғор дейилади. Агар одамлар миқдори нуқтаи назаридан олиб қарайдиган бўлсак, шундай манзара юзага келади: эр, хотин ва беш фарзанд бўлиши керак деб ҳисоблайман. Камида! Бешта бўлса, бу – меъёрида бўлади!



Шундай экан кадрдонларим,
агар оилаиңизда фарзандлар камроқ
бўлса, зудлик билан болаларингизга
ука ёки сингил олиб келишга
киришинг.

Агар битта одам нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, мисол учун эрнинг, оила нима? У қандай таркиблардан иборат?

Биринчиси, бу – албатта, эркак кишининг ўзи. Яхшими ёмонми, раҳмдилми, ёвузми фарқи йўқ, у энди мавжуд.

Иккинчиси бу – унинг рафиқаси билан ўзаро муносабати. Бу муносабатлар қанча яхши бўлса, оила шунча мустаҳкам бўлади.

Тенгизнинг тажрибаси 3

Иккинчиси бу – уларнинг фарзандлари. Ота-она ўз фарзандини тўғри тарбиялаш борасида қанча кўп ҳаракат қилса, уларнинг фарзандлари шунча яхши инсон бўлиб етишади.

Тўртинчиси бу – уларнинг ота-оналари. Фарзандларнинг ўз ота-онаси ҳақида ғамхўрлик қилишлари, уларни қўллаб-қувватлаши мустаҳкам ва аҳил оила белгиси.

Бешинчиси бу – уларнинг уйи. Оила яшаётган жой ҳам оила учун жуда муҳимдир. Бу географик омил соғлиққа ҳам, болаларнинг ривожланишига ҳам, оиладаги руҳий муҳитга ҳам, молиявий фаровонликка ҳам таъсир кўрсатади.

Олтинчиси бу – уларнинг даромади. Нима учун мен ҳар бир китобимда «Ўзингизнинг хусусий ишингизни очинг», деб жаврайман. Куймичингизни оромкурсидан узинг ва олға босинг! Токи ўзингиз ҳам, оилангиз ҳам, бу ҳаётда ҳеч қандай муҳтожлик сезишмасин.

Еттинчиси бу – ривожланиш. Оила қурган ҳар бир инсон ривожланиши, ўз устида шуғулланиши ва ўсиб бориши шарт, акс ҳолда унинг оила аъзолари билаи ўзаро муносабатида муаммолар юзага келади, бизнесида ёки ишида ишқал чиқиб, теварак-атрофида турли хил кўнгилсизликларга дуч келиши муқаррар.

Худди шу сингари эркакнинг ўрнига хотинни ҳам мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Агар биз оилани уй деб фараз қиладиган бўлсак – унда нимани кўраимиз? Эркак – бу истиқомат қилувчи. Коммуникациялар бу – унинг бизнеси. Коммуникация турлари қанча кўп бўлса, уйда яшаш шароити шунча қулай бўлади. Такқосланг, бировинг уйида – газ, чироқ, сув ва канализация бор, бошқа бировникида эса – ўтин, шам, кудук ва ҳовлида ҳожатхона. Қайси уйда яшаш қулайроқ?

Уйнинг мустаҳкамлиги – бу пойдевор. Пойдевор қанча яхши бўлса, уй ҳам шунча бақувват бўлади.

Рафика билан ўзаро муносабатлар – бу интерьер, яъни безаклар. Уй қанчалик саранжом-саришта ва чиройли бўлса, хонадон соҳиблари учун ҳам шунча енгил ва қулай бўлади.

Соҳибнинг ота-оналари – бу уйнинг девор ва томлари. Агар уй эгаси уйнинг томи ва девори хақида ғамхўрлик қилса, ҳар қандай об-ҳавонинг унга қўрқинчли жойи йўқ, уйнинг ичи шинам, қулай ва иссиққина бўлади.

Уйдаги фарзандлар – бу уйнинг боғи ва томорқаси. Агар хўжайин доим ўзининг боғи ва томорқасини меҳр билан парвариш қилиб борса, у ҳолда бу оила дастурхонидан доим ноз-неъмат аримайди.

Хонадон соҳибининг ривожланиши – бу унинг ўз уйини нечоғли парвариш қилишида. Одам қанча ўз уйини парвариш қилиб, яхшилаб борса, бу уйда яшаш унинг учун шунча ёқимли ва роҳатбахш бўлиб бораверади.

Оила ва уй мисолида биз ҳозир дунёни англаб етиш ва идрок қилишни кўриб чиқдик. Зеро, микро олам қонунлари ва макро олам қонунлари – мутлақо универсал қонунлар. Марҳамат қилиб, сиз ҳам ушбу жиҳатларни пухта ўрганинг, фикрланг, ўхшашликларни таққосланг.

Хўш қалай, менинг кадрдонларим, энди Сизларга баралла китобимизга хуш келибсиз! – дейишимиз мумкин деб ўйлайман!

**МЕНИНГ УЙИМ – МЕНИНГ
ҚУВОНЧИМ, ТЕТИКЛИГИМ
ВА ЯНА МИНГ БИР
РОҲАТ-ФАРОҒАТИМ**

▶ *Нима учун кўп қаватли уйда
яшаш ўзини бозорга солиш билан
баробар?*

▶ *Нима сабабдан кўп қаватли
уйларда, товуқхонанинг
«ён томондагини чўқила,
пастдагини тепкила», –
деган асосий шиори ҳукмрон?*

▶ *Одамлар ўз уй-жойларига
қанчалик таъсир этади, уй-
жойлар эса одамларга қандай
таъсир кўрсатади?*


▶ *Бу борадаги барча
муаммоларни қай тарзда ҳал
қилиш керак?*

1945
Magyarország
Művelődési



Magyarország Művelődési

Magyarország Művelődési



Magyarország Művelődési

Magyarország Művelődési

Magyarország Művelődési

Magyarország Művelődési

Magyarország Művelődési



К

аҳвахонада иккита малласоч хоним жимгина чой ичаётган экан. Бири иккинчисидан сўрабди:

- *Нималар ҳақида ўйлаяпсан?*
- *Мен орзу қиляпман.*
- *Нималар ҳақида орзу қиляпсан?*
- *Олдимга сеҳргар учиб келиб, менга ярим миллион доллар совга келтиришини.*
- *Нега энди ярим миллион? Бир миллион олиб келаверса бўлмайдимми?*
- *Бир миллионни совга тарзида олиш – хомхаёлга ўхшайди-да.*

Келинг, биргаликда орзу қиламиз, ўз кўрғонингизни қаерда ва қандай қилиб қуришни бошлайсиз?..

Якка ўзингиз, мағрур, худди бургут янглиг тоғлар чўққисидами ёки одамлар ёнидами? Нима бўлган тақдирда ҳам биз сизлар билан ижтимоий жониворлармиз, шунинг учун ҳам ўзимизга ўхшаган шўринг қурғурлар томонга интилиш кучли.

Айтинг-чи, ўз уй-жойимизни қаерга жойлаштирган маъқул, шаҳардами, қишлоқдами, коттежли посёлкадами?

Агар сиз қишлоқ жойида уй-жой қилиш ҳақида ўйлаётган бўлсангиз – бу ажойиб! Яхши танлов!.. Лекин мен сизни бу фикрдан қайтаришга уриниб кўраман...

Қишлоқдаги кулбалар орасида сиз ўзингизнинг ҳали тасаввурингиздаги ҳашаматли ажойиб уйингизни қурдингиз. Бу сизнинг атрофингиздаги, ота-боболаридан қолган, тўкилай деб турган уй-жойларда яшаётган кўни-қўшнларда қандай ҳис-туйғуларни уйғотиши мумки?

Менинг бир танишим бор – бошқа давлат пойтахтининг собиқ яшовчиси. Кунлардан бир кун у одам ўзининг тарихий ватанига қайтиб кетишга қарор қилди:

– Катта шаҳарда яшаганим етар? Катта шаҳарлардан кўнглим беҳузур бўлиб кетди. Қишлоқда яшагим келяпти! – деди у.

Кейин иккаламизнинг ўртамизда қуйидаги мазмунда узоқ суҳбат бўлиб ўтди:

– Сенинг хаёлингдаги қишлоқ билан ҳақиқий қишлоқ – худди ҳолва билан сузма сингари бир-биридан фарқ қилади. Сен оқкўнгил ва ростгўй одамлар ҳақидаги эртак фильмларни роса томоша қилибсан. Агар қишлоққа бориб яшашни хоҳласанг, у ҳолда энди-энди қурилаётган қишлоққа бор ва у ердагиларнинг барчаси худди сен сингари келгинди бўлсин. Мана шунда сен ўзингни жуда қулай ҳис қиласан. Чунки у ерда ҳамма худди сен сингари барчасини нолдан бошлайди.

Марҳамат қилиб айтинг-чи, ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нима учун Россия билан таққослаганда Канадада ёки Америкада миллатчилик кайфияти кам кузатилади? Чунки у ерларда скинхед бўлиш жуда мушкул. Чунки у ердагиларнинг деярли ҳаммаси маҳаллий туб аҳоли эмас!

Фақат битта жойга боғланиб қолиш, инсон феъл-атворида ўз изини қолдиради. Мана шу каби қишлоқлардаги аҳолининг жуда кўпчилигининг фикр юритишлари ибтидоий табиийликка қайтган.

Ва бу уларнинг хулқида, хатти-ҳаракатларида ва гал сўзларида акс этади. Уларнинг ҳаммасида, кўча супурувчидан тортиб то катта лавозимдаги кишиларигача бу хос.

Оғайним менга: «Мен ахир русман-ку» деб жавоб берди:

– Русмисан ёки ирландияликмисан, бунинг нима алоқаси бор? Гап ҳозир бу ҳақда эмас-ку!

Ҳар бир миллатда ҳам ўзига хос зотга мансуб бўлган вакиллари мавжуд, улар ҳайвонийлик ва одамийлик дунёси оралиғида турадилар.

Уларнинг интеллект даражаси, фикр юритиш жараёни, қизиқишлари ва хатти-ҳаракатлари, ҳайвонийлик инстинкти уйготган талаб ва хоҳишлар асосида юзага келади.

Ҳар бир аҳоли истиқомат қиладиган жойларда ҳам вақти-вақти билан туғилиб турадиган Иван Сусанинлар ўз юртларидан хаёлий Семург Қушни излаб, ноъмаълум томонларга қараб кетиб, кетиб, кетиб қолишади... ва аста-секин табиий саралаш, танланиш юз беради.

Асрлар давомида фақат битта жойда қолиб, яшаб келаётган одамларнинг феъл-атворида ҳеч қандай романтикага ўрин бўлмайди.

Улар ҳеч қачон сени тушунишмайди ва қабул қила олмайдилар!

Сен улар учун бегонасан. Лимита! Эмигрант! Уйсиз! Дайди! Сайёқ! Келгинди! Бошларига битган бало.. Сен улар учун доим муаммолар сабабчиси бўлиб қолаверасан!

Уларнинг кўпчилиги учун момосининг даврида ўша диван ортидаги деворда илиниб турган гилам, невараларига ҳам айнан шу девордаги ҳолича узатилиши керак! Улар кариндошлар бўла туриб, бу гилам учун иккита ўзаро душман гуруҳга бўлиниб кетишга ва бу мерос учун ҳаётларининг охиригача курашишга тайёр!

Болалигида деразасининг олдида ўсган дарахт, айнан ўша жойда қолиши керак, чиқиндилар уюми ҳам кўнгил хотиржамлиги учун аввалги жойида сақланиб қолсин. Ҳар бир бутадан ажралиш, улар учун охирзамон билан тенг, айниқса, ўша бута ўрнида янги нимадир пайдо бўлса.

Бир нарсани тушуниб олишингни хоҳлардим – бу одамлар на яхши, на ёмон. Улар шунчаки, қандай бўлса шундай, холос. Улар билан янги нимадир яратиш – ўз жонингга қасд қилиш билан баробар.

Агар сен романтик бўлсанг – ўзинг сингари романтиклар яшайдиган посёлкаларни изла, иложи бориचा биринчи иккинчи авлод вакиллари истиқомат қиладиган жойлар бўлсин. Бундай жойлар одатда йўқ ердан бунёд бўлган шаҳарчалардан иборатдир.

Бутун суҳбатимиз мазмуни шу мавзу атрофида бўлди. Ҳўш кейин-чи? Ҳаммаси беҳуда бўлиб чиқди!

У кетди ва шавкатли губернияларнинг бирида минг йиллик уездни топиб, ўша ердан икки юз йиллик тарихга эга бўлган, ташландиқ уй-жойни сотиб олди. Жуда хурсанд бўлиб қайтиб келди ва ўз орзусини амалга ошира бошлади.

Бор-будини сотди. Ҳатто қарзга ҳам ботиб қолди. Чунки бу бинони охиригача қуриб битказиши керак эди-да. У харид қилган ерда уй деган номдан фақат қуруқ девор ва дераза ўрнидаги тешиклар бор, холос. На томи, на поли бор. Қурди, қурди... Ҳеч тиним билмади. Бир гал бир ой муддатга иш билан қаергадир жўнаб кетди.

Қайтганида қурилиш ускунасининг ғойиб бўлганини кўрди. Албатта хафа бўлди, лекин кимнинг бошига бунақа ташвиш тушмаган – шанба куни яна шундай ускунани харид қилиш учун шаҳарга отланди.

Душанба куни қайтиб келса... яқиндагина ўрнатилган янги эшик ва деразалар йўқ бўлиб қолибди. Қўпниларига ичкиликка етмай қолган эмиш...

Янги уйда эшик деразаларсиз яшаш унга анча ноқулай бўлиб туюлди. Аксига олиб, бу пайтга келиб унинг молиявий шароити ҳам жуда аянчли аҳволга келиб қолганди. У пул ишлаб топиш учун хизмат сафарига жўнаб кетар экан, ўзининг меҳрибон қўшниларидадан бирига уйга қараб туришини илтимос қилди...


Тентакнинг тажрибаси 3

Қайтиб келса... Поллари йўк! Кўчириб кетишибди. Шифтларини ҳам, кўчириб ташиб кетишибди! Улар йўк! Ҳайхотдек икки қаватли уйнинг фақат деворлари билан томи қолган, холос.

Охири ноилож уйини сотувга қўйди...

Харидорлар билан келганида эса уйнинг ҳатто томини ҳам кўчириб кетишган эди. Уй сотиб олинганида қандай аҳволда бўлса, яна шу аҳволга тушган эди. Оқибатда, менинг танишим бор сармоясидан маҳрум бўлди. Эвазига эса одамларга бўлган ишончсизлик, қишлоқ ҳаётига бўлган нафрат ва яна бошқа турли салбий бошоғриқларга эга бўлди.

Мана сизга ҳаётдан олинган реал воқеа. Марҳамат қилиб, фикр юритинг, хулоса чиқаринг. Қарор қабул қилиш сиздан қадрли китобхон, якуний хулоса чиқариш эса мендан.



Ҳеч қачон маҳаллий аҳолиси аллақачон ўрнашиб, моғорлаб, илдиз отишга улгурган жойга кўчиб борманг. Акс ҳолда, сизда бор-йўғи икки йўл қолади, холос: ё бу ёввойилар учун душман, бегона сифатида қолиб, улар яшайдиган ҳолатни барча оқибатлари билан қабул қилиш ёки улар сингари эски тўнкага айланиб бориш!

Уй – бу сизнинг лойиҳангизнинг фақат бир қисми, холос. Энг асосийси – қўшнилар! Уларни сотиб олиб бўлмайди, таг-туғи билаи кўпориб ташлашнинг иложи йўк ва албатта чикитга ҳам ташлаб бўлмайди.

Бу борада сиз яхшилаб ўйлаб кўришингиз керак, қандай инсонлар сиз учун қизиғу, қандайлари қизиқ эмас. Кимлар

билан мулоқотда бўлиш сизни асабийлаштиради, жирканишингизга сабаб бўлади, чарчатади?

Ўйлаб ўтиришни хохламайсизми? Керак эмас! Тўғри-сиям, шунча вақтингизни кетказиб нима қиласиз? Шартта Беверли Хиллздан уй оламиз-қўямиз! Ёки ер юзидаги энг обрўли жой деб ҳисобланадиган теваарак-атрофингиздаги жойлардан бирини харид қиламиз. Тамом-вассалом!

Уйингиз атрофида бир талай қўриқчилар итлар билан қоровуллик қилиб юришади. Деразадан ажойиб романтик манзара намоён – соқчининг кузатув минораси оромингизни қўриқлайди – сизни ҳеч ким эмаслардан, лекин азбаройи ғазаб ва ҳасаддан, иложи борича дарҳол ва ўзгалар ҳисоби-га бойишни истаётганлардан ҳимоя қилади. Ҳаёт эмас, нақд мурабболи музқаймоқнинг ўзгинаси.

Сизнинг фарзандларингиз ҳар куни кўчадан кайфияти тушкун аҳволда қайтиб келади, чунки қўшниларнинг боласи «Порше»да юрибди, у эса бор-йўғи бўлмағур «Феррари»да. Бу ҳам етмагандек, эски вертолёт ҳам аллақачон жонга тегди.

Сизга ҳар куни қуйидагича таънали гапларни эшитиш ёқармиди: Мана ўнг томонда яшайдиган қўшнимизнинг кизи ҳозир кўчада бешта тансоқчиси билан сайр қиляпти. Менинг эса бор-йўғи учтагина тансоқчим бор!!

Хоҳлайсизми, хохламайсизми, лекин атроф-муҳит барибир одамларни ўз қолипига мослаб ясайверади-ясайверади, охир-окибат, бу сизнинг фарзандингизга ҳам ўз таъсирини ўтказади.

Бундай муҳитда яшовчи аксарият болалар ҳақиқий ҳаётдан мутлақо узилган ҳолатда яшайдилар. Бундай фарзандларнинг изидан гиёҳванд моддалар савдогарлари, бошқа савдогарлар ва турли тасаввур қилиш ҳам мумкин бўлмаган текинхўрлар ҳақиқий ов уюштирадилар... Унақалар тикилиб ётибди! Улар дилбандингиз орқали сизнинг юрагингизни овлаб олишлари мумкин – улар сизнинг ҳаётингизни кемириб йўқ қилишлари тайин.



Қаерда яшашингиз мумкин – яхшилаб ўйлаб кўринг. Сўнгра яна бир марта чуқур ўйланиб кўринг. Шундан сўнг яна бир маротаба ўйлаб кўришингиз ҳам ортиқчалик қилмайди.

Демак, кўшнилар қандай бўлиши керак? Бу масалани батафсилроқ таҳлил қилиб чиқамиз. Чунки қозонга яқин юрсанг...

Сизнинг камтарин қулингизнинг тугалланган тадқиқот-ларидан бири руҳий касаллар шифохонасига алоқадор, яъни оддий тил билан айтсак «жиннихона»га дахлдор.

Москвадаги, Петр Романов кўчасидаги тахминан тўрт ёки беш қаватли уйнинг биринчи қаватида – руҳий хасталар касалхонаси бор. Юқори қаватларида эса аҳоли яшайдиган уй-жойлар.

Мен бу микрорайондаги аҳолининг соғлиги билан қизиқдим ва тасодифан квартал милиционери билан гаплашиб қолдим. Унинг гапидан аниқ бўлдики, шу уйда истиқомат қилувчиларнинг аксарияти – руҳий беморлар касалхонасида даволаишиар экан... Ҳайратланарли тасодиф, уларнинг омади келганини қаранг, даво учун узокқа бориб юришнинг ҳам кераги йўқ.

Азиз китобхон, сизга бу ерда қандайдир қонуният бор-дек туюлмаётими? Эътиборингиз учун, шаҳардаги жуда кўпчилик руҳий хасталар касалхонаси аҳоли истиқомат қиладиган кўп қаватли уйларнинг биринчи қаватида жойлашган. Хўш, сиз нима деб ўйлайсиз? Менимча, бундай жойларни қандайдир хавфли ҳудудлар сирасига киритиш керак!

Руҳий хасталар касалхонаси атрофида 300–400 метр радиусда яшовчи аҳолининг ушбу шифохонага тушиш

хавфи меъёрдагидан 40 маротаба кўпроқ бўлар экан! Бу факт, ундан кўз юмиб, эътиборсизлик ила ўтиб кетиш жуда кўркинчли эмасми?

Энди рухий хасталар ҳақидаги мавзуни ҳозирча кўя турамизда, сон-саноксиз аҳоли истиқомат қиладиган жойга қараймиз... яъни нисбатан соғломлар яшайдиган жойга. Яъни айтмоқчиманки, гафлат босганлар ҳудудига эътибор қарагамиз.

Эҳтимол бу Квинсдир, балки Гарлемдир ёки сизнинг жоннажон шахрингизда тиришқоқлик ва улкан қатъият билан давлатнинг текин квартирасига эришганлар яшаётган микрорайондир.

Булар энди ажойиб одамлар! Уларнинг орасида беъмани ва туссиз ҳаётнинг бутун моҳиятини англаш учун, нафратни, хўрликни ва бошқа, бошқа нарсаларнинг таъмини татиб кўриш учун яшайверасан, яшайверасан... Бу ерда одатда «товуқхона қоидаси» ҳукмронлик қилади: яъни «Ёндагини чўкила, пастдагини тепкила!» Ҳа, бу ғаройиб қоида билан ким ҳам дуч келмаган?

Марҳамат қилиб айтинг-чи, агар ёнингизда кимдир доим: «Одамлар ундок, одамлар бундок, эрим аблах, соғлигим ёмон, ўляпман, ишхонадаги бошлиқларнинг ҳаммаси аблах...» деб нолийверса, бироздан кейин қай аҳволга тушасиз? Дастлаб бу асабингизга тегади, фикримга кўшиласизми?

Бироз вақт ўтиб эса, ишонтириб айтаманки, сизда бу шўрпешона билан суҳбатга умумий мавзу топилади! Яна бироздан кейин сизнинг ўзингиз ҳам худди шундай омадсизга айланасиз, қоласиз ва бу гаплар илгари сизнинг асабингизга текканлиги, ғашингизни келтиргани ҳақида унутиб ҳам юборасиз.

Чунки биз бу ҳақда ҳали тўхталамиз, ҳар қандай ҳис-туйгулар ўздан муайян фон таратади, ўзгаларнинг миясига таъсир қила бошлайдиган фон. Ушбу фон ҳозирги ҳолатда – Сизнинг миянгизга таъсир этмоқда!

Тентакнинг тажрибаси 3

Марҳамат қилиб, ҳозирнинг ўзида телевизорингизни ёқинг. Узатувчи ва қабул қилиб олувчи антенна орасида қандайдир масофа бор, тўғрими? Баъзан бу масофа ҳаддан зиёд катта бўлади.

Сиз минбарда нутқ сўзлаётган депутатни ўз кўзингиз билан кўрмаяпсиз, лекин уйингизда телевизор бор ва сиз бу одамни экран орқали кузата оласиз...

Ёки ҳозирнинг ўзида Ля-Ля-ФМ тўлқинини тутинг... керакли тўлқинга сошлашга киришинг – бу ерда мусиқа, бу ерда ҳам мусиқа, бу ерда эса ўша телевизордаги депутат... Лекин биз қаерда-ю, у қаерда?

Сиз билан бизлардан бир пайтиинг ўзида сои-саноксиз радио тўлқинлар ўтиб туради. Бу ҳолат доимий равишда рўй беради! Бу худди доим гувиллаб турадиган асалари уяси кабидир!

Сизнинг кўшнилариингиз ҳам худди шундай. Сизниинг устингизда, сизнинг остингизда, икки томонингизда кўплаб одамлар истиқомат қилишади. Сиз ҳам улардан бирисиз. Энди тасаввур қилинг, ана шу оломоннинг ҳаммаси ўзининг ички ҳолатини атрофга таратади... Меҳр-муҳаббат ҳолати, бахт, қувонч, нафрат, қайғу, ғам, ҳасад...



Шундай қонуният бор: ҳар қандай гуруҳдагилар ҳеч қачон ўзларининг энг ожиз вакилларииндан қучли бўла олмайди.

Сиз хоҳлаганча бахтли, иши бароридан келган ва соғлом бўлишингиз мумкин, лекин кўпқаватли уйингизда истиқомат қилаётган юзлаб одамларга қарши туриб бериш сиз учун жуда қийин бўлади. Бунинг деярли иложи йўқ!

Агар битта мия ва иккинчи мия орасидаги масофа бор-йўғи бир неча қадам бўлса, улар орасида нима рўй беради, менинг ақллимиз? Ҳа балли, резонанс содир бўлади!

Йилига 365 кун сиз ўзингизнинг евротамирдан чиққан квартирангизда ухлаганга ётасиз, девор ортида эса икки метр нарида, бошингиздан сал нарироқда, бошқа бир одам жавобсиз муҳаббатдан азоб чекапти... ёки аксинча, бутун тун мобайнида, қандай қилиб «севимли» бувижонисидан кутулиш ҳақида режа тузди!

Нақд сизнинг устингизда... юқори қаватда... ёки пастки қаватда... ёки ён томонингизда қандайдир физку фасод, маст-аластларнинг ўзаро жанжал ёки доимий можаролари, ҳар хил касалликлар ёки ўлим талвасасидаги алаҳсирашлар... Қардадир яқин атрофда, биринчи қаватда рухий хасталар шифохонаси. Сизда улар билан резонансга киришиш иштиёқи борми?



Ожиз, хаста ва бахтсиз кимсалар билан резонансда бўлгандан кўра, ҳар доим кучли, соғлом ва иши бароридан келган инсонлар билан резонансда бўлган маъқул эмасми?!

Кўни-қўшниларни танлашдан олдин яхшилаб ўйлаб кўринг, ўзингиз ёки фарзандларингизнинг шундай шароитда яшашларини хоҳлармидингиз?

Улар сизнинг мана шу кўшнингизга ўхшаб қолишидан кўрқмайсизми?

Фарзандларингиз кўча-кўйда ушбу кимсаларнинг фарзандлари билан мулоқотда бўлиб, улар таъсирида ақллари пешланишидан кўрқмайсизми? Зотдор кўча лайчасига айланиш учун ўзаро нуқтаи назарлари, кадриятлари, муно-

Тештакнинг тажрибаси 3

сабатлари билан алмаша бошлайдилар. Ана шундан кейин атрофдаги қўни-қўшнилар каби катта ҳаётга қадам ташлар экан, ўзи учун ишлаш ўрнига, бегона амакининг қўлига ёлланма ишга жойлашади.

Ўйлаб кўринг! Ўз кўрғонингиз учун жой танлашдан олдин етти бора эмас, балки етмиш маротаба ўйлаб кўринг.

Демак, фаҳмлаб етганингиздек, сизни биринчи навбатда кўп қаватли уйда яшашдан айнитмоқчиман. Ўзингизни хар турли нохуш қўни-қўшничиликдан сақланг. Шундай қилингики, яқин кўшнингизнинг уйигача бўлган масофа камида юз метр бўлсин, агар ундан кўпроқ бўлса, янада яхши!

Келинг, энди биз сиз билан катта шаҳар кўчаларига отланамиз. Қаёққа қараманг, атроф-олам бизга ўзимизни қандай туғишимиз кераклиги ҳақида эслатиб туради. Гир атрофда. Йўл қондаси кўрсаткичи – светофордан бошлаб, то модагача. Тўғрига борадиган йўл турганда, сиз қарама-қарши томонга юриб кўринг-чи. Ҳамма сизга бакрайиб қарайди, бош чайқайди, пешонасининг чаккасига бармоғини бураб кўрсатади, ҳатто сўкиб бериши ҳам мумкин. Бундан ташқари, қилган хатти-қаракатларингиз хавфсиз ҳам эмас.

Шаҳарда бизнинг олдимизда ҳамиша Жамият деб аталмиш катта кўча туради. Ва биз бу кўчани ўзимизнинг қонунимиз бўйича босиб ўтишимиз керак. Бу ўта мушкул бўлса ҳам, бу оқимга сингиб кетмаслик учун, биз ўз қондамызга биноян ҳаракатланишимиз керак. Бу иш ҳам кўрқинчли, ҳам хавфлидир!

Сиз агар ўзингизга ўлим ҳукмини чиқарган бўлсангиз ва сулолангизни яқин бир неча авлодларга тўхтатиб қўйишни истасангиз, у ҳолда сизга атрофда саноксиз кўп қаватли уйларда, бир-бирига бефарқ ва лоқайд одамларга лиқ тўла катта шаҳарларда яшашни тавсия қиламан.

Бу ерда ҳожатхона – ошхона билан ёнма-ён. Нонушта қилдинг ва... узоққа боришга ҳам ҳожат йўқ. Супермаркет пастда. Мактаб йўлнинг нариги бетида. Кўнгилочар жойлар кўшни бинонинг ортида. Гаштингни суриб яшайверасан!

Умрингнинг охиригача кўшни кварталга ўтишга ҳам ҳожат йўқ. Чунки, у жойлар сизнинг қаватингиздан ҳам кўришиб турибди-да. Агар ниманидир жуда хоҳласанг, битта кўнғирокнинг ўзи кифоя – шу заҳоти уйингга олиб келишади.

Меҳмонга боришга ҳам ҳожат йўқ. Айниқса, ота-онанинг: бу кимга ҳам керак? Улардан нимаям ундирардинг? Берай десанг, ўзингга етмайпти...

Камина кулигиз ҳаётий тажрибалар асосида шунга амин бўлдимки, шаҳарлар худди саратон ўсимталари сингари безарар ўсимталар ва хавфли ўсимталар сирасига бўлинар экан. Безарарлари унча катта бўлмаган ҳажмгача ўсиб боради ва шундайлигича қолади, атрофдагилар эътиборини тортмайди, бошқа тўқималарни емирмайди.

Лекин хавфли ўсимталар тобора катталашиб боради, метастаза бера бошлайди, атрофида кўшимча «шаҳар чеккаси» ва «микрорайонлар» ҳосил қила бошлайди ва соғлом тўқималарни ҳам емириб боради. Бу шаҳар атрофидаги шаҳарчаларда ўзининг маданияти, ўзининг негизи, ўзининг қонун-қоидалари яратилали. Шаҳардан нима ортиб қолса, улар саркит кўринишида бошқаларга тегади. Мегаполислар мана шу тариқа пайдо бўлади.

Лекин ўсимта қандай бўлишидан қатъи назар – хавфлими ёки хавфсизми, жарроҳ уни кесиб, олиб ташлайди. Чунки у барибир касаллик ҳисобланади. Мегаполисларнинг ва саратон ўсимтасининг ўхшаш жиҳатларидан энг асосийси – уларнинг иккаласи ҳам охир-оқибат Ҳаётни барибир йўқ қилади.

Сайёрамизнинг исталган шаҳарини олинг ва уни ўтиб бўлмас тўсик ёки девор билан ўраб чиқинг. Агар биз сиз билан ўша деворлар орқали шаҳарга дунёнинг барча ноз-неъматларидан етказиб турсак ҳам, бир неча авлоддан кейин шаҳар барибир таназулга юз тутати. У ерда тирик жоннинг ўзи қолмайди! Нима учун?

Тенгизнинг тажрибаси 3

Чунки, ҳар қандай мегаполисининг энг асосий белгиси шаҳарнинг одамлари ўзини-ўзи тўлдирмаслигидадир. Дейлик, шаҳар гўё ўсаётгандек туюлади, аслида эса бу бор-йўғи иллюзия – рўёдан иборат. Бирорта шаҳар ҳеч қачон популяциянинг ўсиш кўрсаткичини бермайди. У фақат инсонларнинг қалбини истеъмол қилади, сизнинг ҳаётингизни шимиб олади, сулолангизни таг-туғи билан йўқ қилади. Охирги авлодингизгача!

Улкан шаҳарлардаги оилаларда фақат битта фарзанд бўлиши ёки умуман бўлмаслиги – бу меъёр. Мегаполисда истиқомат қилувчилар ўзларининг наслларини тўрттагача камайтиришади, сўнгра уч, ундан кейин икки кишигача, сўнгра биттагача... ёки бутунлай йўқ бўлиб кетишгача!

Учинчи авлоддаги шаҳар оиласи учун одатда иккита катта одамга битта фарзанд тўғри келади. Кимларникидадир эса икки катта ёшдаги одамга – битта кучукча. Қалай, кадрли китобхон, бу сизларга ҳам таниш вазиятми?

Чунки шаҳардек жойда фарзандли бўлиш – бу анча урфдан қолган ҳолат! Мегаполисларда фарзанд ўстириш – ортикча тапвиш! Тош чангалзорларда фарзанд тарбиялашга вақт йўқ!



Мегаполисларда цивилизация чангалзорининг қонуни ҳукмронлик қилади – жон сақлаш қонуни. Қаерда жон сақлаш қонуни ҳукм сурса, ўша ерда романтикага, қалбга, маънавий кадриятларга ўрин қолмайди.

Аниқроғи, бу нарсалар учун вақт қолмайди! Чунки инсон доимий равишда жон сақлаши, жон сақлаши, жон сақлаши керак, у доим нимадир қилиши, нимадир бажариши керак...

Халок бўлмаслик учун у муайян ахборот ёки билимни қабул қилиб олиши, ўзлаштириши ва бу билимларни, малакаларини ишга солиши, фойдаланиши керак. Бошқа ҳеч нимага унинг вақти қолмайди!

Ана шунда азизларим, атроф-олам нима ҳосил қила бошлайди! Ҳеч қанақа тўсиқлар эмас-да! Ирмоқча, қадрдонлар, ҳа, ҳа... Ирмоқча ҳосил бўлади, бу ирмоқчадан инсонларнинг ҳаёти оқаваларга оқиб кетаверади...

Мегаполис – инсоният кушхонаси, ўзига хос гўшт комбинати. Янада ваҳимали қилиб айтсак, улкан қабристон.

Ўлим айнан одамларнинг онгида, уларнинг қадриятларида, хатти-ҳаракатларида шаҳар маданияти кўринишида юзага келади.

Бизларнинг ҳаммамиз ҳам худди шу шаҳар маданиятининг вакилларимиз. Бу маданият жуда кўп нарса беради. Шаҳар маданияти одам учун ўта даражада қулай. Лекин ҳар гал биз нимагадир эга бўлганимизда, қаердадир, ниманидир албатта йўқотамиз!

Нега у ҳолда одамлар мудом шаҳарга интиладилар? Нега деганда, у ерда яшаш қулай. Печка ёқаман, деб ўйлашнинг кераги йўқ, нон ёпаман, ҳовли супураман, деб юришнинг кераги йўқ. Қулайлик учун эса пул тўлаш керак... энг юқори даражадаги фароғат учун. Аслида қулайлик оргидан кувадиган одамлар кайфу сафога ўч феъл-атворга эга бўлади... Табиат эса шундай айёр хусусиятга эгаки, у жуда осонлик билан бундай мавжудотлардан халос бўлади. Мен буларнинг барини ўзимда синаб кўрганман – ўзим ҳам шаҳарда туғилганман ва аксарият умрим шаҳарда кечади.

Қамоқхонани текишириш учун нозир келди. Дарвозалар ланг очик, қамоқхона камералари очик, итлар – йўқ, қоролулар – йўқ!! Аммо қамоқдаги маҳбуслардан бирортаси қочиб кетмаган, ҳаммаси жой-жойида.

Нозирлар бошлиги қамоқхона бошлигидан сўради:

Тенганинг тартибаси 3

– Нима қилдинглар, қоровуллар йўқ, лекин ҳеч ким қочиб кетмаган, ҳамма маҳбус ўз жойида?

– Қамоқхона камераларига интернет ўрнатдик, – дея жавоб берди турма боилиги.

Шаҳар гўё жаллод каби, ўзининг ўлимга маҳкумларини катл этишдан олдин, уларга ҳамма нарсани таклиф қилади, ҳамма нарсани бажаришга ваъда беради! Лекин кейин ҳукм конуний кучга киради ва муқаррар ижро этилади.

Минг йиллар давомида шаклланган анъаналарга қаерда амал қилинмайди? Шаҳарда! Қариялар уйи қаерда мавжуд? Шаҳарда! Фарзанд кўришни хоҳламаслик қаерда кенг тарқалган? Шаҳарда... Хўш, нима учун?

Шаҳарлик инсон ўз ҳаётини тартибга солиш борасида бош қотиришни хоҳламайди! Биринчидан, бу қулай эмас. Иккинчидан, унинг вақти йўқ! У ахир эрталабдан кечгача ўзининг ишлари билан банд-ку! Ва шаҳарлик ҳар доим қаерда вақтини тежашга уринади? Оиласида!!! Катталарга эътибор қаратишда вақтини тежасани сингари, кичкинтойлар учун ҳам вақт қолдирмайди.

Соддалашиш-соддалашиш-соддалашиш юз беради... токи миллий анъаналар буткул йўқ бўлиб кетгунга қадар... токи миллий маданиятдан буткул ном-нишон қолмагунга қадар, токи унинг изи ҳам қолмагунга қадар.

Муносабатлар шакли, ўзига хос маданий, маънавий кадриятлар туфайли инсонлар ўз миллатининг вакиллариغا айланишди, шулар ҳисобига уларнинг сулоласи пайдо бўлди ва жон сақлаб қола олди... ва энди бу кадриятлар катта шаҳар таъсирида босим остида қолади. Шу ўринда бир латифа:

Дўзахдаги сайёҳатчиларга гуноҳкорларни, зўрлик қилганларни, қотилларни турли хил жазога тортилишларини кўрсатишмоқда. Бир пайт сайёҳлар чўян қозонда лаҳча чўғ бўлиб қайнаётган қатронни ва унда кўринишидан зиёли бир одамнинг хотиржам, шошилмасдан сузиб юрганини кўриб қолишди.

Ҳайрон қолган сайёҳлар унга савол билан мурожаат қилишди:

- Сиз кимсиз?
- Москва шаҳрида яшаган фуқароларданман.
- Нима сабабдан дўзахга тушиб қолдингиз?
- Э, нима деярсиз, Москванинг олдиди шунча дўзах эканми?

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нима сабабдан бир миллиондан ортиқ аҳолиси бўлган шаҳарлардан буюк инсонлар жуда камдан-кам ҳолларда етишиб чиқади?

Биз агар қайсидир давлатнинг муваффақиятли инсонларининг умумий ҳисобини оладиган бўлсак: бадавлат, зиёли ижодкорлар, олимлар, уларнинг 90 % йирик ва ўртача шаҳарларда истиқомат қиладилар. Уларнинг 10 %, табиийки, унчалик катта бўлмаган аҳоли масканларида истиқомат қилишади.

Лекин агар биз жамиятнинг бу атоқли намоёндаларининг асли келиб чиқиши қаердан эканини кузатадиган бўлсак, у ҳолда, уларнинг бор-йўғи 3 % йирик ва ўртача шаҳардан чиққани маълум бўлади. Яъни уларнинг 87 % пойтахтга четдан келган. Уларнинг 10% эса ўз ватанида қолган. Статистикага диққат қилинг – 97 % бошқаларга ўхшамаган, ўзгача истеъдод соҳиблари чекка-чекка ҳудудлардан чиққан!

Гёте айтганидек – «Даҳолар кишлокда туғиладилар... Парижда вафот этадилар».

Шаҳарнинг ўртача ҳисобдаги учинчи авлод аҳолиси – бу чиройли гапира оладиган, чиройли ташқи кўриниш касб этишни қойиллатадиган, санчки билан қошиқдан тўғри фойдалана оладиган... Лекин, афсуски, шахс сифатида ўлган кишилардир!

Қолаверса, мегаполислар инсон хатти-ҳаракатида бетайинлик ва беандишалликни ҳосил қилади. Чунки бу ерда сиз қаердадир паст кетсангиз ҳам, нимададир майдакашлик қилсангиз ҳам, қаердадир кўполликка йўл қўйсангиз ҳам бу салбий жиҳатлар оломон орасида унча сезилмайди.

Энди сиз ҳеч қачон ўз хатти-ҳаракатингизнинг қандай эканлигини, унинг муҳокама кўринишидаги акс таъсирига эга бўлмайсиз. Мана шу нарса вақти-соати келиб ўзига хос маданиятни шакллантиради – бу маданият сурбетларча... ҳақоратли... шаҳарчага кўриниш касб этади.

Агар сиз унча катта бўлмаган қишлоқда яшасангиз, дейлик 300–400 хўжалиги бор посёлкада, бундай хатти-ҳаракатга йўл кўйилмайди. Сабаби, сиз бундай жойда ҳар бир одам билан албатта яна учрашиб қоласиз, ҳатто бир дастурхон атрофида ҳам бўлишга тўғри келиб қолади... Ва ўзингизнинг хатти-ҳаракатингиз учун мулзам тортиб қолишингиз ҳеч гапмас... Шу сабабли ҳам сиз ўзингизнинг салбий жиҳатларингизни ташқарига чиқармасликка ҳаракат қиласиз.

Натижада, бошқа менталитет, бошқа маданият шаклланиди, ҳудуд жиҳатидан унча катта бўлмаган бир масканда яшайсиз, лекин виждонли инсонларнинг ёқимли маданияти устувор бу ерда.

Нима деб ўйлайсиз, хаос, яъни тартибсизлик қаерда кўпроқ – шаҳардами ёки қишлоқдами? Қоидалар қаерда кўпроқ – шаҳардами ёки қишлоқдами? Шаҳардаги керак-нокерак қоидаларнинг сон-саногии йўқ, фикримга кўшиласизми?

Шаҳар инсонни болалигиданок турли-туман хулқ-атворлар кўлланмаси билан кўмиб ташлайди: қизил чироқда – тўхтайсан, сарикда – гайёрланасан, яшилда – юрасан! Ўйлашнинг ҳам кераги йўқ, қоидага биноан қадам ташласанг бас! Шунинг учун ҳам шаҳарликларнинг бошидаги кулранг модда ҳар хил светофорлар билан тўлиб тошган.

Қоидаларни бажар, схема бўйича яша! Шу сабабли ҳам катта мегаполислар дунёга мутафаккирларни етиштириб бермайди, улар фақат кўлланма бўйича ижро этувчиларни етказиб беради. Абадий «қавш қайтарувчи» мослашувчиларни! Мен нимага бу ҳақда гапиряпман?



Чунки ҳаётда ижод, ижодкорлик
биринчи ўринда бўлиши керак!

Муқаддас битикларда айтилган: дастлаб борликда тартибсизлик, яъни хаос ҳукмрон бўлган, кейин сўз, ундан кейин – маъддийлашув юз берган.

Шаҳар бадастир тартиблиликка тўлиб-тошган. Лекин шаҳар илм-фанда, санъатда, бизнесда янги нималарнидир яратувчи истеъдод вакиллари етиштириб бермайди. Шаҳар шахсни йўқ қилади.

Аслида чиройли, тўғри гапира оловчи ва ўзини шаҳарчасига тута оладиганлар моҳиятан чангалзорда яшовчи ёввойилар мақомидадир. Уларнинг миясидаги ижодкорликка жавобгар қисмига ҳеч қанақа талаб йўқ. Аммо уларнинг тақлид қилиши, худди тропик ўрмондаги тўтиқушларники сингари.

Илм-фан аҳлини, олимларни нима олға ундайди? Бизнесда нима уларнинг ҳаракатига туртки беради?



Катта илм дунёсида, катта бизнесда
биринчи ўринда, албатта, улкан
романтика туради. Улкан романтика эса
улкан ишларни амалга оширади. Бой-
бадавлатлик ҳам айнан романтикага
бўлган муҳаббат асосига қурилади.

Камбағаллик эса бой бўлиш истаги асосига қурилади. Бойиб кетиш истаги – камбағаллик учун мустаҳкам пойдевор!

Шаҳар ўз бағрида ҳеч қачон романтикларни етиштириб чиқармайди. Дейлик бола қандайдир орзуга берилишидан

аввал, у қандайдир йўриқномаларни бажариши керак. Қардадир репетиторнинг олдида ҳисобот бериши керак, масалан, «Винни Пух ва Пучуквой иккаласи дарахт ковагида нималар билан машғул бўлишган эди?» – дегандай саволларга жавоб бериши лозим.

Тартибсизлик мавжуд жойда одамда ўзи учун кўпроқ вақт қолади. Лекин хаос – тартибсизлик ҳаддан ташқари кўп бўлса – бу ҳам яхши эмас...



Ҳамма нарсада ҳам олтин ораликни,
яъни меъёрни саклаган маъқул!

Асл Шарқ ва асл Ғарб ўз вақтида турли йўналишлар билан кетишди. Лекин уларнинг ҳар иккисиди ҳам бир-бирларига айнан ўхшаган мавжудотлар топилади – бу шаҳарда истиқомат қилувчи кимсалардир. Ер шарининг қайси қисмида жойлашган бўлмасин, шаҳарлар мутлақо бир хил маданиятга эга – бу эса «жон саклаб қолиш» маданиятидир. Бунинг ўлимга маҳкум этилганлар маданияти деб ҳам аташ мумкин.

Қани айтинг-чи, ҳурматли китобхон, сизлардан қайси бирингиз шаҳарда истиқомат қиласиз? Шаҳарлик дегани – бу ташхис! Нимадир дедингизми? Шаҳардан эмас, шаҳар чеккасиданман деяпсизми? У ҳолда сизга анча енгилроқ ташхис қўямиз. Айтгандай, шаҳар атрофи, шаҳардан унчалик ҳам фарқ қилмайди.

Биз шундай бир тадқиқот ўтказганмиз. Ҳаммадан ҳам маданиятнинг кам фарқига борадиган, кам ўқийдиган, ўзи билан кам қизикадиган одамлар, бу айнан шаҳар атрофида истиқомат қилувчилардир. Уларнинг кўпчилиги катта шаҳарга катнаб ишлайди. Ва ҳаётларининг бутун бўш вақтини йўлга сарфлашади, уйдан ишгача, ишдан уйгача. Бошқа ҳеч нима учун уларнинг на кучи, на хоҳиши қолмайди...

Катта шаҳар Ҳаёт учун шундай ўзига хос шароит яратиб берадики, бунинг натижасида шаҳар ички маданияти ҳайвонийлик негизига қайтади. Тўдадаги ёш эркак ўсиб-улғайгач, тўдадан ажралиб чиқади ва мустақил шахсий ҳаётини бошлайди. У давлат томонидан ҳимояланган. Унинг бўш вақти шаҳар инфраструктураси билан ташкиллаштирилган. Ва у ўзининг ота-онаси билан битта мавзеда яшаб туриб, уларни ойлаб йўқламаслиги мумкин. Ўз навбатида ота-оналари ҳам уникага келмайди. Кўздан узок, кўнгилдан йирок...

Фарзандларни тарбиялаш, улар билан ёнма-ён бўлиш – бу жуда оғир. Бу улардан алоҳида яшашдан анча оғирроқ. Чунки фарзандлар муаммоси уларнинг ўзидан кўра сенинг қалбингда ўн ҳисса кўпроқ оғриқли кечади. Ва бундай вазиятларда энг яхши йўл – уларга бундай дейиш: «Демак! Улғайдингми? Мана сенга паспортинг! Сен энди катта бўлдинг! Ўз йўлингдан боравер, ўз ҳаётинг билан яшайвер... фақат бизга халакит берма!»

Шаҳар маданияти «Эркин севги» соҳиби бўлган махлуқни пайдо қилди. Ота-она ўз фарзандига:

– Эр топдингми? Турмушга чиқмоқчимисан – чиқавер. Биз розимиз! – дейди.

– Хотин топдингми? Уйланмоқчимисан? Уйланавер!

Фарзандлар эса бундай шароитда эркин ҳолатда топишадилар, барча маънодаги ҳирсларини қондирадилар ва эркин ҳолатда ажрашиб кетишади. Мана шундай ота-оналарнинг эринчоқлиги ва ортиқча бандлиги туфайли «эркин севги» асосига қурилган жуфтликларнинг уруғи кўпайиб бораверади.

Оёқлар қайси томонга қадам ташлашини, албатта, бош ҳал қилади. Лекин оёқларга буйруқ барибир қайси жой орқали ўтиб боради? Шу сабабли ҳам аксарият Европа мамлакатларида ҳамма нарса мутлақо шу жой орқали ҳал қилинса керак, деб ўйлайман.

Тенгизнинг тажрибаси 3

Ҳозирнинг ўзида буни илмий даражада исботлашим ҳам мумкин. Агар кимдир шаҳар марказига яшаш учун сукилиб кираётган экан, дарҳол билиш мумкинки – у малайдан чиққан янги бойлардан. Анча вақтлардан бери бадавлат бўлганларнинг ҳаммаси қаерга интилади? Чеккарок жойларга! Тоза ҳавога! Кенгликка!

Барча ривожланган давлатларда шаҳар марказидаги уйлар – энг арзон ҳисобланади, чунки улар ҳеч кимга керак эмас. Россияда эса бунинг тамоман акси.

Марказлардан ўзингизни олиб кочишга ҳаракат қилинг – бу «ҳалигидақа»лар учун обрўли бўлган худуд, ўзингиз биласиз кимлар учун эканини.

Чет давлатларда кўп қаватли уйларда яшаш урф эмас. Токи иттифок одамлари кўчиб бориб жойлашиб олмагунча, шаҳар марказидаги уйлар энг арзон жойлар ҳисобланган. Париж марказидаги, Лондон марказидаги уйлар бу қадар қимматлашиб кетишига собик иттифокдошлар айбдор. Айна улар иккинчи, учинчи даражали уй атрофида шов-шувларни юзага келтиришди.

Эътибор беринг-а – Американинг кўпқаватли, осмонўпар уйлар жойлашган қисмида асосан эмигрантлар яшайди, ёки янги бойиганлар ёки люмпенлар, яъни давлат хайрия пуллари ҳисобига кун кўрувчилар истиқомат қилишади.

Кимки Германияга борган бўлса – улар яхши билишадики – Германия бутунлай камқаватли уйлардан ташкил топган. Осмонўпар биноларда зинҳор аҳоли истиқомат қилмайди, бу жойлар ишбилармонлик марказлари. Исроилда фақат рус эмигрантларигина тўрт-беш қаватли уйларда истиқомат қиладилар – улар энг кашшоқ фуқаролар, давлат ҳисобига кун кўрувчилар. Аввалдан яшаб келаётган туб аҳоли – яъни яхудийлар, шаҳардан ташқарига, ўрмонзорларга кетиб бўлишган. У ерларда унча катта бўлмаган кўрғонларда яйраб, яшашади.



Барча ривожланган давлатларда аҳоли турар-жойларининг ҳаммаси икки қаватли. Хўш, у ҳолда кўпқаватли уйда яшаб туриб, ўзини Африканинг туб аҳолиси дея керилишининг нима кераги бор?

Кўпқаватли уй – бу одамларнинг ички эътиқоди эмас, бу сунъий яратилган ходиса. Юзлаб уйлар учун аслзода каталаклар. Фарзандлар ҳам у ерда «каталак» буржи остида туғилади.

Кўпқаватли уйларда ҳеч қачон ижтимоий ўсишга эҳтиёж бўлмаган. Геттолар¹га аслзодаларнинг кераги йўқ.

Меъёлдаги шароитда ҳар бир халқ ҳам ўзига хос устун жиҳатларга эга бўлади. Агар инсониятнинг барчасини жамласак, у ҳолда битта миллат ташкил бўлади.

Агар халқларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқадиган бўлсак, у ҳолда Аллоҳ ҳар бир миллатни бирорта бетакроп фазилат билан сийлаганини кўрамиз; лекин одам мутлақо фариштага айланиб кетмаслиги учун уларга фазилатига қарама-қарши қиррани ҳам кўшиб берган.

Ўз шахсий кузатувларим ҳақида гапириб ўтмоқчиман. Сизни ишонтириб айтишим мумкин, ҳар бир миллат фақат уларгагина хос бўлган ажойиб фазилатга ҳамда унга қарама-қарши бўлган қиррага эга. Барча миллатлардан ташқари яна бир миллат ҳам бор, улар шаҳарда яшаётган учинчи авлод вакиллари. Уларда эса барча халқлардаги салбий жиҳатлар жамланган.

Кўпқаватли уйларда қуйидаги ҳолатни кузатишингиз мумкин: бундагилар охириги шалварини сотиши мумкин

¹ Гетто – иркий, миллий ёки диний жиҳатдан паст тутилган аҳоли гуруҳи учун ажратилган квартал. (тарж. изоҳи)

Тентақнинг тажрибаси 3

– лекин дабадали яшайди, шу билан бир вақтнинг ўзида агар бошқа бировда иккита шалвар борлигини кўриб қолса борми... Кеча сиз уйингизга қора рангдаги иштонда қайтдингиз, бугун бошқасида, нўхат гулли қизил ранг шалварда келяпсиз. Шунда ҳамманинг ортингиздан: «Лаънати буржуй!» – деганини эшитасиз. Ожиз кимсалар ёнларида кучли инсонлар яшашига тоқат қила олмайдилар!




Кучли инсонлар бошқа бировларнинг кучли жиҳатларини ҳурмат қилади, ожиз кимсалар эса ўзгаларнинг кучини кўрғани кўзи йўқ. Катта шаҳарларда бу хусусият ниҳоятда кучайиб кетган.

Нима деб ўйлайсиз, аксарият москваликлар ўзининг қаватида яшаётган кўшнисининг исм-шарифини билармикан? Айтгандай, барча шаҳарларда кўчага олиб чиқадиغان умумий ҳудуд майдонча деб аталади, фақат Москвада бу жой – «пиллапоя қафаси» деб аталади. Қафасда эса ким яшайди? Бунга ҳамма билади.

Инсон азалдан жуда бўлмаганда ғорда яшаган, одатда эса алоҳида уйларда истикомат қилади. Кўпқаватли уй, дўстларим, табиийликка мутлақо зид. Мана орангизда ким кўпқаватли уйда яшаганидан кейин ўзининг хусусий уйига кўчиб ўтган, энди сиз ортга қайтишни хоҳлармидингиз? Йўғ-а... бу жуда кийин, фикримга кўшилмасизми? Ҳаётингиздаги ички бадастирлик туйғуси, кўпқаватли уйдаги ҳолат билан таққослаб бўлмайдиган даражада. Кўпқаватли уйни ўз хусусий уйингизда яшаб кўргангиздан кейин бутунлай бошқача қабул қила бошлайсиз. Шинам ва кулай эмас, тор, қоронғу. Сизга бу ерда ҳар доим худди қандайдир капсуланинг ичида яшаётгандек туюлаверади.

Аввалги машғулотларимда бир тингловчи аёл қатнашарди. У менинг хусусий уйда ҳаёт кечирish ҳақидаги тавсияларимни тиришқоқлик билан четлаб ўтишга ҳаракат қилар экан, ҳар хил саволларни берарди: «Беш қаватли уй – бу кўпқаватли ҳисобланадими? Агар ўша беш қаватли уй янги қурилган бўлса-чи? Бу уйни қандайдир тўсиқ қўйиш орқали хавфсиз қилиб олиш мумкинми?» – дегандек.

Нима ҳам деб жавоб беришим мумкин. Агар ғиштни узоқ вақт пиширса, эҳтимол уни тановул қилиш мумкин бўлар. Лекин бу сизнинг охириги таомингиз бўлиши айиқ...



Азизларим! Ўзингизни ҳашаматли уйингизни шундай жойга ва шундай одамлар орасида қуришга, қолган бутун умрингиз мобайнида у ерда яшаш ўзингизга фароғатли бўлсин!

Азизларим, сизларни яна қуйидагилардан қайтаришга уриниб кўраман: олдин кимлардир яшаб кетган уй-жойда яшашга интиланг?!

Сабабини сўрасангиз, ҳар доимгидек узоқдан бошлайман. Менинг бир танишим бор, у сизларга ўзининг бошидан кечирган воқеаларни гапириб беришимга рухсат берган. Ҳатто ўзи бу ҳақда илтимос қилди.

Хуллас, эр-хотин қанчадир йил бирга яшашибди. Хотини ҳомиладор бўлганидан кейин «янги эски», яъни аввал кимлардир яшаган уйга кўчиб ўтишган. Кўчиб ўтишганидан кейин тез орада мушуклари ўлиб қолган. Сабабини билишга қизиқиб уни ёриб кўришади: қарашса – ўнг буйрак саратони. Тасодиф, тўғрими?

Лекин ярим йил ўтиб, уларнинг итлари ҳам ўлиб қолади. Ёриб кўришса – яна ўнг буйрак саратони! Яна тасодифми?

Тенганинг тажрибаси 3

Икки хил жонивор, иккаласида ҳам бир хил ўлимга олиб келган хасталик.

Нима қилиш керак? Биринчи хаёлга келган фикр – оёқни қўлга олиб қочиш керак, кўчиб кетиш керак ва имкон қадар тезроқ! Эҳтимол, бу ерда айнан мана шундай касалликка олиб келадиган нимадир бўлса керак?! Тезда оиламни ва туғилажак фарзандимни қутқаришим керак эди. Лекин қаёққа ҳам борар эдим. Ўзи энди кўчиб келган бўлсак. Хотиним бугунмас, эрта кўзи ёрай деб турган бўлса... Эҳтимол, ҳеч нима бўлмас, ўтиб кетар, – дея ўйладим.

«Афсуски, тушуниб етганимда жуда кеч бўлган эди. Фарзандим тўрт ёшга кирганида унинг ўнг буйрагида саратон касалини топишди...»

Қадрдонларим, бу сизга жуда аянчли такрордек туюлма-яптими? Миллионлаб хасталикларнинг ичидан нима учундир мушукда ҳам, кучукда ҳам, якка-ю ёлғиз фарзандда ҳам бир хил ташхисдаги хасталикни топишган.

Нима учун айнан саратон? Нима учун айнан ўнг буйрак? Буни тушунтириб беришнинг иложи йўқ... Бу сизга фақат битта мисол, холос.

Шундай қарғиш теккан квартиралар бўладики, бу жой эрталабдан кечгача битта-ю битта вазифа билан машғул бўлади – у ҳам бўлса, кишиларни ажратиб юбориш. Марҳамат, мана яна битта яқин дўстим билан юз берган воқеа...

Бунгача рафиқам билан деярли ўн йилга яқин жуда яхши яшаган бўлсак-да, энди сира ҳам келишолмай қолдик. Охирги икки йил ичида эса хотинимнинг бошида нимадир ўзгарди, у ҳатто касалхонага ҳам тушиб қолди.

Дўстимдан: «Сен ҳозирги квартирангга қанча вақтдан бери яшаяпсан?» деб сўрадим.

У ерда яшаётганимга икки йилча бўлди, – деди.

«Марҳамат қилиб, ўзингнинг квартиранг тарихини ўрганиб чиқ...» – дея маслаҳат бердим мен.

Бу уйда энг узоқ вақт яшаб қолган жуфтлик уларнинг ўзи бўлиб чиқди. У узоқ вақт суриштириб, кўп нарсаларни аниқлашга эришди. Қирқ йил ичида бу жой тахминан 30 маротаба сотилган ёки алмаштирилган. Бунда бир ярим йил яшаган оила албатта ажралиб кетади. Бир ярим йил ўтади, иккита одам ажралиб кетади. Бир ярим йил ўтади – яна ажралиш. Яъни бу уй худди ойболта сингари одамларни ажратиш ташлайди. Оила қандай муҳаббат асосига қурилган бўлмасин, бу уйда ҳаммаси доим бир хил яқун топган.

Бир-бирини жонидан ортик ардоқлайдиган жуфтликлар бу уйга кўша қариб яшаш орзусида кўчиб келишади, лекин қандайдир фурсат ўтиб, ҳафта, ой, баъзан бир йил ўтиб, бир-бирини кўргани кўзи бўлмайдиган даражага келиб, ажралишади, ҳаёт йўллари бошқа-бошқа томонларга қараб кетади. Бундан бирорта ҳам истисно бўлган эмас.

Шундай нохуш уйлар ҳам бўладики, у ерда бирорта ҳам эркак 40 ёшдан ошмайди. Яна ҳаммаси ғайриоддий ўлим топади. Ёки бахтсиз ҳодиса туфайли ҳалок бўлишади, ёки заҳарланишади, ёки ўз жонига қасд қилишади.

Масалан, ана шундай квартиралардан бирида турли йилларда яшаган 14 эркакнинг ҳаммаси ҳалок бўлган.

Азизларим, 60 йилдан ортиқроқ муддат ичида битта жойнинг ўзида деярли бир хилдаги ўлим сизга жуда кўпдек туюлмаётими? Тасаввур қилинг-а, бирорта эркак у ердан тирик чиқиб кета олган эмас?

Агар битта ўлим бўлса – бу тасодиф. Агар иккита бўлса – ўхшашлик. Ундан кўпи бу – қонуният эканлиги тўғрисидаги фикрга олиб келади. Шундай эмасми?

Шундай уйлар бўладики, улар захм касалидан ҳам баттар, моховдан ҳам баттар! Ҳаммани ҳаётдан маҳрум этади. Шундай уй-жойлар борки, ҳаётдан маҳрум этмайди, лекин бор-йўғи сизни кўримсиз нарсага айлантириб қўяди.

Шундай уйлар борки, бу жойдаги аёлларнинг бирортаси ҳам турмушга чиқа олмайди. Ҳаммаси қарикиз бўлиб ўти-

Тентакнинг тажрибаси 3

шади. Йиллар ўтяпти, чиройли, ақлли – эркаклар эса уларга карамайди. Биронта ҳам аёл бу уйда турмушга чиққан эмас. Эллик йил мобайнида. Ҳайр-а-т-л-а-н-а-р-ли феномен!

Бугунги кунда бу каби мисоллардан бир неча мингтаси тўпланиб қолган.

Агар бирорта уйда сизгача кўплаб, ажралиш содир бўлса ва сиз бу уйга кўчиб келсангиз, сизнинг оилангиз ҳам ажрашиб кетади. Агар бу уйда яшаган оиланинг фарзандлари ҳалок бўлган бўлса, бу нарса сизга ҳам хавф солиши мумкин...

Лекин ҳар ёмоннинг бир яхши томони ҳам бор. Қотил квартиралар мавжуд бўлгани каби дунёда фариштали уйлар ҳам мавжуд.

Дунёдаги исталган квартира, хонадон ўзининг таъмига, ўзининг хидига, ўзининг рангига ва ўзининг таъсир қувватига эга.

Уларнинг орасида шундай ноёб хонадонлар ҳам борки... бундай уй учун кўчиб ётган гулқоғозларига ҳам, саноксиз суваракларига ҳам қарамасдан, сўраган нархини беринг!

Бу уйлардан одамлар, бой-бадавлат бўлиб, бахтли ҳолда ўзларининг янги виллаларига кўчиб кетишган. Тушуняпсизми, кадрдонларим?

Бу уй-жойлар сизларни худди узоқ вақт кутган ва соғинган онангиз, отангиз сингари майингина бағрига босади. Бу уй сизнинг елкангизга Дон Кихотнинг Санчо Пансози сингари «Уйғон, сени буюк ишлар кутмоқда! Бўлақол-бўлақол! Борақол! Муваффақият сенга ёр бўлсин!» – деганча шапатилаб кўётгандек гўё.

Бундай уйлар худди бувижониингиз билан бэбожонингиз сингари ардоқлаб пичирлайди, маслаҳат беради. Бу уй-жойлар сизни поклайди, кийиштиради ва аслзода қиладди. Бу шундай уйларки, сиз ким бўлишингиздан қатъи назар, нима билан шугулланган бўлишингиздан қатъи назар, сиз бу ерда муваффақиятга маҳкум бўласиз. Лекин бундай хонадон-квартиралар жуда кам бўлади.

Битта шундай ҳайратланарли уй-жой борки, бу квартира ўз соҳибларидан фақат биринчи ўринбосарларни тайёрлайди. Биттаси ҳатто у жойдан нақд губернаторнинг ўринбосари бўлиб кўтарилди. Бунгача эса у оддий муҳандис эди. Бошқаси – вилоят ижроия кўмита раисининг биринчи ўринбосари бўлиб кетган. Шу пайтгача у ҳам вилоят ҳокимиятида оддий ходим бўлиб ишларди. Ва бу ҳодиса шу тариқа бир нечта одамларда кетма-кет такрорланди. Ушбу ўзига хос эпопеянинг ҳар бири тўрт йил давом этарди. Лекин натижаси доим бир хил якун топади... Бир қарашда бу – оддийгина уч хонали квартира, холос...

Сиз ҳам ўз уйингиз борасида илмий тадқиқот ўтказишингиз мумкин. Сизгача бу уйда яшаган одамлар бахтли яшашганми? Улар ўртасида ўзаро меҳр-оқибат бўлганми? Бу маскан бағрида муҳаббат барқ ургаими?..

Агар сиз яшамоқчи бўлаётган уйнинг собиқ эгасини танисангиз, бу уйда яшаб ўтган одамларнинг бутун тарихини, яъни улар асли қаердан келишган, уларнинг тақдири қандай бўлган ва улар қаяққа кетишганлигини билсангиз... Ва нима учун бу уй сотилаётганлигини ҳам аниқласангиз яхши бўлади. Агар сиз уларга ўхшашни хоҳласангиз, у ҳолда хотиржам бу жойни харид қилишингиз мумкин.

Лекин агар бу уй жанжалларнинг қони бўлса, агар бу уйда ўлим юз берган бўлса... Унда Худо сақласин! Бундай уйни ёдингиздан чиқаринг! Ўлимни, вайроналикни ва бахтсизликни ўзини ҳурмат қиладиган ҳеч бир одам харид қилмайди, ҳатто текинга ҳам олмайди. Тўғрими?



Текширилмаган, ўрганилмаган
уй-жойни сотиб олиш қатъиян
ман этилади!

Тенгашнинг тажрибаси 3

Текширилмаган уй-жойларни мустақил тадқиқ қилишнинг хавфли томони шундаки, бирорта одам уйнинг йўлагидан ўта туриб ҳам бу ерда қирқ йилга ўз изини қолдириши мумкин... ва сизга камида қирқ йиллик тадқиқот ўтказишга тўғри келади... Лекин барибир, сизгача бу ерда қанақа одамлар яшаб ўтгани тўғрисида охиригача била олмайсиз.

Офислар борасида ҳам худди шу гап. Ташкилотлар касодга учраган офисларни ҳеч қачон ижарага ола кўрманг. Чунки сизни ҳам худди шу қисмат кутиб турган бўлиши мумкин. Сиз қанчалик кучли бўлманг, табиат, барибир, сиздаи кучлироқ бўлиб чиқади. Шунинг учун ҳам, келинг, таваккал қилмай кўя қолайлик.

Сизнинг камтарин кулингиз бир гал қадимги ибодатхоналардан бирига ташриф буюрдим. Менга бир жойни кўрсатишиб, агар шу бурчакда атрофга қулоқ солиб турсанг, бироз фурсатдан кейин сен ҳатто ўттиз метр наридаги, бошқа бурчакдаги одамнинг нафас олишини ҳам эшита бошлайсан, деб айтишди.

Мен бу фикрни текшириб кўришга қарор қилдим. Айтилган жойга бориб турдим ва кутилмаганда бирдан – залдаги ҳар бир одамнинг шовқинини эшита бошладим. Ҳайратланарли! Қаранг-а, бу бурчакдаги геометрик шакллардан бири шундай ясалганки, бу ҳудудда бутун залнинг шовқини жамланади ва унинг кучайиши юз беради.

Агар исталган янги уйнинг қандай қурилишига аҳамият берсак, бу уйда миллионлаб темир арматуранинг симлари ўралашиб ётганини кўрамиз. Тўғрими? Шу арматуралар туфайли сизнинг соғлигингизга салбий таъсир юз бериб қолмаслигига ишончингиз комилми? Жуда оддий – ўзига хос қандайдир шакл ҳосил бўлиб қолади ва у сабабли сизнинг соғлигингизга путур ета бошлайди.



Азиз дўстларим, кўраётганларингизнинг ҳаммаси ҳам – айна ҳақиқат бўлавермайди. Ҳаммаси ҳам эмас! Ва сиз кўрмаётган нарсаларнинг ҳаммаси ҳам уларнинг мавжуд эмаслигини англабмайди.

Йиллар ўтган сайин кунда ёки кунора шу сингари мисоллар билан тўқнашавергач, аста-секин бир нарсани тушуна бошлайсан: ҳа, чиндан ҳам ҳаёт у даражада содда ва оддий нарса эмас экан.

Буни тушунтиришнинг, илмий жиҳатдан исботлашнинг иложи йўқ! Ақл бовар қилмайди!

Эҳтимол қишлоқчасига уриниб кўрармиз...

Илтимос, диққатингизни жамланг. Мана битта эшик. Мана бу эса бошқа эшик. Ва улар учун умумий даҳлиз.

Бир гуруҳ эркакларни оламиз. Уларни тенг иккига бўламиз. Ярим гуруҳ биринчи эшикка киради, у ердан эса ҳалиги «эркаклик аломати»дан маҳрум аҳволда чиқади.

Бошқа бир гуруҳ иккинчи эшикка киради, уларнинг «аломатлари» икки ҳисса ортади.

Кейин биз нима қиламиз? – бу гуруҳларнинг жойларини алмаштирамизми? Йў-ў-қ! Кейинги қадам – бунга илмий нуқтаи назардан изоҳ топиш! – бўлади.

Демак, текшираамиз. Аввалига мутлақо бўм-бўш, рисоладагидек йўлакни қараймиз. Қўл остимиздаги бор илмий ускуналар билан текшириб чиқамиз – ҳеч нима йўқ.

Илмий изоҳ бериш кўлимиздан келмади. Чунки бизнинг ускуналар ҳеч нима кўрсатмаяпти. Ва энди бизнинг буларнинг ҳаммаси сафсата, бўлмағур гап, бундай бўлиши мумкин эмас, деб айтишга ҳаққимиз бор.

Тенгизнинг тажрибаси 3

Лекин биздаги илмий изоҳларга қарамасдан, амалий тажриба натижаларига мувофиқ ўзларидаги ўзгариш меъёрга келиб қолмаётганини, одоб билан тасдиқлашга тайёр бўлган эркаклар гуруҳи бор.

Энди сизга савол! Марҳамат қилиб айтинг-чи, агар биз илмий жиҳатдан изоҳлаб бера олмайдиган бирорта далил билан тўқнаш келдик, яъни бирор-бир квартира, ташкилот, касб-корнинг эшигидан кирдингиз-у, сизнинг барча имкониятларингиз икки барабар кўпайди... агар бошқа эшикка кирсангиз, сиздаги барча имкониятларингиз таг-туғи билан йўқ бўлди... ва сиз энди ҳеч нима қила олмайсиз... Бундай ҳолатда қандай йўл тутасиз, бу маълумотдан ҳаётингизда фойдаланасизми ёки йўқми? Илмга таянасизми ёки яқуний натижагами? Бу ёғига энди танлаш ихтиёри ўзингизда.

Сиз ўзингизни материалист деб ҳисоблаганингиз билан ёки ОИТС вирусини кўрмаётганингиз билан бу вирус йўқ бўлиб қолмайди. Сиз унинг мавжудлигидан беҳабарлигингиз натижасида ҳам у ҳеч қаёққа ғойиб бўлиб қолмайди. Шу пайтгача одамларни қандай нобуд қилган бўлса, шуидай ҳалокатга гирифтор қилаверади.

ОИТС вируси кўп асрлар аввал, минг йиллар аввал ҳам мавжуд бўлган, одамлар ундан олдин ҳам ҳалок бўлишган, фақат ташхисни уларга бутунлай бошқача ном билан қўйишган – чунки бу дардни илмий жиҳатдан изоҳлаб бера олишмаган.

Худди шу тариқа, қачонки биз қонунияти кўрар экаи-миз, биз у билан ҳисоблашишга мажбур бўламиз, албатта, агар ақли жойида одам бўлсак.

Шундай бўлса-да, бу феноменнинг сабабини сизларга тусунтиришга уриниб кўраман.

Эҳтимол, сиз чанг йўлларга эътибор бергандирсиз. У ердан машина ўтиб кетса, чанг кўтарилиб, машина ўзидан чанг изини қолдиради... Ёки айтайлик, реактив самолёт учяпти – у ҳам худди шу тариқа ўзидан кейин из қолдиради.

Инсоннинг ўртача ҳарорати 36,6 даража. Агар биз маҳсус аппарат, яъни иссиққа нисбатан таъсирланадиган аппарат орқали суратга олсак, ушбу суратларда юриб бораётганингизда, сиз ҳам реактив самолёт сингари ортингиздан из колдираётганингизни кўрамиз.

Агар сизни иссиққа таъсирланадиган маҳсус камера билан суратга туширсак, ҳар бирингизнинг бошингиз узра иссиқлик кўринишидаги ёруғлик акси кўринади. Агар сиз кафтингизни танангиздан юқорироқда ушлаб турсангиз ва секин уларни тушира бошласангиз, қайсидир лаҳзада сиз кафтингизнинг пастки томонида бу иссиқлик зичроқ эканини ҳис қиласиз.

Ушбу соҳага алоқадор исталган илмий ходим сизга инсоннинг электр кувватини ўлчай оладиган ускуна мавжудлигини тасдиқлаши мумкин.

Оддий ўсимлик баргини оламиз. Уни иккига бўламиз. Ярмини ташлаб юборамиз, ярмини эса мана шу ускунага жойлаймиз ва суратга туширамиз. Қараб туриб... баргнинг мавжуд бўлмаган иккинчи ярми ҳам суратда кўринаётганлигига гувоҳ бўламиз!

Ҳолбуки, суратда фақат ярми бўлиши керак... Биз эса бутун баргни кўриб турибмиз! Ҳавода қандайдир номоддий бўлган нимадир сақланиб қолади ва у бизга баргнинг тўлик «портрети» тасаввурини беради.

Фақат қанчадир вақт ўтиб, тасвирда яримта барг қолади. Баргнинг узиб ташлаб юборилган қисмидаги тасвирнинг туси оч ранг, оч ранг бўлиб бораверади, кейин эса мутлақо йўқолиб кетади...

Сиз билан бизларда ҳам шундай... ҳмм... ҳалиги машҳур сўзимиз бор-ку – қобик, деган. Иссиқлик қобигими, электрли, энергетик дейсизми... қандай хоҳласангиз шундай атай-веринг.

Илгариги пайтларда эсласангиз магнитофон кассетасининг тасмалари бўларди. Магнитофон тасмаси – бу оддий

Тентакнинг таъриби 3

занг. Яъни темирнинг ишқори ёки хромники... ёки яна ниманингдир.

Яссиланган пластмасса билан аралаштирилган занг тасма кўринишидаги, жуда кичкина кучланишли, ток ишлаб чиқарадиган индуктор катушкеси олдидан ўтаётиб, сизнинг овозингизни ёки исталган бошқа овозни ёзиб олади. Ва бу ёзув ўша ерда қолади. Мана шу магнит тасмаси бўлади. Эслаб қолдингизми?

Сизга, албатта, маълумки, инсон мияси – бу энг сезгир, энг тежамли, энг қудратли индуктор, электр токининг генераторидир. У ўзидан энг нозик тўлқинларни, тебранишларни таратади ва тезда илғаб олади.

Меъёрдаги оддий ҳолатда бу қувват – жуда кам таралади. Лекин юқори даражадаги ҳиссиётли туйғулар мияга хайратланарли даражада таъсир кўрсатиш кучига эга!

Сизгача узоқ йиллар бошқа одамлар яшаган хонадон деворлари турли хил ҳиссиётларни шу даражада кучли таратадики, улардан мудом инсондаги қусурлар, жирканчликлар, нафрат туйғулари шундоққина таралиб туради.

Тегрангиздаги ҳамма нарса ва барча ашёлар қувват алмашув хусусиятига эга. Истаган нарсангиз ўзича «қувватланиб» олиши мумкин, ҳатто тупроқ ҳам. Эслаб қолинг, мутлако ҳамма нарса.

Инсон мияси худди атрофдаги барча нарса-буюмларга худди магнит тасмаси сингари маълумотларни ёзиб қолдириши мумкин. У ўчирмайди, фақат ёзади. Ва қачон сиз бўшашган ҳолатга тушганингизда бу ёзувлар сизнинг миянгнинг ритмига, фикр юритиш жараёнингизга таъсир қилиб, сизни бошқара бошлайди.

Азизларим, кадрдонларим! Қандайдир буюм ёки нарсаларни танлар экансиз: бу квартирами, мебелми, буюмми фарқи йўқ, истаган нарсангизни – сиз бу нарсаларнинг ҳаммасини ҳис қила олишингиз керак. Ҳар бир нарса ўзида моддий ва номоддий маълумотларни сақлайди. Мутлако

ҳамма нарса ўзига қувват қабул қилиш ва уни ушлаб қолиш хусусиятига эга.

Диққат – савол! Сизнинг овозингиз, сизнинг фикрларингиз ёзилган магнит тасмаси... Қанча йиллардан кейин ўзидаги ёзувни ўчиради? Қанча вақтдан кейин у ярқисиз ҳолатга келади?

Тахминан ўн беш-йигирма йиллардаи кейин бу ёзув деярли ярқисиз ҳолатга келади. Қирқ йилдан кейин унинг сақланиб қолиши даргумон. Лекин инсон миясининг кўрсатган таъсири қирқ йиллар давомида аниқ сақланиб қолади:

Магнитофон – бу жуда оддий қурилма, у ерда ўнлаб ёки юзлаб транзисторлар ишлайди. Инсон мияси эса бу тахминан 86 миллиард мураккаб, юқори сезгирликдаги ва тежамли транзисторлар деганидир! Мия бу жуда мураккаб ускуна ва текин ишлайдиган дунёдаги ягона компьютердир.



Сиздаги кўплаб хис-ҳаяжонлар, истаклар – аслида сизники эмас!
Бу оламдаги исталган элемент, ўзга инсонлар фикрлари ва ҳолатларини тўплаб бориш, ёзиб бориш хусусиятига эга.

Нима учун сизда турмуш ўртоғингизга нисбатан нафрат пайдо бўлади? Нима учун сизда у билан ажралиш истаги пайдо бўлади? Ёки нима учун сизга фақат маошга тикилиб кун кўриш ёқади... ёки яна бошқа нарсалар. Булар сизнинг фикрларингиз, сизнинг истакларингиз эмасдир. Эҳтимол, сиз теварак атрофдаги оламнинг босими остига тушиб колгандирсиз. Гап квартирада ҳам эмас экан! Сизга уйда илгари ким яшаган бўлса, шулар таъсир этади.

Мендан баъзан сўраб қолишади: Қандай қилиб бу таъсирлар қолдигини тозалаш мумкин? – деб. – Билмайман! Мен ҳали бирон марта ҳам бу борада ишончли далилга эга бўлмаганман ва қандайдир москвалик Ньюра хола ўзининг қандайдир шамлари ёрдамида бинони кимгадир тозалаб беришига ишаноламайман. Ҳаммадаи қолган сақични дезинфекция қилиб, ундан қайта фойдалангандан кўра, ўзингизга янгисини сотиб олганингиз яхши эмасми?!

Деворлар ўзига жуда кўп маълумотларни ёзиб олиш ва ушлаб туриш хусусиятига эга. Улар ўз бағрида улкан миқдордаги турли хил микроэлементларни сақлаб туради.

Мана, масалан, сил касаллиги мавжуд бўлган қамоқхонада, сил тайёқчалари деворнинг 15 сантиметр ичкарасигача кириб боради. Қамоқхонадаги сил касаллиги тайёқчасини буткул йўқ қилиш учун қамоқхонани тамоман бузиб ташлаш керак бўлади. Ва янгидан қуриш керак. Лекин янги деворга ҳам сил жойлашса, бир икки ойдан кейин у барибир деворнинг 15 см ичкарасигача кириб боради.

Модомики, моддий инфекция деворнинг ич-ичларига шу даражада чуқур кириб борар экан, энергетик инфекциялар қанчалик даражада кириб боришини энди ҳеч ким билмайди. Буни ўлчайдиган ускуна ҳам мавжуд эмас.



Энг яхшиси, таваккал қилмаслик учун, яп-янги уй харид қилинг. Янги қурилган уй. У фақат сизники бўлади. Бундаги ҳаётни ҳам янги саҳифадан бошлайсиз.

У сизнинг моҳиятингиз – матрицангизни, сизнинг фикрларингизни ёзиб олади. Тушунаяпсизми? Янги, мусаффо уй покизалик ва енгиллик туйғусини уйғотади. У ерда яхши кайфиятни, оромбахш ҳолатни сақлаб қолишга ҳаракат қи-

линг – буларнинг ҳаммаси уйнинг деворларида ёзилиб бо-
ради. Ажойиб кайфият билан ухлашга ётсангиз, шу кайфи-
ятда уйғонсангиз – буларнинг ҳаммаси сақланиб қолади.
Ишдаги кўнгилсизликлар, салбий кайфиятлар оғир юк каби
сизни эзмай қўяди...

Уйга қайтиб келгандан кейин кайфиятингиз кўтарила
бошлаганини ҳис қиласиз, чунки бу уйдаги бахтли кунла-
рингиз фони бошингиздан силаганча сизни ғам-ғуссадан
фориг қилади.

Сизга яна бир ҳодисани гапириб бермоқчиман. Бир неча
йил аввал биз Москва атрофидаги Переделкина деган жой-
га бордик. Чиройли, коттежли поселка, аъло даражада ку-
рилган ҳашаматли уй-жойлар. Биз борган кўрғоннинг эгаси,
бир йигит, уни Игор деб атаётган эдик, у бизнинг курсларда
шуғулланган ва биз уникига меҳмонга келган эдик.

Переделкинодаги уйлар ҳам ҳамма жойдаги уйлар каби.
Фақат биттасидан ташқари, бу уйга ҳадеб «Тез ёрдам» чақи-
ришаркан. Етти марта қайта-қайта сотилган битта-ю бит-
та уй мана шу эди. Қолган уйлар умуман, бирор марта ҳам
сотувга қўйилган эмас. Бутун кўрғондаги уй-жойларнинг
ҳаммаси Игор раҳбарлиги остида қурилган. Кўрғоннинг
аввалги ўрнида биттагина бино бўлган экан, ўша бинони
бутунлай бузиб ташламасдан, қайта лойиҳалаштиришибди.
Ўша бино ҳалиги тез ёрдам чақириладиган уйнинг ўрнида
бўлган. Лекин уни худди янги уйлар каби сотган. Бу қандай
жой бўлганини фаҳмляпсизми? Йўқми?

Биласизми, нимага у ерга доим «Тез ёрдам» кетидан «Тез
ёрдам» чақиришади, доим кимдир ўзини ёмон ҳис қилиб
қолади ва ҳ.к. Илгари бу жой – шаҳар чеккасидаги ўликхона
бўлиб, у ерга уйсиз, кўчада қолиб нобуд бўлган дайдиларни
олиб келишаркан. Ернинг янги эгаси бинони бутунлай бу-
зиб ташлашга кўзи қиймаган, ҳамма нарсани олиб ташла-
ган-у, фақат деворлари қолган, уни қайта лойиҳалаштириб,
томини янгидан ёпган, холос.

Тентакнинг таъриби 3

У билан суҳбатимиздан кейин, охир-оқибат уйни ўзи сотиб олди, бинони таг-туги билан бузиб ташлаб, бу жойга кайрағоч дарахтларини шундай зич қилиб экиб ташладики, натижада дарахтларнинг ҳатто орасидан ўтиб бўлмайдиган бўлди, бу ҳам етмагандек атрофига – темирдан тўсик панжара ўрнатди.

Биоларнинг ўзида ижобий ва салбий ҳиссиётларни йиғиб бориш хусусиятига эғалигини айтдим. Сиз у ерда доимий равишда бўлсангиз, улар сездирмасдан, аста-секин бағридаги одамларга ўз таъсирини ўткази бошлайди.

Сизнинг уйингизда ўсимлик ўсадими? Сиз касал пайтларда улар билан нима рўй беришини кузатганмисиз? Агар пайкаган бўлсангиз, сизнинг ҳолатингиздан ўсимлик жуда тез таъсирланади. Бу юз фоиз рост гап! Сизнинг ахволингиз ёмонлашса, ўсимликларнинг ҳолати ҳам ёмонлашади... Фақат кактусгина яшнаб кетади, ярамас!

Ўз вақтида инглиз аслзодалари зинҳор катта шаҳарларда яшамаганлиги ёдингиздадир? Инглизларда энг обрўли хонадонлар бир-бирларидан анчагина узоқ масофаларда жойлашган.

Марҳамат қилиб сиз ҳам аслзодалиқ кўрғонингизни, ховли-жойингизни ўзингизнинг ижобий фонингизни яратинг. Токи ҳеч қачон теварак-атрофингиздаги кўп қаватли уй-жойларнинг тегирмони ҳаётингизни янчиб, майдалаб ташламасин.

Қадронларим, ушбу машғулоти мустаҳкамлаш учун, сизга яна баъзи нарсалар ҳақида гапириб ўтишга ижозат берсангиз. Шунда кўзга кўринмас маълумотлар майдони мавжудлиги борасидаги ишончим менда нима сабабдан бу қадар кучли эканини тушуниб етишингиз мумкин бўлади.

Қадимда тоғларнинг ғайриоддий кучлар йиғиладиган жойларида махсус марказлар пайдо бўлган. Бу жойларда шогирдлар ёпик илмларга ўргатилган, Усталар эса ўз ма-лакаларини янада мукаммаллаштирган. Келинг, сиз билан

хаёлан ана шундай Илм ибодатхоналаридан бирига кўчиб ўтамиз.

Ташқи томондан кириш жойида сиз иккита тоқчасимон меҳробни кўряпсиз. У ерда ушбу мактабнинг шоғирдлари жойлашган, улар бу жойларни ғайриоддий илм ва кучдан бенасиб бегона кимсалардан асрашган. Бу жойларда ўзига хос қувватни бир жойга жамлаш коваклари бўлган. Агар сиз шу коваклардан бирига кирсангиз, аниқ ўлчанган шартли жойда турсангиз, сизга ҳам нимадир кучли босим ўтказаятганини сезасиз. Ва сиз ана шу нуқтадан туриб, масофадан ҳам бошқа бирор одамни енгиллик билан итариб юборишингиз мумкин. Ушбу жойда ҳатто машқ қилиб ривожлантирилмаган мия ҳам бир неча карра кучайиб кетади.

Бинонинг ичкарасига кириб борсангиз, бир хил меъморий услубда қурилган кўплаб хоналарни кўришингиз мумкин. Ҳар бир хонанинг қоқ маркази тепасида гумбаз, пастида, полда думалок ҳандак, илмий тил билан айтсак «тешик» бўлади. Ана шу хоналарда одамлар ботиний илмни эгаллаш устида шуғулланишган.

Белгиланган босқичдаги машғулотлар цикли тугагач, шоғирд шуғулланган хона албатта «стерилланиши» лозим бўлган. У замонларда хонани тозалай оладиган ва кейинги шуғулланувчи учун бу жойни тайёрлай оладиган махсус Усталар бўлган. Хўш, Уста қай тарзда бинони тозалаб, унга ишлов берган?

Уста махсус усул асосида хона юзасидан олдинги машқ қилиб шуғулланиб кетганининг барча фикрлари, хиссиётлари, қувватларини «ўчириб» ташлаган. Ушбу муолажа тадбирисиз, ҳеч ким янги машғулотлар циклига киришмаган.

Бу қоидага қатъий амал қилинган, чунки унга амал қилмаганларга жуда катта зиён-заҳмат етиши мумкин бўлган. Камида – улар ақлу ҳушидан айрилишади ёки жуда ёмон ҳолатда – ҳатто ўлим билан якун топиши мумкин бўлган. Мен бироз кейин нима учун шундай эканини айтиб бераман.

Орадан не-не замонлар ўтди. Йиллар ўтиб-ўтиб, «стериллаш» малакаси деярли йўқотилди. Мутахассислар жуда кам қолганлиги сабабли, машғулотларни ўтказишнинг янги имкониятларини излашга киришишди. Шогирдлар ўзига хос жойларда машқ қила бошладилар. Бу жойлар шундай хилватгоҳлар эдики, у ерга қирқ-эллик йил мобайнида бирорта тирик жонзот қадам босмаган бўлиши лозим эди.

Ер юзининг қайси ерида бундай жойларни излаб топиш мумкин? Бунинг деярли имкони йўқ-ку. Тахминан ярим аср тирик мавжудот яқин йўламаганлиги аниқ бўлган жой! Лекин барибир бунинг ҳам йўлини топишди.

Бунинг учун нима қилинади?! Тоғда, қирқ тирсак масофа ичкарига (бу тахминаи йигирма метрча) туннел қовлайсан, сўнгра туннел охиридаги харсангтошни шундай қавлайсанки, диаметри 11 тирсак атрофида (бу беш ярим метр атрофида) бўлади, натижада конус шакли ҳосил бўлиши керак.

Сўнгра шу конуссимон жойга ўтирасан, сенга ёнма-ён Устозинг ҳам ўтиради ва қирқ кунлик машқ бошланади. Буни шарқда «чиллага кириш» дейишади. Қирқ суткалик машғулот давомида бир лаҳза ҳам дам олинмайди.

Машқларни бошлашдан олдин махсус тайёргарликни ўтайсан. Масалан, бу тайёргарлик ичакларни тозалаш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ичкарида ҳожатхона йўқ, чиқиш мумкин эмас ва қирқ кунлик чилла даврида ҳожатга чиқмайсан, вассалом.

Ўзинг билан юмалоқланган қирқ дона емиш оласан, ҳар бирининг катталиги нари борса бош бармоғингдек келади. Улар юкори тўйимлилика эга маҳсулотлардан ташкил топган – ёнғоқ, майиз ва турли хил уруғлар. Яна ўзинг билан бир ярим литр сув оласан. Овқатингни суткасига битта донасини ейсан ва уни бир културм сув билан ичасан. Тамом вассалом!

Нима учун бу каби машғулотлар махсус жойларда ўтказилади? Бунинг сабаби оддий жойларда одам жуда тез чарчаб қолади ва биринчи сутканинг ўзидаёқ кулоғига турли хил товушлар эшитила бошлайди. Иккинчи кунга келиб эса кўзига турли хил шарпалар кўринади. Шу тарика бир неча кун ичида одамнинг буткул тинка-мадори қуриydi.

Шуғулланиш учун энг аъло жой бу – музликлар ҳудуди. Денгиз сатҳидан икки ярим минг километр баландликда бўлса, ундан ҳам яхши. Стратосферада азон қатлами бор, тахминан 20–25 километр баландликда. Биз уни Ердан туриб кўра олмаймиз, лекин бу билан ўша мавжуд нарса йўқ бўлиб қолмайди.

Кўзга кўринмайдиган яна бошқа қатлам ҳам бор, у денгиз сатҳидан 2500 метр баландликда жойлашган. Мана шу қатлам, одамнинг чарчоқ ҳисси туфайли ақлдан озишига йўл қўймайди. Унга куч бағишлаб туради.

Жуда қизиқ табиат феномени мавжуд, бунинг юзага келиши учун эса қатор шароитлар такозо этилади. Бизнинг қатламдаги баландликда эса музлар эриши натижасида ҳосил бўлган булоқ керак. Бу булоқнинг суви ҳавога дуч келмаган бўлиши, ер ости йўллари орқали фақат пастга қараб оқиши керак. Агар ушбу шартларга риоя қилинса, булоқнинг ер юзасидаги кўзининг бир ярим километрли радиуси атрофидаги ерлар ўзига ҳосликка эга бўлади – яъни бу ерлар инсоннинг қувватини худди электр қуввати сингари тиклаб беради. Бир ярим километрдан у ёғига эса бу сув оддий булоқ сувига айланади.

Айтгандай, олма-оталик олимлар мана шундай сув устида тадқиқот ўтказишди, спектрал таҳлил учун ўша сувдан олиб, унинг электр қувватини текширишди. Қарашса, бу сув ниҳоятда юқори даражадаги электр қувватига эга экан.

Музлардан эриб оқиб келган сув ҳам шундай қувват кучига эга экан. Анча паст жойларда ва атмосфера босими юқори бўлган жойларда эса сувдаги бу қувватлар ке-

Тентакнинг тажрибаси 3

тиб қолади. Бунинг сабаби нимада? Биз билмаймиз. Лекин исботланган нарса шуки – бир ярим километрли радиус атрофида барча ўсимликлар ва ҳайвонлар ғаройиб тарзда кучли ривожланади, ҳатто у ернинг чивинлари ҳам бошқачароқ бўлади.

Мен ҳозир сизга масаланинг техник томони ҳақида гапириб бердим. Энди икки оғиз, нима учун Устоз ёнингизда ўтириши ҳақида тушунтириб ўтаман. (Устоз ҳам шу қирк кунлик чилла мобайнида ўзини мукаммаллаштириб, ривожлантиришидан ташқари). Шогирди билан нималар юз бераётганини ҳис қилиш учун назорат қилиб боради. У шогирдини ҳис қилиб туради. Шогирди нима ҳис қилаётган бўлса, Устоз ҳам шуни ҳис қилади. Масалан у бундай дейди: «Ҳозир сен ҳис қилаётганинг – бу чарчаган миянинг вос-вослари, сен уни ўз назоратинг остида ушлаб тур. Мана бу ҳозир ҳис қилаётганинг эса – янги сезги, фикрингни унга қарат».

Устоз шу тариқа шогирдининг ақлдан озишига йўл қўймайди. Мустақил шуғулланиш – бу ақлдан озиш сари ёки ўлимга олиб борувчи йўл.



Токи мустақил Саёҳатчи
бўлмагунингизча, хавфсизлик
техникасини эгаллаб, белгиланган
малака эгаси бўлмагунча, бундай
амалий машқлар билан зинҳор
мустақил шуғулланманг!

Шу тобда тоғдаги туннелни қандай қазиганларимиз эсимга тушди. Мен ўзимни бошқалардан кўра анча айёр деб ўйлагандим...

Менинг «мактабдошларим» катакомбанинг бошқа томонидан қазишни бошлашганди. Икки йил ичида ҳамма-

сини тайёр қилишди. Мен эса кўринишидан анча юмшоқ харсангни топдим, ўзимча: «улар у ёқда тошни ўйиб ётаверишсин, мен эса тезда ўзимга туннел кавлаб оламан», – деб ўйладим. Ва ўзимнинг айёрлигим, ўзимга панд берди... Иккинчи метрга етганимда қаттиқ ва улкан харсангтошга дуч келдим ва бу тош туфайли ўзимнинг қирк тирсак узунлигидаги масофамни уч йилча қазидим... Эрта баҳорда иш бошлаб, кеч кузда тугатардим...

Улар аллақачон учинчи, тўртинчи машқларини ўтказиб бўлишди, менда эса ҳамон тиришқоқ қизилиштоннинг иш куни давом этарди. Ёрдамга одам таклиф қилиш мумкин эмас. Чунки битта бегона одам кирса ҳам бу жойнинг стериллиги бузилади. Ҳаммаси чиппакка чиқади! Тугайди! Ва ҳаммасини бошқатдан бошлашинг керак бўлади! Нима учун?

Агар шундай бўлса, ҳатто устоз ҳам ақлдан озиши мумкин. Чунки бу жойда энди учинчи фикрлаш манбаи пайдо бўлади. Сен эса бу ковакка кирганингдан кейин, тахминан еттинчи куни ушбу фикрларни бошингда товуш тарзида эшита бошлайсан. Айникса, бу туннелда бирор жонзот ҳалок бўлган бўлса.

Айтайлик, сиз аҳмоқлик қилиб қўйиб – бу ерга кириш йўлини очиқ қолдирдингиз ва у ерга сичқондан каттароқ бўлган истаган мавжудот кириб қолди, дейлик. Мисол учун – куён. Бу куён ўлим талвасасига тушиб икки дақиқа ичида у ерда ўлиб қолган, дейлик. Сиз эса машқ пайтида учинчи, тўртинчи кунлари қандайдир ваҳимани, кўркувни, тушкунликни ҳис қила бошлайсиз.

Кейин эса тахминан еттинчи кундан бошлаб куён ўлишдан олдин бир-икки дақиқа давомида ҳис қилган талвасани сиз суткасига 24 соат, машқларнинг охириги, қирқинчи кунига қадар ҳис қилаверасиз. Инсон асаб тизими бундай дўзах азобига зинҳор дош бера олмайди.

Техниканин тажрибаси 3

Ҳар ким ўзига ўзи туннель қазииининг маъноси мана шунда. Мана нима сабабдан ўқув марказларида махсус Устозлар бўшлиқ майдонини олдинги шогирднинг фикр ва туйғуларидан тозалашган ва фақат шундан кейингина янги шогирд у ерга қўйилган ва машқ килишга киришган.

Туннель ковлаб очилганидан кейин, барча тайёргарлик жараёнлари бажарилгач, қирқ кунлик медитация бошланади. Бу даврда Устоз шогирдини назорат қилиб туради, у шогирдига ўзида пайдо бўлаётган сезгиларни фарқлаб олишида ёрдам беради, керакли бўлган, белгиланган хусусият, сифатларни ишга тушириш боскичларини тушунтириб боради.

Тахминан олтинчи-еттинчи куни харсангтошнинг мутлақо ўтиб бўлмас чегараси секин-аста ғойиб бўлиб, деворлари ўзига хос шаффофлик касб эта бошлайди.

Ва сиз ўз жойингизда ўтирганча, минглаб километр узоқларда нима бўлаётганини кўришингиз мумкин. Бошловчи шогирдлар фақат ўзларининг яқин одамларини кўриши мумкин. Яқинлари бир-икки кун олдин нима билан шуғуллангани, ҳозир нима билан шуғулланаётганини ва яқин кунлар ичида нима билан шуғулланмоқчи эканини кузатишлари мумкин.

Тасаввур қилинг-а, шундоқ онангиз ҳақида ўйладингиз ва шу заҳоти ўша ерда бўлиб коласиз. Кулбангиздан юзлаб километр узоқ масофадаги одамнинг олдида бўлиб коласиз. Ана ўшанда сиз, тана бу – бир оғир юк эканини тушуна бошлайсиз.


Масалан, менинг биринчи тажрибам қуйидагича бўлган эди, тахминан уч юз метрлик баландликда қоя турибди, у ерда юмронқозик ва унинг энди туғилган болачаларини кўрдим. Миттигина, тақирбош, тимирскиланиб онасини эмишяпти. Бу шунақаям одамни завқлантирадики! Бунақасини биринчи марта кўришим эди! Нафақат кўрдим, бу юмронқозикчалар нималарни ҳис қилаётганини ўзимда

туйдим. Уларнинг лаззатланишини, роҳатланишини ҳис қилдим.

Ва мен бу роҳатланишдан маст бўлганча, завқу шавқ, лаззат ҳолатига тушдим. Устозим эса бир пайт бундай деб қолди: «Нима гап, юмронқозикни эмяпсанми?» Шунда мен бу аниқ менинг вос-восларим эмаслигини англадим. Чунки Устозим ҳам буни ҳис қилаётган эди. У доимий равишда мени нималарни ҳис қилаётганимни кузатиб, назорат қилиб борарди.

Сўнгра мен янада узоқ-узоқларга кета бошладим. Худди ҳозир Интернетда одамлар серфинг билан шуғуллангандек – у сайтдан бу сайтга кириб чиқиб юрганча, ўзига нима қизиқ бўлса шуни кўргани каби. Лекин бу ҳали бошланиши эди. Тўйиб ўйнаб олгач, машқларни яна давом эттиришим лозим.

Сўнгра машқлар тугагач, сен оддий оламга қайтасан, одатдаги ишларинг билан машгул бўласан. Ва бу юқори даражадаги англаб етишнинг сезгирлиги эканини идрок қиласан. Бу даражадаги юқори қобилиятлар тезда сочилиб кета бошлайди. Мазкур қобилиятнинг бора-бора фақат парчалари, бўлақлари, синиқларигина қолади. Ва сен бу ўтиш эшигини, бу портални майда-майда бўлақчалардан қайта йиғиштириш учун машқлар циклини такрорлайверасан, такрорлайверасан. Портал орқали эса – онг хоҳлаган жойига ўтиши мумкин. У гўёки бир эшигу – унинг бўсағасидан Саёҳат бошланади. Қадрли китобхонлар, бу қанақа Саёҳат бўлди экан, деяётгандирсиз? Бу ҳақда сиз билан бошқа сафар гаплашамиз.



Нима учун дуч келган жойда яшаш
мумкин эмаслигини ниҳоят энди
тушунгандирсиз, деб умид қиламан?

Тенгизнинг тажрибаси 3

Ўз уй-жойингизни куриш нимадан бошланади. Лойиҳадан, тўғрими? Марҳамат қилиб айтинг-чи, ҳозирги яшаб турган уйингиз сизни қониқтирадими, кўнглингиздагидекми? Унда қандай камчиликлар мавжуд? Сизга енгиллик бўлиши учун, бироз йўналиш бераман... Уйни лойиҳалаштириш – бу сизнинг орзуларингиз худуди.



Камтарликни йиғиштиринг! Маошни санаб, имкониятларингизни ҳисоб-китоб қилишни четга суриб ташланг... кийинчиликлар олдидаги кўркувларни ҳам мутлақо унутинг! Фантазиянгизга, хаёлларингизга эрк беринг!

Ҳозирнинг ўзида бир сонияга кўзларингизни юмингда, ўзингизни бекаму кўст уйингизни кўришга ҳаракат қилинг. У қаерда жойлашган? Марҳамат қилиб эслаб қолинг... Уйнинг жануб томонида нима жойлашган?.. Ғарб томонида-чи?.. Шарқда нима бор? Меҳмонхонангизни, ётоқхонангизни яқинларингиз учун ҳам қулай ҳолатда тасаввур қилинг.

Яна бир асосий савол: Иситиш мосламаси бўлган, очик осмон остидаги ҳовузингизни қаерга жойлаштирмоқчисиз? Унинг ҳажми қандай бўлишини олдиндан аниқлаб олинг. Чунки у ерда фақат ўзингиз чўмилмайсиз-ку, бутун оилангиз, ҳатто ўғил ва қиз невараларингиз ҳам оиласи билан лаззатланиши керак... Шундай экан, ҳовузнинг ҳажмини ҳисоблашда зинҳор адашманг.

Денгиз ва уммонларни, тоғ ва ясси текисликларни – қаерга жойлаштиришга амр берасиз? Қуёш қайси тарафдан кўтарилиб, қайси тарафга ботиши керак? Ўрмонни қандай дарахтлардан барпо этамиз? Сизга доим машинада юраве-

риш зерикарли туюлмаептими? Эхтимол уй ёнига вертолёт кўниш учун майдонча ўрнатармиз? ...Шундоқкина уйнинг ёнига ёки тўғри томнинг устига? Мебель ҳақида ким қай-гуради?

Сизнинг иш кабинетингизни қандай жиҳозлаймиз? Ретро услубидами ёки қандайдир антик даврга хосми? Деразадан тоғлар, ўрмон ёки денгиз кўриниб турсинми? Қолганларини марҳамат қилиб, ўзингиз чизиб, тугатиб қўйинг...

Хўш, азизларим, тасаввурингизда шаҳардан ташқаридаги уй-жойингизнинг манзараси ҳосил бўлдимиз? Ажойиб!

Лекин шаҳар марказида ҳам унча катта бўлмаган бир жуфт квартирангиз бўлса ортиқчалик қилмайди. Ким билсин, ишдан кеч чиқишга тўғри келиб қолар ва Ўрта Ер денгизидаги виллангизгача бориш анчагина узок, деган қарорга келсангиз, бу уй жуда асқотади.

Орзу қилиб бўлдингизми? У ҳолда масаланинг амалий томонини муҳокама қиламиз. Киши ўзининг шахсий кўрғонини қуриш учун пулни каердан олиши мумкин? Айниқса, молиявий аҳволи чаток, ҳар бир тийини ҳисобда бўлса?

Биласизми, жуда қизиқ бир феномен бор. Мен ўз шо-гирдларимнинг орасида шундай сўровнома ўтказганман. Жуда қизиқ манзара юзага келган. Ким ўзига шахсий уй-жой қуришни бошлаган бўлса, уларнинг 99 % – ғаройиб тентаклар, чунки уй қуриш борасида қарор қабул қилишганда – уларнинг захираси 20-30 % ерга, уй-жой тушадиган ердаги хандақни қовлашга, пойдеворга ва деворнинг ярмига етарди, холос.

Ўзининг хусусий уйини қуришни бошлагандан кейин уларнинг сармояси кўпая бошлайди! Устига-устак ўз уй-жойини қуришни бошлаган одамлар ўзларининг ёлланма ходим бўлиб ишлаётган ишхонаси ўз жойи эмаслигини ҳис қила бошлайдилар. Кейин улар ўзларининг хусусий ишларини очишга ҳаракат қилишади.

Тентакнинг тажрибаси 3

Сиз ўз уйингизни куришни бошлашингиз билан сизга уйингиз бирдан шундай дейди: «Сен подшосан! Сен қироличасан! Сен озод бўлишинг, ўзгалар таъсиридан халос бўлишинг керак, халос бўл!»

Мен атайлаб сизни мустақиллик сари йўналтиряпман, токи, бу фикрларим ўтиравериб ялпайган жойингизга зирапча бўлсин.

Курилажак уй дабдабали бўлсин, катталиги камида 1500 квадрат метр бўлсин ва бу уй доим сизга пичирлаб турсин: «Тентаккинам менинг, сен нима қиялпсан?! Ҳаётингни беҳуда ва тушунарсиз нарсаларга нега сарфляяпсан. Уйғон! Ўз ибодатхонангни тиклаш вақти келди!»


Сиз уй деворларини, бажариладиган ишнинг ҳажмини кўрганингизда ёки курувчилар дамба-дам: «Хўжайин, пул беринг!» деб тургандагина – сизда кўшимча фаоллик бошланади.

Яна битта қизиқарли жиҳатни билишни истайсизми? Кўпчилик тингловчиларимиз, 35–40 ёшлар атрофида фарзандли бўлишганидан кейин уларнинг даромадлари кўпая бошлаган. Бир неча борабарга кўпайган. 40 ёшидан кейин фарзанд кўрган эрақлар сеҳрли феноменни пайқашган... оиланинг фаровонлигида, барака борасида ўзига хос сакраш ҳолати юз берган.

Уларда ҳайратланарли сафарбарлик ҳолати юз беради – ҳаётлари гўё нолдан бошланади, йиллар давомида эгалланган, лекин баъзи сабабларга кўра эҳтиёж сезилмаган доноликлари бирдан бор кучи билан ишга тушиб кетади. Улар ўз фарзандига қарар эканлар, иштиёқ ва кучга тўлганини ҳис қиладилар. 40 ёшли бошлари ва жисмларида 20 ёшли йигитча пайдо бўлади. Нимага киришмасинлар, ўнта ишдан саккиз-тўққизтасида муваффақиятга эришадилар. Нима учун? Чунки улардаги масъулият, иштиёқ ишга тушди.

Ўнтадан тўққизта ҳолатда оилангиз фаровонлиги, баракаси худди оширма хамирдек ошиб бораверади. Фаолла-

шиш ҳисобига, яъни табиат томонидан ўрнатилган дастакнинг ишга тушириб юборилиши ҳисобига, ички захиранинг фаоллашиши ҳисобига.



Шундай экан эркаклар, кимнинг ёши қирқдан ошган бўлса – сизга уй вазифаси. Ўзингиз тушунган ҳолда – табиат даҳосини, навқиронлик бунёдкорини, табиат инъом этган илҳомингизни ишга туширасиз!

Рухсат этсангиз, қадрдонларим, энди тадқиқотларим натижаси ҳақида ҳам гапириб ўтай. Мен «Тентакнинг тажрибаси 2» китобимда айтиб ўтганман – агар ўкиган бўлсангиз, хотирангиздагини яна бир бор тиклайсиз, агар ўқимаган бўлсангиз, бу – сиз учун кизик бўлади.

Биз бу тадқиқотларни кўп йиллар илгари ўтказган эдик, у пайтлари гугурт бир тийин турарди. Бир гал нақд ўн олти фарзанди бўлган бир хонимни учратдим, лекин у қиз боладек кўринишга эга эди! Ўшанда бу маълумотни шунчаки эслаб қолдим. Бир неча йилдан кейин эса яъни Илмий тадқиқот институти билан ўзаро алоқа ўрнатганимдан кейин уларга тадқиқот учун қуйндаги мавзуда буюртма бердим: Кўп болали оналарнинг жисмоний ҳолати қандай бўлишини аниқланг.

Буни қарангки, улар ҳеч қачон ўзларининг бир-икки болали тенгқурлари кўринишда бўлишмас экан. Ёки анча катта кўринишга, ёки анча ёш кўринишга эга бўлишади. Лекин кўп болали хонимларга ҳеч қачон уларнинг ўзларининг ёшини бермайсиз. Агар бу аёлларда уй ташвишларини ўз гарданига оладиган уй хизматкори, ёрдамчилари, болалар

Тенгизнинг тажрибаси 3

тарбиячиси бўлса, улар ёшига нисбатан жисмонан 20 ёшга яшаргандек кўринишга эга бўлишади. Айтайлик, аёлнинг асл ёши 50 да, у эса 30 ёшдек кўринишга эга. Терисининг ҳолати ҳам, бўй-басти, кадди-қомати ҳам, қалб кечинмалари ҳам. Агар оиладаги ҳамма болаларнинг ташвиши унинг гарданига юкланган бўлса, у ҳолда муаммолар ва тинимсиз ғимир-ғимирлар натижасида бу хоним анча ачинарли кўринишга эга бўлади.

Бундан келиб чиқадиган хулоса: агар рафиқангизга хомиладорлигида қулай ва фаровон шароит яратиб берсангиз... У ҳолда аёлингиз доим эҳтиросли, анча ёш ва жозибали кўринишга эга бўлади ва четдан қараган ҳамма сизларга ҳавас қилишади.

Хўш азизларим, энди ўзимизнинг кўрғонимизга қайта-мизми? Демак, сиз яшаш жойингиз хусусида маза қилиб ҳаёл сурдингиз, ҳатто у жойни топдингиз ҳам. Танладингиз. Узил-кесил ҳал қилдингиз.

Барибир бу – ўйлаганларингиз лойиҳа худуди. Буларнинг барини тагин ҳисоб-китоб қилиш керак – вақтини ҳам, молиявий томонини ҳам. Ҳисоб-китоб қилиб бўлиб қарабсизки... сизнинг бюджетингиз нимадир деб ҳиқиллай бошлайди. Нима киламиз энди?

Олим сифатида камина кулингизни доим инсоннинг ички ҳолатидаги ўзгариш жараёни қизиқтириб келади.

Кузатишларим асосида мен ҳайратланарли бир қонуниятни пайқадим. Сиз кўпқаватли уйдаги квартирангиздан хусусий уйингизга кўчиб ўтганингиздан кейин ишларингиз юришиб, бизнесингиз ғаройиб тезлик билан ривожлана бошлар экан.

Энди эса сизни бундан ҳам қизикроқ маълумот билан та-ништиришга ижозат этинг. Пулнинг энг асосий хусусияти шуки, ҳамиша ва доим етмайди. Унинг ушбу хусусияти ҳеч қачон йўқолмайди ҳам. Биз қанча ишлаб топмайлик, бизга

доим яна худди шунча етмай тураверади. Баъзан ҳатто ундан ҳам кўпроқ етмайди. Лекин дунёда юз берадиган икки-та мўъжиза ҳам бор ва улар доимий.

Биринчи мўъжиза. Марҳамат қилиб айтинг-чи, сизлардан кимдир тўй қилганми? Ўзига ёки фарзандларига... Агар эътибор берган бўлсангиз, сарф-харажат доим сиз режалаштирганингиздан биров кўпроқ бўлади. Лекин охир-оқибат ҳар доим вазиятдан қарздор бўлмасдан чиқиб кетамиз, тўғрим? Сиз шу нарсага эътибор қаратганмисиз? Сизга зарур пуллар қаердандир пайдо бўлади-я??

Иккинчи мўъжиза. Орангизда кимдир пулсиз қурилиш бошлаганми? Келинг, мана бундай тушунтираман, айтайлик сиз бир миллион долларлик уй қурмоқчисиз, сизнинг чўнтагиингизда эса бор-йўғи юз миң доллар. Сиз қурилиш учун қаердандир пул топилаётганини, қурилиш эса ортга сурилмаётганини пайқаганмисиз? Ёки пайқамадингизми? Сўнгра қулоққа ботадиган «ширин» сўзлар билан сўкинганча, миң бир азоб билан бўлса-да, барибир сиз ўз уйингизни охиригача қуриб битказасиз!

Қачондир бўлса ҳам: «Ўзгаларнинг пулини тежаш керак эмас» – деган нақл қулоғингизга чалинганми?

Азизларим! Дунёда шундай бир кучлар мавжудки, улар бизнинг ишлаб топаётган маблағимиз қанча бўлишидан қатъи назар, етарлича бўлганидан кам сарфлашимизга йўл қўймадилар. Олиб борилган тадқиқотлардан бири айнан чўнтақларида ҳемири ҳам бўлмай туриб, ўз хусусий уйини қуришни бошлаган одамларга тегишли эди...

Жуда бўм-бўш эмас-у, лекин уларни нари борса ер участкасигача етиб олишга лойиқ пуллари бўлган... Ер сотиб олиш ҳақида-ку гапирмасак ҳам бўлади, қурилиш ҳақида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Ҳатто маошингиз 500 доллар бўлган тақдирда ҳам, сизнинг миллион долларлик уй қуришга қурбингиз етади.

Тептақнинг тажрибаси 3

Ҳамма гап ҳам маиа шунда-да! Бу қарорни қабул қилиш пайтида сизнинг тақдирингизда қизиқ механизм ишга тушиб кетади. Рухсатингиз билан бу борадаги ўз хулоса ва шубҳаларимни ҳозирча ўзимда қолдирсам.

Бунга ишончли далилларим мавжуд. Ўзингиз ҳам ҳали бунга ишонч ҳосил қиласиз.



Ўзингиз шахсан биладиган танишларингиздан кимдир ўзи учун уй-жой қурган бўлса, улардан сўраинг, сизга гапириб берсин, ишни нимадан бошлашган, чўнтақларида қанча пул бўлган экан. Улардан сўраб-суриштиринг!

Бу – сиз учун навбатдаги уй вазифаси бўлади.

Аминманки, аксариятингиз, айниқса, ўзининг тор квартирасида яшаётганлар ёки умуман уйи йўқ, ижарада турадиганлар, ҳашаматли уй-жойда яшаётган одамларда бу ҳайбатли қурилиш учун илгаридан пуллари бўлган, деб ўйлайсиз. Асло ундай эмас! Бу гаплар сиздаги кўрқоқликнинг, журъатсизликнинг сўзлари...

Мен умрим давомида саккизта уй қурдим ва улардан бирортасига бир тийин ҳам сарфламаганман! Москванинг ўзида бир нечта коттежларим, Тошкентда ҳам ажойиб «уйчам» бор. Хоҳласангиз, ўз тажрибам билан ўртоқлашаман? Саккизта уйнинг ҳаммаси ҳақида гапириб ўтирмайман, китобим ҳам ахир резинадан эмас. Охирги Тошкентдаги «уйчам» ҳақида гапириб бераман.

Тошкентда яшаш жойим бор эди – бир подъезднинг ўзида учта уй. Ана шу уйларнинг ўзи ҳам, оилам билан бу ерда

тўхтаб ўтиш, қанчадир муддат қулай яшаш учун етарли эди.

Лекин ўзим бу каби чумоли инининг ишкибози эмасман, яна қўшимчасига ўғлимни уйлантириш ҳаракатини бошлаганимизда, бўлажак қудалар «Хўш, тўйдан кейин ёшлар қаерда яшайди, ахир ўз уйингиз ҳам бўлмаса», – деб мингирлашга тушишди... Ўшанда бу гапдан биров жажлим ҳам чиққанди...

Мен учун Ер шарининг исталган шахридан уй сотиб олиш муаммо эмас... Қолаверса, менга Тошкентда уйнинг кераги ҳам йўқ, боиси мен у ерда камдан-кам бўламан, асосан йўл усти тўхтаб ўтаман, холос.

Ёрдамчиларимга Тошкентдаги энг яхши уйни излаб топиш вазифасини кўйдим. Ҳашаматли зўр уйни топишди, савдолаша бошладик. Уй эгаси оёқ тираб туриб олган. Нархи осмонга кўтарилиб кетяпти, у эса ҳеч қанақасига кўнмасди! «Ўзим учун қурганман ва ҳеч қандай нархга сотиш ниятим йўқ», – деб тураверди. Шунда ўйга толдим...

Мияни ишлатиш мумкин бўлганда, ҳамёндагини ишлатишга не ҳожат? Ёзда Тошкент жазирама бўлади, обрўли коттежли районлар шаҳар чеккасида, бу уй эса гўё ҳандақда жойлашган, нафас олиб бўлмайди, иссиқ... менга шу керакми? Кейин мен шаҳардан чеккароқда, чиройли манзара ва тоғлар кўриниб турган ерлардан жой излаб топдим. Бу ердан ёзда тоғдан салқин шабада эсади, бунинг устига текин манзара кўриниб турибди.

Танлаган жойим гўзал манзарали, лекин озрок овлоқ жой эди. Бу ерлар дала ховлига мўлжаллаб участкаларга ажратилган. Ёрдамчиларимга шу ерлардан тезда икки гектар ер сотиб олиш вазифасини топширдим. Лекин! Дала ховлида яшаш менинг режамда йўқ эди, мен обрўли коттежли посёлкада яшамоқчи эдим. Кейин бир нечта давраларда мана

Тентакнинг тажрибаси 3

шу йўналишда обрўли қурилиш мўлжалланмоқда, деган мазмунда гап тарқатишга қарор қилдик ва бу биз кутганимиздан ҳам яхшироқ натижа берди... Кейин қаергадир жўнаб кетдим.

Бир неча ойдан кейин қайтиб келгач, ёрдамчиларимдан сўрадим: «Хўш, сизга боғбонлар жамиятидан икки гектар ер сотиб олиш вазифасини топширгандим. Сотиб олдингларми?»

Қарангки, бу бўлмагур иктисодчилар шунда ҳам пулларимни тежашга қарор қилишибди, ер сотиб олишган-у, фақат бир гектар! Мен у ернинг ҳозирги нархи билан танишдим, вожаб, у жойлар энди талаш, нархи ҳам бир неча баробар ошиб кетган экан, уни ҳам агар топсанг.

Кўшнимиз 15 сотих ерни сотишга қарор қилди, биз савдолашиб сотиб олдик. Шундан сўнг хотиржам кута бошладим. Яна бир неча ой ўтди, ер деярли қолмади. Энди харидорлар ҳар бир сотих ерни жуда қиммат нархда сотиб олишга ҳам тайёр эди. Лекин ҳеч ким обрўли ерни сотгиси келмасди...

Оқибатда мен ўзимнинг ярим гектар еримни сотдим, қолган 65 сотих майдонда, ер сотишдан олган фойдага ўзимнинг «уйчам»ни қурдим. Сизга ҳам шундай уйлардан насиб қилишини тилайман!

Нима учун турли йўллар билан шунча вақтимни сарфлаб, сизни хусусий уй қуришга ундаяпман, вайсаяпман, мингирлаяпман? Чунки биламан: сиздан асосий талаб қилинадиган нарса, ўз кўркувингизни енгиш, холос! ...Қаергадир уни даф этиш! Сиз бу борада биринчи кадамни ташлашингиз шарт!

Аслида эса чўнтагингизда албатта яхши ниятингиздан бошқа деярли ҳеч нима бўлмай туриб, бир тийин ҳам олмасдан, Москванинг қоқ марказида ўн қаватли уй қуришни хоҳлаб қолсангиз, сиз бу уйни кура оласиз. Дарвоқе, мен оилангиз учун қуриладиган уй ҳақида гапиряпман, тижорат йўлида қуриладиган уйлар ҳақида эмас.

Миллион долларлик уйни куришни бошлашингиз учун сизга бор-йўғи уч-беш минг доллар етарли... Мана масалан, сиз миллион долларга баҳоланадиган уй курмокчисиз... Курилиш жараёнида бу уй сизга бор-йўғи уч юз долларга тушади.

Тушунарлими? Тушунарли эмасми?.. Бошқачасига тусунтиришга ҳаракат қиламан. **Диққат! Бу жуда муҳим!**

Қачонки сиз ўзингизнинг хусусий уйингиз курилишини бошласангиз, бу охир-оқибат туғилганингизданок бириктириб қўйилган чек дафтарчангизга қатъий қўл узатганингизни англатади. Азиз дўстларим, ёдингизда тутинг, сизга қаердандир шахсий ҳисоб рақами бириктириб қўйилган. Уй-жой курилиши учун, фарзандларингизнинг тўйи учун ва ўзингизга транспорт воситаси харид қилишингиз учун!

Бу жамғарма дафтарчангиз қаерда, қандай ва ким томонидан очилган – сўраманг, билмайман! Лекин бу ҳар доим иш беради. Чунки уй-жой курилиши – бу Яратганнинг ҳомийлиги остидаги амаллардан бири.

Мана сизга жиддий илмий исботи. Ҳатто биттасида эмас, бутун бошли учта Муқаддас китобларда (Таврот, Инжил, Қуръон) шундай ёзилган! «Агар сен уй куришга қарор қилсанг, харажатини Мен тўлаб бераман!»

Бу шарофатли ишлар текин-ку, азизлар! Лекин эътиборингизни яна битта жиҳатга қаратинг! У ерда яна ёзилганки «Агар эркак ўзининг охириги уйини ва охириги қорамолини сотса, мен шундай қиламанки, у бундан топган пулларини қаёққа ғойиб бўлганини билолмай қолади...»

Сиз ўз уйингизни сотишга уриниб кўрганмисиз? Ҳеч қачон уриниб кўрманг! Чунки бу пуллар худди бармоқлар орасидаги кум сингари, шунчаки йўқолиб кетади, «бор эди – энди йўқ!» – дегандек.



Ўз шахсий уйингизни куришни бошлашингиз, сизнинг ақлингиз ва юрагингизни сафарбар қилади. Ва сизга қанчалик қийин бўлмасин, қанчалар ботқоққа ботиб қолган бўлманг, сиз бу уйни барибир куриб битказасиз!

Хоҳлайсизми, улов харид қилиш борасида қизик бир воқеани гапириб бераман? Илгари менинг энг севимли, хузур ва завқ бағишлайдиган машғулотларимдан бири автоулов бозорида сайр қилиш эди.

Бу воқеа ота-онамни кўргани борганимда юз берди. Ўзим билан олиб келган ҳамма пулларни ёрдам тариқасида тарқатдим, ўзимга эса 300 доллар ҳар эҳтимолга қарши қолдирдим... ва биз рафиқам билан машина бозорига кирдик... Қарасам у ерда менинг орзуим – ғилдиракдаги уй турибди. Шундай кўзни камаштирадиган трейлер «Пежо!» Ё тавба – ўйлашиб қолдим. Чўнтагимда уч юз доллар... Атрофида айланиб, томоша қиляпман... сўлагимни ютинганча қараб турибман... Шу пайт трейлер эгаси келди. Нарҳини сўрадим: «Қанча?» Қарангки, 14 000 доллар экан. Чўнтагимда эса бор-йўғи 300 доллар. «Сотиб оламан! Хужжатларни расмийлаштиришга кетдик!» дедим. Хотинимнинг кўзи косасидан чиқиб кетай деб қараб турибди, лекин жим. Машинани расмийлаштириш учун йўлга тушдик. Йўлда кетяпмиз, хаёлим алғов-далғов: қандай қилиб пулини тўлайман? Пул йўқ! Лекин сезиб турибман – машина меники! Хужжатларни расмийлаштирадиган жойгача икки юз метр қолганда, тўсатдан бизни аллақандай «Мерседес» машинаси қувиб етди. Бутун кўчани бошига кўтариб сигнал беряпти ва унинг ҳайдовчиси яна менга қўл силқияпти: «Нима бўлди экан?» деб

ўйладим. Албатта тўхтадим. Машинадан бинойидек эркак киши тушиб келди-да:

– Эгаси ким? – деб сўради.

Ҳайдовчи мени кўрсатди.

– Сизни бир дақиқага мумкинми? Четга чикдик. У гап бошлади:

– Биласизми, ота-онамни ҳажга юбормоқчи эдим, лекин улар самолётда учишдан бош тортишяпти. Трейлерингизни бир ойга ижарага олиб турсам бўладими? Йўл харажати учун режалаштирган сарф-харажатнинг ҳаммасини ижара сифатида тўлашга тайёрман. У ёққа ва ортга қайтиб келишларига. Олдиндан юз фоизли тўловни амалга ошираман!»

Шундан кейин у менга неча пул бера олишини айтди. Ўн тўрт ярим минг доллар.

– Розиман! Ҳаж зиёратининг ниҳоятда савобли иш эканлигини ҳисобга олиб, беш юз доллар чегирма қиламан! – дедим.

Ҳали-ҳануз бу мўъжизага ўзим ҳам ҳайрон қоламан. Чўнтагимда атиги 300 доллар бор эди! Бошқа бир тийин ҳам йўқ! Меи эса гилдиракли уйни «Бўлди оламан!» – дедим. Ҳаммадан ҳам қизиғи! Машина эгаси 14 000 доллар сўради, шу заҳоти менга ўн тўрт ярим минг доллар таклиф қилишяпти! Икки соатнинг ичида!

Ҳа, агар Яратганининг битикларига амал қилсанг, ўз юрагинга кулоқ тутсанг – мана шундай мўъжизалар содир бўларкан. Бу гапимни қандай хоҳласангиз шундай тушунаверинг. Лекин мен бу борада ўзим учун хулоса чиқариб бўлганман.



Ҳаммасидан ҳам аълоси, Яратган билан
баҳамжиҳат иш кўрган маъқул!

Тенгизнинг тажрибаси 3

Азизларим, сизлар билан бироз экология ҳақида гаплашмоқчиман. Дунё экологияси ҳақида эмас, сизнинг уйингиз экологияси ҳақида.

Марҳамат қилиб айтинг-чи, қачондир бўлса ҳам ишхонада мизғиб олишга уриниб кўрганмисиз? Ҳар доим шунақа қиласизми? Хўш, қал-а-й? Тиникиб, дам олиб уйғонасизми? Йўқ? Нима учун?

Чунки у ерда дам олишнинг иложи йўқ! Ҳечам иложи йўқ! Энди кўз юмишигиз билан бу деворлар, дарпардалар, поли ҳам, шифти ҳам ва бошқа ҳамма нарса сизга босим ўтказа бошлайди: «Сиз ялпайиб нима қилиб ётибсиз? Қани туринг, иш бошланг! Эшитяпсизми? Бўлинг, ишланг!!!» Чунки улар сизнинг бу ерда доим тиним билмай ишлашингизга кўникиб қолишган.

Ишхонадан қандайдир бирор жиддий муаммони уйингизга олиб келишга ҳаракат қилиб кўринг... Шундай қилсангиз, албатта, сизнинг ҳаётингиз дўзахга айланади!

Уйингизда ким биландир уришиб қолганда, астойдил жаҳл қилиб ликопчани полга уриб синдирсангиз, унинг синиқлари енгил, бир зумда йиғиштириб олинади. Биласиз-а? Ўзингиз ҳам тез-тез шундай қилиб турасизми?... Лекин ҳар гал шу полга кўзингиз тушганида, сизнинг кайфиятингиз бироз бузилади. Чунки бу ёғига диққат қилинг! Бу чил-чил бўлган ликопча шу жойда яна 40 йил ётишда давом этади. Ва ҳар бир кейинги синдирилган ликопча ҳам худди шундай! Ва вақти келиб сиз оёқларингиз остида қисирлаб ётган уюму юм синиқлар устидан юра бошлайсиз.

Қачонки сиз ўз уйингизда қандайдир жиддий масалани ҳал қилишга уринганингизда, худди шу нарса юз беради, вақти-соати келиб бу уй сизга ором бермай қўяди, у ерда энди мутлақо ҳордиқ чиқара олмай қоласиз.


Уйда ким биландир ўтириб олиб, қаерда ва қандай корпорацияларни очишни муҳокама қиляпсиз... бу пайтда уй-

даги деворларингиз, дарпардаларингиз, полингиз, шифтларингиз ва бошқа ҳамма нарса сизни диққат билан эшитиб туради... Демак хулоса шуки:



Ҳеч қачон уйингизда ҳеч қандай муаммони муҳокама қилманг!

Масалан – турмуш ўртоғингиз сизга: «Сен эшаксан!» – дейди. Сиз унга «Ўзинг шунақа!» деб жавоб берасиз. Уришиб қолдингиз, ҳар қайсингиз ҳар томонга қараб кетасиз... Лекин эртасига, сиз бу ерга кирганингизда... уйнинг деворлари Сизга «Эшак! Эшак!» деб такрорлай бошлайди. Ва шубҳасиз, сизнинг кайфиятингиз бузилади.



Сизнинг уйингиз бу – сизнинг наслингизнинг ҳаёт ошёни, кўрғони. Марҳамат қилиб уйингиздан фақат ошён, ҳаёт кўрғони сифатида фойдаланинг!

Ётоқхона – бу ҳордик чиқариб, ухлаб ором олиш ҳудуди... ўзингиз тушунасиз. Агар сизнинг ётоқхонангиз эртага нима қиламиз, индинга нима қиламиз... ундан кейин нима қиламиз сингари мавзудаги суҳбатларнинг жойи бўлиб қолса... бу хонанинг ўз вазифасидан асар ҳам қолмайди.

Ошхона нима учун керак? Ошхонангизнинг вазифаси нимадан иборат? Меҳмонхона? Ваннахона? Болалар хонаси? Болалар ётоғи?

Агар ишни муҳокама қилмасликнинг ҳечам иложи бўлмаса – майли ўзингизга ишлайдиган хона ажратиб олинг.

Кабинет! Иш юзасидан барча масалаларни шу ерда ҳал қилинг. Лекин бу муҳокама, мунозаралар иш кабинетидан бир қадам ҳам ташқарига чиқмасин! Агар сизникига яхудий дўстларингиз Вагман билан Кульман келиб қолишса... Уларни тўппа-тўғри иш кабинетингизга олиб кириг ва устидан қулфлаб қўйинг!



Ишхонангизнинг ишлари ҳеч қачон, ҳеч қандай баҳоналар билан, ҳеч қандай кўринишда сизнинг уйингизга кириб келиши керак эмас. Шунингдек, бошқа бирор кимсанинг ҳам сизнинг уйингизга ўзининг ишини кўтариб келишига йўл қўйманг!

Уларни хаёлан уйингизнинг дарвозаси олдида қолдиринг... яъни чиқиндилар қутисининг олдида. Хўп, майли-майли... чиқиндилар қутисининг эмас! Муҳим ҳужжатлар учун сейфнинг. Устидан омборхона қулфини илиб, мустаҳкам тамбалаб қўйишни унутманг!

Миянғизда айланаётган барча хаёлларни чиқариб ташлаб, кечкурун уларни ҳам мана шу сейфга бекитиб қўйинг. Фақат шундан кейингина уйингизга кириг!

Бирга ишлайдиган ҳамкорларингиздан кимдир уйингизга келиб турадиган бўлса, улар билан ҳам бу ҳақда келишиб олинг. Акс ҳолда, эртами, кечми шундай пайт келадик, сизнинг деворларингиз жисму жонингизга, руҳиятингизга босим ўтказа бошлайди. Сиз ҳечам дам ололмайсиз ва уйингиздан ишга чарчаган аҳволда кетасиз. Уйда эса инсон биринчи навбатда ором олиши, чарчоқларидан фориғ бўлиши керак!

**ИШКАЛСИЗ
ОИЛА ҚЎРҒОНИНИ
БУНЁД ЭТИШ ҲАҚИДА**

- ▶ *Жинсий жиҳатдан бақувват эркак нега ҳеч қачон қашшоқ бўлиб қолмайди?*
- ▶ *Асал ойини 50 йилга узайтириш ҳақида;*
- ▶ *Нима учун эркакнинг ожизлиги аёлининг кучли эканида, аёл кишининг кучи эса унинг ожизлигида бўлади?*
- ▶ *Ўз турмуш ўртогингиз учун сеvimли маъшуқага айланиш сирлари ҳақида;*
- ▶ *Эркак кишининг иккинчи юраги қаерда жойлашган? Эркак кучининг фаоллаштиргичи қандай тайёрланади?*
- ▶ *Биз аллақачон ўлдига чиқарган эҳтиросли фантазияларимизда оилавий турмушининг бегона ўтлари барқ уриб кетмаслиги учун нима қилиш керак?*

Magyarorszag Helyfoglal

[Faded text in a rounded rectangular box at the top of the page]

[Large block of faded text in a rounded rectangular box, possibly containing a list or detailed notes]

Б

у йил баҳорда, Москвадаги «Китоблар уйи» мажмуасидаги учрашувда олдимга бир эр-хотин келди. Иккаласининг ҳам ёши қирк ёшлар атрофида. Улар секингина мени четга чақириб, бундай дейишди:

– Китобингиз шарофати билан биз оила қурдик, ҳозир эса биринчи фарзандимизни кутяпмиз!

Мен бу янгиликни эшитиб ниҳоятда хурсанд бўлдим! Одамлардан мана шундай хушxabарларни эшитганимда, биласизми, ўзимча эҳтимол Яратган эгам шулар туфайли менинг айрим гуноҳларимни мағфират этар деб ўйлаб қоламан...

Кучли инсонлар ҳаётда ўзларининг расму одатларини яратишади, ўзларининг тамаддун тамойилларини яратишади, довураклар ўзларининг йўлини яратишади, руҳонийлар – ўзлариникини яратишади, нопок, ёвуз кимсалар ҳам – ўз фалсафаларини ва ҳаёт тарзини яратишади.

Қўрқоқ ва ожиз кимсалар эса ўзларининг қўштирноқ ичидаги «гражданлик» оила шаклини яратишади, ўзига хос сохта «демократия»ни бунёд этадилар, бунда эзгулик ва ёвузлик бирдек ҳуқуққа эга бўлади.

Рўпарамдаги одамнинг қандай инсонлигини тезроқ фарқлаб олиш учун ундан сўрайман:

– Уйланганмисиз? У эса:

– Ҳа, «фуқаролик никоҳи»даман, – деб жавоб беради.

Миямда шу захоти «Бу кўрқинчли одам!» – деган фикр пайдо бўлади. Нима учун дейсизми? Ҳозир тушунтириб бераман:

«Эркин муҳаббат» тушунчасининг синоними сифатида «Фуқаролик никоҳи» деган атама Россияда пайдо бўлганига унча кўп бўлгани йўқ, тахминан бу XX асрнинг саксонинчи йилларига тўғри келади.

Бу никоҳ давлат томонидан ҳам, черков томонидан ҳам тан олинмаган, қабул қилинган ҳам эмас – у ҳеч қанақа никоҳ эмас. Бу «эркин севги»да эркак ва аёл топишади, шунчаки ўзаро келишиб бирга яшашади.

Биз бундай никоҳдаги одамларнинг кимлиги борасида тадқиқот ўтказдик ва бугунги кунга келиб аллақачон бизда уларнинг руҳий-психологик портрети бор. Агар оддий жайдари тилда айтадиган бўлсак, «фуқаролик никоҳи» бу – бор-йўғи эркак кишининг кўрқоқларча тузган никоҳи, холос. Чуқур ақлу идрок, онгу шуур даражасида олиб қарайдиган бўлсак, бу эркаклар оила масъулиятини, ўзга инсон ҳаёти олдидаги масъулиятни, бўлғуси фарзандлари олдидаги масъулиятни ўз зиммасига олишдан кўрқадиган эркаклардир.

Энг хайратланарлиси, «фуқаролик никоҳи»нинг ташаббускори қай бири экани муҳим эмас, аёлми ёки эркакми – у ожиз, ҳаётда рўёбга чиқа олмаган, тараққий этмаган руҳият эгаси. Бу одамларда шунчаки етакчилик, сардорлик сифатлари йўқлиги, уларда мана шундай хатти-ҳаракат шаклида намоён бўлади.

«Фуқаролик никоҳи» бу – эхтиросни, ҳирсни қондириш хоҳиши бўлгани ҳолда, венерик касаллик юктириш хавфи олдидаги кўрқувга эга, доим хавфсираб юрадиганларнинг аъмоли ва ҳоказо... Ана шундай никоҳда эса улар фақат биттаси билан ётади ва ҳеч қандай хавфли касаллик орттириб олмайди...

Тенгачининг таърифиси 3

Биз «фуқаролик никоҳи»да яшовчи эркакларнинг руҳий-психологик портретини тузганимизда уларнинг барчасида қуйидаги шаклдаги қўрқоқликни аниқладик, биринчидан:



Кучли инсонлар никоҳни яратишган,
оғиз одамлар эса «гражданлик
никоҳи»ни, «эркин севги»ни яратишди.

Табиатда «фуқаролик никоҳи» деган нарса мавжуд эмас. Бунинг пайдо бўлишига иккинчи сабаб – худбинлик, ўзи учун яшаш иштиёқи. Она-табиат эса жуда донишманд ва бундай одамларнинг кўпайишига асло йўл қўймайди. Ва қуйидаги тарзда улардан халос бўлади: «Ўз ҳаққи-хурматинг учун яшайвер, келажакни эса ўзинг каби генлардан халос эт». Шундай қилиб, табиат бу қабиларни йўқлик рўйхатига ўтказиб қўяди.

Бу одам ўзидан кейин деярли насл қолдирмайди ёки қолдирганда ҳам, жуда кам миқдорда қолдира олади. Орадан 50–100 йиллар ўтади ва унинг насли табиатда мутлақо йўқолиб кетади. Иккинчидан:



Кимда-ким ички куч, олижаноблик,
ўзига ишонч, масъулият, меҳр-
муҳаббат каби ижобий сифатлар
сохиби бўлса, улар авлод қолдиришади
ва ўз наслини эстафета бўйича
узатадилар. Эртанги кун, келажак улар
билан бардавомдир!

«Фуқаролик никоҳи»дагиларнинг фақат 30 фоизи узок муддатли оилага эга бўлса, 70 фоизи ажрашиб кетар экан.

Тасаввур қилинг-а, уларда фақат юзтадан 30 та оилагина мустаҳкам бўлади. Энг ҳайратланарлиси, мана шу 30 оиладан бор-йўғи 7 % никоҳда қолади, 93 фоизи барибир ажрашиб кетади.

Нима учун? Чунки бу оламда нимаики кўрқув асосига қурилган бўлса, у ҳамиша хиёнат билан тугайди! Бир бора хиёнат қилган эса – албатта, яна хиёнат қилади.



«Фуқаролик никоҳи» бу моҳиятан ўз жуфтингизга ич-ичингиздан онгу шуур даражасида: «Сен унчалик ҳам менга тўғри келадиган одам эмассан», – деганингиздир.

Учинчидан: «Фуқаролик никоҳи» шундай тоифадаги одамлар томонидан барпо этиладики, улар муайян биологик ва психологик довлардан ошиб ўтишган. Ушбу довларга ҳали оила курса бўлади, лекин бундан ўтилгач, энди миналаштирилган соат механизми ишга тушиб кетади.

Агар биз оила қуриш, фарзандларни ўстириш ўрнига ўзимизнинг қоидаларимизни, ўз чекловларимизни, керак-нокерак шартларимиз, қадриятларимизни ўйлаб топа бошласак ёки омма томонидан қабул қилинган қоидаларнинг қулига айланиб «ҳамма шунақа қиляпти, мен ҳам шундай қиламан», тарзида иш тута бошласак, табиат зинҳор бизни кечирмайди. Образли қилиб айтадиган бўлсак, у бизни «чикит»га чиқариб ташлайди.

Агар сиз қизил хошия чегарасидан ўтган бўлсангиз, яъни бу ёғига туғилиши керак бўлган фарзандингиз ота-онасининг биологик жиҳатдан қарилиги сабабли туғилмай қо-

лиш хавфи остида бўлса, сизга тегишли бутун наслу насаб йўқолиб кетиши турган гап.

«Табиатнинг генетик хато»ларига нисбатан, яъни ўттиз-ўттиз беш ёшдан кейин оила курмокчи бўлаётганларга нисбатан шлагбаум тўсиғи туширилади. Чунки улардаги ҳаётга нисбатан ўзига хос нуқтаи назарлар, фикрлар, ҳулосалар энди уларнинг ўзига қарши туриб оила қуришларида тўсик сифатида хизмат қилади. Бундай фикрлар қай даражада ақлли кўринишда бўлмасин, аслида табиат уларни ба-рибир «чикит»га улоқтиради.

Бундай одам насл қолдирмаслиги керак, чунки ундан ҳам худди шундай мавжудотлар туғилади ва бу ҳолат популяциянинг барқарорлигини доимий хавф остида қолдиради. Кеч оила қуришга бўлган интилиш генетик равишда наслдан-наслга ўтади ва бу иллат инсониятни муқаррар ҳалокатга олиб келиши мумкин. Табиат эса бунга йўл қўймайди!

Ҳозир шундай нарса ҳаёлимга келди, эҳтимол, ҳурматли китобхон, айнан сиз «фуқаролик никоҳи»да яшаб келаётгандирсиз... агар шундай бўлса мени кўргани кўзингиз йўқдир? Нима ҳам қилардик, модомики, қисматимизга шу битилган бўлса, буларни ўрганиб чиқишимизга тўғри келган бўлса...

Ҳозир сизнинг шаънингизга, айниқса, «фуқаролик никоҳи»да яшаётганларга қарата қанча тош отдим. Шу боисдан, энди сизни оқлаш учун ва барча ҳақоратлар учун узр сифатида ўз ҳаётимдан қизик бир воқеани гапириб берсам.

Мен, аксарият европаликлар назари билан қараганда, ёш уйландим – йигирма етти ёшимда!


Тўйимда, худди ўзимнинг дафн маросимимда қатнашаётгандек юрганимни эслайман: «Нималар қиляпман-а?!» Менда шундай руҳий ҳолат пайдо бўлгандики, ўшанда мен гўё энг муҳим нимадандир ажралиб қолаётгандек эдим, бу – албатта ўз эркинлигим эди!

Тўй ўтиб бўлди, эртаси куни дўстларим менга: «Юр биз билан, кетдик! Ўтир автобусга!» – дейишди.

Улар ҳазиллашаётган эканлар, мен эса шартта уларга кўшилиб автобусга чикиб олдим. Йигирма чакиримча йўл босганимиздан кейин улар менинг ростдан ҳам ўзлари билан бирга кетаётганимни пайқаб қолишди. Кейин бариси бир бўлишиб: «Бор! Сен энди уйлангансан. Энди бизга дўст бўлолмайсан!» – деб автобусдаи тушириб юборишди.

Ортимга узок йўл босиб пиёда юриб келдим. Йўл бўйи ўзимча ҳаёлимда: «Нима қилиб қўйдим?!» – деган фикрлар айланарди. Олдинда мавҳумлик, сабаби нималиги тушунарсиз... Умуман олганда, мен энди бир умрга уйландим... бу эса тоабат кишанланганимни англатади, худди қамокдагидек! Ё тавба! Ўз оёқларим билан қамокқа кириб олдимми?!

Мен ўша лаҳзаларда кечирган хавотирларимни жуда яхши эслайман. Энди эса бу «қамокқа» егги йил олдин тушганимда эди, янада кўпроқ хурсанд бўлган бўлардим, деган ўйдаман.



Кимки «гражданлик никоҳи»да яшаётган бўлса, айниқса, эркаклар, сизга бир ҳафта муҳлат бераман. Ўз жуфтингизнинг қўлини сўрайсиз ва тўй кунини белгилайсиз! Бир ҳафта муҳлат!

Давом этамизми, менинг уйланган ва деярли уйланган кадрдонларим? Эркакларнинг бошлаб таъзирини бердимми?! Энди навбат хонимларга.

Ҳар бир аёл ўз эрини беш қўлдай биламан, деб ҳисоблайди. Ҳамма аёллар руҳий хасталик – шизофрениянинг ушбу турига чалинган. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсат-

моқдаки, ҳар бир турмушга чиккан аёлнинг кўнглида иккита эри бўлар экан. Бири – ҳаёлий фантазияларининг ҳосили бўлса, бошқаси ҳақиқийси. У бир умр ўзининг ҳаёлидаги вос-вослари билан яшайди, унга ғамхўрлик қилади, қайғуради, яхшилашга ҳаракат қилади.

Бу пайтда эса ҳақиқий эр ўзича ўйлайди: «Бу бош оғриғи менга нимага керак эди? Бу азоб-укубатлар қайси гуноҳларим учун экан-а?»

Аксарият эркаклар оилавий ҳаётнинг беадоғ азоб-укубатларига, зим-зиё ҳаётларида баъзан чакмоқ чакнаши сингари рўй бериб турадиган бир неча дақиқалик қувончу бахт учунгина тоқат қилдилар.

Азиз аёллар, мен сизларни ҳайрон қолдирыпманми? Сиз учун янгилик бўлган бирон гап айтдимми? Аслида, бу ҳаётда ўзимизча тахмин қилганимиз, ўйлаганимиз, ҳисоб-китоб қилганимиз ва атрофдагн реал борлиқ мутлақо бошқа-бошқа нарсалардир. Кўпинча билимдан холи ва бўш жойлар турли ҳаёл ва орзулар билан тўлдирилади.

Азиз китобхон, энди сиз билан бир катор муаммоларни кўриб чиқамиз, чунки айнан улар сабаб оилалар бузилиб кетмоқда.

Марҳамат қилиб айтинг-чи, балиқ ўрмонда яшай оладими? Кучуклар сув остида юра оладими? Эҳтимол, кенгурулар хас-хашакдан ин тўқишни ўрганиб олишгандир? Ёки филлар қишлаш учун Антарктидага учиб кетиши мумкинми? Аҳмоқона саволлар беряпмай-а?

Ҳар бир ҳайвоннинг ўз маскани, жойлашган макони бўлади, бу ердан ташқарида у яшай олмагани сингари эркак кишининг ва аёл кишининг ҳам ўзининг майдони ва ҳудудлари бўлади, бу ҳудуддан ташқарида улар ҳам ўзларини жуда ноқулай сезадилар!

Демак, гапимизни шундан бошлаймизки, эркак ва аёл – мутлақо бир-бирига карама-қарши қилиб яратилган. Ва бу жуда ажойиб ҳодиса! Эркак билан аёл – бу мусбат билан

манфий кутблар. Улардан қайси бири мусбат, қайси бири манфий – бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ.


Мусбат билан манфий кутбларнинг орасида эса доим тортилиш бўлган. Уларнинг феъл-атвори турлича, мушоҳада юритиш тарзи фарқ қилади, ташқи томондан ҳам улар ўзига хосликка эга. Фикримга қўшиласизми? Баракалла!

Келинг, оддий 220 вольтли лампани олайлик. Агар лампани ўзига мос келадиган ток билан уласак, нима рўй беради? Лампа ёнади.

Агар биз уни кўтара олиши мумкин бўлганидан кўпроқ кучланишдаги токка уласак нима бўлади? Масалан, 220 вольт эмас, 380 вольтга? Лампамиз куйиб қолади... тўғрими?!

Оилавий ҳаётда ҳам худди шундай, тортишувлар кучланиши авжга чиқиб бораверса, ҳар қайси томон ўз гапини ўтказиш учун чиранаверса, бундай оила албатта куйиб қолади! Лекин бу ҳақда бироз кейинроқ гаплашамиз.

Энди эса бунга тесқари бўлган ҳолатни кўриб чиқайлик. Биз ток занжиридаги кучланишни аста-секин камайтириб борсак – 200 вольт, 150 вольт, 100 вольт... ва ҳоказо. Нима юз беради? Албатта, энди лампа куйиб қолмайди!



Агар оилада эркак киши аёл кишининг худудига даҳл қила бошласа ёки аёл киши эркак кишининг худудига суқилиб кира бошласа, у ҳолда бундай оила «ўчиб қолиши» мумкин. Чунки уларнинг имкониятлари орасидаги тафовут йўқола бошлайди.

Хўш, биз қандай худуд ҳақида гапиряпмиз? Эркак киши учун асосий нарса нима? Аёл киши учун асосий нарса нима экан?

Кўпчилик эркаклар учун иш – биринчи ўринда туради. Улар шундай яралган, эркак киши ишни биринчи ўринга қўяди, илгари буни «овга отланиш» деб аташган, ундан кейин эса оила. Аслида, бу тўғри!

Агар оила унинг ишхонасининг ҳудудига сукулиб кира бошласа, эркак ўз оиласини барбод қилади. Агар эркак киши ишни оиласи билан аралаштира бошласа – гўё уйда иккита аёл пайдо бўлади, иккита аёл – бу иккита машмаша, иккита бошоғриқ дегани. Улар эса ҳеч қачон феъл-атвор жихатдан бири-бири билан чиқиша олмайдилар.

Аёл киши учун эса энг аввало, оила, фарзандлари, ундан кейин қолган барча нарсалар туради. Улар ҳар доим, аввал оиласи ҳақида гап бошлашади. Рўйхат бўйича энг охирида эса иш келади.

Мабодо иш оиласи учун хавф солишни бошласа, аёл киши ўз ишини барбод қилади. Мабодо аёл киши учун иш асосий бўлиб қолса, у ҳолда уйда иккита айғир пайдо бўлади. Бундай ҳолатнинг юзага келиши ҳам нотўғри, фикримга кўшиласизми?!



Демак, оилада эр ҳам, хотин ҳам ўз ҳудудида ҳукмронлик қилиши лозим!

Энг қизиқ жихат ҳам мана шунда-да, азизларим. Ҳаёт ҳам ана шунга таяниб турибди. Чунки Аллоҳ бизни бир олманинг... нимаси қилиб яратди? Кимнинг оиласида ўзаро муносабатлар яхши бўлса – бир олманинг икки палласи. Кимда ёмон бўлса... айтмай қўя қолай.

Эътибор берганмисиз, агар оилада бир одам бош бўлса, хусусан, эркак киши бош бўлган оилада деярли ажралишлар учрамайди. Лекин эр-хотин учун тенг имкониятлар мавжуд

ерда хамиша ажралиш? Сиз нима деб ўйлайсиз, нима учун шундай?

Тенглик шароити яратилган пайтларни эслаб кўринг. У қандай оқибатларга олиб келди? Эркакларда ҳеч қандай ҳуқуқ қолмаслигига, ёдингизга тушдимиз?

Иш кўз кўриб, кулоқ эшитмаган даражага, оила ўзининг интим муносабатларини касаба уюшмаси орқали ҳал қилишгача бориб етди!

Мана ҳозир аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳаракатлари жуда ривожланган – бу ҳаракат феминизм деб аталади. Унинг асосий ғояси – эркак киши билан аёл кишининг ҳуқуқлари буткул тенг бўлишини таъминлаш. Болт билан шурупнинг тенглиги. Бу сиз учун қандай жангларга айланди?

Келинг, эркак билан аёл ўртасидаги бекаму-кўст тенглик нима эканини кўриб чиқамиз. Бу – ярми аёлсифат эркак дегани ва ярми эркаксифат аёл дегани. Бунақа одам қандай кўринишга эга бўлиши мумкин? Бу шубҳасиз, ғирт гермафродитнинг ўзгинаси.

Эркаклар, сизлардан ким бундай мавжудотни ҳурмат қила олади? Шундай нусха билан бирга яшай оласизми?

Аёллар-чи?.. Қайси бирингизга шу тарздаги қилтириққини эркак ёқади? Бажонидил болаларингизнинг памперсларини алмаштиради, қачон қарасанг, ошхонада куймалашади, кўзлари интиқ бўлиб ўзининг пахмоқ ёрини кутади? Бу қанақа тасқара бўлиши мумкинлигини мен ҳатто тасаввуримга ҳам сиғдира олмайман.

Гап мана нима ҳақида – эркак кишининг ҳудудига босиб кираётган аёл ва аёл кишининг ҳудудига ҳадеб бурнини тикадиган эркак – албатта куйидаги оғир хасталикларни ўзига юқтириб олади. «Феминизм – гермафродизм» – деганларидек.

Қадрли китобхон, ўз тажрибамда дуч келган қизиқ бир ҳолат тўғрисида гапиришга ижозат берсангиз.

Феминизм ходисаси Германияда жуда авж олган бўлиб, у ерда феминисткаларнинг ҳам сон-саногии йўк. Германияда ўтаётган машғулотларимнинг бирида иккинчи қаторда бир одам ўтирарди, унинг ташки кўринишидан эсим огиб қолай деди...

Унга бир ҳафтача тикилдим, лекин барибир – бу эркакми ёки аёлми тушуна олмадим. Тахминан, саккизинчи куни у менга савол билан мурожаат қилди, шунда бирдан у худди аёлга ўхшаб гапираётганлигини тушуниб қолдим.

Лекин ҳар эҳтимолга қарши унинг ўзидан аниқлаштириб олдим, ростдан ҳам аёл экан. Тагин, яна – Мюнхендаги феминистлар ҳаракатининг бошлиғи! Аёл ўзининг ушбу лавозими билан жуда фахрланарди!

Бизда доим машғулотларнинг сўнгги куни вазифа берилади. Ҳар бир тингловчи ўз мартабасига муносиб тарзда, яъни аёллар – киролича, эркаклар – киролдек кийиниб келишлари лозим. Чиройли ясаниб, тантанали, бежирим кийиниб келишади!

Охирги машғулотдан сўнг бизда ракс, ўйин-кулгу бўлади. Сўнгра энгил зиёфат – фуршет ва ўзаро мулоқот. Бир пайт қарасам ҳалиги хоним, яъни феминистлар бошлиғи, бир чеккага чиқиб олиб кўз ёш тўқяпти. Олдига бориб: «Хоним, нима бўлди?» деб сўрадим. Қарасам, унинг юзидан ҳис-туйғулар шундоққина кўриниб турибди! Қайғу ҳам, қувонч ҳам, энгил тортиш ҳам... У кутилмаганда менга бундай деди:

– Биласизми, мен бир умр худди эркак сингари кийинганман, эркак сингари ўйлаганман, ўзимни ҳам эркак сингари тутганман... Бир умр! Бугун биринчи марта аёлларга хос кўйлак кийишим, биринчи марта аёл сифатида ракс тушдим, биринчи марта атрофимдаги эркакларнинг эътиборига сазовор бўлиш нима эканини ҳис қилдим!!! Бу шунақаям завқли, шунақаям қувончлики! Лекин илгари ўз ҳаётим билан яшамаганим, шунақа алам қияптики... Шунақа ҳам аҳмоқона ва туссиз, маънисиз яшаган эканман...

Унинг кўзи очилди, кадрдоиларим, тушуняпсизми, унинг кўзи очилди!

Замонавий хатти-ҳаракатлар тарзи эҳтимол қулай бўлиши мумкин, ёқимли, талабга монанддир, лекин улар табиатнинг қонунларига зид бўлса, бундай тажрибақор миллатни табиат йўқ қилиб ташлайди. Миллат кўпайишдан тўхтайдди, тобора камайиб бориб, охири батамом йўқолиб кетади.

Мана азизларим, энди сизлар билан: «Оммавий қирғин қуроли!» мавзусига яқинлаша бошляпмиз.

Атом бомбалари деярли юз йил олдин ишлаб чиқарилган эди. Бу йиллар мобайнида унданда кучлироқ нимадир пайдо бўлди. Бу Оммавий Ахборот Воситалари (ОАВ) ҳамда четдан тикиштирилаётган хулқ ва маданиятлардир.

Жинсий муносабат борасидаги тарбияни қаерда эгаллагансиз? Қарама-қарши жинс вакилига нисбатан муносабатлар маданиятига оид мактаб таълимини ўтаганмисиз? Сиз бу таълимга қаерда эга бўлгансиз? Кўчадами, «илмий турткилаш» ёрдамида, шундайми?

Қарама-қарши жинс вакили билан мулоқот қилиш... қандай эр бўлиш ёки қандай хотин бўлиш борасида-чи? Сиз бу каби муҳим фанларга оид таълимни олганмисиз? Теварак-атрофингиздан ўз миллатингизнинг минг йиллик тажрибасини эгаллаганмисиз? Йўқ!

Маърифатсиз, ўқимаган, оми одамларни бошқариш жуда осон. Наслни давом эттириш учун тўғри келмайдиган баъзи хатти-ҳаракатлар маданияти бирор миллатга сингдирилса бас, 50–100 йил ўтиб ўша миллат ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади ва атроф-оламдаги макон бу популяциядан халос бўлади.

Ҳаёт учун энг асосийси нима? Наслни давом эттириш. Тасаввур қилинг, кунлардан бир кун сиз ер юзида қолган яқкаю ягона инсон сифатида уйғондингиз. Сиздан бошқа ҳеч ким йўқ. Сиз шу нарсани ҳис қилишга бир уриниб кўринг...

Тештакнинг тажрибаси 3

Сиз учун нима энг бебаҳо, кадрли бўлиб ҳисобланади, нима эса шу лаҳзада ўз кадр-қимматини йўқотади? Энг бебаҳо инсон учун унинг ҳаётидаги энг асосий нарса – бу ўз наслини давом эттириш. Қолган барча нарсалар – шунчаки безаклар.

Хурматли хонимлар, ўз амалиётимда шу кунгача ҳали бирор марта ҳам кучли бўлишга интилмаган, кейин эса бундан афсус-надомат қилиб ўтирмаган аёлни учратмаганман. Ҳатто энг кучли бўлиб кетган аёллар ҳам: «Мен энди шунангани ҳам ожиз бўлишни истайман-ки!» – деб айтишади.

Шундай экан кадрдонларим, ҳар ким ўзининг худудида бўлгани маъқул?

Кейинги саволим хонимлар, сиз учун. Хўш, айтинг-чи, эркак киши қандай бўлиши керак? Кучлими? Серғайратми? Ақллими? Мана кўряпсизми, сизда ҳақиқий эркак қандай бўлиши кераклиги борасида аниқ мезон ва талаб тайёр.

Аслида эса – сизга мен ташхис қўйдим. Эркакнинг қандай бўлиши муҳим эмас, у шунчаки бўлиши керак! Тушуняпсизми? Сизда эса аллақачон аниқ белгиланган мезон, чеклов бор, доира бор. Мана шу доира чегарасидан нимаики ташқарига чикса сиз «чилпиб» ташлашга ҳаракат қиласиз. Кейин эса, нима учун ажрашиб кетдик, нима учун эрим бегона аёл билан юряпти ёки қочиб кетди экан, деб ҳайрон бўлиб ўтирасиз. Ёки ўртангизда фарзанд бор-у, эрингиз эса сизга нисбатан мутлақо эътиборсиз, деб хижил бўлиб юрасиз.

Бу вазият «Момо Ҳаво синдроми» хасталиги деб аталади. Ушбу бахтсизлик одатда қизларга онаси томонидан уза-тиб келинади. Парвардигор инсон учун жаннатни яратди. У зерикмаслиги, ҳамроҳга эга бўлиши учун аёл кишини ҳам яратди.

Аёлда ҳамма нарса бор эди, фаришталари, ғилмонлари ва яна бутун бошли эркаги ҳам бор эди! Яратган Эгамнинг

Ўзи бу жуфтликнинг ҳеч нимадан кам-кўсти бўлмаслиги учун хоҳлаганларини мухайё қилиб қўйган эди.

Аёлга эса шунда ҳам нимадир етишмасди... Ва битта олма, аллақандай илонсифат гижжанинг Момо Ҳавога судраб келтириб берган олмаси шўрлик эркакнинг бутун ҳаётини издан чиқариб, вайрон қилди. Бунинг ҳаммасига аёл кишида интеллектнинг йўқлиги сабаб, мана шу туфайли ҳам улар доим ўзларининг нима хоҳлаётганликларини билмайдилар. Ақл худуди – бу эркакларнинг кори аъмоли.

Сиз нима учун ақл эркак кишига берилганини биласизми? Тангри жаннатга келиб Одам Ато билан Момо Ҳавога мурожаат қилибди: «Болаларим, мен бугун сизларга иккита совға келтирдим!» Момо Ҳаво «Менга, менга, менга» – деб сайрай бошлабди. Одам Ато: «Менга, менга, менга!» – деб қичқирибди.

Тангри уларга: «Ўзларингиз танланглар» – дебди. Ва иккала совғани чиқарибди. Совғалардан биттаси олат, бошқаси – ақл экан.

Шу пайт Одам югуриб келиб, шартта олатни олиб кочибди. Тангри Одамнинг бу қилмишига қараб туриб, Момо Ҳавога дебди: «Қизим, кел шу ақлни ҳам унга бера қолайлик, бўлмаса, барча ўт-ўлан, гул-чечакларни, буталарни ва яна камига йўлларни ҳам пешоб билан суғориб ташлайди! Сенга эса янада яхшироқ совға бераман – бу ҳис-туйғу!» – деган экан.

Шундай экан, хонимларнинг сезгирлиги, ҳис-туйғулари, эркаклар шунчалик мағрурланадиган ақлларидан анчагина яхшироқ ва кучлироқдир.

Эркак кишига ўзига хос биологик дастур жойланган, у уйдан кўчага чиқиши биланоқ фаоллаша бошлайди. Унда худди мотор кизий бошлагандек, тугмачалар ёқилиб, дастак ишга тушиб кетади... Ва у кўчага, ишга, жангга отилади.

Кечкурун эса у ўз аэродромига кириб келар экан, эшик остонасидаги гиламчага қўниш жараёнини амалга ошир-

гач, эшик очилиб, куни бўйи бинойидек ишлаб турган ускуналар ўча бошлайди, эркак киши ҳам бутунлай ўчади.

Эркак кишининг биологик дастурига мос келмайдиган ҳар қандай ижтимоий ҳаракат шакли, эркакнинг ички моҳияти билан номутаносиб бўлса, унга нисбатан, тажовузкорликка айланадиган асабийликни келтириб чиқаради.

Эркак киши уйнинг ичида ҳеч нима қилишни хоҳламайди-и-и! Уни тарбиялаш мумкин, уни маданийлаштириш мумкин, лекин генетик дастурни қайта ўзгартириш асло мумкин эмас! Қаерда туғилган бўлмасин, қаерда ўсиб-улғайган бўлмасин, хоҳ у Арабистонда, хоҳ у Европада, хоҳ Хитойда туғилган бўлсин, эркак кишининг моҳияти ҳамма жойда бир хил.



Азиз аёллар! Уйнинг ичида қачонки эркак ўзини бахтли эрман деб ҳисобласа, хотин эса ўзини бахтли рафиқаман деб ҳисобласа, бу ерда оилавий бахт ҳукм суради. Бу ҳудуд эса – 100 % аёл кишининг меҳнатлари маҳсулидир. Эркакнинг ҳиссаси бу ерда жуда оз.

Азизларим, қани айтинг-чи, фарзанд кимнинг юраги остида дунёга келади? Бу фаришта кимнинг қонида, кимнинг танасидан туғилади? Худди шу тарзда, уйнинг ичида ҳам, барча нарса аёл кишининг қўли билан яратилади.

Эркак киши эса бу муқаддас кўрғонга худди меҳмон сингари киради. Албатта, хўжайиндек, лекин меҳмон каби. Эркак кишидан аслида унинг генетик дастурида йўқ нарса-ни талаб қилишнинг ҳожати йўқ.

Эркак киши – овчи. Мамонтнинг этидан бир парча бўлса ҳам олиб келди! Тундрада икки ойлаб дайдиб юрса ҳам,

барибир уйига кайтиб келди. Ва у ўз вазифасини бажардим, деб ҳисоблайди. Ва энди у ўз уйининг ичида осудалик, хотиржамлик бўлишини истайди.

Эркак кишининг мана шу тарздаги хатти-ҳаракатларини аёл киши англаб ета олмаган бўлса, агар бу аёл ғафлат босганлар тоифасидан бўлса, яъни қарама-қарши жинс вакилининг моҳиятини англамаса, у ҳолда аччиқ гинали гаплар, уруш-жанжаллар, ажралишлар бу оила учун кафолатланади!



Оилани ўрганиш олами, оилавий бахтни яратишнинг ўзига хос кутбидир, яъни Қиролича жойлашган кутбдир. Эркак киши дунёни бошқаради ва дунёга эгаллик қилади, аёл киши эса эркакни бошқаради.

Диккат! Яна бир муҳим ҳудуд чегараси! Тасаввур қилинг, эркак киши сайрга чикмоқчи ёки ишгами, саёҳатгами отланяпти. Бу пайтда аёл киши ўзини қандай тута бошлайди? Аёл кишининг табиати шундайки, у ҳамиша эрининг нигоҳида, эътибори марказида бўлишни истайди!

Бундай аёлларнинг биринчи ва асосий вазифаси – эркакнинг йўлидан ўзга аёлларни супуриб ташлаш, токи бошқа аёллар унинг ҳаётида умуман бўлмасин. Қаерда бўлишидан қатъи назар. Ушбу ҳолатнинг биринчи ташқи белгиси, бундай аёллар эрининг севимли машғулотлари ва эрмакларига қарши ҳужум бошлайди.

Эркак ўз дўстлари билан табиат қўйнида кабобхўрликка чиқди, шу сабаб нақ икки соат аёлига эътибор қаратмаяпти, ҳўкиз! Иш тугаганига бир соат бўлди, шунча вақтдан бери қаерда юрибди – бунга чидаб бўладими? Кейин яна балик

овига боради, шахмат ўйнайди... Шундай қилиб аёл аста-секин эрининг севимли машғулотларини қайчилашга тушади, яна бу жараён ҳар куни эрининг бошида ёнғоқ чақишлари билан давом этади. «Бошқаларнинг эри уйда ўтиради, сен эса? ...Бошқа эрлар ана ундай, ...ана бундай... сен эса..?»

Хотинни тинчлантириш учун – эр бечора вақти-соати келиб, ўзининг қизиқишларидан ҳам воз кечади. Лекин бу ҳам кам, чунки хотиннинг иштаҳаси ҳадеганда қаноат ҳосил қилавермайди.

Агар аёлнинг бутун Коинотни қамраб олиш истаги амалга ошгандаям, уни бир марта бўлсин ҳикичоқ тутмайди, у барибир очлигича қолаверади.

Ахир унинг севимли эркаги олдида, ўзидан бошқа, эрининг эътибори ва муҳаббатига сазовор бўлаётган бегоналар бор-ку.

Мана ниҳоят улар иккаласи қолишди: шунда бирдан аёлнинг хаёлига яна бир фикр суқилиб қиради: «Эҳ-е! Ахир унинг ишхонасидаги ишлари ҳам бор-ку!» Энди машмашаларнинг кейинги қисми бошланади.

Аёл етти-саккиз соатлаб эрининг диққат марказида бўлишни хоҳлайди. «Бу қанақаси ахир, дейди у, эрим менга қараш ўрнига қандайдир станоклар билан, бизнеслар билан шуғулланыптими?»

Натижада, аёл онг ости даражасида эрининг ишларига суқилиб қиради, тез-тез унинг ишхонасида пайдо бўла бошлайди, чунки у эри кабинетида нимагадир қараганда ҳам, ўз иши ҳақида ўйлаганида ҳам, фақат хотинини кўришини ва фақат у ҳақида ўйлашини хоҳлайди.

Бизнинг хоним ишхонага келади, қарабсизки, у ерда фақат аёллар! Биринчи марта у ҳали бу нарсага кўз юмиши мумкин, лекин кейинги сафар келганда унинг вазифаси эрининг ҳаётини «аёл» деб аталмиш юкдан халос этиш бўлади. Эркалар, жуфти ҳалолнингиз томонидан амалга ошириладиган бу юришнинг охириги чегараси шуки, энди

ташкилотингизда биронта ҳам аёл киши ишламайди. Уларнинг ҳаммасини хотинингиз ҳайдаб юборади.

Мен ҳозир клубимиз аъзолари номидан гапиряпман, шунчаки тажрибаларни умумлаштиряпмиз. Бу гаплардан қандай хулоса келиб чиқяпти? Демак, хотинингизни ишхонангизга яқин йўлатманг, шундайми?

Бу гап хонимларга ҳам тааллуқли! Ҳурматли хонимлар, илтимос, сизлар ҳам эрингизни ишхонангизнинг яқинига ҳам йўлатманг. Майли, йилда бир марта у ерга саёҳат уюштириши мумкин. Модомики, сиз ундан жуда ҳам хурсанд экансиз, унда майли йилда икки марта бо-рақолсин, лекин бошқа пайт ишхонангизга бурнини тик-масин.

Аёл шу билан тинчиб қолди, деб ўйлайсизми? Албатта, йўқ! Чунки у кўриб турибди – сиз эътиборингизнинг бир қисмини дўстларингизга сарфляяпсиз. Унга кам қоляпти... «камлик қияпти!» Ва энди у дўстларингизга қарши хужумга ўтади, токи улардан бор-йўғи «бир дона» қолмагунча. Агар бирор нима ёкмай қолгудек бўлса, ундан ҳам сизни жуда осонлик билан халос этиб қўя қолади. Бу – улар учун амалда синалган услуб!


Ажойиб кунларнинг бирида, уйингизда атиги биттагина телевизор ишлайдиган бўлади, у ҳам фақат аёлингиз бо-рида ишлайди. Қаёққа қараманг, ҳамма жойда фақат унинг кизиқишлари намоён бўлиши керак. Ҳатто футбол томоша қилсангиз ҳам, стадион ўриндикларида ишкибозлар ўрнида фақат унинг ўзи ўтирган бўлиши керак, 70 минг кишининг ўрнига ёлғиз ўзи.

Агар у ерда балик ови кўрсатилаётган бўлса, у ҳолда қар-моқ учудаги чувалчанг ўрнида ҳам хотинингиз бўлиши ке-рак, балик ўрнида ҳам – у бўлиши керак. Қаерга қараманг, нима қилманг – сиз фақат хотинингиз ҳақида ўйлашингиз керак, фақат уни кўришингиз керак! Бу сизга жуда таниш манзара эканини пайқадингизми, эркаклар?

Тентакнинг тажрибаси 3

Хурматли хонимлар! Эрингизнинг қизиқишларига нисбатан, унинг атрофидаги одамларга нисбатан сизда асабийлик ҳолати, тажанглик ҳолати қачон ва қандай ҳолатларда юзага келишини тушуниб олишингиз керак. Бу ҳолатнинг асл, туб сабаби нимада?

Марҳамат қилиб ўзингизга кулоқ тутинг, бу асабийлашиш қаердан келяпти, бу «дийдиёлар» сизнинг қайси қондирилмаган талабларингиз учун таралаяпти?!



Бнласизми, эрингизни ёнингизда ушлаб қолишнинг энг яхши усули – уни бутунлай эркин кўйиш!

Азиз аёллар, сизларга гапиряпман-у, аммо мени эшитаётганингизга унчалик ишонмаяпман!

Бир одамнинг уч қизи бор экан. Уларнинг ҳаммаси қар экан. Бир гал оталари уйга келиб қараса, уйда ҳамма ёқ ивирсиган, йиғиштирилмаган. Шунда у бақира бошлабди: «Нимага ҳаммаёқ ивирсиб ётибди?!»

Қизларнинг ҳаммаси йиғлашга тушибди... Катта қизи: «Отасон, мен ахир сизга турмушга чиқиш ниятида эканимни ҳали айтганим ҳам йўқ эди-ку! Нега мени уришяпсиз?» – дебди.

Ўртанча қизи: «Отасон, мен янги кўйлак олдимокчи бўлаётганим ҳақида оғиз ҳам очмаган эдим-ку» – дермиш.

Кичкина қизи: «Отасон, мен ахир сизга қўғирчоқ ҳақида бир оғиз гап ҳам айтганим йўқ эди-ку...» – деган экан.

Сизларнинг ҳаммангиз ҳам фақат ўзингиз эшитишни хоҳлаган нарсанигина тинглайсиз. Лекин мен барибир сизларга зарур билимларни етказишга уриниб кўраман...

Эркаклар-ку бу билимлардан қандайдир фойда олишлари мумкин. Лекин аёллар... минг марталаб айтсангиз ҳам, сайёрадаги барча эркак зоти айтса ҳам, барча аёллар бу гапларни ўзларига алоқаси бўлмаган, ҳаммаси кўшни аёлга тегишли, деб ҳисоблайдилар.


Модомики, тинглаш ҳақида, қулоқлар ҳақида гап очилдими, сизга ўз кузатувларим борасида айтиб ўтмоқчиман. Телефондаги узундан-узоқ суҳбатлар яқин орада пайдо бўлди, айниқса, уяли телефонлардаги. Аёллар эса уларни шунақаям севиб қолишдики, шунақаям уларга ёпишиб қолишдики, гўё улар қўлида шу телефон билан туғилгандек. Эрлари қаерда бўлмасин, уларга тинимсиз қўнғироқ қилаверишади.

Мен эркаклар бу қўнғироқларга қандай жавоб беришни кузатганман. Уларнинг кўзларидан хотинларидан шундоқкина безор бўлиб кетганлари кўриниб туради, яъни нигоҳлари «хар беш дақиқада қўнғироқ қилавериб жонга тегди-да, бу хотин!» – деб туради.

Азиз аёллар! Охирги тадқиқотлар аёли ҳадеб қўнғироқ қилишини ёқлайдиган бирорта ҳам эркакни топа олмади. Хотинининг «Қачон уйга келасиз?» – деб сўраши ҳам эркакнинг асабига тегар экан.

Эркак киши эрталаб 9 да уйдан чиқиб кетади ва кечқурун соат 8 да қайтиб келади. Бутун кун мобайнида у энди ўзини қулай ҳис қила оладими? Эркак ишдан кейин соат 8 да уйга қайтаман, деб ваъда бергач, куни бўйи азобланиб юради. Бугунги кундан лаззатланиш ҳисси йўқолади, у билан бирга қувонч ҳам, озодлик ҳам. У кечқурунги соат 8 да энди худди бўйнига аркон солинган бузоқчадек ҳис қилади ўзини.

Хўш, бундан қандай хулоса чиқарамиз, азиз хонимлар? Майли, эрингизга йилда бир марта «қачон қайтасиз?» – деб сўрашингиз мумкин, бир кунда бир марта қўнғироқ қилиш мумкин... Лекин зинҳор, ундан кўп эмас!



Ёдингизда турсин! Тизгин қанча узун ташлаб қўйилган бўлса, от ҳам шунча текис юради.

Агар хотин эрига: «Ким билан хоҳласангиз, қаерда хоҳласангиз юраверинг», – деб айтса, одатда унинг эри мутлақо четга юрмай қўяди. Ишонмайсизми, лекин бу бор гап.

Мана энди эркаклар, тасаввур қилинг, агар сизга аёл киши: «Мабодо ким биландир, ниманидир сезиб қолсам, у пайтда шартта пичоқни оламан-да, бир жойингизни узиб ташлайман» – деб айтса – бу гап сизга қандай таъсир қилади? Агар сиз шу пайтгача ҳеч ким билан юрмаган бўлсангиз ҳам, энди албатта юришни бошлайсиз. Тўғрими?



Эркак киши табиатан таваккалчиликка мойил – бу биринчидан. Иккинчидан эса, эркак ўз эркинлигини чегаралаб қўйишларига зинҳор тоқат қила олмайди!

Агар олий мақсад бўлиб оила манфаати турмаганида эди, бирорта аёл ҳам ўз эрини ишга жўнатмаган бўларди.

Агар кўп пул топсангиз-у, лекин кам ишласангиз, хотинингиз сизга: «Мен жиноятчига турмушга чиқишни орзу қилмаганман!», – дейди. Агар кам пул топиб, лекин кўп ишласангиз, хотинингиз албатта сизга қуйидагича «ҳамдардлик» билдиради: «Арзимаган шу сарик чақа учун эшакдек ишлайдиган сиздек аҳмоқни топиш мушкул!»

Агар сиз кам ишлаб, кам пул топсангиз, у энди асабингизни эговлашга тушади: «Мени иима аҳволга солиб қўйиб-

сиз, кўчага кийиб чиқадиغان нарсам ҳам йўқ!» Ниҳоят сиз аҳволни тўғрилашга қарор қилдингиз ва кўп ишлаб, кўп пул топа бошладингиз.

Шунда ҳам бебаҳо бу маликангиз барибир, дугоналарига шикоят қилади: «Шунча пул топади-ю, хотини эса уч кундан бери бир хил шубада юрибди!»

Аёл кишининг эҳтиёжини буткул қондиришнинг иложи йўқ. Яратганнинг ўзи ҳам буни амалга ошира олмади, бизлар ҳақимизда-ку гапирмаса ҳам бўлади! Мана биз эркакларнинг неча минг йиллардан бери азоб чекиб келаётганимизнинг бош сабаби!

Кадрдонларим, ҳаммадан ҳам ҳайратланарлиси шундаки, аёл кишининг хатти-ҳаракатларида мантиқдан асар ҳам йўқ! Аёл киши фақат теварак-атрофида тартиб яратади ҳолос, ички дунёсида эса доим тартибсизлик ҳукмрон. Ушбу тартибсизлик атрофда тартиб-интизом ўрнатиш ҳисси билан тўлдирилади. Лекин тартиб ўрнатишга бўлган бу интилиш -- аслида ҳар қандай ҳаракатни тўхтатишга бўлган интилишдир. Тартиб-интизомнинг энг олий чўққиси эса ўлимни англатади.

Эркакларда эса бутунлай тескари ҳолат. Эркак кишининг ботинида ҳамиша тартиб ҳукмрон, лекин у қаерда бўлмасин ўз атрофида тартибсизлик яратади. Ҳаёт эса кадрдонларим, айнан хаосдан иборат. Лекин ҳар бир хаосда ҳам батартибликдан бир чимдим бўлади, ҳар бир батартибликда ҳам хаосдан бир чимдим бўлади. Бу оламдаги мувозанат қонуни.

Нима учун қайноналар ўз келинларини ёқтиришмайди: Сиз нима деб ўйлайсиз? Қайнота ва келин ўртасида бирор зиддиятни кузатганмисиз? Жуда камдан-кам. Икки хоним ўртасида эса келишмовчиликлар учун сабаблар доим топилади.

Агар одам ўзининг интеллект даражасига кўра инстинктив мавжудлик босқичига яқин турса – у ерда зиддиятлар бўлиши муқаррар. Агар зиддиятларни четлаб ўтишни

Тенгаининг тажрибаси 3

хохласангиз, инстинктни ҳис-туйғули, эмоционал салоҳиятни ошириб бориш ҳисобига бостиринг.

Агар қандайдир оилада келин ва қайнона ўртасида уруш-жанжаллар бошланса, демак улардан бири ўз онги бўйича ҳайвонийлик негизига яқин. Баъзида иккаласи ҳам. Бундай вазиятда нима қилиш керак? Аёллардан ақллироғи ўзаро муносабатларни изга тушириб олиши керак.

Улардан ҳар қайси бирининг ҳаётингизда муҳим ўрни бор, худди қўлингизнинг бармоқлари сингари, битта бармоғингиз – хотинингиз, бошқаси – онангиз, учинчиси – опангиз... лекин улардан бирортасини ҳам кесиб ташлай олмайсиз.

Хатто, агар шу бармоқлардан биттаси оғриб қолса ҳам, бутун қўлингиз зирқирай бошлайди. Бундай пайтда эркак киши чин юракдан: «Ҳаммасиям даф бўлсин!» – деб юборади.



Лекин! Азиз эркаклар, сизга аёлларнинг можаросига аралашмасликни тавсия қиламан!

Аёлларнинг ўртасидаги жанжалларга... фақат аҳмоқ эркакларгина аралашishi мумкин.



Қадрдонларим, кимнинг худудий чегараси қаердан бошланишини ўзаро келишиб олинг ва бу чегарадан зинҳор ошиб ўтманг. Бир-бирингизнинг оромингизни ҳурмат қилинг ва ўзгалар худудига кўз олайтирманг!

Энди оиланинг молиявий томони ва ҳисоб-китоблари борасида суҳбатлашамиз.

Мен нима учун ҳар доим аёл киши ўзининг хусусий ишини очмаса ҳам бўлади, деб айтаман?

Ҳаётда шундай бир муаммо ҳам борки – буни урғочи махлук ва аёл зоти оралигидаги қисқа туташув дейиш мумкин. Аёлнинг қизиқиши ва урғочининг қизиқиши – бутунлай бошқа-бошқа нарсалардир. Мен ўз хусусий ишини очган аёллар орасида ўзига хос тадқиқот ўтказганман.

Тадқиқотлар жараёнида жуда жиддий ва чигал манзара намоён бўлган: аёл киши эридан кўпроқ пул топа бошласа, оилада муаммо юзага келади, бундай пайтда эркак ўзини жуда ғалати тута бошлайди.

Зиддиятлар, тўқнашувлар юзага келади, уруш-жанжал, иш ажралишгача бориб етади. Қадрли китобхон аёллар, сиз ҳаммасига эркак айбдор деб ҳисоблайсиз, тўғрими? Ҳа, ўша ярамас айбдор! – дейсиз.

Бекорларни айтибсиз! Сиз айбдорсиз, бунга сизнинг ичингизда ўтирган урғочи махлук айбдор. Ана ўша махлук, сиз кўпроқ пул топа бошлагандан кейин ўзини ғалати тута бошлайди.

Чунки энди эрингиз кўз олдингизда ўз жозибасини йўқотади. Илгари сабр-тоқат қилиб кўз юмишингиз мумкин бўлган нарсалар, энди сизнинг асабингизга тега бошлайди. У сизга ожиз бўлиб қолгандек туюлади. Аслида эса бу бемани таассурот қисқа туташув сизнинг миянгизда содир бўлган.



Ўта айёр ва маккор урғочи махлук ўздан ожиз бўлган шеригидан зинҳор насл орттирмайди.

Тенгашнинг тажрибаси 3

Агар эр ёлланма ишда ишлайдиган оддий ходим, хотини эса ўзининг хусусий ишига эга бўлса, бу оилани юкоридагидай фожиа кутади.

Албатта, истисно ҳолатлар ҳар доим бўлади. Лекин 30 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида менда статистик кўрсаткичлар етарлича йиғилиб қолган. Хоҳ рус, хоҳ украиналик, хоҳ осиелик бўлсин – аёл кишининг моҳияти ҳамма жойда бир хил. У аёл қанақа тилда гапирмасин, қайси динга мансуб бўлмасин, унинг ичидаги урғочи махлуқнинг хатти-ҳаракати ҳамма ерда бир хил. Чунки урғочиларнинг ҳаммаси битта уруғдан тарқалган.

Хўш азиз хонимлар, сиз агар ойига миллион доллар ишлаб топадиган бўлсангиз, энди нима қилишингиз керак?

Ўзингизни бутун донишмандлигингизни ишга солинг: «Сиз қандай зўрсиз, қандай донишмандсиз, қанчалар кучлисиз...» Лекин эрингизнинг даромади сизникидан икки баравар кўп бўла бошласин.

Мабодо агар сиз ундан кўпроқ даромад топа бошласангиз, Худо сақласин! Оилада доимий жанжалларнинг бўлиб туриши кафолатланади. Чунки генетик хулқий хатти-ҳаракатлар дастурини ҳали ҳеч ким бекор қилган эмас.

Сиз ҳам кадрли хонимлар, эрингизни ёмон кўриб қолиш учун албатта бирор сабаб топасиз. Ва бу сиз учун 100 % га ишончли баҳона бўлади. Лекин аслида бу сиздаги генетик дастурнинг касофати – урғочи махлуқ фақат кучли эркакка бўйсунди. Ҳайвонлар ўзини қандай тутишини кўриб, шу нарса ёдимиздан чиқмаслиги керак, бизнинг ички дунёмизда ҳам ҳайвонийлик негизи мавжуд. Шунинг учун кейин кимдандир ўпкалашнинг ҳам, кимнидир айблашнинг ҳам ҳожати йўқ.

Албатта, у сизга нима учун ёкмай қолганини изоҳлаш учун доим ишонарли далиллар, инкор этиб бўлмас исботлар топилади. Аслида эса сиз ушбу ҳолатда психологик уйғунлик қонунини бузасиз, холос.

Азиз хонимлар, илтимос, эркакларнинг ишини – эркакларнинг ўзига қўйиб беринг. Сизнинг кучингиз эса мутлақо бошқа нарсада.



Пул ишлаб топиш – бу ҳар доим эркак кишининг зиммасида бўлган.

Агар сиз бу соҳада ўзингизнинг эрингиздан муваффақият-лироқ бўлсангиз, эркак кишида ўзининг ич-этини кемириш жараёни бошланади.

Эр-хотин иккалангиз ҳам эрталаб овга кетдингиз. Эркак овдан панжасидаи ушлаганча жимитдек қурбақа келтирди, сиз эса хартумидан ушлаб мамонтни судраб келдингиз. Мана шундан кейин у яна патларини ёйиб, қанотини қоқиб сизнинг атрофингизда «маросим ракси»га ҳам тушиб бериши керак.

У эса асло бундай қила олмайди. Чунки сиз мамонтнинг устида ўтирибсиз. Мағрурсиз, сизнинг тахтингиздан эса бу қурбақа овчисининг қўли жуда ночор кўринади ва сизнинг талабларингизни мутлақо қондиrolмайди.



Демак, эркак киши ҳамиша аёл кишидан кўпроқ даромад топиши керак экан! Гап тамом!

Шу мавзуга оид бир воқеани гапириб бераман. Деярли ўн йилча аввал, бизнинг тингловчилар орасида бир хоним бор эди. Ўша пайтлари у кўчмас мулк билан шугулланадиган агентлик эгаси бўлиб, қўл остида йигирмага яқин ходимлар ишласа-да, эри уйда ишсиз ўтираркан.

Машғулот пайтида у менинг олдимга келди, бу ёғига қандай яшаш ҳақида маслаҳат сўради. У янада кенг микёсли нималарнидир хоҳлаётганди. Ҳозирги бизнесида зерика бошлаганини айтди. Яна шуни истардики, эри ҳам фаол бўлса-ю, ниҳоят диванидан туриб, қандайдир катта-катта ишларни бошқаришга киришса.

Мен унга кўп босқичли Октава машқи пайтида (бизда шундай машқ бор), унинг бизнеси кенгайиб бораётганини тасаввур қилишини маслаҳат бердим. Шогирдларимдан бири «Ўзингизни Россия мулк қўмитаси вазириман деб тасаввур қилинг» – деб лўкма ташлади.

У аёл эса ўйлаб ҳам ўтирмасдан, шартта ўзини ўша лавозимда тасаввур қилган! Икки кундан кейин у ҳовликқанча кириб келар экан гуруҳдагиларга: «Биласизми нима? Мени Москва вилояти мулк қўмитаси бош директори чақириб олди ва ўзини нафақага кетаётганини, ўрнига эса одам қидираётганини айтди. Кейин мендан вазирга сизнинг фамилиянгизни ҳам таклиф қилсам, қарши эмасмисиз деб сўраяпти» – деганида, гуруҳимиздагилар билан бирга баралла «Розиман, деб айтгин!» – деб қичқирдик.

Улар бош директор билан шунчаки салом-алик қилиб юрган. Унчалик яқин дўст ҳам бўлишмаган. Лекин танлов негадир унда тўхтаган.

Бир неча кундан кейин у яна ҳовликқанча, шошиб кириб келди, ҳаяжондан ранги оқариб кетганди. Мени вазирнинг хузурига чақиринди, деди. Мен унга «Қаддингни ростла, сен энг зўрсан, юзингга энг ақлли чехрани кийиб ол-да, олға бос!» – дедим.

Кейинги кун келганида у янада асабий эди. Унга эртагаёқ вилоят мулк қўмитасини ривожлантириш бўйича тайёр режа билан келиши кераклигини айтишибди. Мен унга: «Майли, сен учун бугунги машғулот тугади, уйингга кет-вер, нима ёзсанг ёз, фақат ўзига хос ҳолатда – бор кучинг билан, берилиб ёзгин!» – дедим.

Уйга келгандан кейин, у режаларини айнан мен айтган ҳолатда ёзган. Натижада, бошқа икки даъвогардан ҳам устун келган, улар ҳам режа ёзиб келишган, фақат улар анча узоқ вақт ёзишган, бундан ташқари, режа устида ёрдамчилари билан бирга ишлашган.

У ўн кун мобайнидаги машғулоти давомида ўзини-ўзи бу лавозимга тайинлади, десак ҳам бўлади.

Унинг ишсиз ўтирган эри ҳам дунё мўъжизалардан холи эмаслигининг исботини кўргач, бизнинг машғулотларимизга келди. Бироз шуғулланиб Москва атрофидаги вилоят раҳбарларидан бирига ўринбосар бўлиб ишга жойлашиш учун борган.

Тўғри префектнинг олдига келиб:

– Мен сизнинг ўринбосарингиз бўлишим керак, деб айтган. У эса обдон кулиб бўлгач, сўрабди:

– Эсинг жойидами ўзи?

Унга жавобан бизнинг шогирд:

– Ҳа! Мана руҳшуноздан маълумотномам ҳам бор, – дебди.

Шунда префект менга кўнгирак қилиб қолди. Дарвоқе, биз у билан бироз таниш эдик

– Шунақасини танийсанми? – деб сўради у.

– Йўқ, – дедим мен.

– У сизлардаги қандайдир «Устахона»да шуғулланаётган экан-ку?!

Мен ахир ҳамма тингловчининг исми-шарифини ёд билмайман-ку. Ёрдамчиларимдан суриштириб, аниқлагач унга:

– Ҳа, бу одам меники экан! – дедим.

Табиийки, мен унга энг яхши тавсиянома бердим. Ўзим эса, «Эй Худо, ишқилиб охири бахайр бўлсин!» – деб ўйладим. Лекин ўзингники бўлгандан кейин ҳимоя қилишинг керак-ку. Хуллас, ўша ишсиз ётган эр, мана неча йиллардан бери префект ўринбосари бўлиб фаолият юритиб келмокда.



Азиз аёллар! Хусусий ишингиз яхши ривожланиб, ўсиб кетиши билан бирга, сиз нима қилиб бўлса-да, эрингизнинг ҳам барча ишлари юришиб кетишининг чорасини қилишингиз керак – тадбиркорми, кагта мансабдорми, машхур рассомми, ёзувчими, нублицистми, бунинг аҳамияти йўқ...

У зинҳор ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан сиздан пастда турмаслиги керак. Акс ҳолда, оилангиз дарз кетиб, тез орада чил-чил синиши турган гап!

Мана эркаклар, сиз 100 000 сўм ишлаб топдингиз. Ай-тайлик, сиз ҳақиқий шарқликларга хос жиҳатлар соҳибисиз ва хотинингиз ишламайди. Сиз нима қилишингиз керак? Ишлаб топган пулингизнинг:

10 % – бу сизнинг чўнтагингизда қоладиган пул, агар бу чўнтакка хотинингиз қўл тикқанини кўрсангиз, шу заҳотиёқ қўлига тушириб қолинг.

20 % – хотинингизнинг сарф-харажатлари учун. У бу пуллари қаерга сарфлайди – бу сизни мутлақо қизиқтирмасин. Бу аёлингизнинг муаммоси.

50 % – бу оиланинг пули. Сиз уларни биргаликда сарфлайсиз. Бу ердаги пуллар оилавий қурилиш учун, уйни таъмирлаш учун, харажатлар учун сарфланади. Бу сизнинг умумий жамғармангиз. Агар шундай йўл тутсангиз, сизда ҳеч қандай бош оғриғи бўлмайди.

Балки сиз болаларнинг ҳақи қаерда, деб сўрарсиз? Болаларнинг ҳақи ҳам, худуди ҳам йўқ. Фарзандларнинг ўзлари ота-онасига пул топиб келишлари керак! Лекин бу ҳақда мен бошқа бўлимда батафсил тўхталаман.

Ҳозир эса бошқа нарса ҳақида гапириб бермоқчиман. Бизнинг клубимизда собиқ педагог бор эди... У аста-аста бойишни бошлади ва охир-оқибат ўз орзусига эришди – кимингдир эски хорижий машинасига етишди. Машина дегаимиз ўзидан йигирма ёш катта. У бундай ютуқдан шунанакаям хурсанд юрардики – унга қарашнинг ўзи ҳузурбахш эди!

Кейин бу машина пластик операция ёрдамида ёшариб, ёшариб, ёшариб борди... Токи брон деб аталмиш калин ёғ бойлаб, семириб кетмагунча...

Борган сари баттардан-баттар бўла бошлади. Энди унинг бронетранспортерли машинасининг олди ва орқа томонига жип машинаси ҳам қўшилди – қўриқлаш хизмати, буль-терьерлари ўтириши учун.

Бир гал ўзининг мана шу ашқол-дашқоллари билан бирга у институтимиз олдига келиб тўхтади – шунчаки кўришиб, саломлашиб кетиш учун. Мана у иккинчи қаватга кўтарил-япти, атрофини қўриқчилар ўраб олган, гўё уни кимдир тасодифан гумдон қилиб кетадигандек.

Энди унинг ҳурматини жойига қўйиб кутиб олишга тўғри келди, ҳар ҳолда, давлат байроғи тақилган машинада келган...

У кабинетимга кириб келган заҳоти эса, эҳтиётан, эшикни яхшилаб қулфлаб олдим...

– Демак, гап бундай кадрдоним – дедим унга! – Нимага келгандинг? Нима қилиб одамларимни сиреиа-ю, чи-роқларинг билан кўрқитиб юрибсан? Сен жуда оғир хаста-саи! Ўзингга бир қара! Ошна, яхшиси борақол, соғайиб кетганингдан кейин келарсан, ҳозир эса сеига гапим йўқ, – дедим.

Шу суҳбатимиздан кейин у билан яна учрашгунимизча тўрт ёки беш йил ўтди. Ўшанда унинг олдимга қанақа ма-шинада келганини кўриб, кулавериб кўзларимдан ёш чиқиб кетди...

Тештанинг таъриби 3

Бир гал ишхонамда, иккинчи қаватдаги кабинетимда дераза орқали кўчани кузатганча, трубкамни чекиб турибман. Қиладиган ишим йўқ, ишларимни тугатганман... Кабинетимга ҳар кунни йиғилиб оладиган зулукларнинг ҳаммаси тарқалишган... Февраль ойи. Қахратон... Қандайдир эски «жимитдек» машина юриб келяпти, машина резиналари силлиқлашиб кетганидан бурилишларда тойиб ҳам кетяпти. Машина ўзидан чиқараётган тутун ичида қолиб кетган, ҳеч нима кўринмайди. Бу «лимузин»да ким келди экан, деб қизиқиб қараб турибман.

Биномиз деразаларининг ойнаси икки қават, машина эшиги очилгайда, унинг чўзиб ғийқиллаб очилиши ҳатто икки қаватли ойнадан ҳам эшитиляпти. Кейин кимдир бу машинадан анча вақт тушолмай турди... билишимча, машина эшиги тушиб қолмаслиги учун сим билаи боғлаб қўйилган экан...

Йўлда дуч келган машиани тўхтатган. Аслида бу пайтга келиб унинг сармоёси тахминан икки ярим миллиард долларни ташкил қиларди.

Тепага кўтарилди. Ўзининг кўриниши ҳам келган машинасидан кам эмас. Йиллаб ювилмаган жинси шимда. Оёғидаги спорт пойабзали йиртилиб кетган. Ва эғнида аввал ранги қанақа эканини билиб бўлмайдиган чарм куртка. Яғирлигидан ялтираб турибди...

– Салом, мен соғайдим, – деди у.

Унга қараб туриб:

– Биласанми, кадрдоним, дайдилар ҳам сендан кўра яхшироқ кўринишса керак, ҳозироқ ортингга айлан-да, жўна бу ердан! – дедим.

У хафа бўлди ва:

– Нимага ҳадеб жўна бу ердан, жўна бу ердан, деб ҳайдайсиз... Сизга унақаси ҳам ёқмайди, бунақаси ҳам. Нимани хоҳлайсиз?! – деди.

– Сен бир ёкламаликдан ўзингни қутқара олмаяпсан, аслида эса бу битта хасталикнинг айнан ўзи, – дея тушунтирдим.

– Йўқ, мен соғайдим! – деди у. Мен кўриқчи деган текинтомоқларнинг ҳаммасини ҳайдаб юбордим, ўзимга эса шунақа бир роҳат ўйлаб топдим-ки, асти сўраманг! Мен бидаи юринг, уни сизга кўрсатаман.

– Нима қилар эканмиз?

– Биз метрога тушамиз-да, у бошидан бу бошига қараб сайр қиламиз! Шундай маза!!! Юрсангиз-чи?!

Тушуняпсизми, гап иимада эканини? Бизнинг клубимиздагиларнинг ҳаммаси бу хасталикдан ўтишган!

Бизнинг клубимизда тўда-тўда миллионерлар етишиб чиқа бошлаганида, сизнинг камтарин кулингиз ЖЭКнинг мажбурий навбатчи слесарига айланиб қолади, гоҳ биттасининг томи кетиб қолади, гоҳ бошқасининг... югур-югур, сўкина-сўкина уларни тузатишга киришамиз!

Бу даҳшатнинг ўзи! Клубимиздагилар ўзига тўқ, етарлича моддий таъминланган бўлиб олгач, уларнинг ҳаммаси ўз жуфтлари билан ажралиш ҳақида ўйлай бошлашди. Қаранг-а, энди уларнинг миялари эриники ёки хотиники билан мос келмай қолганмиш. Пуллари кўпайиб қолгач, уларга энди хотинлари, эрлари ёқмай қолган эмиш?!

Ўшанда мен бошимни чангаллаб қолдим... Агар натижа бундай бўлса, уларни бой қилиб нима қилардим? Яхшиси улар ўз ташкилотида, ойлигини кутиб яшайверса бўлмасмиди, муҳими – мустаҳкам, рисоладагидек, меҳрли-оқибатли оиласи билан яшаётган эди! Уларга ёрдам бериш истагим, қанча болаларнинг етим қолишига сабаб бўлди!

Бу оилаларни қайта тиклаш учун бир гуруҳ руҳшуносларни жалб қилишга тўғри келди. Ҳаммасини эмас, лекин ўшанда биз 70 % оилани қутқариб қолишга эришдик...

Ҳатто Москвада учта вокзалда бизнинг навбатчи пунктларимиз ҳам бор эди. Ўзига хос юлдузлик касалига чалин-

Тенгачининг тажрибаси 3

ганларни, жуда тез бойиб кетган бойваччаларни биз ўша ерга жўнатардик. Улар ўша ердаги махсус квартирага келишади, бу ерда эса уларни дайди киёфасида гримлашади. Жулдур кийим кийдириб, қўлларига уч сўм пул берилади ва бир ҳафтача улар вокзалда тунаб қолиш учун жўнатиладилар.

Бу муолажа чиндан ҳам иш берарди! Қарабсизки, бир ҳафтадан кейин улар ўзларининг топ-тоза, шинамгина уй-жойларига, ўзларининг чиройли ва ясанган хотинларининг ёнига қайтиб келишиб, хотинига: «Азизам, мен сени шундай яхши кўраманки! Яхшиям мен буну тушуниб қолдим!» – деб айтишарди. Улардаги ажралиш ҳақидаги ўй-фикрлар мажбурликдан чеккан энг ҳашаки «Прима» папиросларининг тутунидек тарқалиб кетарди.

Менинг бўлғуси миллионер ва миллиардерларим, сизни огоҳлантириб қўйяпман. Моддий бойишни бошлаган дастлабки даврда, болаликда рўёбга чиқмай қолган сиздаги баъзи истаклар – машина ёки кўғирчоқ ўйнаш, ёки конструктор фигураларидан уй қуриш каби истакларингиз олдинга бўртиб чиқа бошлайди.

Кейин эса сиз бу ўйинларга «тўйиб ўйнаб» олганингиздан кейин бошқа томонга тортиб кетади, образли қилиб айтадиган бўлсак, дайдилик қила бошлайсиз...

Аста-секин ҳаммаси жой-жойига туша бошлайди. Мана шундан кейин сизда росмана ҳаётга нисбатан меъёрдаги муносабат пайдо бўлади. Билиб қўйинг, ҳақиқий бой одамни сиз кўпчиликнинг орасидан бирданига ажрата олмайсиз!

Ҳақиқий бой одам ҳатто метрода ҳам юриши мумкин – унинг учун бу иш у қадар уятли бўлиб кўринмайди.

У ҳар қандай ҳашаматли бинога, машинага ёки дўконга қарар экан... агар хоҳласа, буларнинг ҳаммасига эга бўла олишини билади. Лекин бизнинг миллиардер бу масалага танқидий нуқтаи назардан ёндашади: «Менга бу нарсалар керакми? Бу нарсалар мени ҳақиқий ҳаётимдан чалғитмасмикан?» – дейди.

Дастлаб ҳаммангиз ҳам ҳақиқий роҳат-фароғат ўзингиз етиша олмаган, эриша олмаган нарсаларда бўлса керак, деб ўйлайсиз. Айтайлик, беҳисоб пулларда, ақл-бовар қилмас даражадаги обрўларда...

Буларга эга бўлганингиздан кейин эса, уларда бош оғриғидан бошқа ҳеч қандай бахт йўқлигини тушуна бошлайсиз. Турган битгани ғалва...

Бундай ҳолат юз бермаслиги учун, аввал бошданок азизларим, сизга нафақат моддий томондан, маънавий томондан ҳам бойиб боришга тўғри келади. Бу инсоннинг ўзлигини англаш, ўзлигини излаб топиши деганидир!

Агар сиз бу дунёга нима учун келганингиз ҳақида, ҳаётдаги вазифангиз нимадан иборатлиги ҳақида... ўйлай бошламасангиз, ҳеч нарсага эга бўлмасдан, тешик тоғора билан қоласиз! Пулдормисиз, пулсизмисиз, бунинг аҳамияти йўқ!



Қачонки кишида бойлик бўлса-ю,
қалбида ҳеч вақо бўлмаса – бундан
ортиқ бахтсизлик йўқ дунёда!

Аслида шунча беҳисоб пуллар нима учун керак? Бу самолётлар? Яхталар? Мана бу бронлаштирилган машиналар нима учун? Чинакам бахт ахир уларда эмас-ку!

Ростини айтганда, бир тирик жонга қанча керак? Қунига уч коса овқат... Бир сидра ич кийим... Тунаш учун жой... Тамом, вассалом.



Муҳим битта нарсани тушуниб олинг!
Пул – бу турли кўринишдаги кучлардан
биттаси, холос.

Тенгизнинг тажрибаси 3

Худди спорт залида мушакларни машқ қилдириб янада кучлироқ қилиш мумкин бўлганидек, шу сингари ортикча сарф-харажатлар учун бир-икки миллион долларни ишлаб топиш – ҳар кимнинг ҳам қўлидан келади.

Бахт зинҳор-базинҳор ҳамённинг қаппайганлигида эмас, мансабда ҳам, жинсий муносабатлар миқдорида ҳам эмас, буни яхшилаб укиб олинг, азизлар!

Ўйлаб кўринг, ўзингизни қачон ва нима сабабдаи бахтли ҳис қиласиз? Қаерда ҳаётдан кўпроқ лаззатланасиз? Сиз, аввало, мана шуни ўзингиз учун аниқлаб олишингиз керак.



Ўзини бахтли ҳис қилиш учун пул топиш билан шуғулланиш керак эмас, ўзингизни бахтиёр ҳис қиладиган иш билан машғул бўлиш керак.

Нима мақсадда буларни гапиряпман? Ўзингизни кузатиб, назорат қилиб боришингиз учун. Йўкса, ишингиз юришиб, юксала бошлагач, бу сизда «юлдузлик касали»нинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкии. Ва оилангиз бузилиб кетиш хавфи остида қолади.



Азизларим, ёднингизда бўлсин, Яратганнинг тарози палласида ҳеч қандай пул, ҳеч қандай буюм, ҳеч қандай шон-шуҳрат ва ҳеч қанақа мансаб, оддий инсоний бахтнинг, муҳаббатнинг, меҳр-оқибатга йўғрилган муносабатларнинг урвоғидан ҳам устун бўла олмайди!

Оиладаги муҳаббат, ғамхўрлик ва меҳр манбаидан олис кетиб, узоқлашиб беҳуда саробнинг кетидан кувиб юрманг!

Азиз аёллар, агар сиз эшитган ҳикматларингиздан ҳаётингизни яхшилашда фойдалана олсангиз эди, умуман сизнинг баҳоингиз бўлмасди. Чунки ҳиссиётларингиз сиздаги бор салоҳият, бор билимдан устунлик қилади. Аёл кишида ҳиссиётлар пайдо бўлса, унинг ақли шу заҳотиёк йўқолади. Натижада, улар узоқ йиллар мобайнида курганларини бир лаҳзада вайрон қиладилар.

Эркаклар эса бефаҳмрок, улар ўзгаларга камдан-кам кулок тутишади, лекин шу эшитганларининг ўзидан тўғри хулоса чиқариб олишади.

Келинг, қадрдонларим, энди йиллар мобайнида ҳаётимизнинг муҳим қисмини ташкил этувчи жиҳатлари ҳақида суҳбатлашсак.

Қани, айтинг-чи, бу ерда тавсия қилаётганларимизни карама-қарши жинс вакиллари томон мўралаб, уларнинг муносабатини ҳам инobatга олган ҳолда амалга оширишни тавсия қилаётганимиз – сизга ғалати туюлмаётими?

Эркак киши ўз ҳаётида нима иш билан шуғулланмасин, нима ижод қилмасин, нима яратмасин, нимани бузмасин, унинг барча хатти-ҳаракатлари негизида аёл кишига ёқиш, аёлни жалб қилиш истаги ётади.

Шундай кимсалар борки, улар турли шароитлар туфайли худди ҳарам оғаси каби эркаклик қиёфасидан маҳрум бўлиб қолишади.

Танангиздаги эҳтиросдан воз кечиб кўринг-чи – сиз ҳам гарчи аёл бўлсангиз-да, бичилган қул бўласиз-қоласиз. Сизнинг ҳаётингиз зулматга айланади, куй-кўшиқлар, бебаҳо санъат асарлари, санъатнинг ўзи, гўзалликка ошнолик ҳам ҳаётингиздан ғойиб бўлади. Ижодкорлик йўқолади! Ҳаётдаги жуда кўплаб нарсалар сизни чеглаб ўтиб кетади!



Қачонки инсондаги эҳтирослилик камайса – қолган ҳамма нарсалар ҳам йўқолиб боради. Эркак кишидаги эҳтирослилик сўна бошласа, унинг мансабга, бизнесга бўлган қизиқиши ҳам сўнади, оиладаги фаровонлик ҳам сўна бошлайди.

Эҳтирослилик ва ҳаётда рўёбга чиқа олиш... Ҳайратланарли, лекин уларни чизиклар воситасида тасвирлайдиган бўлсак, иккаласи ҳам бир хилдаги эгри чизикли кўринишга эга бўлади. Икки томчи сувдек бир хил.

Эркакнинг ҳаётида қанча аёл бўлганини билиб олгач, плюс ва минуснинг аҳамияти йўқ! Шу кўрсаткичнинг ўзиданоқ бу эркакнинг молиявий аҳволини тахмин қилиш мумкин. Чунки:



жинсий жиҳатдан кучли эркак,
ҳеч қачон қашшоқ бўлмайди!

Эркак кишининг эҳтирослилиги ва унинг орияти – бу битта нарса! Эркак кишининг эҳтирослилиги ва унинг карьераси – бу битта нарса. Эркак кишининг эҳтирослиги ва оиласидаги фаровонлиги – бу битта нарса. Эркак кишидаги эҳтирослилик ва ундаги ижодкорлик, бунёдкорлик, севиш, ўз таъсир ҳудудини кенгайтиришга интилиш истаги бу ҳам битта нарсадир.

Чунки карьера ҳам, етакчилик ҳам – бу эркакдаги эҳтирос кучининг турли хил мақсадларга томон узатилишидан бошқа нарса эмас.

Демак, хурматли эркаклар, ҳар томонлама таъминланган одам бўлиш учун сиз албатта уззу-кун тинмайдиган айғирга айланишингиз лозим. Розимисиз?

Эркак мусиқа асбоблари билан таққосланган ўша аҳоқона латифадаги каби бўлмаслиги керак, яъни «эркак йигирма ёшда – флейта, ўттизда – скрипка, олтмишда – барабан, ундан кейин бўш ғилоф»... дегани латифа бор.

Эҳтирос майлининг механизми қандай ишлашини тушуниш учун ҳайвонлар дунёсига мурожаат қиламиз. Ўрганиладиган объектимиз нар махлуқ, тўғрироғи – эркак киши.

Нар одам азалдан полигам ҳайвон ҳисобланади. Ва биз хурматли хонимлар сизлар билан шуни биламизки, ҳар бир эркак, учраган ҳар бир аёлга ўзининг бўлғуси маъшуқаси сифатида қарайди. Агар буни билмаган бўлсангиз, билиб олинг.

Даҳшат деяпсизми? Лекин – бу меъёр. Бу табиат томонидан эркак деган жонзотга жойланган инстинкт. Истиснолар ҳар доим ҳам учраб туради, хурматли хонимлар. Албатта, сизнинг эрингиз, бу ҳақда сизга ҳеч қачон гапирмаган. Лекин барибир аслида у ҳам шулардан бири.

Энди хурматли эркаклар, ким ўзини истисноман деб ҳисобласа, марҳамат қилиб айтинг-чи, сиз ҳар бир учраган аёлга қандай муносабат қиласиз? Ҳаммасига ҳам кўнглим суст кетавермайди, дейсизми? Танлаб, танлаб деяпсизми? Бу ҳам тўғри! Чунки ҳаммасини эплаш осон эмас...

Инсонни ҳайвондан нима ажратиб туради? Инсонда ахлоқ, одоб деб аталмиш ички тақиқлар бор. Ҳайвонларда эса хатти-ҳаракатларни буткул инстинктлари белгилайди. Мана шу ахлоқ-одоб шарофати туфайли инсонлар ўзларининг ҳайвоний истакларига тўсик, тўғон қўя оладилар. Чунки одамзодда ор, номус каби тушунчалар бор. Чунки шаън, гурур деган тушунчалар бор.

Лекин инсон ҳаётда пастга тушиб, пастга тушиб, тубанлашиб бораверса... Агар унинг инсоний негизи ожиз бўлса,


Тентакнинг тажрибаси 3

у ўзини худди ҳайвонлардек тута бошлайди. Шу жумладан, хирсий маънода ҳам...

Четдан ишқий саргузашт излаш, полигамликка интилиш ҳам аслида ҳайвонийликнинг қолдиқларидир.

Эркак зоти хоҳ Африкада бўлсин, хоҳ Россияда бўлсин, хоҳ Финляндияда бўлсин, Арктикада ёки Австралияда – бунинг фарқи йўқ. Асрлар давомида моҳиятан ҳеч қанча ўзгармади!

Эркаклар эхтирослилиқ бўйича ҳам шафқатсиз табиий танланиш жараёнини ўташган. Кучлироқ бўлган нар эркак урғочиларни ўзига кўпроқ жалб этган: ожизларнинг насли эса йўқ бўлиб кетаверган.



Эркак киши бўлиш дегани бу сардор бўлиш, етакчи бўлиш истаги деганидир.

Агар пайкаган бўлсангиз, табиатда энг сара урғочилар ҳар доим кучли нарға тегишли бўлади.

Аёллар бундай саралаш пойгасида ҳеч қачон қатнашмаганлар. Улардаги ҳар иккитадан биттасида учрайдиган совуққонлик дардининг асл сабаби ҳам мана шундан. Уларни уч ярим соат мобайнида эркалатиб, нуқул чиройли сўзларни айтиш керак... Шунда ҳам бунни муқаддима сифатида қабул қилишади.


Эркак киши эса хушомад учун қанча вақтини сарфлаши мумкин? Йигирма дақиқа, ҳаммасига нари-бериси билан. У ёғига эса, энди у азоб чека бошлайди. Қизиқиш юзасидан бир неча марта бундай таҳқирланишга чидаб бериши мумкин, лекин агар бу ҳолат бот-бот такрорланадиган бўлса, бу эркакда ботиний қаршиликни пайдо қилади, ҳурматли хонимлар, шунини ҳам ҳисобга олиб қўйинг.

Эркак кишининг ўзига хос томонларни билмасликлари натижасида баъзи аёллар ўз ҳамроҳларидан ҳеч қандай сабабсиз хафа бўлишади.

Полигамлик, яъни кўпхотинлиликка интилишнинг буддизмга ҳам, исломга ҳам, насронийликка ҳам мутлақо алоқаси йўқ. Эркак кишидаги эҳтирослилик ҳеч қандай миллатга, модага ёки маданиятга бўйсунмайди. Барча ирқ ва миллатлардаги эркакларда бу механизм бир хил тарзда ишга тушади.

Буни образли қилиб шундай дейиш мумкин, эркак икки хил шахсга эга. Ёки бошқача айтадиган бўлсак – бир пайтда катта давлат ва автоном давлатга бўйсунди. Бу давлатлар эса кўп ҳолларда бир-биридан айро иш кўришади.

Улар доим ҳамжихатликда бамаслаҳат тер тўкишлари учун нима қилиш керак? Уларнинг иккаласи ҳам бир хил вазифага эга бўлиши учун нималар зарур?



Бу икки «давлат» ўртасида мустаҳкам иттифок бўлиши жуда кўп жиҳатдан аёл кишига боғлиқ! Токи, аёл киши бир бошига бутун бошли ҳарам вазифасини урдалай олмас экан, унда эркак кишининг ўз эҳтиросларини бошқариши жуда қийин бўлади.

Албатта, қайсидир даражада унда хотинига нисбатан миннатдорлик ҳисси қолади. Албатта, уларда муҳаббат ҳам сақланиб қолади. Лекин чин маънодаги эҳтирос уларда тобора камайиб... камайиб бораверади.

Ҳурматли хонимлар! Марҳамат қилиб, жинсий мулоқот санъатини ўзлаштириб олинг. Мен ушбу китоб саҳифалари-

Тенгизнинг тажрибаси 3

да нималарнидир ёритиб бераман, нималарнидир эса ўзингиз излаб топишингизга тўғри келади.

Энди азиз дўстлар, турли давлатлардаги жинсий муносабат маданияти турли хилда эканлигига эътибор қаратинг.

Европа – бу борада жудаям қизиқарли ҳудуд. Уларда чин муҳаббатни мадҳ этувчи қўшиқлар, шеърят ва ҳоказолар бор, лекин нима учундир жинсий мулоқот аъзолари европаликларда тилга олиб бўлмас нарса деб ҳисобланади.

Сиз Ҳиндистонда бўлганмисиз? Бу юртда бутун бошли ибодатхоналар бор, у ердаги девор безакларида – бугунги кунда табиатда мавжуд бўлган жинсий яқинликнинг барча хилдаги кўринишлари тасвирланган...

Европаликлар умуман гапирмасликка ҳаракат қиладиган севги аъзолари бу ерда жуда ажойиб сўзлар билан аталади, мисол учун «пушти гунча», «нефрит устунни» ва ҳоказолар каби.

Айнан аҳолисининг миқдори кўп мамлакатларда жинсий яқинлик санъати ҳам илм сифатида, ҳам илоҳиётнинг бир қисми сифатида мукамаллик даражасига етган.

Қолганлар эса – йўқ бўлиб кетяпти. Табиий саралаш эса ўзининг йўлида шахдам давом этмоқда.

Ўн олти-ўн саккиз ёш атрофида эркаклардаги эҳтирос тобора ошиб боради, ўттиз ёшга келиб ўз имкониятлари чўққисига етади, ўттиз ёшдан кейин эркак кишида жинсий яқинликка бўлган қизиқиш секин-аста пасая бошлайди.

Аёл кишида эса айнан ўттиз ёшдан кейин жинсий муносабатга бўлган қизиқиш тобора кучайиб, унинг эҳтиёжи орта бошлайди. Бу ёшда аёл киши эҳтирос борасида очилади, ўзини кашф қила бошлайди.

Мана шу нуктада кўпинча хотиннинг талаби, эрнинг жисмоний имкониятлари билан номувофик бўлиб қолиши мумкин.

Агар ўттиз ёшгача асосан хотин, «хоҳламайман, чарчадим, бошим оғрияпти, бугун узрли...» деб турса, ўттиз ёшдан кейин эса энди эрнинг «боши оғрий» бошлайди!

Ва ўзининг эҳтирослар борасидаги талаби рўёбга чиқмаганлиги сабаб аёллар қалбини занг боса бошлайди. Энди у ўзининг бутун хаёлотини эрига қарши сарфлар экан ўзича: «Балки у бошқасини топиб олиб, ўша ойимчаси билан юраётгандир?» – деган фикрга келади. Натижада, оилавий жанжалларни янада кўпиртира бошлайди.

Аслида эса бу – шунчаки физиологик ҳолатларнинг тафовути, холос.

Сиз чўмилиш ҳавзаларида бўлиб турасизми? Агар шундай бўлса, у ерда аёлларнинг деярли ярми эгнига номигагина нималарнидир илиб олганча, деярли қип-ялаиғоч юришади.

Шу нарсани аниқ пайқадимки, айнан очиқ-сочиқ юрганлар кишиларни ўзига камроқ жалб қилар экан.

Кимнинг чўмилиш кийими фақат иплардан иборат бўлса... Улар эркакларнинг ғашига тегади. Кишилар имкон борича тезроқ узокроқ жойга кетишга ҳаракат қиладилар. Уларга қарамайдилар. Уларга нисбатан қизиқиш ҳам йўқ, эҳтирос ҳам йўқ.

Эркакларни деярли ёпик бўлган чўмилиш кийимидагилар кўпроқ ўзига жалб қилади.

Нима учун? Чунки ёпик нарса остида нима борлиги – одамларга қизикроқ бўлади.

Ёдингиздами, олдинги замонларда аслзодалар, зиёфат чоғида: «Бекам, бир бора пойафзалингиз учига кўз ташлашимга ижозат этинг?!» – дея ялинишар ва бу хонимлар ўзларининг кўйлагини кўтариб пойафзалининг учини кўрсатишганда эркаклар бундан жунбушга келган, эҳтиросларини бошқара олмай қолишган!




Энг эхтироссиз ҳолат бу аёл кишининг бутунлай кийимсиз бўлишидир.

Хурматли хонимлар, илтимос, эркак олдида тураркансиз, буткул кийимсиз бўлишдан сақланинг!

Қадрли аёллар, кийимлардан нимадир бўлиши керак. Жуда бўлмаганда бежирим бирорта... мато бўлса ҳам.

Ҳамма кийим ечиб ташланса нима бўлади? Аёлдаги жозиба, сирлилик йўқолади.



Сизга талиинишлари учун эса, албатта, сирлилик сақланиб қолиши керак!

Аёл киши ҳатто тўшакда ҳам ҳеч қачон буткул кийимсиз бўлмаслиги лозим! Қанча очиқ-сочиқ бўлса, унинг латофати шунча йўқолади.

Биз бу ерда ётоқдаги очиқ-сочиқлик ҳақида гапирмаяпмиз, эркак кишининг аёлларнинг ўзга жинс вакили деб қабул қилишидаги ўзига хос жиҳатлар ҳақида гапиряпмиз.

Азизларим, энди эса янаям диққат қилинг. Қуйида сўзлаб берадиган ушбу воқеа ҳақида гапириб бериш учун уларга тегишли кишилардан рухсат олганман. Бу оила билан учрашганимда, улар 12 йиллик эр-хотин эдилар, лекин фарзандлари йўқ эди. Улар менга ёрдам сўраб мурожаат қилишди ва биз шу тарика таиишиб қолдик.

Мен бир йил уриндим, ҳеч қандай натижа чиқмади, икки йил уриндим, ўзгариш бўлмади, уч йил уриндим ҳамки, ҳеч нимага эриша олмадим. Аёлни ҳам, эркакни ҳам барча тадқиқот усулларида текширдик, кириб чикмаган ил-

мий-текшириш институтларимиз колмади, ҳамма жойда «уларнинг иккаласи ҳам мутлақо соғлом, фарзанд кўрмаслиги мумкин эмас» – дейишарди.

Ўтириб-ўтириб ўзимча ўйлардим, «Ўргилдим сенинг зўр шифокорлигингдан, қанча одамларга ёрдам беришса-ю, бу бечора жуфтлик ҳамон фарзандсиз юрибди!»

Яна денг эркак хотинини шунақа ҳам севардики... Ҳар кимга ҳам шунақа оила насиб этсин! Ҳар биримизга. У эркак хотинини бошида кўтарарди. Улар жуда фарзандли бўлишни исташарди, лекин ҳеч ўхшамасди... Фарзанд деб, хотинидан кечиб бошқасига уйланишни ҳам хоҳламайди. Мен бу жуфтлик ҳақида ўйлаб... ўйлаб шундай қарорга келдим:

– Демак, гап бундай, энг охириги чора қолди, шуни қўлаб кўрамиз... Сен хотининг билан фақат хомиладор бўлиш эҳтимоли бўлган кунларидагина мулоқотда бўласан. Сизлар ўзи ҳафтасига неча марта яқинсизлар? – деб сўрадим.

У менга:


- Ҳар куни, – дея жавоб берди.
- Ҳар куни? Кунига неча марта?!
- Уч марта.

Ана холос. Мен супергигант одам билан учрашиб турганимни англадим. Қолаверса, энди бу ерда гап нимада эканини ҳам тушундим.

Агар эркак ҳар куни жинсий яқинликда бўлса, у ҳолда аёлнинг танасига ташланган маний уруғланиб етилишга улгурмайди!

Мен уни меҳмонхонага қамаб қўйдим, фақат ҳафтасига икки кун, бир неча соатгагина хотинининг ёнига қўйиб юборардим. Улар бундай режимда бир ярим ой яшашди, бир кун қарасам, у ҳаллослаб келяпти. Шунақа хурсанд! Хурсандлигидан тинмай бақирарди: «Бола бор!» Кейин билсам, текширувдан ўтишибди, шифокор ҳам буни тасдиқлабди. Ҳозир ўша бола – беш-олти ёшлардаги ширингина қизалок, дадасининг қўйиб қўйган нусхаси дейсиз.

Демак, билиб кўйинг азизлар!



Баъзан эркакнинг ўта эҳтиросли бўлиши, бу ҳам оиланинг фарзандсизлигига сабаб бўлиши мумкин!

Мен бу кашфиётни сексопатолог сифатида тасодифан билиб қолдим, шундан кейин фарзандсиз кўплаб оилаларда бу борада тадқиқотлар ўтказдик. Ва шунда бир тоифа эркакларни топдикки, уларда жинсий яқинликка бўлган эҳтиёж ҳар кун қондирилса ҳам, лекин улар фарзандсиз эдилар.

Хонимлар! Агар эрингизда бу борада ҳафтасига икки марта талаб пайдо бўлса – шукр қилинг. Эрдан омадингиз келибди, бу ҳақда дугоналарингизга мақтанишингиз мумкин.

Лекин агар у ҳар кун талабини қондиришни хуш кўрадиганлар тоифасидан бўлса, бу ҳақда ҳеч кимга айтманг. Нақд эрсиз қолиб кетасиз-а!

Лекин бу жудаям яхши дегани эмас, кадрдонларим. Жинсий эҳтиёжнинг ўта кучайиб кетиши – кўпинча ўта нохуш кўрсаткич. Агар бу нарса эркакнинг ҳаётидаги бош хусусиятга айланиб қолган бўлса, демак, у эркак айғирга айланиб кетган бўлади.

Жинсий майл ўта кучли бўлса – бу «бачадон кутуриши». Шу жумладан эркакларда ҳам. Агар эркак кишида ҳар кун ва кунига бир неча марталаб жинсий мулоқотга талаб бўлса, у ҳолда сизга шахсий психиатрга эга бўлишингизга тўғри келади, иложи борича у руҳий касалхона бош шифокори бўлсин. Чунки жинсий жиҳатдан бетизгин одамнинг гипофизини текширувдан ўтказиш керак.

Унда қандайдир ўсимта бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас, баъзан бу ҳатто хавфли ўсимта ҳам бўлиши мумкин. Эҳтимол, унда яллиғланиш жараёни кечаётгандир... Энг муҳими, бу ерда истисно бўлиши мумкин эмас.

Агар эркак киши жинсий мулоқотни ҳар куни хоҳласа ва бу талаб кунига бир неча маротабадан такрорланса, бу бошланғич шизофрениянинг ёрқин кўрсаткичидир. Руҳий хасталикда, эҳтиросни қондиришга бўлган талаб ҳаддан ортик кучайиб кетиши кўп кузатилади.

Шизофрения хасталигида, биз мутлақо юқори даражадаги эҳтирослиликни кузатамиз. Улар суткасига 24 соат жиисий яқинлик билан шуғулланиши мумкин ва барибир қоникниш ҳис этишмайди. Бу бир неча ойларгача давом этади, баъзан эса ҳатто бир неча йил, сўнг эса бу барча азоб-укубатлар «кутурганлар учун махсус бўлим»да ниҳоясига етиши мумкин.

Шундай экан менинг ўта эҳтирослиларим, агар сизда ҳар куни ва турли хил одамларга нисбатан эҳтиёж мавжуд бўлса – дарҳол руҳшуносга учрашинг!

Нима учун эркаклар орасида узун оёқли аёлларга ихлос кенг тарқалган. Эркаклар, айтинг-чи, узуноёқлилар орасида ўта эҳтиросли бўлган аёлларни учратганмисиз? Узуноёқли аёлларда эҳтирослиликнинг юқори бўлиши – бу худди лотореяга чиққан ютуқ сингари. Атиги бир неча фоизни ташкил қилади, холос.

Калта оёқлар аёлда жинсий яқинликка бўлган талаб эркакниқидан юқори эканлигининг кўрсаткичидир.

Бу жуда яхши кўрсаткич, агар сиз унча-бунчага конмайдиган айғир бўлсангиз, албатта. Агар ундай бўлмаса-чи, Худо сақласин!

Икки ҳафтадан кейин сиз бошқасини топиш ҳақида ўйлай бошлайсиз. Тўшакда қоникмаган аёл – бу жиззаки аёл. У ҳар доим сизни жинсий жиҳатдан ожиз эркак деб ҳисоблайди.

Тентанинг тажрибаси 3

Бу ҳар кунги хафагарчилик, жанжал, қош-қовоғини осилтириб олиш ва сиз ҳакинғиздаги фикр қанақа эркаклар?.. Шунақаям лапашанг, бўшанг бўладими эркак, дегани?!

Ўта эҳтиросли аёл ва эҳтироси меъёрдаги эркак – бундай жуфтлик охир оқибат ажралиб кетади.

Эҳтирослилиқ борасида аёл киши эркакдан бироз кучсизроқ бўлгани маъқул.

Эҳтиросни қондиришга бўлган талаб эркак кишида бироз кўпроқ бўлиши керак, мана шунда оилани бошқариш ҳам яхшироқ, ҳам енгилроқ кечади.

Хурматли хонимлар, қачонки эр хоҳласа-ю, сиз хоҳламансангиз, сиз бу ҳолатни бошқара оласиз. Лекин сиз хоҳлаганда, у хоҳламаса, сиз бу ҳолатни қандай бошқарасиз?

Мухтарама аёллар, яна айтинг-чи, сизда ҳам кузатилганми, баъзида турмуш ўртоғингиз таътилга ёки хизмат сафари билан узоқроқ муддатга кетганида, сиз икки ҳафта ёки бир ойча у билан кўришмайсиз, эрингиз уйга қайтганида унинг қўлида нима бўлади? Гул. Баракалла!

У оилангиз маблағидан қанчадир пулни, умуман фойдасиз, аҳмоқона нарсаларга сарфлаб юрибди, ахир бу гуллар бир ҳафтадан кейин ташлаб юборилади-ку, мутлақо фойдасиз! Қолаверса, гулдастани қозонга солиб пишириб ҳам бўлмаса? Тағин унинг кўзлари таъмали қараб турибди ва яна у сиз билан бошқача, мулойимроқ муомалада бўлмоқда. Фавқулудда ширин гаплар, кутилмаган хушомадлару мактовлар...

Бундай пайт сиз анчадан буён унутган, эллик йил аввал турмушга чиққанингиз, ўша ошиқу беқарор йигитни унинг қиёфасида таниб қоласиз. Эртасига эрталаб эса у яна одатдагидек бўлади-қолади.

Азиз хонимлар, 7-8 йиллик эр-хотинлик ҳаётидан кейин сизнинг турмуш ўртоғингизда доим қандайдир ишлар чиқиб қола бошлайди... у аксарият кунлари «чарчаган» бўлади. Унинг албатта уйқуси келади. Ва у энди оилавий

хаётингиз альбомида қайд қилиб бориладиган белгилар миқдорини камайтириб, камайтириб бораверади.

Сиз ундаги бу «меъдага уриш» ҳолати, турли хил техник сабабларга кўра юз берди, деб ўйларсиз. Шу билан бирга ён-атрофдаги ҳаммада ҳам шундай бўлса керак, шундай экан, кўлимдан нима ҳам келарди» – деб ўйларсиз. Аслида эса эркак доим ўша эркаклигича қолади.


Унинг хизмат сафаридан, таътилдан ҳеч қандай сабабсиз кўлида гул билан уйга келиши бунинг ёрқин исботидир.

Эрингиз ҳар куни сизга гул тутиши, қулоғингиз остида хушомад қилиб туриши учун нима қилиш керак? Эътибор берганмисиз, айнан қайси пайтда эрингиз сизга нисбатан шундай хушмуомала ва эътиборли бўлиб қолади? Айтайлик, «ўшангача»ми ёки «ўшандан кейин»ми? Албатта, «ўшангача».

Демак, вазифа шундан иборат, ўз турмуш ўртоғингизни доим «ўшангача» ҳолатида ушлаб турасиз. Мана гап ҳозир нима ҳақида бормоқда.

Хоҳлайсизми, хоҳламайсизми, агар турмушга чиққан бўлсангиз, бу ебтўймасни тўйдириш учун ошхонада ҳаммаша «пишир-қуйдир» қилишингизга тўғри келади! Таомлар ҳам турлича бўлади – биз бу ҳақда «Тентакнинг тажрибаси – 2» номли китобимизда гапириб ўтгандик.

Энди энг муҳими! Биз сиз билан эътирослилиқка ижобий таъсир этадиган ингредиентлар борасида тўхталамиз.



Билиб қўйинг, азиз аёллар эрингиздаги эътирос қуввати нафақат гўзал қизлар туфайли кучаяди, балки мазали таомлар туфайли ҳам кучайиши мумкин!

Тенгизнинг тажрибаси 3

Чунки «бўш қоп... тик турмайди» деган мақол бор.

Хўш, эркакдаги эҳтирослилиқни кучайтириш учун биринчи навбатда нималарга эътибор қаратиш лозим?

Эркаклар, марҳамат қилиб ўйлаб кўринг, эҳтирослилиқ нуқтаи назаридан ниманинг ҳисобига сиз ўзингизни бошқача ҳис қила бошлайсиз?

Аёлларнинг организмга таъсир кўрсатадиган егулик, эркаклар организмга таъсир кўрсатадиган егуликдан фарқ қилади. Хонимларга бундай таҳлил ўтказиш шарт эмас. Эркакларда эса бу қатъий мажбурият дейиш мумкин!

Демак, таҳлил қиламиз, қандай вазиятларда сиз ўзингизни ҳақиқий эркакдек ҳис қиласиз?

Шахсий таомларингиз рўйхатини тузиб чиқинг, қайси таомлардан сўнг сизда ишқий жабҳада кўпроқ жасорат кузатилади.

Шарқда ҳафтанинг тўртинчи куни пайшанба алоҳида кун ҳисобланади. Турмуш ўртоғи билан уришиб қолганми, уришмаганми, нима билан шуғулланмасин, пайшанба куни эркак ўз бурчини ўташи шарт. Бу ҳар бир оилада юз беради, ойдан-ойга, йилдан-йилга, асрдан-асрга ўтиб келяпти бу анъана.

Пайшанба куни эркаклар учун таом махсус технология бўйича тайёрланади. Бундай таом туфайли аёлларга нисбатан кучли қизиқиш пайдо бўлади... ва эркаклар кўзларидан олов чакнаб тўппа-тўғри уйга, хотинларининг олдига югуришади. Чунки муқаддас анъанани бузиш мумкин эмас.

Ижозатингиз билан ўзига хос тарзда, фақат эркаклар учун тайёрланадиган палов ҳақида гапириб берсам.

Дўқонда сотиладиган оддий гуруч бу паловни пишириш учун ярамайди. Уларда крахмал жуда кўп.

Жинсий кувватнинг кучли бўлишига таъсир этадиган гуруч Фарғона водийсининг Ўзган туманида етиштирила-диган навдир. Бу гуручнинг нархи ҳар доим Ҳинд ёки Хитой гуручларидан уч барабар қиммат юради...

Бу гуруч ўзига таом масаллиғидаги мазани худди босма коғоз сингари шимиб олади. Унда крахмал жуда кам. Қолаверса, у жуда тез хазм бўлади. Сиз бу паловдан қанча истеъмол қилманг, икки соатдан кейин сизда яна очлик ҳисси пайдо бўлаверади... Лекин бу кўп маънодаги очлик ҳисси!

Махсус гуруч – бу биринчи масала.

Энди мой. Эҳтирос кувватининг кучли бўлишида чўчка ёғи ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Қорамолнинг ёғи ҳам.

Эркаклик кувватини энг кучли фаоллаштирувчи ёғ – бу кўй ёғи. Янада аниқ айтсак, фақат думба ёғи. Чуи-ки кўйнинг бу қисмида мускус безлари – айнан феномон ишлаб чиқарувчи безлар жойлашган.

Думба ёғи албатта кўчқорники ва у айнан қора рангли кўчқорники бўлиши керак. Агар сиз таққослаш учун оч рангли ва қора рангли кўчқорнинг ёғларидан олсангиз, оч рангли кўчқор ёғи қора рангли кўчқор ёғига нисбатан бир ярим – икки барабар тез совийди, ҳамда куюқлашади.

Демак, иккиинчи масала – бу ёғ.

Зираворлар ҳам катта аҳамиятга эга. Паловга камида 21 хил зиравор қўшилади, улар қанақа зиравор эканлигини ўзингиз топишга ҳаракат қилиб кўринг.

Майли, баъзи бирларини айта қолай.

Эркаклик кувватига кучли таъсир киладиган биологик фаоллаштиргич -- бу сиз ҳар куни фойдаланадиган маҳсулот – оддий қовурилган ниёз!

Қалампир ва мурч ҳам ўзининг кучли жунбушга келтирувчи таъсир хусусиятига эга. Сизга улардан қайси бири керак?

Европаликларда ҳаммасидан кўпроқ ишлатиладигани «булғор қалампери»... айнан мана шу тўғри келмайди. **Яна бошқа бир қалампир бор – гармдори. Аччиқ!**

Сиз ҳеч бўлмаса бир бора бўлса ҳам бундай қалампирни татиб кўрганмисиз?

Простата бези, биласиз, тўғри ичак худудида жойлашган. Айнан ана шу ердан қалампир унга ўз таъсирини кўрсатади. Простата безига, у ердан эса – бошга. Гармдорининг шарофати билан тўғридан-тўғри танага ишора келади ва кишида шу заҳоти аёлларга нисбатан қизиқиш пайдо бўлади.

Лекин бу паловни фақат эркаклар тайёрлаши керак!

Давом этамиз...

Қувватбахш маҳсулотлардан яна: Сельдерей. Тоғ зираси. Увилдирик (балиқ икриси). Краб, яъни денгиз маҳсулотлари. Мурсаль чойи. Асал. Ёнғоқ. Женшень, яъни меҳригиёх.

Марҳамат қилиб, ўрганинг. Ўрганиб чиқинг ва уларни кўллашни унутманг.

Климакс – бу яна битта шаҳарликларга хос тушунча – шаҳардаги кўпқаватли уйларда истиқомат қилувчиларнинг касали. Климакс фақат маданийлашган одамларгагина хос. Ва фақат одамларга хос!

Ҳайвонларда климакс учрамайди! Фақат бизнинг яқин қариндошимиз, биз ҳам ҳалигача улардан унчалик узоқлашиб кета олмаган маймунларда ва онг жиҳатдан бизга яқин – дельфинларда учрайди холос. Қолган ҳайвонларда бу иллат умуман учрамайдиган ҳолат.

Этиборингиз учун яна бир маълумот: жинсий муносабат борасида фаол ҳаёт кечирувчи эркак ва аёллар 70–80 ёшгача фарзанд кўриш қобилиятини сақлаб қола олади.

Агар табиат қонунларига зид ҳолдаги ўзига хос сунъий шаҳарча яратилса-ю, унда аёлларгина яшасалар, 40 ёшга келиб баъзи аёллар ҳаммага «Менда климакс бошланди» дея жар солган бўларди.

Эркак киши эса ҳеч қачон «Мен импотентман» – деб айтишни ўзига эл билмайди. Эркак кишида климакс ҳеч қачон бўлмайди! Эркак киши фарзандли қилиш қобилиятини то умрининг охиригача йўқотишни истамайди.



Демак, қадрли китобхонлар,
оёқни қўлга олганча қатта шаҳар
исканжасидан табиат қўйнига қочиб
қолинг ва фарзандларни дунёга
келтиришни бошланг!

Узоқ йиллардан буён, мен билан ҳамкорликда ишлаб келаётган оилалар бор. Уларнинг энг кексалари – бу 50 йиллик олтин тўйларини нишонлаётган эр-хотинлар. Улар билан ишлай бошлаганимда, бу оилада охириги 7–8 йил мобайнида «бу иш» юз бермаган эди.

Улар бир-бирини севади, эркак сифатида унда ҳаммаси жойида, аёлда ҳам, лекин жинсий мунособат йўқ. Бундай ҳолатга аёл ҳам, эркак ҳам кўникиб қолгандилар. Қолаверса, фарзандлари улғайишган, кетма-кет неваралари туғил-япти.

Улар бизнинг бутун дунё бўйлаб ташкил этиладиган машғулотларимиздан бирига қатнашиш учун Ҳиндистонга келишганида, мен уларга: «Сизлар нега яна келиб олдинглар? Сизларга қарасам, гап тополмай қоламан. Ахир тўртинчи марта қатнашяпсизлар. Яна нималар ҳақида эшитмоқчисиз?» – дедим.

Улар эса мени ҳайрон қолдириб: «Биз асал ойига келдик. Бизда бир йилдан буён асал оyi давом этяпти!» – дейишди.

Ана холос. 7–8 йилдан буён жинсий муносабат борасида жим-житлик ҳукм сурган одамларда энди бундай бахт...

Тенгачининг тажрибаси 3

Улар «Бундай ҳолат бизда янги турмуш курган пайтимизда ҳам бўлмаган. Ҳозир эса бир-биримизга муҳаббат изҳор қилишдан тўхтамаяпмиз!» – деб тан олишди.

Шундай экан, бугунги кунга келиб касбларимдан яна бири – узоқ вақт никоҳда бирга яшаб келаётганларни «асал ойи»га тайёрлашдан иборат бўлиб қолди.

Бизнинг ҳозирги вазифамиз, оилангизга асал ойидаги завқли таассуротларни қайтариб бериш. Сизнинг никоҳингизни шундай ўзгартириб қўйишимиз керак-ки, токи унда сиз узоқ йиллар бирга бахтли ҳаёт кечиришга эришинг.

Қадрдонларим, айтинг-чи, сизлар жинсий муносабатлар борасидаги илмни қаердадир ўқиган, ўрганганмисиз? Сизга камасутрадан сабоқ беришганми? Эр-хотинликка, никоҳдаги муносабатлар тўғрисида сиз билан бизга бирор кимса ўғит-сабоқ берганми? Йўқ, асло, буни ҳаётнинг ўзи ўргатган, тўғрими?

Энди сиз турмушга чиқдингиз, уйландингиз. Хурматли рафиқалар ва хурматли эрлар, агар ўз эрингизни ёки хотинингизни биламан деб ҳисобласангиз, бу бўлмаган гап. Эркак кишининг шахсий ҳаётида ҳамиша дахл қилиши мумкин бўлмаган ҳудуд мавжуддир. Хотинда ҳам эр дахл қилиши мумкин бўлмаган ҳудуди бор.

Биз никоҳларни тадқиқ қила бошлаганимизда шундай муаммо қалқиб чиқди: эр – эркак сифатида бекаму кўст, хоним ҳам аёл сифатида ажойиб, жинсий муносабат масаласида эса улар бир-бири учун аллақачон мажбуриятга айланиб, «меъдага урди» ҳолатига келиб қолган.

Эр-хотинлик муносабатида «меъдага уриш», «безор бўлиш» ҳолати юзага келса... Нима қилиш керак, эрга хотини ёқмайди. Умуман бундай ҳолатда нимаям бўлиши мумкин? Эркак: «унинг танасидаги ҳар бир тукни биламан. Ҳадеб битта ашулани куйлайверишининг нима кераги

бор? Одам янги нимадир хоҳлайди... Неча йиллардан буён фарзандлар учун, оила учун бирга яшаб келяпмиз!» – дея ўйлайди.

Натижада, ўртага совуқчилик тушади. Бироқ ички маънавий боғланиш қолади. Бир-бирига нисбатан муҳаббат ва хайрихоҳлик қолади, ҳатто улар кучайиб ҳам боради. Лекин жисмоний, жинсий муносабатлар йилдан-йилга камайиб, камайиб бораверади. Буни қандай қилиб енгиш мумкин?

Биз жуфтликлар ўртасидаги интим муносабатлар камайиб боришининг сабабини кўриб чикқанимизда, аксарият ҳолларда бир хил манзарани кузатишимизга тўғри келган.

Ҳурматли эрлар ва ҳурматли рафиқалар, сиз ҳаётингизда бирор марта бўлса ҳам бир-бирингизнинг хаёлот оламингиз – фантазияларингиз билан ўртоқлашганмисиз?

Сиз ҳурматли хонимлар, эрингиз нима хоҳлаётгани билан ҳеч қизиққанмисиз? Сизчи ҳурматли эркаклар, хотинингиз орзулари билан қизиққанмисиз? Ва бу охириги марта қачон бўлган эди? Хўш, қалай, унда интим муносабат борасида қандай фикр-ўйлар бор экан? Эслашга ҳаракат қил-япсизми?

Бу фантазиялар – ахир сизнинг жуфти ҳалолингизнинг, иккинчи ярмингизнинг миясида ғужгон ўйнапти! Сиз эса бу фантазияларни амалга оширишга ҳатто ҳаракат ҳам қилмагансиз.

Ишонтириб айтишим мумкин-ки, орангизда жуда кўпчилик, яъни 100 кишидан 90 гаси «мен унинг феъл-атворини яхши биламан» деган хаёлда, ўз фантазияларини турмуш ўртоғидан сир сақлаб қолган.

Нима учун? Чунки улар эр-хотин ўртасидаги ўзаро ҳурматни сақлаб қолишни исташади! Уларнинг устидан хулқ-атвор, тарбиядаги чеклашлар босими доимий тарзда ҳукмронлик қилиб турибди.

Тенгизнинг тажрибаси 3

Дархақиқат, биз бир-биримизнинг феъл-атворимизни билган ҳолда, бир-биримиздан истакларимизни бекитишимиз мумкин, шунчаки жуфтимизда нохушлик пайдо қилмаслик учун. Уни хафа қилмаслик учун, биз ундан хаёлимиздаги фантазияларни бекитамиз, айтмаймиз.

Оқибатда эса буларнинг ҳаммаси жуда чуқур сингиб онг ости даражасидаги суруикали зиддиятга айланиб кетади!

Эсингизда бўлсин, токи бу фантазиялари умумий бўлмагунча икки одам бир жону бир тан бўла олмайди. Қарангки, 99 % одамлар бирга яшашади, лекин ҳеч қачон бир жону бир тан бўлиб кета олишмайди.

Дунёдаги 99 % одамлар, яъни бирга яшаётган, бир квартирада, бир бинода яшаб, бир каравотда ухлаётган, икки қарама-қарши жинс вакиллари, лекин мутлақо алоҳида яшаётган одамлардан иборатдир.

Бу жуфтликда мавжуд бўлганларнинг ҳар бири, «биз – оиламиз ва шундай бўлиши керак», – деб ҳисоблайдилар.

Бу ҳолат оиладаги ўзаро муносабатларга таъсир қиладди, қолаверса, унинг дарз кетишига олиб келади. Ишдан сўнг уйга келгач, бу ошиқ-маъшуклар ҳеч нима ҳақида гаплашмайдилар, аста-аста улараро умумий мавзулар доираси торайиб боради. Уларда шунчаки гапириш мумкин бўлган мавзулар бўлади. Қолганини эса ўзларида сақлашади.

Бора-бора кечки интим учрашувлар сони ҳам қисқара бошлайди, ахир шундай эмасми, ҳурматли тажриба ва стажга эга бўлган эркаклар?

Демак, нима қиламиз? Демак, 10 йил, 15 йил, эҳтимол ўттиз йил ҳамнафасликдаги ҳаётдан кейин, ниҳоят ўз эрингиз билан, хотинингиз билан яхшилаб танишиб олишингизга тўғри келади.


Бизнинг тадқиқотлар бу борада жуда қизиқ ҳолатни аниқлади.



Эр ва хотин нафақат вақти-соати билан «қўш ҳўкиз» бўлар экан, кўпинча уларнинг фантазиялари ҳам умумий бўлар экан. Интим муносабат борасидаги умумий фантазиялари! Улар эса ҳатто бу ҳақда умрларининг охиригача ҳам билмасликлари, уларни рўёбга чиқармасликлари мумкин экан, чунки улар буни ошқора ўртоқлашишдан чўчийдилар.

Уларнинг орзуларини таққослаганингда эса беихтиёр, «Ё, тавба!» – дейсан. Улар ахир неча йиллаб бирга яшаб келишяпти, иккаласи ҳам бир хил нарсани хоҳлашяпти, лекин бир-бирларидан буни бекитишади, чунки бир-бирлари билан улар руҳан бутунлай нотаниш, хотини нима хоҳлаётганини ёки эри нима хоҳлаётганини мутлақо билишмайди.

Кейин эса жинсий ожизлик – импотентлик деган касаллик қаердан пайдо бўлар экан, деб ҳайрон ҳам бўлишади.



Аслида эса ҳаётда импотент эркакнинг ўзи мавжуд эмас ва бўлиши мумкин эмас!


Ҳамма эркак ҳам икки оёғи орасидаги «ифтихори»га эга, фақат бу «ифтихор» танлаб-танлаб ишлайди. Хотинига нисбатан эса йиллар ўтган сайин унинг иштиёқи камайиб боради, маъшуқасига нисбатан эса бу эҳтиёж тобора ошиб, ошиб бораверади. Биз бундан жуда яхши хабардормиз.

Тенгачининг тажрибаси 3

Инсонлардаги ички эго, яъни «мен» шундайки, гап ўзи ҳақида борса, ўзига ҳамма нарса мумкин. Бу имконият бошқаларга тааллуқли бўлганида эса, бошқага ҳеч нарса мумкин эмас!


Шу зайл эр-хотинлар ўртасида ўзаро муносабат бамисоли ўтиб бўлмас чангалзорга айланиб, унда тиконлар сингари минглаб гиналар йиғилиб қолади.

Хотин эрига нисбатан, яъни ўзининг хаёлида яратиб олган эрининг қиёфасига нисбатан одоб чегарасини белгилаб, нимани гапириш мумкин, нимани гапириш мумкин эмаслигини аниқлайди, эр ҳам хотинига нисбатан худди шундай. Охир-оқибат ушбу ҳолат ҳозирча ёпиқ, лекин қачондир албатта ёриладиган газакли йирингни пайдо қилади.



Мана шу рўёбга чиқмаган фантазиялар худуди оилавий ҳаётдаги эҳтирослилик томорқасининг «меъдага уриш», «бегоналашиб кетиш», «четга юриш истаги» сингари ёввойи ўтларга тўлиб кетишига замин ҳозирлайди.

Эътибор беринг, эр ва хотин бир хил реалликда бирлашадилар, уларнинг фантазиялари эса турли хил. Эр хотинни, хотин эрни хафа қилмаслик учун бу фантазияларни яширганча кўмиб бораверадилар, кўмиб бораверадилар, кўмиб бораверадилар. Бу фантазиялар эса конвейер сингари узлуксиз пайдо бўлаверади. Вақти-соати келиб, мана шу кўмилган фантазияларимиз бутун ҳаётимиз орзуларимизнинг қабристонига айланади. Қабристонда эса интим муносабат ҳақида ўйлаш нотабий ва хуиук иш.



Демак, сиз ўз орзуларингизни
жонлантиришингиз лозим! Агар сиз
турмуш ўртоғингиз билан биргаликда
орзуга берилиб, сўнгра уни амалга
ошира бошласангиз... Унда сиз ҳақиқий
бахтга эришасиз. Чунки энг катта
муҳаббат, биргаликдаги орзуларингиз
амалга ошганида кўз очади!

Энди эса эр ва хотинларни бирга тасаввур қиламиз.

Эр ўзи ҳақида: «мен ҳаётда шунақаям қатъиятлиманки,
хаёлот дунёсида эса мен янада қатъиятли, чўрткесар бў-
лишни хоҳлайман» – деб ўйлайди.

Энди эса хотиндан эри ҳақида ҳаммасини очик-ойдин,
хафа қилиб қўйишдан чўчимай, рўй-рост ёзиб чиқишни
илтимос қиламиз. Ва хотин нима деб ёзади: «...эрим жин-
сий муносабат борасида – ҳеч нимани тушуниб етмайдиган
тентак! Бу битта банд.

Лекин мен хаёлотимда мана бунақа, мана шунақа бўли-
шини хоҳлар эдим. Чунки ҳақиқий реалликда мен аслида
мана шунақаман».

Тенгнинг тажрибаси 3

Эр эса бу пайтда бошини қашиганча, хотини ҳақида шундай сўзларни ёзаяпти: «Ҳис-туйғусиз тўнка».

Сўнгра эса таққослашади, солиштиришади. Ва ниҳоят бир-бирлари билан танишиб олишади!

Бизнинг тузадиган жадвалимиз куйидагича бўлиши керак ва айнан шундай жадвал иккинчи ярмингизда ҳам бўлиши шарт.

Реаллик	Фантазия	Табу (яъни тақиқланадиган жиҳатлар)

Амалий машғулот ўтказинг. Ёлғиз қолиб ўзингизнинг тахминий интим ҳаётингиз жадвалини тасвирлаб беринг.

Биринчи устун – сизнинг реал интим ҳаётингиз. Сиз ўз эрингиз ёки хотинингиз билан интим алоқа жараёнида нима-ларга ижозат берасиз. Қандай шаклдаги жинсий яқинлик сизга тўғри келади, улардан қайсиларини ҳаётингизда қўллайсиз.

Иккинчи устун фантазиялар. Сизда фантазиялар мавжудми: баъзи бир техник, ахлоқий, ижтимоий сабаблар туфайли сиз амалда қўллай олмайдиган фантазиялар ҳам борми?

Муҳтарама аёллар, бундай фантазиясиз бўлишингиз ҳам мумкин, бундан тортинманг, бу ҳақиқий аёллар учун меъёрий ҳолат! Лекин эркак кишининг фантазиялари ҳар доим бисёр... Ҳа, орзуга айб йўқ.

Энди эса фантазиялар хусусида. Биз бир гал исм-фамилиясини пинҳон тутиб, фақат жинсини кўрсатган ҳолда тадқиқот ўтказдик... Дастлаб сўровнома иштирокчиларига муурожаат қилганимизда улар ўз сирларини очикчасига, баён этишни ишташмади. Анкеталарда исм, фамилияларни кўрсатмасдан тўлдиришни сўралганда эса жадвалнинг «Реаллик» бўлимида маълумот озгина берилгани ҳолда, фантазиялар устунни тўлиб кетганди! Шундай экан, тортинманг, атрофингиздагиларнинг ҳаммаси ҳам айнан сиз каби одамлардир.

Учинчи устунга эса – сиз мутлақо қўллаш мумкин эмас деб ҳисоблайдиган, ўзингиз учун ва ҳамроҳингиз учун мумкин бўлмаган, тақиқларни, яъни «Табу»ни ёзиб чиқасиз.

Қадрдонларим, сиз ўз жуфтингизга биринчи таклифингиздаёқ бу тажрибада иштирок этишга рози бўлиб, барча жадвалларни тўлдириб, олдингизда ўзлигини намоён қилади, деб ўйламанг. Лекин эҳтиёткорлик билан, сабр-тоқат қилсангиз, эҳтимол иккинчи ярмингиз бу тажрибадан бош тортмаслиги мумкин.

Тенгизнинг тажрибаси 3


Демак, бизда иккита алоҳида жадвал: эр ва хотиннинг, ҳамда хотин ва эрнинг алоҳида жадваллари ҳосил бўлади.

Галдаги вазифа шундан иборат-ки, бу иккита алоҳида жадвалдан, умумий оилавий эҳтирослилик жадвалини тузишимиз керак. Ушбу жадвал ҳам «Умумий реаллик», «Умумий фантазиялар» ва «Умумий табу» каби уч қисмдан иборат бўлади.

Мана шу ерда жуда масъулиятли бир жиҳати бор, яъни ҳамроҳлардан бирортаси ўз тақиқлари билан иккинчи ярмисининг жадвалига суқилиб кириши мумкин эмас. На эр, на хотин ўз низоми билан иккинчи ярмининг фантазиялари ҳудудига ҳам суқилиб киришга ҳаққи йўқ.

Фантазиялар ҳудудида тўлиқ эркинлик ҳукмрон бўлиши керак! Сиз бир-бирингизнинг жинсий яқинлик борасидаги фантазияларингизни ман этишга ҳақингиз йўқ, зеро, ман этилган билан орзулар йўқолиб кетмайди. Фантазиялар ўз қонунига биноан мавжуд бўлаверади.

Кейинги вазифа ушбу ҳудудни халос этиш. Яъни:



Нимаики фантазиялар ҳудудида бўлса, улар ё реалликка ўтиши керак, ё тақиқлар ҳудуди – табуга ўтиши керак – албатта, бу икки томоннинг келишувига мувофиқ амалга оширилади!

Сиз дастлаб бу фантазияларни муҳокама қиласиз, эр-хотиндаги ҳар бир орзу, бу суҳбат учун умумий мавзуга айланади. Сўнгра ўз шахсий истакларингиздан келиб чиққан ҳолда, ушбу фантазияларни қандай қилиб рўёбга чиқариш ҳақида муҳокама юртасиз.

Агар эр-хотин иккалангиздан бирингиз бу орзуни кабул килмасангиз, у холда ушбу орзу каердан жой олади?.. Йўқ, уни унутмайсиз. Улар вақтинча фантазиялар худудида сақланиб туриши керак! У ҳеч қачон табуга кетмайди! Фантазиялар табуга фақат икки томоннинг розилиги билан ўтади.

Демак «Фантазиялар» устунда ёзилганларнинг ҳаммасини «Умумий реаллик»га ўтказамиз.

Сизларни «Табу» устунига ёзганларингизнинг ҳаммасини, «Умумий фантазиялар»га ўтказамиз. Айнан «Умумий фантазиялар» худудида сизлар ўзаро бирлашингиз керак.

Диққат! «Умумий фантазиялар» сараланади, сўнгра ё «Умумий реаллик»га ёки «Умумий табу»лар худудига ўтказилади.

Нималар ўз-ўзидан «Умумий табу»га ўтади. Аввало, агар сизнинг фантазиянгиз -филия,-шизм, -хизм, -дизм ва шу каби тушунчаларга алоқаси бўлса, масалан зоофилия, мазохизм, садизм ва ҳоказоларга.

Демак, агар сизнинг фантазиянгиз жинойий жавобгарликка тортиладиган худудга алоқадор бўлса, у ўз-ўзидан тўппа-тўғри «умумий табу»дан жой олади.

Агар сизнинг фантазиянгиз руҳий шифохона худудига тегишли бўлса, марҳамат қилиб, одоб юзасидан, барибир ўзингизни соғлом кўрсатишга ҳаракат қилинг. Бу каби фантазияларни «Умумий табу» худудида қолдириш лозим. Демак, «Умумий табу»да жинойий жавобгарликка алоқадор ва руҳий хасталикка алоқадор фантазияларгина қолади.

Билиб қўйинг, сизнинг фантазияларингиз ҳеч қачон тугамайди. Рўёбга чиқардингизми – янгилари пайдо бўлади. Рўёбга чиқардингизми, яна янгилари пайдо бўлади. Шу сабабли саралаб олиш ўтказинг. Фантазия бўлимида янги нимадир пайдо бўлдим, уни ёки реалликка ёки табуга ўтказиб юборинг.

«Фантазия» устунни охир-оқибат бўм-бўш бўлиб қолиши керак. Бу эса ҳаётда барча фантазияларингиз қондирилганлигини англатади.

Қачонки, иккала томоннинг «Фантазиялари» ҳам изчил равишда реаллик касб этиб бўлар экан, ана шундагина оиладаги келишмовчиликлар, ўзаро адвокатлар барҳам топади!

Бундай жадвални ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳам қўллаш мумкин. Мисол учун, ходимларингиз билан ўзаро тўғри муносабат ўрнатиш учун. Ёки фарзандларингиз билан ўзаро муносабатни яхшилаш учун. Фарзандингиз сиз ҳақингизда ота сифатида қандай фикрда, она сифатида уларга сиздан нималар етишмаётганини билиб олиш мақсадида ҳам фойдаланиш мумкин.

Бу усул ёрдамида фарзандингиз билан орангизда жуда қизиқ мулоқот юзага келиши мумкин. Унинг ёрдамида сиз ўз фарзандингиз учун кимсиз ва улар сизни ўз фантазияларида, ўз орзуларида қандай кўрадилар ва ўзаро муносабатингизда фарзандингиз сизнинг феъл-атворингизга хос қайси жиҳатларни мутлақо қабул қила олмайди.

Эътибор беринг-а, фарзандларимиз билан оилада асосан аёллар мулоқотда бўлишади. Биз эркаклар эса... энг кўпи билан нимага қодирмиз, ахён-ахёнда фарзандларимиздан фақат: Ишлар қалай? Кунинг қандай ўт-д-и-и? Ўқишларинг тузукми? – деб сўраймиз, холос.

Улар эса:

– Ҳаммаси жойида, дада, – дейишади.

– Ҳа, баракалла! – деймиз бизлар ҳам.

Бўлди, мулоқот бор-йўғи шу билан тугайди. Сизнинг кўнглингиз тўк, фарзанд тарбияси билан боғлиқ бу йилги мажбуриятингизни адо этдингиз ва энди кейинги йилга қадар хотиржам яшашингиз мумкин!

Биласизми, ўз вақтида менга ҳам худди шундай тарбия беришган. Буни мен назарий билим сифатида олганман,

бошқаларга ҳам худди шундай узатганман, ўзимда эса қўламаганман.

Лекин вақти-соати келиб, бу тадқиқотни ўзимда ўтказганимда шу нарса аён бўлдики, ўз фарзандларимнинг наздида мен бутунлай бошқа одам эканман. Лекин улардан «Ўғилларим, айтинглар-чи, мендан отангиз сифатида кўнглингиз тўкми?» – деб сўраганимда, улар нима деб жавоб беришларини билишмасди. Кейин эса кўнгил учун:

– Албатта, ота! – дейишади.

Зеро, улар ўз оталарининг оғир феъл-атвор эгаси эканини, унга қарши нимадир айтиш мумкин эмаслигини билишади. Ёки улар самимий жавоблари менга оғир ботиб, ранжитиши мумкинлигини билишади, шу сабаб улар айнан сиз эшитишни хоҳлаган ёки сизга ёқадиган жавобни айтишади.

Кўз-кўзга тушганида эса фарзандларингиз андиша қилишлари, туғишган акангиз ҳам сизнинг бўлмағур феъл-атворингизни била туриб, индамаслиги мумкин: ўзи истаб юрагини очмайди, натижада гапи айтилмай қолиб кетади?..

Айтилмай қолган гаплар эса аста-секин, ўз-ўзидан катта зиддиятларга олиб келиши мумкин ва сиз мулоқотда бўладиган инсон энди истаган вақтда энг осон йўлни танлаши, яъни индамай қўя қолиши мумкин. Чунки бу мавзуда сиз билан гаплашиш бефойда эканини билади. Энг осон йўл қайси? Мулоқот қилишдан ўзини олиб қочиш.

Лекин бу – эркакларга хос жиҳат, аёлларга хос бўлгани эса – тажовузкорлик, ғазаб, ўз норозилигини ошқора билдириш.



Хайрихоҳлик, ҳурмат ва муҳаббат
ҳам ўзаро муносабатларда ўзига хос
меҳнатни талаб қилади!


Тенгнинг таъриби 3

Тажовузкорлик, ғазаб, нафрат ёки айтайлик: «Бор йўқол, даф бўл!» деган гаплар... – булар меҳнат талаб қилмайди. Жуда кўпчилик осон йўлни танлаш қондасига бинноан яшайди. Бу эса кадрдонларим, ёвузлик йўли! Агар биз нафақат ўзимизга нисбатан, балки ўзгаларга нисбатан ҳам ёвузлик йўлини тутсак – бу энди бузғунчилик йўлига айланади.

Ва охиргиси яна шу ҳақда. Интим мулоқотда ҳурматли эркалар, аёл кишининг истамаслиги инобатга олинмайди: «Мен бугун хоҳламай-м-а-н... Меннинг бошим оғрияпти...» Йигитлар, ҳеч қачон уларга ён берманг! Шу тариқа сиздаги қатъият синовдан ўтади. Бир марта ён берсангиз, шу билан кейин тамом...

Интим мулоқот борасида эркак киши мутлақо «диктатор» – Ҳокими мутлоқ бўлмоғи лозим... Лекин бунда ҳам аёл кишининг қизиқишларини 100 % инобатга олган маъқул.

Биринчидан, нимага мутлақо йўл қўйиб бўлмайди, хотинидан интим мулоқот учун рухсат сўрашга. Буни бутунлай ёдингиздан чиқаринг. Истак пайдо бўлдими – амалга оширинг! Қолган кунлари эса... унинг хоҳишига кўра бўлаверсин.



Аёл киши «хоҳлайман-хоҳламайман»
– дейишни бошласа, у ҳар галги
«хоҳламайман»и билан оиласининг
биллур деворига залворли болға билан
зарба туширгандек бўлади!

Ҳурматли хонимлар, сиз биологик ўзига хослигингизга кўра эрингиз учун ҳақиқий фожеани юзага келтиришингиз мумкин.

Эътиборингиз учун табиат карьера, кун тартиби, анъаналар деган нарсаларни мутлако тушунмайди. Ҳайвонот дунёсида эса нар жонзот интим мулоқот хоҳлаб қолса, бунинг учун албатта урғочи топади, урғочи эса унга «Кел, бу билан кейинроқ шуғулланамиз! Олдин эса ракс тушамиз!» – демайди.

Простата беzi хасталигининг пайдо бўлиши – эркакни бир умр ногирон қилиши мумкин.

Бу хасталикка чалинган эркакларнинг аксарияти улар жуда «хоҳлаганларида» аёли бош тортганини тан олишган.

Эркакнинг энг ожиз жойи – бу унинг простата беzi. Шифокорларнинг таъкидлашича, 30 ёшдан ошган эркакларнинг орасида простата беzi меъёрдагидек бўлганлари жуда кам. Бундай эркаклар деярли йўқ ҳисоби! Юзтадан битта ёки иккитаси меъёрдагидек бўлиши мумкин.

Простата беzi бу эркакларнинг иккинчи юраги. Бу шундай жомки, унда эркак кишининг ижодга, мансабу мартабага бўлган қизиқиши, эркакларнинг илҳом париси, эр йигитнинг руҳияти илдиз отади. Бу жом ҳар доим яхши ҳолатда бўлиши лозим.

30 ёшдан ошган эркаклар эътиборига – йилда бир мартаба простата беzi учун ўнта массаж қабул қилинг.

Хонимлар, сизларга ҳам бу ортиқчалик қилмайди. Ўзингизни парвариш қилинг, чунки сизнинг жинсий аъзоларингиз қандай аҳволда эканлигига қараб, уйингизда хотиржамлик ва фаровонлик қарор топади. Сиз учун энг яхшиси балчиқли муолажа.

Латифа:

Бир аёл сексопотологга мурожаат қилиб, эри ўз бурчини ўтамай қўйганини айтибди.

Сексопотолог:

– Майли, олдимга келсин, – дебди.

Улар келишибди. Эр шифокорнинг олдига кириб кетибди. 15 дақиқалардан кейин чиқиб келар экан, хотини ундан:

Тенгизнинг тажрибаси 3

– Хўш, нима экан? – деб сўрабди.

– Ҳаммаси жойида.

Уйга келишгач, ҳаммаси жуда яхши ўтибди. Кейинги кун ҳам ҳаммаси жойида. Ва бу ҳар кун такрорланаверибди. Аёл хурсандлигидан боши осмонда эмиш.

Лекин сексопотолог қабулидан кейин унинг эрида жуда галати одат пайдо бўлибди. Ҳар доим жараён бошлашдан олдин у қўшни хонага кириб кетар экан.

Бир кун хотин эри у ерда нима билан шуғулланишига қизиқиб қолибди. Секингина мўралабди, қараса эри бошини деворга уряпти, ҳар гал урганда эса «У менинг хотиним эмас! Менинг хотиним эмас! Бегона хотин! Бегона хотин!» – деб такрорлар эмиш.

Ҳурматли хонимлар, йигирма йиллик оилавий ҳаётдан кейин, ҳар гал ўз бурчини ўтагани учун эрингизга ҳайкал кўйиш керак.

45–50 ёшдан кейин эркак кишига эркаклик бурчини узок вақтгача тўхтатиб кўйиш қатъиян ман этилади! Чунки бу ёшда узок вақт ўзини тийиб юриши унинг хотирасининг йўқолишига олиб келади. Натижада эса эркак ўз бурчи тўғрисида бутунлай унутиб юбориши ҳам мумкин!

Хотирани қайта тиклаш учун нимадир қилиш мумкинми? Бунинг давоси битта – ҳар кун «Жиддий иш» билан шуғулланинг!

Хўш, нима экан эркаклар? Кўркиб кетдингизми? Мен бунга кодир эмасман, деб ўйлаяпсизми? Ҳаракат қилишингизга тўғри келади: Уч ой давомида – эркаклик бурчингизни юкори даражада адо этасиз. Биринчидан, аёлингиз ўзининг аёлларга хос барча хасталигидан фориг бўлади. Иккинчидан, оиладаги муносабатлар яхшиланади, аёлингиз эгов бўлишни бас қилади. Учинчидан, уйда эрнинг ҳукмронлиги тиклана бошлайди. Тўртинчидан эса, сизнинг простата безингиз меъёрга келади...

Бундай силлани куритувчи меҳнат билан шуғулланиш натижасида, уч ойдан кейин сизнинг ўзингиз... «ашаддий»га айланасиз-қоласиз. Нима учун? Чунки танангизни исталган қисмини машқ қилдириб, кўникма ҳосил қилиш мумкин.

Биласизми яна нима? Сизларнинг ҳаммангиз ҳам шифокор кўригидан ўтишингиз шарт! Бошдан оёгингизгача!

Марҳамат қилиб айтинг-чи, мана сиз қачондир бўлса ҳам «грипп» бўлганмисиз? Хўш қалай? Жуда расво... Бу ҳали жуда юмшоқ қилиб айтганимизда! Лекин сиз эртами-кечми барибир, тузалишингизни билардингиз.

Энди эса тасаввур қилинг, сиз умр бўйи «грипп» сингари қандайдир касаллик билан хастасиз, лекин касал эканлигини билмайсиз, сиз бу ҳолатга кўникиб қолгансиз. Агар тузалсангиз, ўзингизни қандай ҳис қилган бўлардингиз?

Сиз шу бугунгача оғир хаста бўлганингни пайқаб қоласиз. Яна касал бўлишни хоҳлармидингиз, нима деб ўйлайсиз?

99 % одамлар жинсий мулоқотсиз ўтадиган улкан миқдордаги инфекцияларга эга. Бу нима экан? Трихомонтиоз, хламидиоз, уреалплазмоз, микоплазмоз ва ҳоказолар. Уларнинг кўпчилигини 10–15 йил аввал умуман даволаш мумкин эмас эди. Бу ҳолат меъерий ҳисобланарди. Ҳозир эса бу инфекцияларнинг ҳар бири бемалол даволанади.

Бу бизга нима учун керак?

Агар сизнинг организмингизда улкан миқдордаги бу микроорганизмлардан қанчадир миқдорда мавжуд бўлса, у ҳолда бу сиздаги ички ҳимоя тўсиғини ишдан чиқаради.

Кайфиятнинг бузилишига, вужуднинг бўшашишига, хушчақчақликнинг йўқолишига олиб келади. Натижада, одам ўз ҳаётининг тахминан 60 % фойдали ҳаракат коэффициентини йўқотади. Сизнинг кучингиз, хушчақчақлигингиз, тетиклигингиз, фаоллигингиз қаерга кетади? Кўринмас микробларга ем бўлади. Агар вужудингизни бу

текинхўрлардан тозаласак-чи, тасаввур қиялсизми танангизда нима рўй беради?

Вақти-вақти билан кўриқдан ўтиб туринг, таҳлиллар топширинг, даволаш муолажаларини ўтказинг ва ўзингизни иммунитетингизни кўтаринг. Қачонки, иммунитетингиз кучли бўлса, вужудингизнинг ўзи йил давомида ҳар қандай инфекцияларни бартараф этади.

Қирқ йил аввал Москва атрофида яшайдиган бир академик дорини инсон танасига киритишнинг қизик услубини ишлаб чиқарган эди. Ҳаммаси жуда оддий. Жуда кам миқдордаги дори лимфотугунга киритилади.

Лимфа – бу гугурт чўпидан йўғон бўлмаган ўлчамга эга, у жуда ингичка ва нозик бўлади. Ана ўша жойга дори киритилади. Мушаклар орқали ҳам эмас, томирлар орқали ҳам эмас, хаста аъзо ҳудудидаги лимфотугунга тўғридан-тўғри. Натижада, ушбу қисмда биз ақл бовар қилмас миқдордаги антибиотик жамланмаси юзага келишига эришамиз.

Шу орқали вужуднинг фақат муайян бир қисмидагина ўзимизга зарур дорининг тўпланишига муваффақ бўламиз. Вужуднинг бошқа қисмлари, жигар, буйрак эса доридан зарар кўрмайди.

Агар антибиотикли муолажанинг бир курс давоси учун ўнта ёки йигирмата укол – ништар тайинланса, лимфатугун орқали қилинадиган муолажага битта уколнинг ўзи етарли. Тамом! Жуда эҳтиёт шарт ҳолларда эса – учта укол. Дориларни энг оддийси, энг арзони қўлланилади. Натижаси 90 % касалликлар бартараф бўлади.

Эндометриоз учта муолажадан кейин йўқ бўлади. Бор-йўғи учта ништар. Ҳолбуки, бемор ундан йиллаб азият чекиб юрган!

Битта ништар билан бронхит тузалади. Одамлар эса ўн йиллаб бронхитдан азоб чеккан.

Гайморит – бор-йўғи битта ништардан тузалади.

Простата. Бу эркактарнинг анъанавий ташхиси. Бор-йўғи битта ништар – ва хасталик батамом бартараф бўлади.

Каёққа йўқолади? Билмайман. Битта муолажа! Тамом. Простата йўқолади!

Нима учун? Чунки хаста аъзо худудида дорининг ақл бо-вар қилмас захираси жамланади. Бошқа худудларни, қисм-ларни текшираемиз, у ерларда аъзолар топ-тоза.

Кадрдонларим, сиз буларни ўзингиз учун инобатга олиб қўйинг. Мутахассисларни излаб топинг!

Ҳис-туйғулар жунбуши сусайиши натижасида оилан-гизда нималар рўй бериши мумкинлиги ҳақида гаплашиб олдик. Энди жуда юқори босим натижасида оила чироғи куйиб қолмаслиги учун нималар қилиш кераклиги ҳақида суҳбатлашишга ижозат берсангиз.

Қадрли китобхон, аёл киши қайсидир жиҳатдан худди товукқа ўхшаб кетишини биласизми?

Сиз товук ва жўжалар боқиладиган уй-жойнинг ҳовли-сида, дастурхони атрофида ўтирганмисиз? Унда эшитинг. Қаерда ўтирманг, ўша ерда товук пайдо бўлади ва сиз уни:

– Кишт! – деб ҳайдайсиз.

Товук эса:

– Ку-ку-ку – деганича сиздан узоқроқ кетади.

Бир дақиқадан кейин эса уни ҳозиргина ҳайдаб юборган-нингизни унутиб, яна қошингизда пайдо бўлади. Сиз уни яна ҳайдайсиз:

– Кишт-е! Қозонга тушгур!

Кейин нима юз беради? У югурганча кетиб қолади ва икки дақиқа ўтиб-ўтмасдан яна тўппа-тўғри дастурхонга қараб кела бошлайди. Марҳамат қилиб айтинг-чи, бир неча бор ҳайдаб солганингиздан кейин сиз ўзингизни уни пайқа-маётгандек тута бошлайсизми, йўқми?

Энди сизга савол, ким кучлироқ, сизми ёки товукми? Товук ўзининг қатъиятлилиги билан сизни енгди, тўғри-ми?

Тенгизнинг тажрибаси 3

Эркак ва аёлдаги феъл-атвор ҳам худди одам билан товуқники сингари ўзаро зиддиятли бўлади.

Аёл кишининг хотирасини сунъий тарзда «йўқотиши» шунга олиб келадики, эркак киши ҳар доим ён беради ва натижада ҳаммаси хотин қандай хоҳлаган бўлса, шундай бўлаверади. Бу шахсий тажрибамдаги кузатишларимдан бири.

Эркак кишида қаттиққўллик етарлича, лекин у ўз шаънига доғ туширмасдан севимли аёли учун ён бериши мумкин бўлган ягона ҳудуд мана шу бўлади.

Эркак киши бир маротаба «Жим!» деб айтиши мумкин. Мана шу «Жим!» деб айтишга у бутун кучини сарфлайди. Аёл киши эса ҳар куни секин-секин бошгинангизда ёнғок чакишда давом этади... Аёллар ҳали суҳандонлик жанрида ҳеч қачон эркаклардан мағлуб бўлишмаган. Ҳеч қачон бўлишмайди ҳам.

Аёллар! Ўзингизнинг «товуқларча» қуролингиздан жуда эҳтиётлик билан фойдаланинг! Фақат жуда муҳим ўринларда, агар сиз ўзингизни 100 % ҳақ эканингизга ишончингиз комил бўлган пайтлардагина фойдаланинг! Акс ҳолда эрингиз, унинг сўзи оилада ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслигига кўникиб қолади. Ва натижада, у Коинот ҳукмдорига эмас, уйнинг латтасига айланади-қолади...

Аёлларда интуиция эркакларга нисбатан анча ривожланган.

Хонимлар, айтинг-чи, сизларда ҳам, тасодифан учрашиб қолганингизда қалбингизда жирканиш ҳиссини ҳосил қилувчи одамлар борми?

Баъзида ҳеч қандай сабабсиз юрагингиз кимнидир аблаҳ эканини сезиб, унинг пасткаш мавжудот эканини билиб туради. Шунақа бўлганми? Чунки сиз шундайлигини юрагингиз билан ҳис қиласиз. Вакт ўтиб, кўп йиллардан кейин, бу одам ҳақиқатан ҳам ифлос ва пасткаш экани аён бўлади.



Хурматли эркаклар, хотинингиз бирор-бир эркакка нисбатан ёмон гап айтса, унга кулоқ тутинг. Ақлни алдаш мумкин, лекин юракни алдаб бўлмайди!

Лекин агар хотинингиз бирор хонимга нисбатан ёмон гап айтса, сиз бунга кулоқ солмасангиз ҳам бўлади. Зеро, у сизга таниш барча аёллар ҳақида шундай гап гапириши мумкин. Хотинлар аёлларга нисбатан доим субъектив бўлишади.

Қадрли китобхон, сиз нима деб ўйлайсиз, энг гўзал аёлларни қаердан қидирган яхши? Россияданми? Грецияданми? Японияданми? Балки улар аёллар ҳаммомидадир. Йўқ, аслида улар ҳамма ерда мавжуд!

Анча йиллар аввал, тасодифан, дўстим билан Москвада қолиб кетишимизга тўғри келди. Биз Америкага учишимиз керак эди – лекин учолмадик. Бир қанча муддат Москвада яшашимизга тўғри келди.

Бир куни дўстим бундай деб қолди: «Мирза, рус эркаклари қандай қилиб хотинлари билан яшар экан-а? Бу ерда бирорта ҳам чиройли аёл йўқ, ҳаммаси бир хил!» Мен унинг фикрига қўшилдим.

Эхтимол, сизлар бизда вос-вос бошлангандир, деб ўйлаётгандирсиз? Йўқ, асло... Яхшиси сизларга бир-иккита воқеани гапириб бераман, сўнгра фикрларимизни давом эттирамиз.

Тингловчиларимиздан бири доим саёҳатда юради. Бир неча йил аввал Килиманжаро тоғларини кўриб келишга қарор қилди. Килиманжаро экспедициясига бориб келгач, ўз таассуротларини гапириб берапти:

– Биласизми дўстларим, дастлаб ҳаммаси яхши эди, лекин баъзи бир ғалати ҳолатлар ҳам юз бериб турар-

ди. Бизга 7-8 маҳаллий одамлар юк кўтарувчи сифатида ҳамроҳлик қилишди. Биз тоққа кўтарилаётганимизда улар биздан олдинда боришарди, менинг эса улардан таралаётган ачимсиқ тер ҳидидан кўзларимдан ёш чиқиб кетарди. Бунга чидамасдаи мен уларни қувиб олдинга ўтаман, улар мени қувиб етишади, шундай қилиб биз чўққига жуда тез кўтарилдик.

Шунда мен улардан сўрадим:

– Сен ахир юксиз эмасмидинг?

– Ҳа, мен юксиз кўтарилдим, уларнинг эса ҳар бирида 60 килограммдан юк бор эди.

– Сен уларни қувиб ўтдинг, кейин эса улар сени қувиб ўтиб кетишган, шундайми? У ҳолда айт-чи, кимнинг хиди бадбўйроқ бўлган? Сеникими ёки африкаликларникими? Сен уларнинг ҳидидан юксиз қочиб қолгансан, улар эса сенинг ҳидингдан елкасидаги юк билан қочишган! Шундай экан кимга қийинроқ бўлган?

Бошқа бир воқеа. Хитой, Хайнань ороли, кўп йиллар илгари биз бир дўстим билан у ерга дам олиш учун боргандик. Учинчи куни у менга шундай деб қолди:

– Қарагин-а, ўн йил аввал бир дўстим Хитой аёллари орасида бирорта ҳам кўнгилдагидек жононни кўрмаганман деганди? Мана биз уч кундан бери шу ердамиз ва мен унинг фикрига тўлиқ қўшиламан.

Биз кўзимиз бу азоблардан бироз дам олиши учун шаҳар бўйлаб айландик, битта бўлса ҳам гўзал хитой аёлини учратишга қарор қилдик.

Кейинги кун биз шаҳарга тушдик, куни бўйи юрдик, лекин зинҳор кўн илдагидек хурликони учратмадик! Бизнинг назаримизда уларнинг ҳаммаси бир хилдек эди.

Москвага қайтамизми? Бироз муддат яшагач, мен ҳам ўзим сезмаган ҳолда Москвада гўзал аёлларни учрата бошладим. Ва оқибат шунга етдики, мен охириги ўн йил ичида энди бирорта ҳам хунук аёлни учратмаяпман.



Аслида, дунёдаги ҳамма аёллар ҳам гўзал! Энг чиройли чехра – бу меҳрибон онамизининг чехраси, биз болалиқдан кўриб улғайган, айнан унинг чехраси асосида бизда аёллар гўзаллиги ва назокати ҳақидаги тасаввур шаклланган.

Эркаклар полигам жонзотдир, биз бу ҳақда гаплашган эдик. Никоҳдаги эркакда аста-секин «меъдага уриш» ҳолати юз беришининг ҳайратланарли жойи йўқ. Бир неча йиллардан кейин у сизга қадрли хонимлар, менсимай қарай бошлайди, унинг кўнгли янги-янги «ўлжаларни» тусаб қолади, унга табиат «ҳар қандай йўл билан кўпайиш керак» – деб буйруқ беради.

Қандай йўл тутиш лозим? Сиз ҳам ўзингизни кўпайтиринг!.. Танҳо ўзингизнинг тимсолингизда. Ҳар икки ҳафтада у ўзининг уйида сизнинг кифоагизда янги аёлни кўрсин!

Эркак кишининг онги жуда оддий тузилган: «янги урғочини кўрдими, яна устига-ушак у чиройли бўлса, демак, зудлик билан ҳамкорликда ой шуъласидан баҳраманд бўлиш учун у билан танишиб олиши керак».

Қадрли аёллар, сиз эса тажриба қилинг, либосингизни ўзгартиринг, сочингизнинг рангини, турмагини, лаб бўёгини, атир ифорини янгилаб боринг. Ва эрингиз ҳаммасидан ҳам кўпроқ қайси биридан эхтиросга тушишини ҳисобга олиб қўйинг.

Оғизда истаганча гапириши мумкин... Агар у сизни оқшом маҳал кўнгил боғига тортқилай бошласа. билингки,

Тенгизнинг тажрибаси 3

танлов мўлжалга тегибди. Қаердадир кундаликка қайд қилинг, қайси атирдан фойдаланган эдиигиз, ўша куни сизга қайси тақинчок, либос, соч турмаги қўл келганди.

Икки йилга бормасдан эрингиз учун лаззат кўшкини яратишга муваффақ бўласиз, бу ердаги ҳар бир кун бетак-роп, беқиёс ва севимли бўлади... Ва буларнинг ҳаммасининг сабабчиси сизнинг ўзингиз бўласиз! Сизга ахир қадрли хонимлар, ташқи кўринишни, ифори, шаклни ўзгартириш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди-ку! Бу сизнинг қонингизда бор!

Лекин кўпчилик аёллар турмушга чиққач, жуда қалтис хатога йўл қўйишади, улар «энди эрим бутунлай меники бўлди» – деб хотиржам бўлиб, бўшашиб қолади, ўзларига эътибор бермай қўяди.

Бир хилдаги ташқи кўриниш, бир хил ифор, либоснинг ҳадеб бир хил рангда бўлиши – бу сизнинг оилавий турмушингизни ҳалокатга бошлайди. Шуни унутманг!

Агар доим бир хил бўлсангиз, эрингизнинг сизга бўлган қизиқиши бир ҳовуч кулга айланиб, совиб қолганини пайқамай ҳам қоласиз.

Агар сизнинг биттаю-битта атирингиз ифори унга ёқадиган бўлса ҳам майли. Лекин шундай бўлган тақдирда ҳам, вақти-вақти билан нардозингизга янгиликлар киритиб бориш лозим... Худди шу тарзда лаб бўёғи, соч турмаги, либосингиз... Ташқи белгиларингизни ҳаммасини ўзгартириб туришни унутманг!

Аслида, ҳақиқий аёлни ҳақиқий эркак ҳеч қачон охиригача англаб ета олмаслиги керак. Аёл қанчалик янги, тушунарсиз бўлса, эркакни шунчалик оҳанрабодек ўзига жалб қилади.

– Қизим, сенга берганларим аслида оддий сув эди. Атрофингдаги ҳамма яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам ўзинг ҳосил қиласан! Мен сенга шуни англатдим, холос!

Қадрли аёллар! Оила ҳудуди – бу сиз масъул бўлган ҳудуд! Агар сиз оилангизда аҳиллик, меҳр-муҳаббат барқарор бўлишини истасангиз, бунинг учун астойдил тер тўкишингизга тўғри келади!

Энди эркаклар ҳақида суҳбатлашамиз.

Эркаклар, марҳамат қилиб айтинг-чи, оилавий муносабатда ўзингизни ноҳақ деб ҳисоблаганда, аёлингиздан кечирим сўраган бўлармидингиз?

«Ҳа»ми ёки «Йўқ»ми? Сиз ахир айбингизни тан оляпсиз-ку. Сиз ўзингизни жуда маданиятсиз тутдингиз: Ўзини бундай тутиш эса мумкин эмас... Москвада, Нью-Йоркда, Парижда, Пекинда... ҳамма жойда ҳам.

Демак кечирим сўраш керакми? Керак! Ажойиб! Кечиримни истаган одамнингиздан сўранг, фақат ўзингизнинг аёлингиздан эмас.

Хотинингиздан кечирим сўраганингиздан кейин нима юз беради? У ақлан кечиради... «Баракалла сенга!» – дейди. Лекин унинг ичида ўтирган мегажин барибир сизни «тўнғиз» деб атайди.

Бу онг ости даражасида, яъни шуурингизда рўй беради. Менинг азизларим, сиз буни хоҳлайсизми, хохламайсизми аҳамияти йўқ. Аёл ички туйғуси билан ҳар доим кучли эр-какка тан беради.

Эҳтимол у ақлан «менинг эрим барибир ях-ш-и» дер, лекин ичида барибир ўша-ўша мегажин яширин бўлади. Мана шу ерда номутаносиблик бошланади. Ичидаги мегажин «Сен ожиз эркак билан яшаяпсан. Бор ўзингга кучлисини излаб топ!» – дейди. Лекин излаб топиш осон эканми?! Ундан ташқари, ким билади қанақаси учрайди. Ва у ўзича ўй-

Тенгачининг тажрибаси 3

лай бошлайди: «Майли... аста-секин қайта тарбиялаб оламан...» Ушбу ҳолатдаги беъмани жихатлардан бири, баъзи хонимлар эркакка нисбатан худди ёш боладек муносабатда бўла бошлайди: «Мен нима десам, шуни қилишинг керак!» – деганидек.

Эркакии яхшироқ ёки ёмонроқ қилишнинг иложи йўқ. Қайта тарбиялашнинг эса умуман иложи йўқ. Иложи йўқ. Тамом, вассалом! Сизнинг эркакии ўзгартиришга қилган ҳар қандай уринишингиз гулдек оиланинг бузилишига олиб келади!

Табиатда хотинидан қўрқадиган эрлар мавжуд эмас. Хотинини хафа қилиб қўйиш кўркуви бор, холос. Бу эса бутунлай бошқа-бошқа нарсалардир. Лекин аёл киши бу «кўркув»дан эрини бошқариш йўлида фойдаланса ва бу нарса кучайиб борса, бу ҳолат аста-секин ажралишга олиб келади.

Эркак киши табиатан кимгадир бўйсунма олмайди. У мутлақо ҳеч нимага боғланиб қолган эмас, у ўзининг хотинига худди ўзининг давоми сифатида қарайди – ҳурмат қилади, қадрлайди, ҳатто бошида кўтариб юриши ҳам мумкин.

Лекин бироз бўлса-да эркакининг бошига чиқиб олишга уриниш, олдиндан айтиб бериш мумкин бўлмаган салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Шу сабабли эркакини ожиз деб ҳисоблаш – бу ўта аҳмоқликдир. Ожиз эркакларнинг ҳаммаси – узоқ ўтмишларда қирилиб кетган. Табиий саралаш туфайли. Ҳар бир эркак, исталган пайтда ўз кучини намойиш эта олади.

Демак, асрлар давомида мода ва нар жинсларнинг ички моҳияти ўзгармасдан қолган. Қайси маданиятнинг моҳиятига кириб борманг, улардаги сунъий муҳит инсоннинг табиий генетик моҳиятига қарама-қарши йўналишда қадам ташлаётганига гувоҳ бўласиз.

Шу сабаб аёл киши ҳеч қачон ўзидан кечирим сўраган эркакни кечирмайди. Лекин барибир эркакнинг «Мен айбдорман, мени кечир!» – дейишини хоҳлайверади. У аёл бу ниятига рости ёлғон йўллар билан эришгач эса, унинг биринчи истаги – бундай эркакни худди латта сингари босиб ўтиш бўлади.

«Аёл киши олдида ҳадеб, ҳуда-беҳуда «кечирим сўраш» ожизлик белгиси, ожиз эркак эса кўпайиши мумкин эмас».

Эркак киши ожиз одамни кечиради. Аёл киши ожиз одамни ҳеч қачон кечирмайди. Буни бизнинг ўн бир минг эркак ва аёл ўртасида олиб борган тадқиқотларимиз натижалари тасдиқлайди.

Қадрли эркаклар! Мен сизларга «хотинингиз билан сурбетларча муомалада бўлинг» – демаяпман. Ўзингизни рицардек тутинг: кучли, сабр-тоқатли, меҳрибон, донишманд! Севимли инсонингизнинг дилини оғритманг. Севимли инсонингиз ҳақида ғамхўрлик қилинг.

Лекин, мабодо ўзингиздан нимадир ўтган бўлса, зинҳор оғзаки кечирим сўраманг. Хатти-ҳаракатларингиз билан кечирим сўранг: яъни унга совға беринг, ёқимли сюрприз тайёрланг, аёлингиз кўнглини чоғ қилинг...

Доим ёдингизда турсин, аёлингизнинг кўзлари орқали у ҳаёт эстафетасини қабул қилган ва узатаётган минг-минглаб момо-ажлодлари кузатиб туради. Улардаги аёллик заковати сиздан насл орттирган маъқулми ёки сиздан кучлироқ эркакни излаган маъқулми, деган мазмунда кучингизни доимий синов тестидан ўтказиб туради.

Эркаклар, истасангиз мен сизга никоҳ Академиясининг манзилени беришим мумкин. Турмуш иқир-чиқирлари билан боғлиқ мавзу бўйича икки-уч жуфт фойдали маслаҳат олиб, яна маза қилиб овқатланса бўладиган ҳамда шунчаки қалбан яйраб дам олиш мумкин бўлган жойнинг манзилени? У ҳолда қулоқ тутинг!

Менинг битта шогирдим бор, унинг исми Вадим. У кўп йиллардан буён машғулот олиб боради, бироз аввал Устозларим уни Уста сифатида тан олишди. У менинг фахрим! Устоз мақомига эришган биринчи шогирдим!

Бир гал Ўзбекистонга келганимизда ундан сўрадим:

– Сен чойхона нима эканини биласанми?

– Албатта, Москвада чойхоналар тўлиб ётибди, мен у ерда кўп бўлганман, – деди у.

– Овсар, Москвада битта ҳам чойхона йўқ ва ҳеч қачон бўлмаган. У ердаги «Чойхона» ёзуви илиб қўйилган жойлар эса шунчаки ресторан, ошхона, тамаддихона бўлиши мумкин, лекин зинҳор чойхона эмас. Мен ҳам ўз эшагимни «учар гилам» ёки «аэробус» деб аташим мумкин, лекин шундай десам у ўзгариб қоладими? Юр, мен сенга ҳақиқий чойхонани кўрсатаман!

Хуллас, шу тариқа биз ҳақиқий чойхонага ташриф буюрдик.

Ҳақиқий чойхонани қандай аниқлаш мумкин? Ҳақиқий чойхонада ҳеч қачон «чойхона» деган ёзув кўргазмали тарзда илиб қўйилмайди. Чунки шундоқ ҳам ҳамма бу жойни яхши билади. Тасодифий одамларнинг эса у ерда қиладиган иши йўқ. У доим катта йўлдан узоқда, бирор кўл бўйида, дарё бўйида, жуда бўлмаса, кўлбола ҳовуз бўйида жойлашган бўлади.

Нотаниш одамлар билан ҳеч қачон чойхонага борилмайди, агар шундай қилинса чойхонанинг мазмуни йўқолади. Зеро, чойхона чин дўстларнинг учрашуви учун хизмат қилади, қуруқ этикет доирасидаги муомалаларни чойхона йўққа чиқаради. Чойхонага битта ёки иккита бўлиб ҳам борилмайди, камида у ерга 5–6, кўпи билан 10–15 киши бўлиб борилади.

Кўпчилик учун тайёрланган таомнинг мазаси кўнгилдагидек бўлмайди.

15 одамдан иборат ҳамтовоқлар учун тайёрланган гаом шундай лаззатлики, айниқса, уни тайёрлашда ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси иштирок этишса.

Футбол майдонига томошабин сифатида борганлар мени тушунади. Ҳатто футбол ишқибози бўлмаган одам ҳам у ерда бироз муддат ўтиб ҳамма сингари бакир-чақир қила бошлайди.

Ота ва ўғил ҳеч қачон биргаликда чойхонага боришмайди, чунки уларда ҳар бирининг кўнглига яқин ўзларининг дўсту биродарлар доираси бор. Акс холда, яна чойхонанинг моҳияти йўқолади.

Оилавий ўтиришлар ҳам чойхонадаги гурунглardan фарқ қилади.

Чойхонада аёллар бўлмайди, уларга бу ернинг эшикларини ёпилган. Агар ҳақиқий чойхонада аёл киши пайдо бўлиб қолса, бу тасаввурга ҳам сиғмайдиган воқеа ҳисобланади. Бу эркаклар ҳаммомига, бирорта аёлнинг кириб келиши билан баробар!

Ҳаётий бир воқеани мисол қилиб келтирмакчиман. Товуқмия бир хотин чойхонага келиб, шўрлик эрини уруш-жанжал билан олиб кетгани ҳақида гапириб бераман.

У кимсани шу кўйи бошқа ҳеч қачон чойхонада кўришмади. У хотини билан ажралишди. Йигирма йилдан ошди, лекин қайта уйланиш ҳақида ҳатто ўйламади ҳам.

Бир гал биз ҳаммамиз уни уйланишга кўндирмоқчи бўлдик.

– Инсоф ҳам керак, шунча йилдан бери сўққабош бўлиб юрибсан, етар энди! – дедик биз, унга танбех бериб.

Ахир сен ичмайсан, спортчисан, тадбиркорсан... лекин... У бизни силтаб ташлади:

– Мен ўшанда чойхонада нафақат эр сифатида, балки эркак сифатида ҳам ўлганман. Мени тинч кўйинглар...

Худога шукр, бир неча кун аввал ниҳоят уни кўндиришга муваффақ бўлдим. Чойхонага олиб келдим... Назаримда

Тенгачининг тажрибаси 3

тез орада унинг тўйи муносабати билан ҳам барчамиз қувонамиз, шекилли...

Чойхона бу хотинларнинг жойи эмас, улар учун у ерга кириш ман этилган ва улар у жойнинг манзилини билишмайди ҳам. Лекин бу ердаги ҳамма нарса уларнинг кўнглини топиш йўлида хизмат қилади. Бу ўзига хос жой, худди аёллар учун гўзаллик салони сингари. Фақат салонда аёллар ўзларининг ташқи кўринишлариини тартибга келтиришади, эраклар эса чойхонада ўзларининг ички дунёсини ростлайдилар.

Бу муолажа ўташ мумкин бўлган жой: психоздан, невроздан, инфарктдан, инсультдан, кутуришдан, хотинидан бешишдан, ўйламай қилинадиган қалтис хатти-ҳаракатлардан кутқарувчи маскан.

Ичкилик чойхонада ман этилмайди, лекин уни камдан-кам ҳолларда истеъмол қиладилар. Агар бунга ружу қилишса, чойхона эшиклари ёпилади.

Албатта, ҳеч ким ароқхўрнинг бурни олдида эшикни бекитиб қўймайди. Шунчаки, бу тоифадагиларни дўстлар ўз даврасидан «хурмат билан» чиқариб ташлашади, яъни уларни бошқа бу ерга таклиф қилмай қўйишади.

У ерда дастурхонини ичкиликсиз тасаввур қилиш мумкин бўлмаган замонавий ёшлар ҳам тўпланиб туради. Вақтсоати келиб уларнинг кўпчилиги бу иллатдан халос бўлади. Чойхонада унвонлар, мансаблар йўқ. Ҳамманинг даражаси тенг. Сен вазирмисан, кўча супурувчимисан – бунинг аҳамияти йўқ. Сен шу даврадамисан, демак, сен дўстларнинг даврасидасан ва сенга ҳеч қандай ён босишлар, имтиёзлар бўлмайди. У ерда сенга ҳеч ким ҳеч нарса тайёр қилиб қўймайди ва тайёр таомлар ҳам йўқ. Чойхоначидан ҳаммасини тайёрлаб беришларини илтимос қилиш имконияти ҳар доим бор, у рад қилмайди, лекин бундай ҳолатда чойхонанинг моҳияти бутунлай йўқолади.

Ҳақиқий чойхона сенга жой беради, ўчоқ, қозон товоқ беради, бўлди... Қолганини ўзинг топасан. Нима керак бўлса, олиб кел ва нима хоҳласанг шуни тайёрла!

Ҳамма дастурхон атрофида ўтиради. Кимдир гўштни тайёрлайди, кимдир гуруч тозалайди, кимдир аччик-чучук тайёрлашга киришади, кимдир ўчоқнинг оловига кўз-қулоқ, кимдир ошпазнинг бош ёрдамчиси, кимдир ўзини официант қилиб тайинлайди.. кимдир бош ошпаз... ёки жамоа мажбурлаб ўз хоҳишига биноан энг қўли ширин одамни бу лавозимга тайинлайди. Кимдир бу пайтда бирпасгина супа айвончасида мизғиб олади... кимдир нарда, шахмат, шашкаларда даврадош билан беллашиши мумкин. Ҳа, айтгандай, бундай жойда киморбозлик ўйинларига ўрин йўқ! Хуллас, ҳамма нима биландир машғул бўлади. Бир сўз билан айтганда, Чойхона – бу ўзига хос дўстлик, хотиржамлик, бекорчилик, вақтичоғлик, таомшинавандалик муолажаси.

Чой мутлақо текин. Самовар икки юз литрли сувни қайнатиб беради, қуруқ чой ҳам ёнида, ўзинг дамлаб ичаверасан, бўкиб қолгунча ичавер, бошқаларни ҳам меҳмон қилишни унутмасанг бас.

Бу ерда иш ҳақида, сиёсий мавзудаги суҳбатлар ҳам хушланмайди. Мавзуларнинг тахминий микрорўйхати: ҳазил-мутойиба, латифа, мушоира, кўшиқ, ҳозиржавоблик бўйича мусобақа – фарзанд тарбияси билан боғлиқ мавзулар, оиладаги, катталарга ҳурмат, ота-онага хизмат мавзулари билан боғлиқ.

Албатта, истиснолар ҳар доим ҳам бўлади. Баъзида жиддий одамлар ҳам нималарнидир бўйинбоғларсиз муҳокама қилиш учун Чойхонага йиғилишади, лекин бу сингари ўтиришлар кишига асл лаззатни бағишлай олмайди. Одатда, бундай «бели бақувват бизнесмен дўстлар» давраси жуда тез орада ўзини-ўзи йўқ қилади. Чойхонанинг ўзи муқаддас конунни бузувчиларни жазолайди.

Тенгачнинг тажрибаси 3

Чойхонанинг энг гавжум куни – пайшанба. Шарқда бу кун эркак кишилар учун алоҳида кун!

Бошқа кунлари ҳам қадрли. Бирдек аҳамиятга эга. Лекин пайшанба – бу юксак масъулият!

Чойхонада тайёрланадиган таомларнинг ҳаммаси корин қаппайтириш учун эмас, балки эркаклик кувватини кучайтириш учун йўналтирилган!

Битта сўз билан айтганда, чойхонада юз йиллаб синовдан ўтган «Ҳақиқий эркаклар» таоми тайёрланади!

ЧИНАКАМ ЧОЙХОНАНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТИ!

Чойхона-дўстлар – бу кудратли жамоа кучи, лекин унинг пишиб етилиши учун кўп йиллар керак бўлади.

Бир нечта дўстлар даврасини биламан, улар эллик йилдан буён ҳар ойда бир марта чойхонада йиғилиб туришади.

Шу йиллар давомида ҳамкорликда уларнинг ҳар бирида мардлик, ўзаро ҳамжиҳатлик, инсонийлик, юксак маънавийликнинг кирралари шаклланиб борган.

Ҳамжиҳатликда уларнинг ҳар биридаги худбинлик, дангасалик, тўпорлик иллатлари йўқотиб борилган.

Давра – бу жамоавий хотира, ҳар ким ва ҳар нарса ҳақидаги маълумотлар базаси! Даврадаги бир кишининг билгани етарли – ҳаммаси бундан бохабар бўлади.

Чойхонадош дўстлар ҳамкорликда энг сара кизларнинг рўйхатини тузишади. Дўстларининг уйланиши учун унга ҳар томонлама тўғри келадиган келин излашади.

Агар ҳамма уйланиб бўлган бўлса, у ҳолда бошқа масалалар муҳокама қилинади! Мулоқот асоси – психология. Ундан кейин фарзандлар ўсиб улғая бошлайди ва чойхона биродарлар чираниб, тиришиб ўзаро ўрта ва олий таълим вазирлигига айланишади. Фарзандларига ўргатишади ва ўзлари ҳам йўл-йўлакай ўрганиб боришади.

Фарзандлар улғайган сари оилавий муаммолар ҳам улар билан бирга улғаяди. Энг асосий масъулият даври бош-

ланади. Энди уларии турмушга узатиш ва уйлантириш вақти-соати келди. Бундай пайтда ҳам чойхона-биродарлар ош устида бош қотира бошлайдилар. Бутун атроф-оламдан бўлғуси куёв ва келинлар ҳақидаги маълумотларни тўплашади. Ҳатто ўғил дунёнинг нариги бурчагидан ёр топган бўлса ҳам, чойхона даврадаги оталар ўша олислардан ҳам танишини топишади. Бўлғуси келии ҳақида ҳамма гапларни билиб оладилар. Кимдадир молиявий муаммолар юзага келса, жамоа ҳар доим ёрдамга келади ва жуда кўп ҳолларда бу ёрдам ҳолисона амалга оширилади.

Буидай рўйхатни чексиз давом эттириш мумкин. Чойхонада бутун бошли халқнинг ҳаёти ифодаланади.

Лекин Россияда асл чойхонанинг ўндан бир хусусиятига эга бўлмаган тамаддихоналарни ҳам «Чойхона» деб аташади.

Сохта чойхоналар – аслида ичиб олиб яхшигина газак қилишни хуш кўрувчиларнинг жойи. Бундай жойларда нафс ҳукмронлик қилади. **Ҳақиқий чойхонада эса Қалб яйрайди.**

Сиз эркакларга нима ҳам дейишим мумкин? Чойхона – бу оилавий турмушнинг Шарқона Академияси. Модомики, сизларда бундай жойлар йўқ экан, демак, сиз яқин дўстларингиз билан бирлашиб, шундай жойлари яратишингиз керак!

Сизга эса кадрли аёллар, мендан топширик: агар сизнинг эрингиз шундай жойларга ташриф буюрадиган бўлса, у ўзининг дўстлари билан турмуш ташвишларидан дам олиб, бўш вақтини хушчақчақ ва қувноқ ўтказиши мумкин бўлган жойларга эга бўлса, ҳеч қачон уларга халақит берманг!

Аксинча, агар унинг шундай дилига яқин жойлари бўлмаса, бу борада унга ёрдам беринг, у дўстлари билан ҳамкорликда нимадир ташкил этсин. Майли, бу шунчаки балик овига бориш бўлсин.

Тенгакимни тажрибаси 3

Қадрли китобхон, нима деб ўйлайсиз, шахсан мен рафиқам билан қандай яшайман? Менга бўлғуси хотинимни кўрсатишганида ёшим йигирма олтида эди. Унинг ёши эса ўн бешда. Ўшанда отам:

– Уйланасанми? – деб сўради. Кейин эса – Унинг феъл-атвори айнан сенга тўғри келади. Сенинг вазифанг келинни кўриб, ёққан-ёқмаганини айтиш. Феъл-атворига эса биз кафолат берамиз, бу борада хавотир олмасанг ҳам бўлади, – дедилар.

Мен уларнинг айтганларидек: Қарадим. Кўрдим. «Бўлади» дедим. Тамом, вассалом.

Иккинчи марта бўлғуси келини шаҳарга бирга бориб келганимизда кўрдим. Қайтиб келганимдан кейин ота-онам мандан:

– Хўш, қалай? – деб сўрадилар.

– Ейишга овқат бўлмаганида, нон ҳам овқат ўрнига ўтаверади, – деб жавоб бердим мен.

Гарчи ўшанда ёшим йигирма олтида бўлса-да, шарқ таомили бўйича мен аллақачон бўйдоқ қариялар сафига ўтиб қолган эдим. Учинчи марта биз у билан никоҳ тўйимизда учрашдик.

Биз халигача бир-биримизга «Сиз» деб мурожаат қиламиз. «Сен»га ўтмаганмиз. Мен унинг кўзларида бир неча мартагиа кўз ёшларини кўрганман, шунда ҳам ўзим табассум қилмай кўйганимда. Қачоики, унга қаттиққўллик қилганимда, у хафа бўлиб: «Мен нима ёмон иш қилдим?», – дейди бечора.

Худди шу тариқа, агар у мени жазолашни истаса, норозиликни кўрсатмоқчи бўлса, у ҳам шунчаки табассумни юзидан олиб ташлайди. Бўлди. Мен буни ҳақорат сифатида қабул қиламан. Бизнинг юзимизда ҳамиша енгил табассум ифодаси бўлади. Агар табассум бўлмаса, демак, биз уришганмиз. Мана шу бизнинг уриш-жанжалларимизнинг чегараси.

Бизнинг ўртамизда бир-биримиздан бекитадигаи сиримиз йўқ. У мен ҳақимда ҳамма нарсаи биледи, яхши синиям, ёмониниям. Мен ҳам у ҳақдаги ҳамма гаплардан хабардорман. Хуллас, шу тарзда бизлар бир жону бир тан бўлиб яшаб келмоқдамиз. Мен чин юракдан ҳаммангизга ҳам шуни тилайман!

Менинг кадрдонларим, ҳақиқий муҳаббат қачон пайдо бўлади, қачонки, одамлар бир-бирлари ҳақида мутлақо ҳамма нарсаи билганидан кейин. Бир-бирларингизга юрагингизни очинг ва бир-бирларингизни бор фазилат ва камчиликларингиз билан қабул қилинг.

**ФАРЗАНДЛАРДАН
ЧАҚИРТИКАНАК ЎСИБ
ЧИҚМАСЛИГИ УЧУН
УЛАРНИНГ БОҒЧАСИНИ
НИМАЛАР БИЛАН ЎҒИТЛАШ
ЛОЗИМЛИГИ ХУСУСИДА**

► *Болалар – ҳаётимизнинг гули ва мевалари!*

► *Оталар ва фарзандлар – КИМ кимдан қарздор?*

► *Нима учун меҳнат маймунни одам қилган, болани эса улгайтирган?*

► *Ўтиш ёшидан қандай ўтиш хусусида.*

Ким

религия

қашқар

кайлар

қашқар

қашқар

до бу

ама халқ

Энгил

қашқар

қашқар

қашқар

қашқар

қашқар

қашқар

қашқар

қашқар

қашқар

қашқар

қашқар

қашқар

қашқар

қашқар

қашқар

қашқар

қашқар

қашқар

қашқар

қашқар

қашқар

қашқар

қашқар

қашқар

қашқар

қашқар

қашқар

қашқар

қашқар

Б

ир одам Парвардигорга шундай мурожаат қилибди:

– *Эй Худойим, Сен даромаднинг қирқдан бир қисмини ночорларга бериш керак дегансан. Мен жуда бадавлатман, бойлигимнинг қирқдан бир қисмини, бир карвон бойлигимни олиб келдим, Мен уни кимга беришим керак?*

– *Онанга, – деган жавоб бўлибди Худодан.*

Орадан вақт ўтибди. Ўша одам яна Худога мурожаат қилибди:

– *Мен саёҳатдан қайтиб келгунимча, бойлигим икки ҳисса кўпайиб кетибди. Мен яна карвон тўла бойлик билан келдим. Энди уни кимга берай?*

– *Онанга, – яна жавоб бўлибди Худодан.*

Ушбу кимса бир йилдан кейин қайтиб келиб, яна Худога мурожаат қилибди:

– *Мен тилла гиштардан онамга уй қурдим. Уйга олиб борадиган йўллارни марвариддан териб чиқдим. Қайтиб келганимда қарасам, менинг бойлигим янада кўпайиб кетибди. Энди бойлигимнинг қирқдан бир қисмини кимга беришим керак?*

– *Онанга бер!*

Одам Тангри ҳузурига тўртинчи марта келибди. У ўзи билан олдингидан ҳам кўпроқ бойлик олиб келибди ва яна

ўзининг саволини такрорлабди. Яратгандан жавоб бўлибди:

– Онангга бер, агар онанг олишдан бош тортса, у ҳолда отангга бер. Агар отанг ҳам олмаса, камбагалларга бер. Агар камбагаллар ҳам воз кечишса, у ҳолда ўз болаларингга бер.

– Эй Парвардигорим, нима учун мени уч марта онамнинг олдига жўнатдинг?

– Чунки она отадан устун туради. У сени юраги остида тўққиз ой олиб юрган, отанг бунда иштирок этмаган. Бу онангнинг биринчи ҳақи. Икки дунё орасида турган ҳолатда у сени дунёга келтирди. Отанг бунда иштирок этмади. Бу унинг иккинчи ҳақи. Кечалари сени эмизиш учун ўзининг ширин уйқусидан воз кечган. Отанг бу пайтда хотиржам уйқуда бўлган. Бу онангнинг учинчи ҳақи. Ана шундан кейин ота-оналарнинг сендаги ҳақи тенглашади. Лекин одоб юзасидан сен барча эҳсонларингни аввал онангга, ундан кейин эса отангга таклиф қилишинг керак.

Шунда одам сўрабди:

– Фарзандларга-чи?

Парвардигор:

– Фарзандларга бериш керак эмас. Мен уларга ҳаёт бердим – улар учун энг керак нарса шу. Улар сизларнинг ҳақингизни тўлашсин, сизлар эса – ҳеч нима беришингиз керак эмас, – деб жавоб берибди.

Шунда одам яна шундай дебди:

– Мен онамни бошимда кўтариб юраман, барча муқаддас қадамжоларни зиёрат қилдираман.

Уч йилдан кейин у Яратган олдига қайтиб келиб:

– Мен ваъдамни устидан чиқдим, – дебди. Онажонимни бошимда олиб юрдим, зиёратгоҳларга борган жойларимизда бирор марта ҳам уларни ерга қўймадим. Мен онам олдигаги қарзимни уза олдимми?

Тенгизнинг тажрибаси 3

— Ҳа, сен қисман ўз қарзингни уза олдинг. Сен чақалоқлигингда онанг ярим тунда уйғониб сени бир марта эмизган ҳақини уза олдинг.

Ҳурматли ота-оналар, пайқаганмисиз, ҳозирги кунда сиз ҳаммасини оёғини осмондан қилиб қўйгансиз. Ўз болангиз билан худди дўст сингари муносабатда бўласиз? Сиздан қарздор бўлган одам қандай қилиб сизга дўст бўлиши мумкин? Бола ўз ота-онасининг хизматкори бўлиши керак, у катталарга хизмат қилишга мажбур эканини билиши шарт.

Ёшлар ёши улуғларнинг ҳурматини жойига қўядиган мамлакатдаги элни енгишнинг иложи йўқ. Чунки у ерда жўш уриб турган куч-қувват донишмандлик билан қўшилиб кетган. Қачонки, она сути оғзидан кетмаган фарзандингизни дўстим, деб атай бошласангиз, у сизни ҳурмат қилмай қўяди, тез-тез сизга «Сен қария нимани ҳам тушунардинг?» – дейдиган бўлиб қолади. Сиздаги донишмандлик илми ўзингиз билан кетади, фарзандингиз эса Американи яна қайтадан кашф қилишга мажбур бўлади...

Айтинг-чи кадрдонларим:

- Сиз тўкин-сочинликда яшашни хоҳлайсизми?
- Сиз ўз уйиғиздан фаровонлик, қут-барака аримаслигини орзу қиласизми?
- Сиз оилангизда катта шаҳарларга хос бўлган, ҳалокатли, беҳосият «шаҳарликлар синдроми» бўлмаслигини хоҳлайсизми?
- Сизга сеҳрли йўриқнома керакми?

Э воҳ, Яратганнинг режалари қандай эканини илгарирок билганимда эди... Ахир, мен учун улар неча йиллар мавҳум эди-да...

Ўзимга ўзим кулоқ тутардим, уни эшитиб қолармикаман, деб. Миямда эса беъмани фикрларнинг ғулдираши, холос.

Кўзларим бақрайиб дунёга тикилардим, бироқ ҳеч нимага ақлим етмасди.

Атрофимда эса бутун Коинотда танҳо ўзим даҳоман, — деб ўйлайдиган томи кетганлар. Улар ўз тақдирини ўзи яратётганига ишонади, ҳукм чиқаряпман, яратяпман, ижод қиляпман деб ўйлашади! Ўзим ҳам кечагина ана шундай тентаклар сирасидан эдим.

Бир куни тасодифан Муқаддас китобнинг бор-йўғи бир неча қаторини ўқиб қолдим. Унинг тахминий мазмуни мана бундай эди:

«Кимки ўз ота-онасини ҳурмат қилса, севса ва уларга хизмат қилса, мен бундайларни маълумотсиз олим қиламан, уларнинг меҳнатисиз бадавлат қиламан».


Бу ахир илмий фаолиятим учун қайнар хумча-ку.

Тезгина, ўта замонавийлашиб кетмаган, нисбатан анъанавий, консерватив, ота-она иззати ва ҳурматини жойига қўядиган оилаларда тадқиқот ўтказдим. Яъни ким ўзининг ўткинчи ҳою-ҳавасларига хизмат қилиш ўрнига, астойдил ота-онасининг хизматида юрган бўлса, ўшаларни ўргандим.

Сўнгра биз нуруний ота-онасига ҳурматини почта орқали откритка жўнатиш билан изҳор қилувчилар, янги йил билан табриклар, ора-чорада қўнғироқ қилиб, хабар олувчи жуда банд фарзандлар билан юқорида айтилган ота-онасига эҳтиромни чексиз кишилар ўртасида таққослаш ўтказдик.

Роппа-роса уч мингта ота-онасига ҳурмати чексиз кишилар ўртасида текширув ўтказдим. Бу кишилар ота-онасини қариялар уйига топшириш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаганлар...

Бу одамлар ҳамон худди қадим замонлардагидек ота-оналарини бошида кўтариб юришибди... Ҳолбуки, ҳозирда ҳар жойда ҳам сон-саноксиз қариялар уйи мавжуд.



Бу борада фикримни билишни истайсизми? Қариялар уйи – бу миллий анъаналарнинг барбод бўлганлиги белгиси: бирор мамлакатда қариялар уйининг ва етимхоналар миқдори ортиб бориши миллатнинг инсоний мақомдан тушиб, тўнғизга айланаётганлигининг нишонасидир.

«Ота-онангнинг аҳволи жуда оғир» – деб хабар беришди, шундагина сенинг қариндошларинг борлиги ёдингга тушиб қолди, ўтирган жойингга қўнғироқ қиласан ва қариялар учун қимматбаҳо совға буюртма қиласан.

Сенга ота-онанг вафот этгани ҳақида қўнғироқ қилишди, улар энди ҳаётнинг азоб-уқубатларидан халос бўлишгани учун қувончдан таъсирланиб кетдинг, ўрнингдан турмасдан замонавий ва дабдабали дафн маросимларини ташкил қилувчи ташкилотга буюртма бердинг.

Ўзинг эса бўш вақтингга қараб, олдиндан тайёрлаб қўйилган чиройли кийимларни кийиб, бир соатга келиб кетасан. Тамом, вассалом.

– Замонавийми? – Ҳа-а-а... Цивилизациялашганми? – Ҳа-а-а-а...

Айнан ота-онасига меҳрибон кишиларни ўрганар эканман, мен Яратганнинг ваъдаси моддийлашганига гувоҳ бўлдим... Ҳа, чин сўзим...



«Кимки ўз ота-онасини ҳурмат қилса, севса ва уларга хизмат қилса, мен уларни маълумотсиз олим қиламан, уларнинг меҳнатисиз бадавлат қиламан!»

Токи, бирор миллат мавжуд экан, демак, у ниманидир мутлақо тўғри қияпти ва шунинг ортидан у минг йиллар давомида йўқолиб кетмаган. Бу миллат мавжудлигидан бери кўплаб миллатлар пайдо бўлди, ривожланишнинг гуллаган даврига эришди ва йўқолиб кетди. Бу йўқолмаган миллат одамларининг дунёқараши эса бошқалар учун қанчалик даражада «қолоқ» бўлиб туюлмасин, улар бу ёруғ оламда яшашга арзийдими ёки йўқми – буни Яратганнинг ўзи белгилайди.

Шу сабабли азизларим, ўзингизнинг ўта замонавийлашганингиз билан ва маълумотли эканингиз билан мақтанманг, сиз мансуб қавм, элат ҳаёт эстафетасини давом эттиришга, Яратганнинг илохий нуруни авлоддан авлодга узатишга лойиқми ёки йўқми, буни келажак кўрсатади!

Шу ўринда бироз лирик чекинишга ижозат берсангиз. Сизга бир нечта саволларим бор.

15 ёшдан 80 ёшгача бўлган ораликни оладиган бўлсак, одам қайси ёшда эзгуликка мойилроқ? Қайси ёшда одам эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги фарқни чуқурроқ англай бошлайди? Албатта, нуруний ёшда, фикримга қўшила-сизми?


Қарияларни ўзаро суҳбатда бир-бирларига мушт ўдағайлаганини ҳеч кўрганмисиз? Бир қария иккинчи қариянинг соқолига чанг солиб: «Мен ҳозир сенинг башарангни бошлаб бежаб қўяман!» – деса, бошқаси эса ундан паст келмай: «Башарангни ёраман!» – деганини тасаввур қила олармидингиз? Кулгили-ку, тўғрими? Улар ўнтадан тўққиз ҳолатда мураса билан умумий тил топа олишади. Тўғрими? Модомики шундай экан, у ҳолда нима учун эзгулик ёвузлик устидан доим ҳам ғалаба қозонолмайди? Қарияларга ҳаётда нима етишмайди? Биринчидан, жисмоний куч. Иккинчидан, эса иқтисодий қувват.

Уларнинг ёшида иқтисодий қувват аста-секин йўқолиб боради.

Ёшликда эса куч бору – донишмандлик йўқ. Қариликда донишмандлик бор – аммо куч йўқ. Ҳар доим иисонга нимадир етишмайди, фикримга қўшиласизми?

Агар ёшликка донишмандликни берсак, қандай бўлар экан? Бу жуда қизиқ. Агар қарияларга биринчи эркинлигини, яъни иктисодий эркинликни берсак-чи? Нима юз беради? Аксарият қариялар яхши томонга ўзгаради!

Демак, бундан келиб чиқиб нима қилиш керак?



Ҳар ой даромадингиздан 10 фоизини ота-онангиз учун ажратинг!

Агар маошингиздан 10 фоизини ота-онангизга бериб борсангиз, сиз бундан зиғирча ҳам зарар кўрмайсиз! Ўзингиздаги «очкўзлик» деб аталмиш ёвузликни енгишга ҳаракат қилинг. Ўз ичингиздаги «хасис»нинг овозини ўчиринг!..

Аввалига улар пулингизни олишмайди. Кейин эса йиғиб-йиғиб сизга қайтаришга уринишади. Сиз эса ҳар ойда изчиллик билан ота-онангизга пул жўнатишда давом этинг. Зўрлаб тикиштиринг! Шунда нима юз беради? Сиз жуда қизиқ мўъжизага дуч келасиз.

Азизларим, энди бир илтимос: ўнг қўлимизни кўтарамиз ва шу тариқа уни бироз фурсат ушлаб турамыз – бу айтган гапларим ёдингизда яхшироқ сақланиб қолиши учун.



Ҳурматли ўғил ва кизлар! Сиздан ўтиниб сўрайман! Ота-онангизга сиз берган пулга баъзи бир нарсаларни сотиб олишлари учун имконият беринг... Яъни ички қониқишни.

Улар сизлар учун янада кўпроқ яхшилик қилишлари, ди-лида армон бўлиб ётган эзгу ва савоб ишларни амалга оши-ришларига имконият яратинг. Шунинг ҳисобига улар ички кучга эга бўладилар!

Кадрдонларим, бизлар ҳам эртами, кечми нафақа ёши-га етиб берамиз, шундай ҳолатга етиб келамизки, ақл кўп, билим тўлиб ётибди, тажриба деганлари лим-лим, кучимиз эса ҳеч нимага ярамайди! Бу шундай ёшки, энди яхшилик нима, ёмонлик нима эканини биламиз, лекин кучдан қолга-нимиз туфайли ҳаётимизда қандайдир адолатсизлик худу-ди юзага келади. Бу ҳолда қандай йўл тутиш керак?

Энди бизга қўллаб-қувватлаб турувчи одам керак! Фик-римга қўшиласизми?

Ота-оналаримиз қачон қаришни бошлайдилар, қачонки улар «энди биз ҳеч кимга керак эмасмиз» – деган ўй-хаёлга ўзлари ишониб қолганларида.



Сизнинг энг муҳим вазифангиз – уларнинг ҳаётингизда тутган ўрни ҳали ҳам муҳимлигини, аҳамиятлилигини исботлаш.

Уларнинг ўрни ҳаётингизда доим муҳим ва албатта, сизнинг самимий муҳаббатингиз уларнинг яшовчанлик қобилиятини кучайтиради.

Қаранг-ки, улар ҳам ёш экан, уларнинг ҳам жуда кўп-лаб орзулари, интилишлари бор экан... Улар шундай яшнаб кетишадикки, қувватлари шунақа ҳам тўлиб-тошадикки, асти қўйверинг!

Буни батафсилроқ тушунтириб беришга ижозат берасиз-ми? Марҳамат қилиб айтинг-чи, ота-онангизнинг нафақа-лари қанча? Кўпми? Бунақа миқдордаги маблағга яшаш мумкинми? Сиз ўзингиз мана шу миқдордаги пулга қарам бўлиб қолишни хоҳлармидингиз?

Энди яна бир бошқа савол. Юзта қарияни ва юзта ёшларни ўзаро таққослаймиз. Бирор вазиятни мисол тариқасида кўриб чиқамиз. Сизнинг олдингизда ёрдамга муҳтож нотаниш одам ётибди. Ким биринчи бўлиб ёрдамга шошилади? Ким ўзгаларга нисбатан кўпроқ фахмлироқ, меҳрибонроқ, муруватлироқ, оққўнгилроқ – болаларми, 16 ёшгача бўлган ўсмирларми ёки 60 ёшдан ошган кексаларми? Албатта, ёши улуғлар анча меҳр-муруватлироқ, тўғрими! Фикримга кўшиласизми?

Инсонлар ёши ўтган сайин ўзгаларнинг бошига тушган мусибатга таъсирчан бўлиб, ичларидаги «мен»и тобора кичрайиб боради. Зеро, улар ҳаётлари давомида кўп нарсаларни бошидан ўтказишган ва бундан кейин ўзлари ҳам оғир вазиятга тушиб қолишлари мумкин эканини билишадди, ёшлар эса бу ҳақда ҳатто ўйламайдилар ҳам. Ёшларга улар ҳар доим ёш, соғлом, бақувват ва кучли бўлиб юради-гандек туюлади.

Инсоннинг ёши улғайгани сари қалбидаги беҳуда иззат-талаблик ҳисси шунча камайиб боради ва у онгли равишда яхшилик ва ёмонлик орасидан яхшиликни танлайди. Ёши улуғлар теграсида рўй бераётган барча ҳодисаларни ички ахлоқий элагидан ўтказишади: хайрли вазиятларга ён босиб, нохуш томонни қабул қилмайдилар.

Уларда энди ёшликдагига нисбатан эзгулик кўпроқ. Агар имкониятлари бўлеа, кўпроқ ўзгаларга нима биландир ёрдам беришади. Лекин қаригандан кейин имкониятлари чегараланган – куч-қувватлари ҳам аввалгидек эмас.

Агар ота-онам узоқ умр кўрсин десангиз, доимий равишда даромадингизнинг ўн фоизини уларга беришга ҳаракат қилинг, ҳатто миллион доллар ишлаб топсангиз ҳам – 10 фоизини беринг!

Бу чиндан ҳам иш беради. Сиздан бу гапларимга ишонишни сўрамаяпман, азизлар, сизга буни амалда текшириб кўришни таклиф қиляпман, холос.



Ҳар гал бу пулларни сиздан олганда,
ота-онангиз кўшимча кучга эга
бўлишади – яъни Ҳаётий Кучга!

Сизни ишонтириб айтаманки, аксарият ота-оналар дастлаб пулни олмай, бош тортишлари мумкин: «Йўқ ўғлим, керак эмас». «Йўқ қизим, ўзларингизга ишлатинглар...» Лекин ортга чекинманг! Уларда бундай меҳр изхорига кўникма ҳосил қилинг! Тушуняпсизми?

Қарияларга ўз эҳтиёжлари учун кўп нарса керак эмас. Ўн йилча аввал ота-онамнинг уйини қайта таъмирлаш зарурати юзага келди, жараён бошланганида, ота-онамнинг шунча йиллар мобайнида ҳеч қандай пул жамғаришмаганини билиб қолдим. Улар ўзларига арзимаган маблағ қолдиришган экан, холос... Тушуняпсизми?!

Мен эса ўзимча уларнинг ҳар бирида анчагина маблағ йиғилиб қолган бўлса керак, деб ўйлагандим. Ахир уларга ҳар ойда қанча жўнатиб турганимни ва уларнинг кундалик сарф-харажати қанча эканини билардим-да! Бунга қаранг-ки, улар ўзларига бир тийин ҳам қолдирмасдан ҳаммасини биз – болаларга, қариндош-уруғларга тарқатишган. Улар бу пулларни қаерга омонатга қўйишни яхши билишган!

Ота-оналар кўшимча даромадга эга бўлишлари билан шу заҳоти ҳаммасини бошқа бировларга, ўзларининг рўёбга чиқара олмаган эзгуликлари йўлида сарфлай бошлашади ва бундан улар чексиз ички қониқишга эга бўлишади. Улар ўзларига сарфламайдилар, бу ёшда уларнинг ўзларига жуда кам нарса керак! Тушуняпсизми?!

Истисоолар ҳар доим бўлади, ахир одамлар турли хил қариши мумкин. Лекин истисно – бу асло қоида эмас.



Куч-кувват борида – ақл йўқ, ақл келганида – куч-кувват олдингидек эмас. Шу сабабли айнан мана шу куч-куввагни уларга қайтариш керак!

Яна битта муҳим жиҳат. Улар шу тарзда, азбаройи савоб учун ўзгаларга ёрдам бериб сизнинг пулларингизни «совуришар» экан, бунинг натижаси сизга, оилангизга, фарзандларингиз ҳаётида юксак омад, бахт-саодат кўринишида қайтади. Сиз ана шундан кейинги ўз ишларингиз қандай гуллаб, ривожланиб кетганини кўрасиз. Муқаддас битикларда айтилган ҳар бир одам худди мева сингаридир, ота ва она эса бамисоли дарахт каби. Сен дарахтни қанча яхши парвариш қилсанг, дарахт шунча мустаҳкам, меваси эса шунча тотли бўлади.



Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, ота-онанга қанча кўп эътибор бериб, ҳурмат қилсанг, уларга бўлган муҳаббатинг қанча кучли бўлса, сен бу ҳаётда шунча кўп ризқ-баракага, фаровонликка ноил бўласан!

Сизнинг камтарин қулингиз ҳам кўп йиллар аввал айнан шу ўғитни Устозларимдан олган эдим. Даромадимнинг ўнинчи қисмини мен ота-онамга беришим керак эди. Бироқ бир неча йиллар мен бу ишни қилмадим. Чунки ишларим бошимдан ошиб кетгаиди, муаммоларим ҳам ўзимга етарли! Ва бундай пайтда ҳар доимгидек нима етишмайди? Баракалла, пул!

Пуллар ҳар доим битта буюк доимий хусусиятга эга. «Етишмаслик» хусусиятига. Билиб қўйинг, пуллар ҳеч қачон адолатли тақсимланмайди. Ҳеч қачон!

Кўпроқ олган одам адолатсизликдан азобланади, камроқ олган одам ҳам адолатсизликдан азобланади. Биринчиси, «кам олдим» деб ўйлайди, иккинчиси, «вой тўнғизлар-ей ҳақимни тўлиқ беришмади», – «вой аблаҳлар-ей, ҳақимдан уриб қолишди» – дейди. Бу эса шунчаки оддийгина очкўзлик, холос. Очкўзликнинг ортида эса нима турибди, инсондаги ҳайвонийлик асорати.

Икки-уч саҳифа аввал сиз билан нима ҳақида суҳбатлашганимиз ёдингиздами?

Устозим ёрдамида ўтказган тажрибаларим ҳақида гапирган эдим. Шундан кейин ҳам беш йил давомида менинг қўл остимда уч гуруҳ мутахассислар тадқиқот ўтказишди.

Демак, кадрдонларим инсонларни тадқиқ қилиш бўйича тажрибахонамга хуш келибсиз.

Шундай оилалар ҳам борки, ундаги фарзандлар ота-оналарига ўзларининг пулини тихирлик билан зўрлаб тиқиштиришади. Бизнинг вазифа бундай ота-оналарнинг хулқидаги, хатти-харакатидаги бир хилликни, қандайдир ўзига хос қонуниятларни топишдан иборат эди ва биз чиндан ҳам бундай ота-оналар учун ўхшаш томонни пайқаб қолдик – улар пулларни бошқара олишмас экан. Сиз ота-онангизга каттагина миқдорда пул берасиз, орадан унча кўп ўтмай бу пуллар кутилмаганда ғойиб бўлганини пайқаб қоласиз. Улар бу пулларни қаёққа сарфлашди экан? Ҳўш?

Сизга ўз тажрибамдан гапириб бермоқчиман. Мен вақти келиб доимий равишда ота-онамни молиявий жиҳатдан таъминлай бошладим. Ҳар ойда уларга пул жўнатаман, келганимда эса шахсан қўлларига топшираман. Бир неча марта тасодифан шундай ҳолатни пайқаб қолдим – отам мендан иул сўрамаяпти, лекин шуни ҳис қилдимки, унинг

Тентакнинг тажрибаси 3

чўнтагида атиги бензинга етгулик пули бор холос. Ҳолбуки, мен уларга ўтган куни бир неча минг доллар берган эдим!

Сизга ушбу воқеани гапириб беришимга ижозат берсангиз.

Кўп йиллар аввал мен ўзимни ночор сезар, теграмдагилардан кониқмаслик комплексига эга эдим ва бундан жуда азият чекардим. Айниқса, ичкиликбозларни жиним суймасди. Агар кимнидир ичкилик ичганини пайқасам ёки ҳидини сезиб қолсам, ўша кимсанинг тумшугига туширгим ёки энсасидан шартта ушлаб деворга уриб, бошини ёргим келарди. Ҳатто умуман нотаниш одамни ҳам... Бу мендаги ожизлик эди.

Сабаби эса жуда оддий – отам ичиб турарди. Мен буни тушунмасдим. Менга отамни маст ҳолатда кўриш жуда оғир эди. Ҳурматли ота-оналар, агар фарзандларингиз сизни бир марта бўлса ҳам маст аҳволда кўриб қолса, унутманг – улар буни бир умрга эслаб қолишади!

Шунинг учун азизларим, илтимос, фарзандларингизнинг кўзига маст аҳволда кўринмасликка ҳаракат қилинг! Биринчи маротаба кечиришар, лекин иккинчи марта улар зинҳор кечиришмайди. Учинчи марта кўришса, тамом, уларда нафрат ҳисси пайдо бўлади.

Биласиз, бизнинг ўзбек қишлоқларида, ҳар бир қария ўз лақабига эга. Менинг отам эса камдан-кам учрайдиган лақаб соҳиби эди. Уни «Санақул пиёниста» деб аташарди, бу отамнинг эса ҳеч ким ҳурмат қилмайдиган одам эканини англатарди. Лекин азизларим, буларнинг бари – менинг болалик давримда бўлган эди.

Устозларим менга ота-онангни молиявий қўллаб тургин, деб айтишганида, ўзимча, агар мен пул бера бошласам, отам яна ичишга ружу кўяди деб ўйладим. Лекин барибир уларга пул жўната бошладим. Энг ҳайратланарлиси отам шундан сўнг ичишни тамоман ташлаб юборди...

Шундан сўнг отам, токи сўнгги кунигача бир култур
ҳам спиртли ичимликни оғзига олган эмас...

Бу ўзгариш мени жуда қувонтирди ва мен энди икки ҳис-
са ғайрат билан ота-онамга пул жўната бошладим...

Хўш нима бўпти дейсизми? Мен бир гал уйга борадиган
бўлдим... 20 йилларча аввал. Отам бу пайтга келиб аллақа-
чон ичишни ташлаган эди. Қишлоққа, ота-онамнинг уйи-
га келсам, уйда ҳеч ким йўқ. Қўшнилари ота-онамни тўйга
кетишганини айтишди. Мен ҳам улар билан изма-из тўй-
га бормоқчи бўлдим, лекин адашиб қишлоқдаги бутунлай
бошқа тўйга кириб қолибман. У ерда эски танишларимни
учратиб қолиб, гаплашганча ўтириб қолдим. Тумонат одам,
тахминан 700–800 одамлик тўй бўлаётган эди.

Биласиз, ўзбекларда тўйга таклиф қилиш шарт эмас.
Бизда «Меҳмон келар эшикдан, ризки келар тешикдан» –
деб бежиз айтилмаган. Эҳтимол шу сабабдан «шарқона
меҳмондўстлик» деган гап оммалашгандир.

Ҳар бир хонадон эгаси меҳмонни шундай кутиб олишга
ҳаракат қиладики, токи келган меҳмон шу уйдан рози бўлиб
кетсин.

Лекин тасаввур қилинг-а, меҳмонларнинг сони бир ярим
мингга яқин одам ҳам бўлиши мумкин. Ва бу фақат кечку-
рунги дастурхонга, эрталабки ошга умумий ҳисобда баъзан
уч мингга яқин одам келиб, кетади.

Тагин бу ҳолат бир неча кунлаб давом этади! Энг муҳи-
ми, ўзбекларда ҳар бир меҳмонни кутиб олиб, айланиб, ўр-
гилиб, дастурхон теграсига ўтқазиб, қоринини тўйдириш
керак!

Тасаввур қилинг, бундай тантанада қанча одамга дас-
турхон ёзилиши мумкин? Тахминан икки юз стол, тўғри-
ми? Ва сиз ҳар бир столни олдига келиб, ҳар бир меҳмонга
эҳтиром кўрсатишингиз.. ишлар қалай, соғлигингиз қан-
дай, яхши етиб келдингизми, ҳаммаси жойидами?... – деб
сўраб чиқасиз.

Мен дарвозага тескари томонда ўтирган эдим. Шу пайт ҳамма одамлар бараварига ўринларидан тура бошладилар. Бутун тўйхонани кишилар ўрнидан тураётганда сурилган курсиларнинг овози тутиб кетди. Ҳаммани назари эшикка қадалган, мен ҳам ўгирилиб қарадим. Кимдир ўтиб бор-япти-ю, лекин менинг турган жойимдан кимлигини кўриб бўлмасди. Тўйхонадагиларнинг ҳаммаси – ўша келган меҳмонга пешвоз чикиб, ўрнидан туришган экан. Мен ҳам ўрнимдан турдим.

Бизлардаги одатга кўра – жуда ҳурматга сазовор одам олдиларидан ўтиб бораётганда, бутун халқ ўрнидан қўзғала бошлайди. Бу ҳам ҳар кимга насиб этмас, баъзан ҳатто губернатор келганида ҳам ҳеч ким ўрнидан турмаслиги мумкин.

Мен ҳам ўрнимдан турдим ва ўзимча «Бу валломат ким бўлди экан?» деб ўйлаб қўйдим. Тумонат одам четга чикканича, йўл очилиб келарди, қарасам – отам келяпти! Менинг отам, унинг бўйи 160 см, оғирлиги эса 42 килограмм, оҳиста юрганча, базўр келяпти... Шу лаҳзаларда мен отамдан фахрланганимдан теримга сиғмай кетдим.

Бу шундай кутилмаганда юз бердики, шундай қувонарли, ифтихор тўлкини бўлдики! Йиғлаб юборишимга оз қолди... Майли, ростини айтақолай, аслида, йиғлаб ҳам олдим. Бундай ҳурматга лойиқ инсон менинг отам эканлиги учун фахрланганимдан беихтиёр кўзимдан ёш чикиб кетди! Мен ҳамюртларимиз орасида отамнинг ҳурмати бунчалик баланд эканини билмаган эдим.

У ахир бир пайтлар бор-йўғи «Санақул пиёниста» эди-ку. Одамларнинг отамга қандай мурожаат қилишларини эшитиб, унинг эски лақаби йўқолганини тушундим. Унинг исмини айтиб чақиришмасди. Унга худди авлиёлардек мурожаат қилишарди. Қаранг-а менинг отам – авлиё!

Уйга қайтаётганимизда йўлда отамга бундай дедим:

– Ота, сизнинг ҳамюртларимиз орасида шу даражада ҳурматга лойиқ инсон эканингизни кўриб фахрланганимдан йиғлаб юбордим.

Отам эса кулимсираб деди:

– Ўғлим, мен бу ҳурматни сен бизларга юбориб турган пулларингга «сотиб олдим». Жўнатган пулларингнинг ҳаммасини одамларга тарқатиб юраман. Биласанми, мен ҳар доим бу жойларга келаман. Унисига озроқ ёрдам бераман, бунисини турмушга узатаман, кўп болали қўшниларибиз сиқилиб қолишган бўлса, уларга уй қуришида кўмак бераман...

Бир гал ўзим ҳам шундай воқеалардан бирига гувоҳ бўлганман. Бир ҳамқишлоғимизнинг 20 йиллар аввал хотини вафот этган эди. У шу бўйи уйланмасдан, ўғиллари билан яшаб келаётган экаи. Фарзандлари улғайди. Катта ўғил 30 ёшга кирибди, хали-бери уни уйлантирай дейишмасди, тўй қилишга эса қурбилари етмаётган экан. Тасаввур қияпсизми, битта оилада беш эркак лекин битта ҳам аёл йўқ!

Шунда отам менга бундай деб қолдилар:

– Бу одам узоқроқ бўлса-да қариндошим, унга ёрдам беришим керак.

– Ота, у сизнинг кимингиз бўлади, – деб сўрадим.

– Билмадим, лекин қариндош ҳисобланамиз, бобо-бувиларимиз яқин авлод бўлади...


Шу тариқа менинг қалбимда оз-оздан отамга нисбатан юксак ҳурмат ҳисси шаклланди. Бир гал хизмат сафарига кузатар экан, отам менга бундай деб қолдилар: «Ўғлим, сен пулларни беҳуда совурмагин, уларни тежаш керак!» Шу пайт онам гап қўшиб қўйдилар: «Оббо, дадаси-ей, шу гапларни сиз айтаяпсизми?»

Фақат отам ўтганларидан кейингина, уларнинг барча сирлари ошкор бўлиб қолди. Отамнинг жиянларида бири, унинг ёши ўша пайтларда 75 лар атрофида эди, бир гал мен-

га бундай деб қолди: «Қолган нарсаларни энди нима қиламиз. Мен дадангнинг омбор мудури эдим».

Мен аввалига ҳеч нимани тушунмадим. Қанақа қолдиклар? Яна қанақа омбор мудури? У ўзи нима ҳақида гапиряпти?

Буни қарангки, улар отамнинг топшириғига биноан доим атрофдагиларнинг ҳолидан хабардор бўлиб, отамнинг маблағлари эвазига хайр-эҳсон қилиб юрган. Бу ҳаммаси савоб, эзгулик йўлида бўлган. Биласизми, Устозим ҳақ бўлиб чикди. Мен мураббий сифатида бу нарсани бироз вақт ўтгандан кейин тушундим. Ҳар қандай услуб ҳам бирданига иш бермайди. Ота-оналаримизнинг юрак тубида сақлаб юрган меҳр-мурувват уруги ниш уриши учун уларга имкон бериш керак. Ана шунда бизнинг ота-оналаримиз қайта яшай бошлашади!



Қандайдир арзимаган сарик чақаларни ота-оналарингизга берар экансиз, сиз уларга ўн йиллаб кўшимча ҳаёт бағишлайсиз! Тушуняпсизми, ўн йиллаб!

Қариялар ҳар доим йўқ жойдан муаммо ҳосил қилишади ва шу муаммони ҳал қилиш йўлида чинакамига яшай бошлайдилар... қувонч билан, бахтли яшай бошлайдилар. Улар бундан хотиржам бўладилар, энди улар ўзини кераксиз ҳис қилиш туйғусидан, батамом халос бўладилар.

Зеро, сизнинг эътиборингиз уларга куч бера бошлайди. Улар бу кучни ҳаётлари давомида англаб етган энг яхши нарсаларга сарфлашади, яъни ҳамдардлик туйғусига, ўзининг сизларга керак эканлиги туйғусига, ҳатто дунёнинг бошқа чеккасидаги мутлақо нотаниш инсонларга ёрдам беришга қодирликдан завқланишига ҳам.

Отам бу ҳақда кўп бора гапирган эди: «Ўғлим, мен аллақачон қаридим, тўримдан гўрим яқин, деярли яроқсиз бўлиб қолган эдим. Мана энди олдимда бу ташвиш пайдо бўлди – мен яшаяпман. Яшаш тобора қизиқарлироқ бўлиб қолмоқда!»

Азизларим, Сиз ҳам ота-оналарингизнинг ҳаётини қизиқарли қилинг. Қачонки фарзандларингиз ота-оналарингизга хўжақўрсинга эмас, самимий юракдан хизмат қилаётганингизни кўришса, улар буни ҳеч қачон унутмайдилар!

Ота-оналаримизга иқтисодий ёрдам бера бошлаганимиздан кейин, уларни кучли, бақувват қила бошлаганимиздан кейин биз қандай натижани кўрамиз?

Мен бу борада ҳам катта тадқиқот ишларни ўтказганман, чунки фикримни ноҳолис бўлишини истамадим. Бир-биридан беҳабар бўлган уч гуруҳ мутахассисларни ишга солдим. Натижада, улар айнан бир хилдаги хулосага келишди.



Қачонки инсоннинг жисми-жонига, фикрлашда донишмандлик ва куч бирлашса, унда учинчи куч пайдо бўлади – яъни унинг тимсолида ҳикмат эгаси ҳосил бўлади. Унинг бош вазифаси эса бошқаларга хизмат қилишдан иборатдир. Бу ёқимли мажбуриятни ота-оналар ўз зиммаларига ола бошлайдилар. Уларда авлиёлик аломатлари намоён бўла бошлайди!

Иқтисодий эркинлик бизларга ҳаётий донишмандликни тўплашга киришишимиз учун керак. Ҳайвонийлик негизи

нима, инсонийлик негизи нима, интеллектуал негиз нима, қалб негизи нима билиб олайлик. Уларнинг ўзаро муштарак эканини кўриб, улардан қай бирлари Руҳиятга куч беришини, қай бирлари кучни тортиб олишини англаб етайлик.

Мана нима учун ўзингизни хусусий ишингизни очинг, – деб сизларга қанчадан бери гапириб келяпман. Нимани кутиб ўтирибсиз? Сизларга бир ҳафта муҳлат! Бугуноқ борасизда, ўз хусусий ишингизни очасиз! Келишдикми?!

Биринчи галда буни эркаларга гапиряпман!

Сиз ўзингизни таъминлай оладиган бўлишингиз керак, хотинингизни, ота-онангизни, қайнота-қайнонангизни таъминлашингиз керак, фарзандларингизни оёққа турғизишингиз, бошқа одамларга ёрдам беришингиз шарт! Ана ўшанда мени айтди дейсиз: «Сен бирни берсанг, Худо сенга мингни беради», – деган қоида ишга тушади. Яратганнинг режаларини, олий қонунларини илғай оласиз, яқинларингизга бўлган муҳаббатни англаб етасиз.

Сизга олий қонунлардан бирини ошкор этмоқчиман. Бу сизга бизнесингизни нолдан бошлаш имконини беради. Кулоқларингизни динг қилинг, азизларим.



Азиз ва қадрдонларим, қачонки биз ҳамкор деб ота-онамизни танлар эканмиз, шунда ўз-ўзидан Яратганнинг ўзини ҳамкорликка чорлаган бўламиз!

Нимага шама қилганимни тушундингиз-а?! Энди ҳаракатга тушамизми?! Қа-ч-о-о-н?!

Яна битта илоҳий қонуниятни сизга етказмоқчиман.

Яхшилаб ёдингизда сақлаб қолинг!

Ота-онамизнинг ҳақ ёки ноҳақлигини муҳокама қилишга зинҳор ҳақимиз йўқ. Ота-онамиз ҳеч қачон ноҳақ бўлиш-

майди. Исботи – Парвардигор томонидан берилган ҳуқуқий ҳужжат. Ҳар биримиз учун ерда тирик фаришталар, Яратганнинг вакиллари – ота-оналаримиз. Бу фикрга қўшила-сизми ёки қўшилмайсизми, бундан ҳеч нима ўзгариб қолмайди. Нима учун?

Чунки барча динларнинг Муқаддас китобларида Тангри таоло:



«Ота-онангни каломи –
бу менинг каломим» – дейди.

Демак, улар нима дейишмасин – бу яратганнинг сўзларидир. «Ота рози – Худо рози» деган мақолни эсланг. Дунёда икки хил кўринишдаги ибодатхона бўлади. Биринчиси – бу кишилар ибодатларини амалга оширадиган бино. Иккинчиси эса бу – одамларнинг ўзлари. Бунда ота-оналар, ундан кейин дўстлар, яқин қариндошлар, ундан кейин узоқ қариндошлар, танишлар, турмушда қийналганлар, муҳтожлар, ғарибу ғуробалар...

Ва ушбу ҳар икки ибодатхонада ҳам Аллоҳнинг бир зарраси яшайди... Ҳар бирид-а-а, тушуняпсизми?

Нима учундир кейинги йилларда мен ўта таъсирчан бўлиб қолганман ва бундан сираям уялмайман... Кейинги пайтларда шукроналик билдириб Яратганга мурожаат қиладиган онларим тез-тез бўлмоқда

Эй менинг раббим, қанчалар Сени яхши кўраман... адолатпарварлигинг учун...

Эй менинг ҳимоячим, қанчалар Сени севаман... шундай аждодларим борлиги учун...

Эй менинг меҳрибоним, Сени қанчалар севаман... фарзанд деган неъматни берганинг учун...

Эй менинг буюк мураббийим, қанчалар Сендан миннатдорман... бебаҳо сабоқларинг учун...

Тенгизнинг тажрибаси 3

Эй менинг Устозим, қанчалар Сени яхши кўраман, ақлим тушуниб ета олмайдиган йўлларни раво кўрганинг учун...

Эй менинг саховатим, Сендан қанчалар завкланаман, чексиз меҳру оқибатинг, муҳаббатинг учун...

Яна шунинг учун Сендан миннатдорманки... ким Сени изласа, унга Ўзингни топишга имкон бердинг. Унинг қалбига ишонч, иймон нурина жойладинг...

Танамдаги ҳар бир ҳужайра билан Сени севаман! Онгимнинг ҳар бир пучмоғи билан Сени севаман! Қалбимдаги ҳар бир зарра билан Сени севаман! Руҳиятимнинг ҳар бир нафаси билан Сени севаман! Бахтли кўз ёшларга лиммо-лим кўзларим билан Сени севаман! Сенга талпинаман... Сенга талпинаман...

Мен баъзида ёши бир жойга бориб қолган қарияларга разм солиб қараб қоламан. Улар гўё шунчаки яшаётгандек, лекин шундай лаззат билан яшяптики! Ҳавас қилади киши!

Айтинг-чи, сизда ҳам шундай лаҳзалар бўлиб турадими? Сиз нимагадир қараб турасиз ва бу нарсани тез орада бутунлай йўқолиб кетишини биласиз ва сиз уни бир умрга ёдингизда сақлаб қолишингизни ҳам тушунасиз. Бу шундай ўзига хос ҳолатки...

Бир гал Шереметьев аэропортида мен ота-онамдан орқада қолиб кетдим. Уларнинг иккаласи ҳам оч тусдаги кийимларда. Отамнинг соч-соқоли оппоқ, онамнинг рўмоли оппоқ, ҳар бирининг қўлида ҳасса – битгаси уни чап қўлида, бошқаси эса ўнг қўлида тутиб олган...

Аэропортнинг узун йўлаги. Улар шу йўлакнинг ўртасидан кетиб боришяпти, ортларидан қараб турсам, уларга томои келаётганлар четга ўтганча йўл беришарди, ўтиб кетганларидан кейин ҳам ортларига ўгирилиб қайта-қайта қараб қўйишарди. Отам билан онам эса сек-и-и-и кетиб боришарди...

Мана шу туйғу, жуда ёқимли, ҳаяжои ила кишини зориктирадиган, юракни симиллаб оғритадиган ва бир пайтнинг ўзида чўчитадиған ҳам.

Баъзан шундай бўлади: ўтмишдан қандайдир лавҳалар хотиранг да қалқиб чиқади, қандайдир аҳамиятсиз майда нарсалар, сен унинг моҳиятини эсламайсан, лекин қандайдир ҳидни ёки умуман аҳмоқона жумланими, ибораними – «лоп этиб» эслайсан! Нима учундир айнан шу нарсаларни эслаб қоласан... Айниқса, агар ўша нарса якин одамларинг билан боғлиқ бўлса...



Чунки дунёдаги энг чиройли, энг ақлли аёл ким? Онаизорингиз! Ер сайёрасидаги энг кучли, энг ишончли эркак ким – Отажонингиз! Уларни севинг, кадрдонларим, уларни ардоқланг ва токи улар ҳаёт экан, меҳр-муҳаббат билан ғамхўрлик қилинг!

Пулдан ташқари сиз уларга яна нима билан ҳам ёрдам бера оласиз? Сиз уларнинг соғлигини асраб-авайлашингиз мумкин.

Энг биринчи, оддий мажбуриятингиз – бу уларнинг яхши озикланиши! Билиб қўйинг, уларнинг кундалик озигига яна айрим қувватбахш қўшимчаларни киритиш керак...

Айниқса, қирқ ёшдан ошган одамларга... Уларда ошқозон-ичак фаолияти аста-секин бузила бошлайди...

Кексалар қандай озикланишидан, нима истеъмол қилишидан қатъи назар организмида ҳар доим баъзи бир микро-элементларнинг, дармондорининг танқислиги юз беради, чунки улар организмида моддалар алмашинуви издан чиқа бошлайди.

Агар кимдадир кислород танқислиги бошланса, унга нима берамиз? Кислород ёстикчасини, тўғрими? Организимиз орқали доимий равишда салмоқли миқдордаги дармондорилар ва микроэлементлар ўтиб турса-ю, лекин уларнинг организм томонидан ўзлаштирилиши йиллар ўтган сайин камайиб бораверса, нима қиламиз?.. Бу моддалар етишмовчилигининг ўрнини тўлдирамыз! Тўғрими?!

Шу сабабли ҳам ота-онангизнинг овқатланиш рациони доимий равишда назорат қилиб боринг. Шифокорлар билан маслаҳатлашинг, улар ота-онангизга ҳаётий зарур микроэлементлар ва витаминлар таркибини тўғри белгилаб берадилар. Сиз эса тавсия этилганларида ҳам энг яхшисини харид қилишга ҳаракат қилинг.



Ота-онангизнинг таомномаси борасида тежамкор бўлманг! Улар сиз учун ҳеч нарсани аяшмаган, ахир!
Энг яхши луқмани, энг сара нарсаларни, ҳаётининг энг яхши йилларини улар сизга беришган...

Ота-оналаримизга биз яна нималарни беришимиз мумкин? Мулоқот, менинг қадрдонларим, чин дилдан, самимий мулоқот!

Илгари ота-онамникига келганимда, кўпинча онам мендан, акаларим ва укаларимдан ўпкалаб, гина қилиб юрганини пайқаб қоладим.

Натижаларни таҳлил қилиб кўрганимдан кейин тушундимки – онам бизлар билан суҳбатга муҳтожлик сезар экан. Биз фарзандлар эса йиллар ўтган сайин «ақлли» бўлиб, ишбилармон, ўзбилармон бўлиб кетамиз, тўғрими ахир? Ўзимизча «ота-оналаримиздан оладиган ҳамма нарсаларни

олиб бўлдик» – деб ўйлаймиз ва улар билан суҳбатни мух-тасар қилишга ҳаракат қиламиз...

Энди эса ҳар гал уйга келсам, биринчи ишни онамнинг ёнига ўтириб олиб: «Ишларингиз қандай, онажон?» – деб ҳол-аҳвол сўрашдан бошлайман. Ана шундан кейин улар ўзларидаги барча янгиликлари билан ўртоқлаша бошлайдилар. Ўзлари ҳақида, дугоналари ҳақида, об-хаво ҳақида, уй ишлари ҳақида ёйилиб, бемалол ҳасрат қиладилар.

Мендан эса нима талаб этилади? Фақат тинглаш, тинглаш...

– Токи кўзимни босиб келаётган уйқуни базўр енгиб, зўрга ўтирган бўлсамда. Лекин токи онам, «Ўғлим, борақол, дамнингни ол», – демагунларича ўзимни тутиб уларни эшитиб ўтираман.

Баъзан улар икки-уч соатлаб қандайдир мен учун жуда олис бўлган воқеаларни гапириб берадилар... Барибир сабр қиламан. Тинглаб, уларга меҳримни билдираман.

Бирор фурсат ўтиб эса улар ким биландир суҳбатлашиб ўтирганларида мен ҳақимда «қандай яхши ўғлим бор» – деб мактаганларини эшитиб қолсам, юрак-юрагимдан суюнаман...

Сиз-чи кадрли китобхон, охирги марта ота-онангиз билан қачон мириқиб суҳбат қилгансиз? Қачон улар учун озгина бўлса ҳам вақтингизни ажратгансиз? Улар ахир доим сизни кутишади-ку! Ахир улар ҳар доим биз учун куйиб-пишадилар, қайгурадилар, қаерда бўлмайлик, нима билан шуғулланмайлик, бизни эслайдилар-ку?!

Шу сабабли азизларим, агар ота-онангиз ҳаёт бўлсалар, уларни ўз тафтингиздан, эътиборингиз, ғамхўрлигингиздан баҳраманд қилишга шошилинг. Уларни қанчалар яхши кўришингизни, кадрлашингизни айтинг. Сиз учун бу ҳаётда улар нима қилган бўлишса, ҳаммаси учун улардан миннатдор эканингизни изҳор этинг. Буни тез-тез қилиб туришга ҳаракат қилинг!.. Токи, кейин кеч бўлиб, армонда қолманг!

Тенгизнинг тажрибаси 3

Эҳ-е, агар мен илгарироқ ота-онамнинг гапларини эшитганимда эди. Бу ҳикматли гапларнинг мағзини чақишга эртароқ ҳаракат қилганимда эди, аллақачон мутлақо бошқача одамга айланардим...

Ҳа, энди бундайроқ ўйлаб қарасам: «Ота-онанинг юраги ва фарзанднинг қулоғи орасида шайтонлар белкураги жарлик казийди» – деган гап ҳам бежиз эмас экан.

Илло, ота-оналар қанча доно сўзлар айтсалар ҳам ёшларга ҳамроҳ шайтон уни йўқотиб юбораверади. Боланинг қулоғигача эса фақат узуқ-юлуқ сўзларгина етиб боради, холос. Шунда ҳам фақат қулоғигача. Аслида ҳам шундай эмасми?! «Онанинг кўнгли – болада, боланинг кўнгли – далада» деган нақлдан хабарингиз бордир?

Жаннат сари элтувчи нурли йўл ҳақидаги панду насихатлар шайтон васвасаси туфайли йўқолиб кетади.

Кўп йиллар аввал, ёшлигимда отам баъзан шундай деб қолардилар:

– Ўғлим, ўтир, гаплашиб олишимиз керак.

Менда эса бу суҳбатдан қочиш учун ҳар доим мингта баҳона тайёр турарди.

– Ҳозир ота, мана буни тугатиб олай... Яна беш дақиқа...

– Ота жуда шошиб турибман, суҳбатни кейинга қолдирсак бўлмайдими?

– Ўртоқларим кўчада кутиб туришибди. Жудаям кутиб қолишди..

– Жуда муҳим ишлар билан кеч қоляпман, мактабга, футболга, кинога ва ҳоказо, ва ҳоказо...

Бу каби баҳоналар менда тоғ-тоғ уюлиб ётарди, токи мулойим, бироқ қатъиятли бир сеҳрли сўзни эшитмагунимча:

– Ўтир! – дердилар отам жиддий қилиб.

Ноилож ўтирардим ва ўзимни мажбурлаганча уларнинг гапларини диққат билан тинглаётгандек кўрсатардим. Отам

хар доимгидек менга ўзларининг фикрлари ва маслаҳатларини бера бошлардилар.

Ўшанда мен бор кучимни ора-чора бошимни кимирлатганча тасдиқлаб қўйишга сарфлардим. Ўзимни ҳар бир сўзнинг маъзини чақаётгандек, тушунаётгандек ва уларни қабул қилаётгандек кўрсатиб ўтирардим.

Ора-чора билдирмасдан соатга қараб қўяр эканман, ичимда «буларнинг бари қачон тугар экан» – деб кутардим.

Шундай пайтларда отамдан бундай гапни эшитиб қолардим:

– Ўғлим, сен мени ҳозир тушунмайсан. Маиа вақти келиб ўзингниям болаларинг бўлсин, ана ўшанда бу гапларимни эслайсан ва маъзига тушуниб етасан.

Мен ўшанда «отамни жуда яхши тушунапман» – деб ҳисоблардим... Эҳ, ўшанда қанчалар аҳмоқ бўлган эканман!..

Марҳамат қилиб айтинг-чи, ҳурматли ота-оналар, фарзандларимиз билан бўладиган суҳбатга биз қандай тайёргарлик кўраимиз? Ойлаб фикрларимизни жамлаймиз, ҳар бир сўзни тажрибамиз билан бойитамиз, бу вақт ичида ҳар бир жумлани ўйлаймиз, пиштамиз...

Ниҳоят бир куни бутун ҳаётинг мазмунини фарзандингга тақдим этишга тайёр турганингда, уларнинг ҳар доим «ўта муҳим» нима биландир «жуда банд» эканликларини пайқайсан...

Ва бирдан уларнинг ўтиришида таниш ҳолатни ва юзидаги таниш ифодани пайқаб қоласан, узоқ болалик йилларингидagi, отангнинг ҳузурида ўтирган ўз аксингни таниб қоласан... Шайтон белкураги орадаги жарликни ҳамон чуқурлаштираётгани кўзга ташланиб қолади...

Биз ўз ота-онамизга яна нима ҳам беришимиз мумкин; пулдан ташқари, яхши озиқ-овқатдан ва эътибордан ташқари? **Унутманг, уларга муттасил ғамхўрлик ҳам керак!**

Ижозатингиз билан оиламиз тарихидан яна битта воқеани гапириб берсам. Бунда ҳеч нима қўшмасдан, ҳеч нимани

Тенгачининг тажрибаси 3

ўчирмасдан, ҳар бир сўзни, ҳар бир жумлани қандай бўлса, шундай ёзаман...

Бир гал ота-онамнинг уйига келдим, ҳар доимгидек очкаган ва қувноқ аҳволда эдим. Қариндошлар кутиб олишди, шовқин-сурон. Иккала акаларим ҳам келишди, қучоқ очиб кўришдик, бир-биримиздан ҳол-аҳвол сўраб, у ҳақда, бу ҳақда суриштирган бўлдик. Лекин иккаласининг ҳам қовқларининг ости кўкариб қолганини кўриб, ўзимни сезмаганга олдим.

Ҳамма ўз иши билан тарқаб кетгандан кейин катта акам соғ кўзи билан имлаб, секин менга шипшиди: «Юр, гап бор!»

Акаларим билан ҳовлига чиқиб, чеккадаги меҳмонхонага кирдик... Қарасам, яна битта дастурхон ёзилган...

Уларнинг яқиндагина моматалоқ бўлган кўзларини томоша қилганча жим ўтирибман. Қаршимда худди қовоғини уюб олган иккита панда айиқчалари ўтиргандек эди. Йиғлашнйям, кулишнйям билмайсан. Атайлаб жиддий кўринишга ҳаракат қилиб ўтирибман.

Шунда ўртанча «панда» гап бошлади:

– Ука, отамиз сени кўпроқ яхши кўради, биздан кўра сенинг гапингга кўпроқ қулоқ тутуди. Отамиз билан гаплашиб кўр, у бизларни одамларнинг олдида саваламасин. Тушуняпсанми, айб иш қилсак майли, қандай хоҳласа, шундай жазоласин, фақат хурсандмиз! Аммо энди бизларнинг ҳам катта бўлиб қолган фарзандларимиз бор, отамизни тушунамиз. Лекин ўтган куни у бизни ҳовлида калтаклаганида роса уятга қолдик... Биз ерда ётибмиз, атрофимизда эса болаларимиз ва невараларимиз йиғилиб олишган. Ер ёрилса, ерга киргандек бўлдик, айникса, невараларимизнинг олдида. Улар боболари катта боболаридан қандай калтак ейишини томоша қилиб туришди.

– Сендан илтимос, отамга айтгин, майли жазоласин, фақат невараларимизнинг олдида эмас.

Бу воқеадан кула-кула қотиб қолдим. Катта «панда» мени туртиб:

– Сен нега куляпсан, бунииг нимаси кулгили? – деди.

Шунда кулгидан ёшланган кўзларимни артиб, тушунтирдим:

– Ўзи нималар деётганингизни, гапираётган гапларингни билиясизми? Иккита девдек бобони битта миктигина катта бобо савалабди! Хўш, энди отам нега бундай бежаб қўйганини гапириб беринглар-чи? – деб сўрадим.

Ўртанча «панда» тилга кирди:

– Биз, иккаламиз менинг неварамнинг туғилган кунини нишонламоқчи бўлдик. Кимдир спиртли ичимлик олиб келди ва отам бизни «мана шу ишнинг устида кўриб қолди. Ана шундан кейин керагини олди... Отам билан гаплашгин, илтимос.

Мен эса гапни пайсалга солиб, ҳамма гапнинг тагига етишга уриндим:

– Нимага қочиб кетмадинглар, нега урганда бир жойда туравердинглар? Отам сизларни қувиб ета олармиди? Отамдан қаёққадир қочиб, бекиниб олсанглар бўларди-ку!

Катта акам шунда эътирозли оҳангда:

– Ие, эсинг жойидами? Отамнинг астмаси бор-ку... Қувиб бораётганда йиқилиб қолса, нима бўлади?.. Шунинг учун ҳам ерга ўтириб олди-да, ҳассаларининг мазасини обдон татидик. Укам ҳам қуруқ қолгани йўқ...

Мен хануз ўзимни кулгидан тута олмасдим.

– Яшаворинглар-е! Бу нима, роҳатланишнинг янги шаклими? Нима калтакка чап беришни эпломмадингларми?

Улар олдинма-кейин мингирлашга тушишди:

– Сен нима, Москванда буткул эс-хушингдан айрилдингми? Агар калтак мўлжалга тегмаса, отамга нима бўлишини биласанми?

– У шу заҳоти йиқилади ёки худо сақласин-у...

Тентакнинг тажрибаси 3

– Шундоқ ҳам зўрага юрибдилар, мана шунинг учун ҳам ўзимизни калтакка тутиб беришга тўғри келди... Отам билан гаплашиб кўр, илтимос, укажон...

Тушуняпсизми, улар отамиз ҳақида шунчалик ғамхўрлик қилишган, отамизга ҳеч нима бўлмасин, деб ўзларини ҳам аяшмаган!

Албатта, мен бу ҳақда отам билан гаплашиб ўтирмадим... Ахир, ўғил отага фарзандларини тўғри тарбиялаш борасида ақл ўргатиши мумкинми? Бу жуда ғалати-ку?



Муқаддас китобларнинг бирида шундай ҳикматли сўзлар битилган: «Инсонлар ҳеч қачон иккита нарсадан халос бўла олмайди – бу ўз аждодлари ва ўз фарзандлари билан фахрланиш».

Зеро, инсондаги мана шу иккита жиҳат камчилик деб ҳисоблаимайди! Агар одамлар ўртасида ота-онангиз билан, боболарингиз билан, фарзандларингиз билан фахрлансангиз, Тангри буни меҳр билан эшитади. Ҳатто айтиш мумкинки, У буни сиздан ҳамиша кутади... Лекин Яратган ҳеч қачон яқинларингизга нисбатан ёмонлик қилишингизни оқламайди!

Дикқат қилинг, азизларим!

Муваффақиятли инсонлар, бу ўзига хос инсонлардир. Биз уларни ҳамма тарафдан, барча нуқтаи назардан ўрганиб чиқамиз. Шундан сўнг, уларнинг барчасини бирлаштириб турувчи мўъжизавий умумийликни топдик. Улар биринчи навбатда, ота-оналарига чин юракдан хизмат қилишар, уларнинг дуосини олишар экан.

Ота-онасига хизмат қилиб, улар ҳақида ғамхўрлик қилишар экан. Ота-оналари уларнинг ёрдамидан воз кечиш-

ларига карамасдан, улар ота-оналарига ўзларининг эътиборларини, ғамхўрлигини ва мухаббатини «мажбурлаб тикиштирадилар». Ҳар бир оиладаги беш-олтита боладан жуда бўлмаганда биттаси шундай чиқади. Буни карангки, айнан шулар улғайгач, замонавий бойваччалар бўлиб етишадилар.

Ҳар қандай оилада «Синглим ёки укам ҳар куни ота-онамни йўқлаб туради, бу яхши, мени эса ўз ишларим, ўз ташвишларим, ўз муаммоларим бор. Мени вақтим йўқ!» – дейдиганлар топилади. Ана шундайлар ночорликка маҳкум. Бу чиндан ҳам ҳайратланарли феномен. Ҳай-ра-т-л-а-н-а-р-л-и!

Демак! Менинг «бойваччаларим», ҳар қандай хайрия, саховат, аввало, ота-онангизга хизмат қилишдан бошланади. Моддий қўллаш борасида эса сиз дастлаб маошингиздан ота-онангизга фақат ортганини берасиз. Яъни даромадингизни асосан ўзингизга қолдирасиз.

Вақти-соати келиб, оёққа туриб олганингиздан кейин етарлича яхши ишлаб топа бошлаганингизда, ўндан бир қисмини улар хоҳлайдими, хоҳламайдими, қаршилиқ кўрсатишадими, сизга қайтариб беришга уринишадими, ҳар ойда уларга мажбурлаб беришни унутманг.

Ана шунда биз мақсадли равишда ҳасадни ҳам бартараф қиламиз, нафратни ҳам, хафагарчиликни ҳам йўқ қилиб ташлаб, ҳар бир инсонда албатта мавжуд яхшилиқни кўра олишга ҳаракат қиламиз, тўғрими?

Мана шундай ҳолат пайдо бўлганида ҳар бир инсон олдида онгли равишдаги танловни қўяди. Эзгуликми ёки қабоҳат?! Пок инсонлар албатта эзгуликни танлайди.

Лекин биз бир мартаба поклансак, шу билан ҳар доим тоза бўлиб қолавермаймиз.

Биз ўз қалбимизни оз-оздан тозалаб борадиган ҳар кунги машаққатли меҳнатни бошдан кечирамиз.

Тенганинг тажрибаси 3

Кимнинг ёши 35 дан ошган бўлса, унга аста-секин ўз ички дунёсидаги яхшилик ва ёмонлик ўртасида танловни амалга ошириш таклиф қилинади. Бундай таклифни сизга ўз қалбингиз беради.

Ва қачонки, сиз такаббурликдан, турли хил найранглардан воз кеча олсангиз. Ана шундан кейин қалбнинг ақл-идрок билан, интеллект билан муштарақлиги бошланади. Ана шундан кейин умрингизнинг асл маъносини англаб етасиз.

Лекин кўпчилигимиз вақти-вақти бунини тўлиқ тушуна олмасдан «Менга нима бўляпти?!» – дея ўйланиб ҳам қоламиз.


Бир пайтнинг ўзиде иккита қайикда бўлиш мумкин эмас, бир қўлингиз билан яхшилик қилиб, бошқаси билан ёмонлик қила олмайсиз. Ота-онамиз эса кўпинча эзгулик йўлини танлашар экан, бирор кимсани оч-наҳор аҳволда, ночорликда яшаётганини кўришса, уларга ёрдам қўлини узатишарди. Ҳолбуки, уларнинг нафақаси, ўзларининг озигига ҳам етмайди... Шундай пайтларда ота-онамизнинг кўнгли азоб чека бошлайди.

Ота-онангизга сиз тарафдан моддий ёрдам келганида, улар ўзларига бир сўмини ҳам сарфламай, шу заҳоти бутунлай нотаниш одамларга ёрдам бера бошлайдилар... Ана шу дақиқадан эътиборан уларда илоҳий жамғарма тўпланиб – қалбларидаги меҳр-мурувватнинг моддийлашуви бошланади.

Шу тариқа сиз уларга бир неча йил умр қўшиб берасиз. Улар ўзларининг керакли эканликларини кўрадилар, ким учун савоб қилганини кўрганларидан кейин, улар ўзларини янада яхшироқ ҳис қила бошлайдилар. Бу жуда ҳайратланарли, лекин бу ҳақиқат!

Ўзларининг эзгу, хайрли ниятларини моддийлаштириш учун имкон яратиб берган фарзандга нисбатан ота-онанинг миннатдорлик туйғуси, шундай мўъжизавий таъсир кучига эгаки, бундай фарзанд албатта муваффақиятга эришади!

Ота-она ўзининг ҳар бир фарзандини, аввало, ўзларига эзгулик, яхшилик қилишга имкон бергани учун ҳам яхши кўради. Ва бундай фарзанднинг барча жабҳада иши бароридан келади!



Ота-онангизга қорда ҳам, бўронда ҳам хизмат қилинг, ҳаттоки, хизмат қилиш ёқмай турганда ҳам, ҳар куни камида икки марта келиб, уларга чин юракдан ўз хизматингизни таклиф қилинг – мана шу сизнинг гуркираб, ривожланиб кетишингиз учун тавсия, йўриқнома!

Ижозат берсангиз, сизга бир ривоятни айтиб берсам.

Бир киши ҳар куни нонвойхонадан роппа-роса бешта кулча сотиб олар экан.

Бир гал нонвой унга бундай дебди:

– *Айтинг-чи, биродар, сиз ҳеч қачон тўртта ёки учта нон олмайсиз, нима учун доим бешта нон сотиб оласиз, бунинг боиси нима?*

– *Ҳар куни иккита нонни мен қарзга бераман. Иккитаси билан қарзимни узаман. Биттаси эса оиламизга, – жавоб берибди у.*

– *Марҳамат қилиб тушунтирсангиз, сиз ҳар куни қимгадир қарзга нон берасизми? Ахир қанча йил қарз бериши мумкин?*

– *Мана бу иккита нон ота-онамга, уларга қарзимни қайтараман. Бу иккита нон – фарзандларимга, уларга қарз бераман. Мана бу битта нонни эса хотиним иккаламиз баҳам кўрамыз.*

Тенгнинг таъриби 3

Тушуняпсизми, азизларим! Табиатда «фақат олиш» деган нарса бўлмайди, бунда ҳамма нарса ўзаро боғлиқликда мавжуд бўлади.

Тасаввур қилинг-ки, бизлар сиз билан – дарёмиз. Бу дарё қаердан бошланган? Тоғлардан. Тўғрими?

Агар тоғларда булут юзага келиб ёмғир ёгмаса, ҳар қандай дарё ҳам қуриб қолади. Табиат қонунлари ҳамма ерда бир хил.

Ҳозир мен сизга бойликка эга бўлиш жараёнини назорат қилувчи илоҳий қонунлардан бири ҳақида гапириб бераман. Мен ушбу қонун ёрдамида миллионерларнинг туғилишига замин яратувчи пойдевор қандай бунёд этилиши ҳақида гапиряпман. Аслида айнан шу усул энг катта фонзни беради. Сен бир жойга тийинни сарфлайсан – у ердан эса минглаб доллар кўринишида қайтади.

Унутманг, энг юқори фонзли, сердаромад банк – бу сизнинг ота-онангиз.

Айрим Европа давлатларида эса ота-онасидан тортиб олиб, фарзандларига сарфлашади. Вақтлар ўтиб, кунларнинг бирида қариялар уйдаги онаси вафот этган қаравотда, энди ўзи ётганига ҳайрон ҳам бўлишади...

Мен атайлаб бўёқларни қуюқлаштиряпман, сиз бу қонунни янада яхшироқ ҳис қилиб олишингиз учун.

Бир одам Яратганнинг жамолига муяссар бўлибди ва кўзида ёш билан унга дебди:

– *О Парвардигорим, мен бир умр имонли ҳаёт кечирдим-ку, нега энди ўлимимдан кейин дўзахга тушдим?*

Яратган унга жавобан:

– *Мен ёрдамга муҳтож хаста аҳволда ётганимда, сен Мени йўқламадинг. Мен очликдан азоб чекиб ётганимда сен Менга бир бурда нонни раво кўрмадинг. Мен ёрдамга муҳтож бўлганимда сен ҳар кунни ёнгинамдан ўтиб кетардинг, ёнимда ўтирардинг, лекин менга қўл узатмадинг, – дебди.*

– Ё, Худойим, ахир ҳаммаси Ўзингнинг қўлингда-ку – бойлик ҳам, куч ҳам. Мен ахир оддий бандангман-ку, Сенинг кулингман. Наҳотки, Сен менга муҳтож бўлсанг?

– Бўлганда қандай! Мен сенинг ота-онангнинг қиёфасида хаста аҳволда ётдим, сен Мени йўқламадинг. Мен сенинг ота-онангнинг қиёфасида муҳтож бўлдим, сенда бир бўлак нон бор эди, сен ўз фарзандларингни йўладинг, Мендан тежадинг. Ота-онангнинг жисмида азоб торганимда Менга ёрдам бермадинг, аксинча, Мендан ёрдам кутдинг. Мана шунинг учун сен дўзахдасан!

Тушуняпсизми, қадрдонларим?



Агар бизлар Тангринииг жамолини инсонлар қиёфасида кўришни истасак, ота-оиамизга боқишимизнинг ўзи кифоя.

Қадрдонларим, эътибор қилинг, шу пайтгача ҳаётингизнинг муайян қисми ўтди-кетди. Ҳаёт шу қадар қисқаки, киприк қоқишга ҳам улгурмасимиздан қолган кунлар ҳам ўтмишга айланади.

Шундан хулоса чиқаринг! Яқинларингизни яхши кўришга шошилинг, уларни қалбингиз тафтидан баҳраманд қилишга, ҳалол топган бир бурда нонингизни улар билан баҳам кўришга шошилинг. Қолган ҳаммаси эса бекор, беҳуда, ўткинчи икир-чикирлардир!

**ИЗЧИЛ ВА ДОИМИЙ ГУРКИРАБ
РИВОЖЛАНИШНИНГ ИЛОҲИЙ
ҚОНУНИЯТИ ЁКИ ЎРТА
АСРЛАРГА САЁҲАТ**

▶ *Меҳр-оқибат ва муҳаббатнинг сеҳрли қонунияти: қанча кўп берсанг, шунча кўпига эга бўласан.*

▶ *Сизнинг иккита қўриқчи фариштангизнинг макони қаерда?*

▶ *Ота-оналарингиз учун ёшлик суви.*

▶ *Энг юқори фоизли сердаромад банк қаерда жойлашган?*

▶ *Мўъжизавий текин даромад.*

Вопрос: ...
Ответ: ...

Менее опытный бухгалтер, например, Менделеев должен ...

Труднее всего ...

...
...
...

Хорошо ...
Тогда ...
Следовательно ...
Итак ...

...
...
...

...
...
...

Б

у воқеа собиқ шўролар даврида бўлган эди, ўшандан буён жуда кўп йиллар ўтиб кетди...

Кунлардан бир кун мени олиб кетиш учун давлат машинасида келишди. Ҳеч қандай изоҳ бериб ўтирмасдан, гўё мен қандайдир машъум жиноят содир этган одамдек, махсус хизмат ходимлари уйимга келиб ўзлари билан бирга боришим кераклигини айтишди.

Кейин билсам, бу одамлар республика комфиркаси биринчи котибининг топшириғига биноан келишган экан. Хуллас, маҳаллий котиб кабинетида ҳозир у нозир бўлдим. У мени қабул қилиб бундай деди:

– Айни дамда менинг хотиним касалхонанинг жонлантириш бўлимида ётибди. Шифокорлар: «Ҳеч қандай умид йўқ, унинг бор-йўғи бир неча соатлик умри қолган», деб айтишди. Улар рафикамнинг яшаб кетишига ҳеч қандай умид қолдиришмади. Сен хафа бўлмагин-у, лекин сен шуғулланадиган ишларга... мен ишонмайман. Шунчаки, қайнонам бир неча кундан бери сени исмингни оғиздан қўймапти. Келгусида қайнонамнинг таъна-маломатларига қолмайин деб сени таклиф қилдим, холос» – деди.

Мени «катта»нинг турмуш ўртоғи ҳузурига, касалхона жонлантириш бўлимига олиб келишди... У ерда эса ўша улкан давлат миқёсидаги олимларнинг бутун бошли консили-

уми, республика соғлиқни сақлаш вазирининг бошчилигида тўпланишган экан.

Келдим. Текширсам, аёл зўрга нафас оляпти, кон тупураётган эди. Вазиятнинг чорасиз эканини кўриб турибман, унинг ўпкасидан кон кетаётган эди. Яхшиямки хуши жойида экан.

«Нима қилиш керак? Шунча ўз ишининг усталари ҳеч нима қила олмаётган бир пайтда, мен нима ҳам қила олардим», деб ўйладим.

Фавқулудда ҳолатларда, бутун дунё сенга умид билан тикилаётгандек бўлиб туюлганида, ҳар доим бўладигандек бирдан ҳаммаси ярк этиб аён бўлди. Ўша пайтлари мен жанг санъати билан шуғулланардим ва эсимга тушди, курак қисмида шундай ҳудуд бор, у ерда шундай нукталар жойлашганки, агар мана шу жойларига зарба берсанг, одам хушидан кетиши ёки нокаутга учраши мумкин, чунки у ерда артерия торайиб, бош айланиб, бўғилиш ҳолати юз беради ва одам хушидан кетади.

– Агар унинг артериясини торайтирсак-чи, – деб ўйлаиб қолдим?! Ўпка томирларининг торайиши юз беради ва кон тўхтади.

Ўша жойда ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси, мен нима қилмоқчи бўлаётганимга диққат билан эътиборини қартиб туришарди. Хонада ўта асабий, бетоқат кутиш ҳолати ҳукмрон эди. Мен ўша қисмни секин уқалай бошладим, натижада сал ўтмай, кон кетиши камая бошлади. Бироздан кейин эса шифокорлар кон кетиши тўлиқ тўхтаганини аниқлашди.

Фурсатдан фойдаланиб, мен дарров бемор билан гаплашишга уриндим:

– Демак гап бундай опажон, ҳозир кон кетиши тўхтади. Агар мен сизни икки кун ичида реанимациядан, ўн кун ичида касалхонадан олиб чиқсам, ўн биринчи куни сиз менга ўз қўлингиз билан палов пишириб берасиз. Келиш-

дикми? Менга сўз беринг! Унинг оғзига шланглар жойлаб кўйилган, ўзи эса базўр нафас олиб ётарди. Лекин шунда ҳам у менга қараб се-к-и-н бошини ирғатиб «келишдик» дегандек тасдиқлаб кўйди.

Эҳтимол, унга бошқа шифокорларнинг давоси ёрдам бергандир, балки у менга ишонгандир, билмадим, лекин ўнинчи куни у шифокорларнинг эътироз билдиришларига ҳам қарамай, ваъда қилган паловни пишириш учун касалхонани тарк этди. Ахир уни ким ҳам тўхтатиб қола оларди?!

Бир неча кундан кейин биринчи котиб мени ҳузурига таклиф қилди ва худди эртақлардаги сеҳргар каби: «Нимани истасанг, буюр!» – деб қолди. Худди эртақдагидек: «Мен сени учта тилагингни бажараман, қария» – деди кулиб.

Шунда мен Республикадаги барча аҳоли ўртасида юз хил йўналиш бўйича статистик тадқиқот ўтказилишига рухсат сўрадим. Битта буйруқ билан ҳукумат машинаси ишга тушди.

Шу тариқа йирик масштабдаги тадқиқотлар ўтказила бошланди. Энди бутун бошли ҳисоблаш марказига эга бўлгандик.

Натижада жуда катта маълумотлар банки жамланди. Бу қанақа тадқиқотлар эди? Қанақа маълумотлар? – дея қизиқётгандирсиз?

Биз анкета туздик ва аҳоли ўртасида ҳар бир оиладаги биринчи, иккинчи, учинчи фарзандлар ўртасида феъл-атворининг ўзига хос томонлари, қизиқишлари, касби, мойилликлари, ижтимоий мавқеи борасида сўровнома ўтказдик.

Мана, масалан, улардан бир жиҳати ҳақида айтаман. Қайси фарзанд оилада етакчи бўлади? Қайси фарзанднинг феъл-атворида бошқаларга нисбатан кўпроқ тадқиқотчилик хислати намоён бўлади? Қайси фарзанд яратишга, ихтиро қилишга, ўйлаб топишга моҳир бўлади? Ва хоказо, ва хоказо...

Ҳар бир фарзанд бу ҳаётга фақат унгаги хос, қандайдир белгилаиған вазифа билан келади ва бу албатта, унинг феъл-атворида баъзи бир кирраларда акс этади. Унинг ҳаётида ва тақдиридаги жуда кўп нарсалар ана шуларга боғлиқ бўлади. Шу нуқтаи назардан фарзандлар орасидаги тафовутларни ўрганиш ҳам биз учун қизиқ эди.

Улардан қай бирида у ёки бу хасталикка, лат ейишларга, рухий жиҳатдан ўзгарувчанликка мойиллик бор...

Ёки айтайлик, муайян бирор ойда қайси касб эгалари кўпроқ туғилади, деган саволлар...

Махсус ишлаб чиқилган компьютер дастури маълумотларни қайта таҳлил қилиб, йўналишлар бўйича умумлаштирди. Компьютерлар дарҳол бу маълумотлар кўрсаткичини эгри чизиқлар ёки диаграмма кўринишида кўрсатиб берди.

Таҳлиллар асносида биз муайян сулоланинг анъанавий касб-корлари ва уларнинг авлодлари ўз иш фаолиятини танлашлари ўртасидаги тўғридан-тўғри боғлиқликни кўрдик. Тушунмадингизми? Унда соддарок қилиб тушунтириб бераман.

Буни қарангки, ҳомиладорлик даврида аёл кишининг вужуди ҳар бир болага ўзининг генетик дастурини узатар экан. Агар боланинг табиатида ўқишга, илм олишга қизиқиш, интилиш туғма бўлса, уни қандай тарбияламанг, нима қилманг, у тоғда улғаядими, саҳрода улғаядими, бундан қатъи назар барибир, у илм даҳоси бўлаверади, тушуняпсизми?

Лекин агар унинг аждодлари тошйўнар ўтишган бўлса, у жуда нари борса ғишт заводининг директори бўлиши мумкин, лекин ҳеч қачон олим бўлишни хоҳламайди, бу шундай қонуният.

Табиат томонидан шундай ўзига хос тартиб ўрнатилган – биринчи фарзанд ота-онаси учун ёрдамчи бўлиб туғилади, чунки унинг ҳали яна укалари туғилади. Биринчи

Тентакнинг тажрибаси 3

фарзаиднинг вазифаси – кичкии укалари учун жавобгар бўлиш, яъни унда укаларига ғамхўрлик қилишга табиатан туғма истеъдод бор. Эҳтимол, айнан шунинг учун ҳам ўзини-ўзи ҳимоя қилиш фазилати биринчи фарзандларда анча заифроқ бўлар.

Тўнғич фарзанднинг оиладаги кенжа фарзандларга нисбатан фаркли, ўзига хос ожиз томонлари бор – шикастланиш хавфининг юқорилиги, ўзининг соғлигига нисбатан масъулиятсизлик, шахсий ҳаётига нисбатан юзаки муносабатда бўлиш. Биринчи фарзандлар одатда энг таваккалчи бўлишади. Масалан, улар мотоциклни кўрқув нималигини билмай, учириб ҳайдашлари мумкин! Улар табиатан экстремаллар!

Нима учун?.. Чунки биринчи фарзандга шундай генетик дастур жойланган бўлиб, унга кўра у укачалари ва сингилчалари учун ўзини аяб ўтирмасдан, бир сония ҳам иккиланмасдан, ҳар қандай хавф-хатарга қарши ташланади. Бу ундаги мажбурий дастур ҳукми... тушуняпсизми?

Шунингдек, биринчи фарзандлар кўпинча бемаъни ўртак кўрсатишга мойил бўлишади, изма-из етишиб келаётган кенжалар бу йўлни танлаш борасида чуқурроқ ўйлаб кўришлари учун. Ахир кимдир қандай бўлмаслиги кераклигини ҳам кўрсатиши шарт-да!

Масалан, кўпчилик ичкиликка ружу қўйганлар, гиёҳвандлар биринчи фарзандларга тўғри келади. Ушбу ҳолат кенг кузатиладиган оилаларда биринчиси – пиёниста, иккинчиси – унинг ўринбосари бўлади. Ичкиликка ружу қўйиш хусусияти баъзан кўчиб туриши ҳам мумкин. Агар оилада битта одам ичишни ташласа – бошқаси бошлайди.

Агар эркакларнинг ҳаммаси ичишни ташласа – у ҳолда албатта бу вазифа аёл кишилардан бирига ўтади! Қизик ҳолат! Истиснолар бор – лекин истисно – бу қоида эмас.

Биринчи фарзанднинг бўйи ўнтадан тўққизта ҳолатда иккинчи фарзанддан пастроқ бўлади, гўё табиат уларда

бўйни тежашга қарор қилгандек. Иккинчи ва учинчи фарзандлар биринчидан албатта баландроқ бўладилар. Сизнинг ҳаётингизда ҳам шундай мисоллар борми? Эслатиб ўтмоқчиман, гап бу ерда ҳозир бир жинсли фарзандлар ҳақида боряпти.

Бу ҳолат шу билан изоҳланадики, биринчи фарзандга хомиладорлик даврида, аёл кишининг вужуди қайта ўзгариш туфайли кучли шок ҳолатини бошидан кечиради. Натижада боланинг вужуди онасидан ўзига зарур ҳамма нарсани етарлича ололмайди. Оқибатда у жисмонан кейинги болаларга нисбатан ожизроқ бўлади.

Биринчи фарзандларнинг ақлий қобилияти ёмон эмас. Улар кўпинча кенг кўламдаги энциклопедик билимга эга бўлишади, лекин билимлари чуқур бўлмайди. Уларда ҳақиқий билимга интилиш яққол кўринмайди, улар одатда тор доирадаги мутахассисликларни танлашади. Тўнғичлардан кўпинча канани ҳам тақалай оладиган «қўли гул» «чапақай» усталар етишиб чиқади. Ва улар шу тарика доимий равишда «канани тақалаш» билан шуғулланишади... лекин кўпинча беҳудага.

Аксарият тўнғичлар «кўнгил эшиги очиқ» одамлар бўлишади. Улар одатда тежамкор бўлишмайди, исрофчи бўлишади! Бунақалар ҳақида «сахий қалб эгаси» деган ибора бор.

Иккинчи фарзандларда эса етакчилик хусусияти жуда кучсиз бўлади. Улар кўпинча тўнғич акасининг елкасида ёки учинчининг елкасида ўтиришади – ўлдирмайди ҳам, кулдирмайди ҳам. Лекин иккинчи фарзанд – бу оилавий психолог, у оиладаги соғлом руҳий муҳитни сақлаб туриш учун жавобгар. У бўлғуси ўринбосар. Оиладаги иккинчи фарзандлар шундай бўлишадикки, одамлар улар билан ўзларининг қийинчиликлари, ғам-ташвишларини, хавотирларини ишониб ўртоқлашадилар. Улар ўзига хос «тез ёрдам» ва ажойиб ҳамшира ёки энага вазифасини адо этадилар.

Тенгачининг тажрибаси 3

Иккинчи фарзанд – бу оиланинг виждони ва қалби. У жуда нозиктаъб ва тез хафа бўлиб қолади. Ўта таъсирчанлиги сабаб у оиланинг барча аъзолари қилиқларини ўзига босма қоғоз сингари шимиб олади. Лекин у ҳаётини воқеликдан бироз узилган одам.

Марҳамат қилиб айтинг-чи, азизларим, сиз ҳам ўз шахсий кузатишларингизга эгамисиз – сизнингча иқтисодий эстафета, яъни сулоланинг фаровонлик эстафетаси фарзандларда қайси бирига ўтади, деб ўйлайсиз?

Учинчи фарзанд одатда табиатан етакчи бўлади. Жуда тез орада у руҳий жиҳатдан ўзининг акалари ва опаларидан илгарилаб кетади. Кўп ҳолларда айнан у оиланинг иқтисодий таянчи бўлиб хизмат қилади. У ҳаммадан кўпроқ илм ўрганишга мойил, саёҳат қилишни яхши кўради. Учинчилар доим дунё кезиб юрувчи тадқиқотчилардир.

Нима учун барча халқларда шундай эртақ бор: Чол билан кампирнинг учта ўғли бор эди. Нима учундир бошқача дунёқарашли учинчи ўғил оддий одамларнинг кўзи билан қараганда, овсардек туюлади. Охирида эса у ҳаётда энг муваффақиятли одам бўлиб чиқади.

Эртақларда одатда учинчи фарзанд, яъни кенжа ботир ҳамма нарсага эришади! Бунинг сабаби нимада? Сабаби айнан шуидаки, ота-онага уни тарбиялашда иккита катта акалари ҳам ёрдам беришади. Катта болалар унга уй ишлари билан боғлиқ юмушларни юклаб қўйишар экан, улар кичкинани ота-онадан ҳам кўпроқ нималаргадир ўргатишади, бу вазифаларни дўппослаш билан мустаҳкамлашади ва бу ота-оналарнинг панд-насихатларидан кўра кўпроқ ва самаралироқ таъсир кучига эга.

Сизнинг эътиборингиз учун бир нарсани таъкидлайман: барча оилаларда катта фарзандлар бир хил хусусиятга эга, фарзандлар орасида айнан уларда ота-онага нисбатан илик муносабат камроқ кузатилади.

Энг тўнғич фарзанд ва кенжа фарзанд одатда ота-онасига нисбатан анча совуққон бўлишади. Нима учун шундай? Мен бунинг сабабини аниқ айта олмайман.



Аслида, юқорида санаб ўтилган сифатларинг бирортаси ҳам на яхши, на ёмон эмас!

Аёл ҳар бир боласига ўзининг микродастурини узатади. Мана шу уч фарзанд эса учта тозаланган сифатларни ифодалаб, бутун сулолани давом эттириш учун жуда муҳим бўлган яхлит бутунликни ҳосил қилишади.

Демак, биринчи фарзанд – бу техник назорат бўлими, тузатувчи, кичкина ука ва сингилларини такомиллаштирувчидир.

Ота-оналар асосий маҳсулот ука ёки сингилни яратишади, биринчи фарзанд эса ота-онасидан яширинча, ўзининг кичкина қариндошчасининг кам-кўстларини бартараф этиш устида ишлайди.

Энди болалар иккита бўлишганидан кейин, «битта калла яхши, иккита калла ундан яхши» тамойили ишлай бошлайди – катталари икковлашиб учинчининг ақлини пешлайдилар.

Қадрдонларим, биз бу ерда сизлар билан жараёнлар муштараклигини кўряпмиз, биринчиси – генетик дастур, иккинчиси эса – ижтимоий дастур. Давомига болаларнинг туғилиш цикли бўйича бу қонуният яна такрорланади.

Мен статистика ҳақида гапиряпман – бундай ҳолатлар частотаси 70 % дан юқорилиги қайд этилган. Мен нимага шама қилаётганимни тушуняпсизми?



Оилада камида учта фарзанд бўлиши керак!

Учта! Лекин имкони бўлса бундан ҳам кўпроқ бўлгани маъкул! Русларда ҳатто шундай мақол ҳам бор: битта бола – бола эмас, иккита бола – чала бола, учта бола – росмана бола.

Оилангизда учта ёки ундан кўпроқ болангиз бўлса, улар ҳар доим бир-бирларига ёрдам беришади, ўзаро келишган ҳолда ҳар қандай муаммони ҳал қила олишади, энг муҳими, сизни ҳам қариган чоғингизда ташлаб қўйишмайди.

Эътиборингиз учун кадрдонларим, оилада ёлғиз фарзанд бўлганлар кўпроқ худбин бўлиб улғайишади. Сабаби, дунёга келган кундан бошлаб бутун дунё унинг атрофида парвона: бобоси-ю, бувижониси, ота-онаси гирдикапалак бўлиб айланиб ўргилишган, улар эса ўзининг тахти равонида ўтирганча афти-башарасини қийшайтириб: «Буни хоҳламайман, буни хоҳлайман, тез муҳайё қилинг!» – дейишни билишади, холос.

Биз биттадан кўп фарзандли оилалар ўртасида тадқиқотлар ўтказдик, улар бир овсздан, иккита болани тарбиялаш битта болани тарбиялашдан кўра анча осонроқ, учта, тўртта фарзандни тарбиялаш янада ҳам енгилроқ эканлигини тасдиқлашган. Бунинг устига фарзанд туғилиши аёл вужудига муҳим ёшартирувчи омил сифатида хизмат қилар экан.

Кадрдонларим, айтинг-чи, ота-она фарзандларидан қайси бирига кўпроқ меҳр кўрсатади, нима деб ўйлайсиз? Аслида ота-оналар фарзандлардан бирини яхши кўриб, бошқасини яхши кўрмаслиги мумкин эмас... Шундай эмасми?

Бундайлар бўлса ҳам улар одамзод ғорда яшаган даврлардаёқ айиқлар ошқозонида ҳазм бўлиб кетишган.

Барча ота-она ҳам ҳар бир боласини кўзининг оқу-қорасидек яхши кўради, фикримга кўшиласизми?

Энди рухсатингиз билан мен ўзимнинг шахсий хатоларим ҳақида айтиб бераман. Бу ўтган асрнинг 80-йилларининг бошида бўлган эди, мен эндигина одамлар билан ишлай бошлаган пайтларим. Бир бемор аёл даволанарди, халиги «қахрамон она»лардан. Ҳозир аниқ эсимда йўқ, унинг янглишмасам ўн олти ёки ўн саккизта фарзанди бўлиб, фарзандларидан бири нобуд бўлганди.

Аёл рухий тушкунликнинг жуда оғир кўриниши билан келган ва бу ҳолатдан ҳеч чиқа олмаётганди.

Бир куни ундан сўрадим:

– Бу воқеа қачон юз берган эди?

– Бир неча йил ўтди.

Дарвоқе, яна бир нарсани эслатаман:

Мен у пайтлари ҳали ёш эдим, уйланмаган, бўйдоқ пайтларим. Ўзимни психологман деб ҳисоблардим, ўзимга анчагина бино қўйган эдим... Шу сабаб кўп ўйлаб ўтирмай, шартта гапирибман:

– Буни қаранг, одам деган ҳам ўзини шунчалик адо қиладими? Битта бола деб ўзингизни адо қиляпсиз, ахир сизнинг яна 15 болангиз бор-ку! Бошқалари ҳақида ўйла-сангиз-чи!

Шунда халиги муштипар онаизор менга шун-д-а-й тикилдики, кейин, жаҳл ва алам билан:

– Сен мишиқи ниманиям тушунардинг?!.. – деди.

Кейин шартта турди-да, кетиб қолди. Мен унинг ортидан бориб кечирим сўрадим, лекин барибир, вайрон бўлган кўнглини бутлай олмадим.

Энди эса ўша пайтлари қандай аҳмоқлик қилиб қўйганимни тушуниб турибман!

Бир бола ҳеч қачон бошқа боланинг ўрнини боса олмайди! Она юрагида ҳосил бўлган бу бўшлиқ умрининг охиригача тўлмайди...

Энди сизнинг камтарин қулингиз ўзини худди сувдаги балиқ сингари хис қиладиган ҳудуд ҳақида эшитинг.

Диққат, ҳурматли эркаклар, кимки 35 ёшдан ошган бўлса! Энг яхши, «юкори сифатли» фарзандларни эркак киши 35 ёшидан кейин яратади.



50–60 ёшга келиб эркак киши энг яхши наслни беради.

Нима учун дейсизми? Бунга генетика сабабдир!

Эркак манийси тадқиқ қилинар экан, бир лаҳза ичида ойигача аниқликда у неча ёшдаги кишига дахлдор, айтиб бериш мумкин. Буи истаган ҳамшира жуда осонлик билан уддалайди, бу жуда оддий амалга оширилади.

Маний ёшга эга. Хромосома ўзининг феъл-атвориға эга.

Сизнинг фарзандингиз туғилган пайтда ҳажм жиҳатидан сиздан кичкина, лекин ёш жиҳатидан сизнинг тенгдошингиз. Сиздан бир кун ҳам кичкина эмас!

Ҳурматли эркаклар, ёдингизда тутинг – сизнинг фарзандингиз, сизнинг тенгдошингиз. У сизни фикрларингизни, маълумотингизни ўзига олмайди, лекин барча одатларингиз, реакциянгиз, баъзи бир вазиятларда баъзи бир одамларга нисбатан бўладиган муносабатингизни, сизнинг бугунги кун тажрибангиз кўринишида ўзига бошланғич намуна сифатида қабул қилиб олади. Теварак-оламдан қандай таъсирлансангиз унга шундоққина ўтади, тушунапсизми?

Сизнинг фарзандингиз, айникса, қирқ ёшдан кейинги фарзандлар ҳар доим ўз тенгқурлари орасида ота-оналари


20–25 ёшида туғилган дўстлари билан таққослаганда са-лоҳияти жиҳатидан улардан жуда юқори туришади. Сиз бу жиҳатларни ҳам эътиборга олиб қўйинг. Бўйида бўлиш арафасида сизда ва онасида нимага қизиқиш бўлса, у ҳам болага ўтади. Шу сабабли ҳам мен доим ҳар бир бола режа-лаштирилган бўлиши керак, деб айтаман.

Ҳомиладорлик даври ҳурматли хонимлар, бу сиз учун катта синов. Ҳар қайси аёл ҳомиладорлик пайти ўзига хос тарзда ақлдан озади. Аёллардан баъзилари токсикоз пайтида йиғлоқи, инжиқ, ёвуз... бўлиб қолади... Бу эса жуда хавфли!

Бола ўзининг шаклланиш жараёнида сиздаги 50 % хулқингизни ўзига ўзлаштиради. Ўзингизни қандай ту-тасиз, ўзингизни қандай ҳис қиласиз, ҳиссиётларингизни қандай созлайсиз – бу бола бутун ҳаётининг пойдевори. Ва бу одамча келгусида эски вайрона кулбадек бўладими ёки кўп каватли иншоотдекми – ҳаммаси сизга боғлиқ.

Биз ўз вақтида шундай тажриба ўтказгандик – унга фақат кўнгиллиларни олганмиз, яъни ҳомиладорлик аниқ бўлган даврдан то туғилгунга қадар.

Ҳурматли дадалар ва оналар, агар сиз фарзандингиз кан-дай бўлиб туғилиши керак эканини тушунсангиз – бўлғуси фарзандингиз ўзини муайян тарзда тутишини истасангиз, аввало ўзингиз жон-жаҳдингиз билан ўзингизни худди шундай тутишингиз керак. Чунки



Боланинг феъл-атвори она қорнидалигида сизнинг ҳомиладорлик пайтидаги хулқингиз, ҳатти-ҳаракатингиз бўйича шаклланади.

Биз атайлаб бўлғуси оналар учун турли хил мусиқалар-ни эшиттирдик. Уларни бор-йўғи бир неча мартаба қўй-

Тентакнинг тажрибаси 3

гандик. Турли хил расмларни кўрсатганмиз. Бирор-бир расм ҳақида бўлғуси оналарнинг фақат баъзиларига жуда мароқ билан гапириб бергандик. Улар бизни тинглашди, қулок солишди. Бизнинг вазифамиз эса – оналарнинг мусиқага, расмларга бўлган ижобий ҳиссиётларини таҳлил қилиб бориш эди.

Шундан кейин фарзандлар туғилгач, орадан икки йил ўтиб, уларни йиғиб, жажжи кичкинтойларга турли хил расмларни кўрсата бошладик. Турли хил тасвирлари бўлган расмлар тўпламини туздик, уларнинг орасида эса оналари уларга ҳомиладор пайти кўрсатилган расмлар ҳам бор эди ва 100 % болалар айнан мана шу расмларни саралаб, ажратиб олишди!

Бу расмларни ота-онасига кўрсатганимизда, бу болалар ҳали оналарининг қорнида эди. Кимдир бир ойлик ҳомиладор, кимдир икки ойлик...

Мусиқа билан ҳам натижалар худди шундай. Бизда назоратдаги гуруҳ ҳам бор эди – бизнинг назоратимиздаги болалар эмас, қўшимча таклиф этилган болалар. Улар нима дуч келса, шуни танлаб олишди. Бизникилар эса уларнинг оналари қайси мусиқани тинглашган бўлса, шуни танлашди.

Бу ижобий мисоллар ҳақида гапиряпмиз. Оналардаги салбий тажрибалар билан ҳам ҳомиладорлик пайтида айнан шу ҳолат кузатилади. Агар сиз ўзаро ёки ким биландир жанжаллашсангиз, буларнинг ҳаммасини бола ҳис қилади, эслаб қолади, хатти-ҳаракат учун услуб сифатида сиздан нусха олади. Демак, қизингиз ёки ўғлингизнинг феъл-атвори қандай бўлиши борасидаги қарорни ўзингиз қабул қиласиз.

Инсоннинг феъл-атвори шаклланишида у туғилган йил фасллари ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Баҳорда туғилганлар кузда туғилганлардан кескин фарқ қилади. Ким қишда туғилса – улар ёздагилардан кескин ўзгача бўладилар.

Айтайлик, сиз бирор фаслни танладингиз.


Бунга ўз вужудингизни тайёрлашингиз керак. Хонимлар, бу сизга тегишли. Эркаклар эса сизга ҳар томонлама ёрдам беришлари лозим – озиқ-овқат, шароит борасида ғамхўрлик – уларнинг муқаддас бурчи!

Тушунарлими, эркаклар! Сиз хотинингизни барча ннжиқликлари ва қилиқларига кўнишингиз шарт!



Агар фарзандингизни келажакка ишонадиган инсон бўлишини хоҳласангиз – жон-жаҳдингиз билан ўзингиз шундай бўлишингизга тўғри келади!

Кимнинг ёши ўтиб қолгани сабаб туғиш нияти бўлмаса, невараларингиз ҳақида қайғуришингиз мумкин, фарзандларингиз билан суҳбатлашинг, улар ҳаётининг эиг муҳим қисмини ўз ҳолига ташлаб қўймаиғ.



Ёдингизда бўлсин! Бола тарбияси, хомиладорликка тайёргарлик кўришдан бошланади.

Ҳурматли ота-оналар, суҳбатимизни давом эттириш учун ижозат берасизми? Сиз билан бола тарбиясининг у туғилгандан то олти ёшгача бўлган даврини кўриб чиқмоқчиман.

Қисмларга ажратиб ўрганиш учун шахсан ўзимнинг камтарин жуссамни таклиф қиламан.

Болаликда мактабдаги лақабим «Академик» эди. Нима учун академик дейсизми, чунки «Ёш техниклар» тўғарагида доим нимадир ўйлаб топардим, ҳатто дўстларим билан бир гал ракета ҳам ясаганмиз.

Биринчи ясаган ракетамнинг ўзиёқ жуда зўр парвоз қилган, фақат у мен хоҳлаган томонга эмас, бошқа тарафга қараб учган. Ракетам ўшанда тахминан 500 метрлар чамаси учиб борди ва мактаб «завучи»нинг омборхонасига, томда йиғиб қўйилган сомон уюмига тушган. Ўшанжа унинг ҳамма сомони ёниб кетган. Айнан мана шу «завуч» аёл, унинг исми-шарифи Зинаида Забоевна эди, дарслар жараёнида доим менинг бошимга беҳосдан тушириб коларди. Кейин мен бир модда устида тажриба ўтказишга қарор қилдим... ўша пайтлари уйимизда бу моддадан нақд бир бочкаси бор эди. Тажрибани қаерда ўтказиш мумкинлигини ҳам ўйлаб топдим. Албатта, якшанба куни ва албатта, мактабда. Бу модданинг нима эканини атайлаб айтмаяпман, чунки тажриба жуда хавфли бўлиб чиқди.

Нима учун айнан мактаб ҳовлиси яни танладик? Ҳаммаси оддий, якшанба куни мактаб ишламайди, демак, ҳеч ким менга халакит ҳам бера олмайди. Ахир ўқитувчилар дам олиш куни ишга чиқмайди-ку!

Мактабнинг ҳудуди, яъни бутун бошли кварталчалик майдони, узундан-узун қилиб бетон девор билан ўраб олинганди. Биз эса шу яқин атрофда яшардик...

Синов муваффақиятли ўтди! Мактабнинг умумий ҳожатхонасининг ўрнида 15 метрли диаметрда ўпқон ҳосил бўлди ва охириги 20-30 йил ичида ҳожатхонада астойдил йиғилган бойликларнинг бари беш юз метр радиусда юпқагина бўлиб сочилиб бетакрор ҳид тарата кетди.

Ундан кейин «Уруш ва Тинчлик» киноэпопеясини томоша қилиб юриб, биз ҳам замбарак яшашга қарор қилдик. Порох топдик, бир уюм эски автомобилларнинг аккумуляторларини ковлаб очиб ташладик, қўрғошин эритиб, бомба ядросини куйдик. Бурғулаш асбобларидан қолган қалин трубани чиқариб олдик, велосипеднинг ғилдиракларини ўрнатдик. Бир ойча биз бу замбаракни тайёрлаш билан банд бўлдик. Далага олиб бордик. Ўшанда ўзимизнинг ишимиз-

дан шунақаям мағрурланиб, фахрланиб кетгандик-ки! Гүё-ки, хаёлимизда Кутузов ёки Суворовлармиз!

Энди анча ақллирок бўлиб қолган эдик. Тажриба учун қишлоқ йўлидан унча узоқ бўлмаган жойни танладик. Бу ерларга биздан бошқа ҳеч кимнинг оёғи тегмасди. Агар хўжалик трактори уч кунда бир ўтиб қолмаса, албатта.

Ниҳоят замбарагимизни ўқладик. Нишон сифатида йўлда савлат тўкиб турган дарахтин танладик. Ўзим шахсан ясаган ўт олдирувчи узун арқон пилтани ёқдик ва олдиндан тайёрлаган жангавор окопимизга шўнғидик. Замбарак отилишини кута бошладик.

Шу пайт... «Худо урди» дейишади-ку!.. Узоқдан хўжалик директорининг машинаси пайдо бўлди. Машина яқинроқ келиб қолганида, бизнинг замбарагимиз «банғиллаб» отиб қолди, замбаракнинг ўқи «Уазик» машинасининг олд ғилдирагига келиб тегди. Тутун таркаганидаи кейин қарасак, «Уазик» – чала сўйилган улоқчадек оёғи осмондан бўлиб ётибди, хўжалик директори билан унинг шофери эса жаҳон рекордини ортда қолдириб бир-биридаи ўзганча, шаталок отиб қочиб боришарди.

Ҳеч ким ҳеч нарсадан хабар топмаслиги учун, биз болалар бир-биримизни сотиб қўймасликка келишдик, «чин эржаклик» сўзини бериб тарқалишдик. Лекин уйга қайтганимизда бизларни аллақачон милиция кутиб турганди. Болалар колониясига менинг ёшим бироз етмади, лекин мактабдан ҳайдаб юборишди.

Бу менинг мактабдаги охириги тажрибам бўлди. Лекин мактабдан ҳайдалишимнинг биринчиси ва охиригиси бўлди. Ҳалигача сақлаб қўйган 8 йиллик аттестатимда бор-йўғи иккита «тўрт» баҳо, қолган ҳаммаси «беш». Лекин «хулқи» деб ёзилган жойда «қониқарли», яъни «уч» қўйилган. Бундай хулқ билан болани ўша пайтлари ҳатто касб-ҳунар билим юртига олишмасди. Энг алам қиладигани, шундан кейин қаерда бемаъни иш содир бўлса, су-

Тенгакнинг тажрибаси 3

риштириб ҳам ўтирмасдаи, дарров мендан гумон қилиб, кидириб қолишарди.

Айтгандай, мактабимиздаги 25 йиллик учрашувга мен ҳам бордим, ҳаммадаи олдин мактабга келиб, ўзимиз ўқиган синфга кирдим-да, «Момент» супер елимини стулларга суриб чиқдим. Ацетон ҳиди тарқалиши учун хонани шамоллатдим. Бу пайтга келиб, мен аллақачон профессор илмий даражасига эришган эдим.

Тажрибам билан ўртоқлашим мумкин. «Момент» елимини оласиз. Ўриндикнинг ўтирадиган жойига сурасиз. Икки-уч дақиқадан кейин елим ёпишмайдиган бўлади. Лекин ярим соат унинг устида ўтиргайдан кейин, куймичнинг иссиғидан елим ёпишқоқ бўлиб қолиб, ундан ажралиб бўлмай қолади.

Ҳамма ўз ўрнида ўтирибди. Аллақачои нафақада бўлган бизнинг синф раҳбаримиз, ҳар бир ўқувчисини эслаб, у ҳақда гапира бошлади. Мен ҳақимда тўхталар экан, синфдаги «энг безори, тўполончи» бола бўлганимни, мени дастимдан тинчлик бўлмаганини айтди. Ҳамма менинг бетамиз қилиқларимни эслаб кетди. Мен эса «Болалар, мен энди ақлли бўлиб қолдим!» – дедим. Кейин эса «Келинлар, мактабни бир айланиб чиқамиз» – деб таклиф киритдим. Ҳамма ўрнидаи кўзғалди. Лекин ҳеч ким ўринларидан тура олмасди, чунки улар аллақачон ўтирган жойида елимланиб қолишган эди! Яна устознинг ўша болаликдаги жаҳл аралаш хайқириғи янгради: «Норбеков!» Мен эса ҳар доимгидек: «Бу мен эмас!» – дедим.

Сал кейин уларнинг кийимларини йиртмасдан, қандай қилиб елимдан ажратиш мумкиилигига ўргатдим. Бу менинг ҳазилим эди. Сиздан илтимос, буни такрорламанг! Бу сизлар учун йўриқнома эмас, шунчаки қизиқ воқеа, холос.


Ота-онам менинг қилиқларимдан, «хунарларим»дан жуда куюнишарди, бу нарсалар уларга қаттиқ таъсир қиларди. Уларни бирдан-бир қувонтирадиган нарса – бу менинг

вилоят, республика олимпиадаларида қатнашиб, кўпинча физика, математика фанларидан биринчи ўринни эгаллашим эди. Қолган бошқа барча нарсаларда меи «куйдирги»-нинг ўзи эдим. Менинг дастимдан атрофдагиларга ҳаловат йўқ эди. Айтиш мумкинки, мен шу яқин атрофдаги эиг ёмон ўсмир эдим...

Нима учун?.. Чунки мени шундай тарбиялашган. Менинг бобом менга нисбатан қандайдир босим ўтказишларини тақиқлаб қўйган, чунки бизнинг онлаимзда баъзи бир илмлар эстафета тарзида авлоддан-авлодга узатиб борилади. Бола муайян илмларни эгаллаши ва келажакка узатиши учун у белгиланган усул бўйича тарбияланиши керак, яъни хар қандай тақиқлар унга нисбатан тақиқланган.

Ҳозир камтарин кулингиз ҳам ўғилларидан бирини шу усулда тарбияламоқда. Бу жуда машаққатли, лекин чидаяпмиз...

Нима учун?.. Чунки бола эркин фикрлаши ва эркин ҳаракат қилиши учун унинг олдида чекловлар ва тақиқлар бўлмаслиги керак.



Олти ёшигача бола имкон борича кўпроқ эркинликка эга бўлиши, теварак-атрофини теран англаши ва ривожланиши учун унга ҳеч қандай чекловлар бўлмаслиги шарт.

Бобом мени керакли муҳлатда Устозлар билан учрашиш учун ва бизнинг мактабимиз давомчиси бўлишим учун тайёрлаган.

Отамнинг бир ўғай акаси бор эди. У мана шундай эстафета тарзида узатиладиган кўҳна илмларнинг сақловчиси эди. Билмаган, танимаган одамлар уни савдойирок деб хи-

Тенгачининг тажрибаси 3

соблашар, ҳатто устидан кулишарди. Аслида эса ниҳоятда қудратли илмларнинг сақловчиси эди. Дарвешифат ўша амаким ажойиб инсон эди.

Мен 15 ёшга тўлганимда улар келиб мени махсус мактабга олиб кетди. Бу мактаб биз ўрганиб қолган таълим муассасаси эмас эди, бу бутунлай бошқача мактаб бўлиб, бунда бизни тиббиётга, фалсафага, турли хил илмларга ўргатишарди. Лекин оддий мактаблардан фарқли ўлароқ биздаги ҳис қила билиш қобилиятимизни ҳам турли усуллар билан ривожлантиришарди.

Ўйламоқ – бу албатта яхши иш, лекин ҳис қила билиш – ундан анча яхшироқ. Биз ўйлаганимизда ўтмиш тажрибасига таянамиз, ҳис қилганимизда эса барча билимларни келажакдан оламиз. Ҳам ўйлаб, ҳам ҳис қилганимизда эса биз келажак ва ўтмиш билан бир хил боғланишда бўламиз. Яъни биз олдиндаги уфқни ҳам кўрамиз ва босиб ўтилган йўлни ҳам ёдда тутиб турамиз.

Оддий одамга таъриф берилса, у шундай одамки, айна сониягача босиб ўтган ҳар бир қадамни ёдда сақлайди, келажакда ўзи билан нима юз беришини эса фақат тахмин қилади, холос. Бу – сўқир одамларнинг йўли.

Бизнинг мактабда таълим олиш муддати 40 йил! Албатта, ҳамма ҳам бунга бардош бера олмайди. Бизлар ҳам 51 ўқувчидан охирига келиб бор-йўғи 19 киши қолдик. Кимдир машаққатларга чидай олмади, кимдир бойиб кетди, айтайлик, «ерга қўнди», кимдир ўз устида ишлашдан тўхтади, кимдир бу ишдан зерикди.

Нима учун?.. Чунки бу илмлар бойиб кетишни хоҳлаган кишига улкан моддий фаровонлик, ҳукмронликни истаганга улкан мавқе беради ва бу ўта улкан имкониятлардир... Йўлдан тўхтаб, бу дунё ҳою-ҳаваслари, нафс балоси, васвасаси олдида ҳамма ҳам дош бера олмайди...

Бизнинг асл йўлимиз булардан йироқ бўлмоғи керак. У инсонни ўзининг ички дунёсига олиб боради, яъни ўз ички

дунёсидаги Тангрини излаш, ўзидаги кучни, ўзидаги бахтни излаш ва топиш... Лекин...



Кўлинг меҳнатда, қалбинг Худо билан бўлсин!

Бир пайтнинг ўзида икки йўналишда ҳам тер тўкиш керак бўлади. Чунки Парвардигор ўз бандаларига: «Меҳнат қил, мева бер ва кўпайгин», деб буюрган.

Модомики, ушбу хос мактаб ҳақида гап очилдими, яна бироз давом эттирамыз. Бизнинг бу мактаб ҳар 40–50 йилда муайян ўзгаришлар ва ислохотни бошидан кечиради. Бу ислохотлар замонга мос бўлиши керак. Мавжуд дунёни тўғри идрок қилиш фазилатларини ривожлантириш, шогирдларга яхши натижаларни эгаллашларида ёрдам бериш. Бир неча минг йиллар давомида мазкур мактабда шундай илмлар тўпланганки...

Мактабимиз битирувчилари, ночорларга садақа тарқатиш тарзидаги хайрия билан шуғуullanмайди. Биз илмларни ва малакаларимизни шогирдларга ўзига хос занжирли узвийликда узатамыз. Мингта одамни текинга боққандан кўра, минглаб одамни кийдириб, едира оладиган битта тадбирли одамга сабоқ берган афзал. Чунки текинхўрлар барибир қорни тўйгач, ақллироқ бўлиб қолишмайди... овқатни еб хазм қилгач, яна ўз аҳволига қайтаверадилар.

Муаллим, устоз учун энг катта бахт, энг катта мукофот – бу унинг шогирди ўздан кўра кучлироқ, ақллироқ бўлиб етишгани.

Демак, азизлар, эсингизда тутинг!



Менинг вазифам ва менинг фахрим – бу сизнинг ғалабаларингиз!

Тенгизнинг тажрибаси 3

Шу билан бирга шогирдларнинг йўлдан адашиб, сароб ортидан тушиб, эгаллаган илмларини ўзи ва атрофдагиларнинг зарарига қўллай бошласа – бундан ортиқ фалокат йўқдир. Ана шундай шогирдларни кўрганда: «Кўзим чиқсин сени кўргунча бундоқ!» – деган ўйга бориб коласан киши.

Яна бир неча дақиқага тоғларга қайтамыз... Мактабнинг машқ майдонлари денгиз сатҳидан 2000 метрдан 5000 метргача баландликда жойлашган. У ерда мактабимиз Устозлари ишлайди ва яшайди.

Уларнинг аксарияти ўзлари яшаб машқ қиладиган жойларидан бир неча йиллаб ташқарига чиқишмайди. Масалан, устозларимдан бири 24 йил зоҳидликда умр кечирган.

Устозлар орасида турли дин вакиллари бор. Ахир турли асрларда, турли хукмдорлар даврида, турли диний оқимлар орасида бу минг йиллик илмлар, малакалар, ўзликни англаш ва ўзликнинг сифатлари, ўзига хос кирраларини ривожлантирувчи асбоблар сақланиб қолиши ва узатилиши керак бўлган-да.



Яратган томон йўл инсонларнинг юраги, уларнинг Руҳияти орқали ўтган. Парвардигор аслида хочда ҳам эмас, ярим ой шаклида ҳам эмас, у инсонларнинг юрагида жойлашган.

Агар мендаги эътикод, имон ҳақиқий бўлса, оддийгина таёқ олиб, уни ерга қоқаман-да... шу таёқ – меҳроб орқали Яратганга мурожаат қиламан: «Раббим!..» Ва шубҳасиз, Яратган мени эшитади.

Демак, Худо, менинг ўз қалбимда, шу сабаб мен масжидга келар эканман, ўз ичимга, қалбимга кириб бораман.

Агар мен ибодат жойига келиб у ерни кўзларим оркали кўрсам, атрофдаги ҳамма нарсага ақл кўзи билан қарасам у ердан фақат гуноҳ ва шубҳаларни олиб кетаман.... Чунки у холда ҳеч қандай илоҳийликни кўрмайман, фақат гиштларни ва безакларни кўздан кечираман холос...

Агар у ерга юрагим оркали кирсам, эшикни очганимда у ерда Яратганни ва унинг вакилларини кўраман. Натижада менинг барча илтижоларим Яратганга етиб боради ва мен сўраганимга эришаман.

Бизнинг мактабимизнинг асосий йўналиши – бу ўзининг ички дунёсига ўзининг ички дунёсидаги Худога йўл топишдан иборатдир...

Мен қарийб 20 йилдан буён ўз Устозларим олдига бир хил савол билан келаман:

– Қачон менга ҳам сизларнинг ёнингизда қолишимга рухсат берасиз? Нима учун доим мени ортимга қайтариб юборасиз? Мен УЙГА қайтишни хоҳлайман! Жуда хоҳлайман. Тушунсангиз-чи, мен ҳам машк қилишим керак, мен бу тоғларда қолиб, ўз ички имкониятларим устида чуқурроқ шугулланишим керак... ўз имкониятларимни очиш учун, кўплаб саволларга жавоб топиш учун, қайтаринглар мени, сизда ахир ҳамма жавоблар бор, нега мени бу ерда колдирмайсиз? Нима учун фалончига рухсат берилди, менга эса рухсат бермаяпсиз? Нима учун фалончини бундай имконият билан сийладинглар?

Бир гал саволимга Устозим шундай деб жавоб берди:

– Ўғлим, биз кўза унинг ичидагидан кўра кўпроқ кадрланадиган, бўш идишни ундаги сувдан кўра кўпроқ ҳурматлашадиган муҳитда яшашга мослашмаганмиз, яъни бунда ҳамма нарса кўза ўз хизматини ўташи учун бўйсундирилган.

Тириклик суви муҳим, идиш... ҳаёт таъмини жонсиз жасад лабига нимада олиб боришнинг аҳамияти йўқ, муҳими, унга жон бахш этиш.

Тентакнинг тажрибаси 3

Биз бирорта ҳам одамга ёрдам бера олмаймиз. Агар сен ҳам бу ерга келсанг, сен ҳам биз каби бефойда буюмга айланасан.

Бизнинг меҳнатимиз – бу сенинг меҳнатиңг. Сенинг меҳнатиңг – бу бизнинг меҳнатимиз. Сен энди одамлар орасидаги ҳаётга мослашгансан...

Бир гал шу борадаги тортишувимиздан сўнг улар мендан сўрашди: «Тасаввур қил, бизнинг ўрнимизда сен қандай йўл тутган бўлардиңг?» Мен жим бўлиб қолдим, ўрнимдан туриб, хонадан чиқиб кетдим. Чунки ўйлаб кўрсам, мен ҳам худди улар сингари йўл тутган бўлардим-да.

Нима учун? Чунки чала тентаклардан фойда кўпроқ бўлади. Ақллилар ниманинг иложи бор, ниманинг эса иложи йўқ эканини жуда яхши билади. Аҳмоқларнинг эса бу нарсаларга умуман ақллари етмайди...

Чала тентаклар эса нимаинг иложи йўклигини билишмайди, улар ҳар қандай ишни бажаришга киришаверади-лар. Ва натижада, албатта, янги нимадир яратишади... Бу Устозларимдан бирининг сўзлари.

Нима учун бизнинг Устозларга оддий одамларнинг қизиғи йўқ? Чунки уларнинг аксарияти ҳақиқатни излаб топиш учун ўз ички дунёсига шўнғиб кетишган. Ва улар ўзларини топа олишган. Улар учун пойтахт ҳаёти зерикарли. Улар учун шаҳардаги кўнгилочар тадбирлар, киборларнинг кўнгилохушликлари керак эмас. Оддий одамлар ҳаётида улар учун кизик бўлган ҳеч нима йўқ. Улар ҳаддан ортиқ ўзига тўқ ва том маънодаги бахтли инсонлар. Буюк бахт соҳибни бўлган одамлардир!

Тўпори шаҳарликлар қандайдир билимларга эга бўлиши мумкин, лекин ўзи ҳақидаги энг оддий илмлардан мутлақо беҳабардирлар. Бу шунақа ҳам ачинарлики... Илгари бунга мен эътиборсиз эдим. Ундан кейин ғашимни келтириб, асабийлаштира бошлади, охири эса ғамга ботирди. Бугун энди Устозларим мендан хавотирга ту-

шиб: «Бефарқ, локайд бўлиб қолишдан кўрқкин!» – деб огоҳлантиришади.

Нима учун кадрли китобхон, мен Сизларга булар ҳақида гапириб беряпман? Чунки мени қадим Шарқнинг азалий коидаларига биноан тарбиялашган.

Менинг Устозим: «Бола Худонинг ердаги ноиблари учун хизматкор, дунёга ҳукмдор ва Яратганнинг қули сифатида тарбияланиши керак», дейди. Сулола буйруғи билан бу йўлни босиб ўтиш учун бизнинг оиладан фақат мени танлашди ва туғилганимданок мени бунга тайёрлашган. Қадим Шарқ ақидаларига биноан, мени буткул «одамийлашиб» кетишга мажбурламасдан, эркин шахс сифатида тарбиялашган. Мен нимани хоҳласам шуни қилганман, миямга нима келса – ҳаммасини!

Аксарият ота-оналар ўз фарзандларини қандай тарбиялайди? «У ёққа мумкин эмас! Бунга олма! У билан гаплашма! Бу яхши, бу ёмон!» ва ҳоказо...

Бу билан боладаги табиий ҳолатни ушлаб туриш ва ривожлантириш ўрнига, бешикдалигидаёқ улар учун ҳаётий аҳамиятсиз билимларни тикиштирадилар.

Болалардан зинҳор келгусида бахтсиз бўладиган одамларни тайёрлаш керак эмас. Ким ўз фарзандини бахтсиз бўлишини хоҳлайди? Ҳеч ким хоҳламайди, лекин бахтсиз қил-и-ш-а-д-и!


Олти-етти ёшга келиб сиз ўз фарзандингизни 100% «одамлаштириш»га муваффақ бўласиз. У ўз қиёфасига эга бўлмаган, келгусида нимани ва қандай бажариш керак эканини унга кўрсатиб, буйруқ беришларини кутиб ўтирувчи кимса бўлиб қолади. Унинг қиёфасида доимий равишда она, ота, энага ёки хўжайин керак бўладиган абадий кул – юз фоиз тайёр, деяверинг.

Энди у ҳеч қачон хусусий ишига эга, етакчи инсон бўла олмайди. У доим кимларнингдир буйруғини ижро этувчи, кимларнингдир шогирди бўлиб хизмат қилади. У фақат

Тентакнинг тажрибаси 3

кимдир буйруқ берсагина ўзини яхши ҳис қилади. Демак, биз ўзимиз ҳам англамаган ҳолда ўз фарзандларимиздан кимни тайёрлаймиз? Итоаткор, юк ортиш учун мўлжалланган хачирни. У бошқаларга итоаткор бўлишга кўникиб қолади, бу эса ўзгаларнинг фикрига қарам бўлиб қолишга олиб келади, шу тариқа унинг атрофида бутун бошли муаммолар калаваси ўралиб бораверади.

Демак, ҳурматли ота-оналар, ёдингизда сақлаб қолинг!



Туғилганидан олти ёшгача бўлган даврда болаларимизга атроф-оламни англаши, у билан ўзаро киришиб кетиши учун максимал даражада эркинлик бериш керак. Бу даврдаги тақиқлар – фарзандингизнинг ва унинг атрофидаги одамларнинг ҳаёти ва соғлиги учун ҳақиқатан ҳам хавфли бўлган ҳолатлардагина ўринли!

Энди эса 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларнинг тарбияси ҳақида суҳбатлашамиз.

Бир гал Тошкентда, ўғилларим ўқийдиган мактаб ўқув бўлими мудирни олдимга келиб бундай деб қолди:

Мен сизни энди ҳурмат қилмай қўйдим. Сизни бу даражада шафқатсиз деб ўйламагандим. Сиз ўзига тўқ одамсиз, болаларингиз эса ишлашяпти! Эрталаб мактабга бораётганда қарасам, улар шаҳар паркидаги йўлкаларни супуриб юришибди. Бу уят эмасми, наҳотки уларга пулингиздан озроқ ажрата олмасангиз?

Мен ўша аёлга бундай жавоб бердим:

– Мен фарзандларимни жуда бўлмаганда мендек бўлишларини ёки мenden минг қарра яхшироқ бўлишлари-

ни хоҳлайман! Мени қандай тарбиялашган бўлса, уларни ҳам худди шундай тарбияляпман. Мен ота-онамдан бола тарбияси илмини ўргатганлари учун тоабад миннатдорман!

Замонавий шаҳар ҳаётида биз кўпинча қуйидагича манзарани кўрамиз. Кўпчилик ота-оналар, «Менинг болам ҳали ўқиши керак!», «Менинг болам ҳали болалик гаштини ҳис қилиб бўлмади, ҳали ўйинга тўймади!» – деб ўйлайдилар.

Нима учундир одамлар болалик деганда – бу фақат ўйин-кулгу, эрмагу ўйинчоқлар ёки беташвиш вақт ўтказишни тушунадилар.

«Менинг болам ҳали институтни тугатмади, менинг болам ҳали аспирантурани тугатмади, менинг болам...» Ҳолбуки, боласининг чакка сочига аллақачон оқ оралаган. Ва у ҳалиям кўкрак эмяпти, яъни ота-онасининг ҳамёнини зулукдек сўриб ётибди.



Шундай бир қоида бор: агар ўз хатоларингни кўрмоқчи бўлсанг – теварак-атрофдаги оламга назар ташла, сен шу лаҳзада ўзингдаги яхши ва ёмон томонларни яққол кўрасан.

Ҳайвонот дунёсида улғайиш жараёни қандай кечишни биргаликда кузатамиз, масалан итларда. Келинг, итлар ҳаётининг ўртача статистик давомийлигини оламиз – бу тахминан 12 ёш. Бу ёшда ҳар қандай кўппак қариб қолган бўлади.

Инсоннинг максимал ёшини оламиз – тахминан 80 ёш. Ва уларни ўзаро таққослаймиз. Ёшлар ўртасидаги мувофиқлик дастлабки йиллардаёқ бир хил бўлмайди. Кинологларнинг айтишича, икки ёшли кучукчанинг ёши йигирма ёшли йигитнинг ёшига тўғри келаркан.

Хайвонот оламида, ҳеч икки ёшгача онасини эмиб юрган жониворни кўрганмисиз? Кучукча икки ёшда аллақачон етилган кўппакка айланади, тўғрими?

Бир гал бўри уясидаги ҳаётни тасвирга туширишимга тўғри келган. Тахминан бир йил давомида мен вақти-вақти билан уларни тасвирга тушириб бордим. Чунки бўри уяси бизнинг уйимизга яқин, олти юз метрча нарида жойлашган эди. Ҳа айтгандай, шу йиллар мобайнида қишлоғимиздаги уй хайвонларига бўрилар томонидан бирорта ҳам хужум бўлмади, ҳеч қайси жонивор йиртқичларга ем бўлмади. Бўрилар одатда ўзлари яшаётган жойдан узок-узокларга бориб ов қилишларини шунда билганман.

Ҳамқишлоқларим ҳам бизга «қўшни» яшаётган бўрилар ҳақида билишарди, лекин уларга тегишмади, чунки кексаларнинг айтишича, бирор қишлоқ ёнида бўри уяси бўлса, бу қишлоқ бошқа йиртқичлардан ҳимояланган бўларкан.

Бўри болаларининг энди кўзи очилган, оёғида базўр юриб, уяларидан чиқа бошлаган пайтлари эди, ўша пайтдан бошлаб мен уларни тасвирга тушира бошладим. Бу даврда она бўри болаларини фақат ўз сути билан боқади. Кичкинтойлар бироз улғайгач, она бўри улар учун ошқозонидаги чала ҳазм бўлган гўштни қайт қилиб чиқариб ташлайди ва болаларига беради. Бўри болалари тумшукчасини тикиб кўришади, ёқмагандан бошчаларини ўгириб олишади. Онасини эмишга интилишади. Лекин она бўри уларни ўзига яқинлаштирмайди. Натижада шундай ҳолат юзага келадики, қачон қараманг она бўри билан болалари ўртасида ана шу ярим тайёр гўшт турган бўлади. Улар чийиллашади, ириллашади, хафа бўлишади, гўёки: «Бу қанақаси ахир?! Овқатлантиришмаяпти!» – дегандек. Кейин эса тумшукчаларини бу тушунарсиз эмишга тикишга мажбур бўлишади, ялаб кўришади, менсишмайди, барибир емайдилар. Кейин очлик тинкаларини обдон қуритганидан сўнг, улар олдидаги эмишни ейишга мажбур бўлади. Бўри болалари қийма-

ларни ҳаммасини еб битирганидан сўнггина она бўри болалари қанча хоҳласа, шунча эмишига қўйиб беради.

Бироз вақт ўтиб, она бўри овдан тагин ошқозонда гўшт бўлакчаларини олиб келади. Бўри болалари яна «ҳиқиллаш»га тушадилар. Тишлари ҳали ҳақиқий эмас, тишлаб юлиб олишлари қийин, шунинг учун бу гўшт бўлакчаларини у ёқдан-бу ёққа судраб юришади. Тумшукчалари кир-чир, ўзлари «аразлаган», ота-оналари уларни меҳнат қилишга мажбур қилаётганлари учун хафа. Лекин, барибир қоринлари оч. Ниҳоят, улар бу емишни ҳам бир амаллаб еб битиришади. Шундан кейин она бўри яна ётиб олиб, уларни эмизади. Шу тариқа ҳар гал уларга юкланаётган юкланинг залвори ортиб бораверади.

Бора-бора оналари умуман нимталанмаган гўштни олиб келади. Яна навбатдаги тўполон: чунки катта бўлак гўшт ётибди, уни кўтариб ҳам бўлмайти, илгари жуда бўлмаганда уларни у ёқдан-бу ёққа судраш мумкин эди.

Яна норозилик, «чийиллашлар», «хафагарчилик», «жанжал қилишлар» бошланади. Ўзларининг ҳали ўтмас тишлари билан гўшtdан юлиб олишга ҳаракат қилишади. Улар соатлаб гўшт бўлагидан юлиб олишга уринишади. Лекин юлиб олишолмайди. Шундай бўлса-да, вақти келиб улар бунинг ҳам уддасидан чиқадилар.

Энди ота-оналари уларнинг олдига бутун бошли жониворнинг танасини олиб келиб ташлайди. Дастлаб митти бўриваччалар бу ҳайвондан қўрққанидан, ҳатто унга яқинлашмайдилар. Она бўри ўлжани бирор жойидан бир тишлам узиб олади, ана шундан кейин болалари ҳам ўлжани ғажишга тушадилар.

Шу тариқа ҳар янги босқичда бўри болаларида янги эътироз, қаршилик, ота-оналаридан «хафагарчиликлар» пайдо бўлаверади.

Улар энди-энди бутун ўлжани саранжом қилишни ўргандим, деганларида чалажон ўлжани олиб келишади.

Тентакнинг тажрибаси 3

Дастлабки дақиқаларда бўри болалари бу юрадиган емишни кўрганларида, жуфтакни ростлаб қолишади. Уясига кириб кетишади! Бекиниб олганча, ўтираверишади. Сўнгра аста-секин дадиллашиб, жасур бўла бошлайдилар...

Бироз фурсат ўтиб, ота-оналари уларни овга олиб чиқади. Аммо бунинг нимаси ҳам ов? Уларнинг ўзлари ҳали шамолдан тебраниб, базўр оёқда туришибди. Панжалари бошларидан катта бўлса ҳам, бўри болаларининг ўсмир ёшида шундай даври бўладики, улар базўр юришади. Ҳар қандай шитирлаган овоздан чўчиб тушадилар, ҳеч нарсани эплай олишмайди. Лекин ота-оналари уларни барибир овга олиб чиқадилар.

Табиат қонунлари инстинктларда намоён бўлади. Сиз ҳам болаларингиз ёрдамга муҳтож бўлиб, уларнинг ҳали кўзлари ҳам очилмаган пайтларида уларни эмизасиз.

Лекин бола жуда тез ривожланади. Шундай пайт келадикки, энди унга «қийма» гўшт беришга ўтиш керак, лекин сиз ўзингизнинг чексиз муҳаббатингиз боис, уларга «қийма» бериш ўрнига кўкрак сути билан боқишда давом этаверасиз.

Боланинг тишлари ўсиб, «қозик тишлари» ёради, сиз эса ҳалиям кўкрак сути билан боқишда давом этиясиз. Ҳолбуки, боланинг аллақачон овга чиқиши керак, аммо сиз кўкрак бериб боқишда давом этасиз.

Ундан кейин ажойиб кунларнинг бирида уйингизга ўғлингиз ёки қизингиз изидан бир урғочи ёки нарни, ўзининг шеригини эргаштириб келади. Сиз эса уни ҳам кўкрак бериб боқаверасиз! Ниҳоят кўкракдаги сут тугаб бўлади, сиз уларга бундай дейсиз: «Қани бор, энди ўзинглар ов қилиб ўлжа топиб келинглар!».

У қанақа қилиб овга чиқиши мумкин? Қандай қилиб?! Агар ҳаётида бирор марта гўшт бўлагини кўрмаган бўлса!

Энди айтинг-чи, фарзандингиз учун сиз фаровон ҳаёт ва моддий бойлик манбаи бўлиб қолганингиз учун у айбдор-

ми? Унинг учун сиз ўзидаги барча инжикликларни кондирувчи ёввойи мавжудот кабисиз! Сизнинг, аксариятингиз думбул одамларсиз. Мутлако ҳимоясиз, ёрдамга мухтож, лекин истеъмолчи сифатида сизга тенг келадигани топилмайди!

Кўпчилик одамларда эркинлик деган тасаввур умуман мавжуд эмас. Бундай одам ҳамиша ўзимга қаердан қулай жой топсам экан, кимни эмишни бошласам экан, деб ўйлайди!

Мен катталар орасида ҳам болаларча хатти-ҳаракатга эга улғаймаган норасидаларни тез-тез учратиб тураман. Фақат улардаги бу ҳолат жуда яширин, бошқа истак-хоҳишлар ниқоби остига беркинган бўлади. Аввало уларда мутлако интилишнинг йўқлиги, биринчи галда ўзлигини англашга интилишнинг йўқлиги кузатилади...

«Турли рекламаларда таклиф этиладиган нарсаларнинг бари онгсиз оломон учун мўлжалланган», деган фикрга қўшилмасизми? Телевизорга қачон кўзим тушиб қолса, шундай таассурот уйғонади, гўё бутун мамлакат икки қисмдан ташкил топгандек – юқоридаги гавда қисми – бу оғиз, унга қарама-қарши томонда эса ўзингиз билгаи тешик. Қанотчали «Орбит»ни оғизга ташлайсиз, пастда эса памперс кутиб турибди. Чиндан ҳам рекламалар ўз фикрига эга бўлмаган авомлар учун мўлжалланган.

Сиз қаердадир мия фаолияти учун нимадир тавсия этилган рекламани кўрганмисиз? Йўқ! Чунки бундай реклама ҳеч қачон ўзини оқламайди.

Рекламали танаффусни тугатдикми? Демак, яна ўзимизнинг болаларга қайтамыз.

Қадрли китобхон, агар сизни ҳайвонот олами қониқтирмаса, сизнинг микроскопдек зийрак кўзларингиз остидаги тадқиқот столига ётишим учун ижозат беринг. Ҳар ҳолда мен ҳам эл қатори одамман! Келинг, мени «Хомо сапиенс» вакили сифатида қисмларга ажратиб ўрганамиз.

Бизларни ўз вақтида ишлашга обдон мажбур қилгани учун, отамдан миннатдорман. Болаликда мактабдан келардик-да овқатлангач, кийимларни алмаштириб, пахтани «ўтоқ» қилгани, яъни бегона ўтлардан тозаллагани далага қараб йўл олардик. Пахтазор бригадири бизнинг қўшнимиз эди. Отам билан жуда яқин эдилар. У бизга ҳар ўн беш кунда маош тўлаб турар ва биз бу пулларни уйга олиб келиб берардик...

Пахтазордаги меҳнатим учун биринчи маошимни мен етти ярим ёшимда олганман. Ўшандан буён мен ишлайман. Ҳалигача ўша пайтда олган «рубл»ларнинг ҳар бирининг кўриниши ёдимда қолган. Улар тўртта қизил ўн сўмлик, битта яшил уч сўмлик, иккита ўн беш тийинлик танга ва битта йигирма тийинлик тангалар эди.

Биз пахтани ўтаётгандик, шунинг учун қўлларим лой ва ўтларнинг яшил рангида эди. Қачон қараманг, қўлларим қора-яшил рангда шўралаган бўларди... Мен пулларни олиб маҳкам чангалладим-да, зинғиллаганча уйга қараб чопдим. Ҳаво жазирама иссиқ. Кучим ҳам қолмагани. Югуришдан чарчасам-да, ўзимни тўхтатиб қола олмасдим, чунки биринчи бор қўлимда ўзим ишлаб топган пуллар турарди! Менинг биринчи ўлжам!

Мен югурганча уйга, ота-онам олдига етиб келдим, катта акам маҳкам тугилган қўлларимни очганида, кафтимда кир-чир, яшил рангли, ғижим бир нарса турарди. Мен кўрқиб кетдим ва йиғлаб юборишимга сал қолди. Чунки бу менинг икки ҳафталик оғир меҳнатим самараси эди. Қанча километр эгатларни оралаб жазирамада юрганларимнинг ҳаммаси кир, ёпишқоқ, бир тийинга қиммат уюмга айланиб қолдими! Онам бу пулларни тоғорага сув куйиб ювар экан: «Ўзимнинг боқувчим, ўзимни ғамхўр боқувчим менинг!..» дея эркалардилар. Кейин пулларни тоқчага қуриштириш учун қўйишди, мен эса ҳар беш дақиқада келиб, улар қуридимми ёки йўқми, деб текшириб кетардим.

Ота-онам бу пуллардан менга роппа-роса 50 тийинни беришди.

Биласизми, шу эллик тийинга мен ўзимга деярли бир килога яқин шимиладиган конфет сотиб олганман. Ўшандан бери шимиладиган конфет емайман – ўшанда бир умрга, бўккимича еб олганман, шекилли...

Кейинги кун биз бозорга тушдик ва мен ўзим учун кўйлак танладим, катакли нейлон кўйлак. Оқ ва жигарранг аралаш катак ва қизил йўл-йўллари ҳам бор. Мен ўша кўйлакни нақадар мағрурланиб кийиб юрганимни кўрсангиз эди. Ахир бу ўз меҳнатимга олинган кўйлак эди-да! Уни сотиб олиш учун берилган пуллар росмана пешона терим эвазига топилган эди.

Бир гал мен уни ўзим дазмол қилмоқчи бўлиб куйдириб кўйдим, ахир у синтетик матодан эди-да. Ўшанда шунақа йиғлаганман, шунақа йиғлаганман, асти сўраманг! Ярим ойлик меҳнатимни йўқ қилдим! Бу мен учун шунчаки кўйлак эмас, ахир бу менинг қуёш тиғида ишлаб топган пулимга келган «азиз буюм» эди-да!

Бир гал, мен энди катта ёшли, уйланган йигит, куёвтўра бўлганимда, отам менга шундай деб қолдилар:

– Ўғлим, сен билан бир гаилашиб олсам, дегандим. Энди яқин орада фарзандларинг туғилади, уларнинг тарбияси билан шуғулланишингга тўғри келади. Биладан, сен ўзига тўқ одамсан, мен шунга интилганман, лекин пайти келиб сен ўғилларингнинг сарф-харажатига пул бера бошлайсан. Улар олаверишади, олаверишади, қарабсанки, бир кун бу – улар учун одат бўлиб қолади. Кейин қариганингда ҳам улар сендан ёрдам олишни хошлашади, лекин унда сенинг нафақанг етмаслиги мумкин. Шунинг учун болаларингни бу нарсага ўргатма. Яхшиси, уларни меҳнатга ўргатгин.

– Буни қарангки, еттинчи синфгача мен уйга отамнинг маошини ташиган эканман! Яна маошнинг пулидан қанчадир бекитиб олиб қолсам, қаердан билиб қолдилар

экан деб хайрон ҳам қолардим... Тушуняпсизми? Отам, мен кўлида ишлаётган бригадирга ўз пулларини берар, қўшни бригадир уни менинг «маошим» сифатида тўлаб келаркан!

Шу тарзда отам мени ҳаққоний бўлишга ўргатди, пулга бўлган муносабатда ўта эҳтиёткор бўлишни ўргатди. Бу ҳар доим ҳам кўлимдан келмасада, амалда шунга интиламан.

Нима учун?.. Чунки отам туфайли қалбимга, онгу-шууримга – «меҳнат қил, меҳнат қил, меҳнат қил» деган ақида жойланган эди!

Мен бу усулни фарзандларимда ҳам қўллаганман. Фарзандларим ҳали мактабда ўқиб юрганларида, истироҳат боғининг директори билан келишиб олдим – у ўзим берган пулларимдан фарзандларимга маош тўлайдиган, бунинг эвазига уларни иш билан таъминлайдиган бўлди.


Улар ўз пулларига харид қилган нарсаларини қанчалар авайлашганини кўрсангиз эди! Сабаби шуки, улар бу пулларни пешона тери эвазига топишган. Энди уларнинг ўз фарзандлари туғилди, ўғилларим оёкка туриб олишган, ҳаётлари учун пул топа олишади. Умид қиламанки, фарзандларим менинг невараларимга ҳам бу узвий тарбия усудини узатишади. Илло, ҳақиқий ўғил бола етти ёшидан бошлаб меҳнат қилиб пул топа олиши керак!

У 17-19 ёшига кирганида, шахс сифатида шаклланиб бўлганидан кейин, уни «атак-чечак» юришга ўргатиш мумкин эмас. 25 ёшли «бола» эндигина бир бурда нонни ишлаб топа бошлаши – бу ўтакетган аҳмоқлик. Бу жуда КЕЧ! Ақл бовар қилмас даражада кеч!

Чунки улар шу пайтгача ота-онасининг ёнида бўлишган, ўз онасининг бағрида! Олий таълим муассасасини тугатганидан кейин, катта ҳаётга қадам қўйганларида ҳам, улар эски одат бўйича худди аввалгидай «дадалари»ни, «оналари»ни излай бошлашади.

Бундай одамлар ўзларининг хусусий ишларини очмаслик учун мингта баҳона топишади. Улар яшашдан қўрқи-

шади, олдинда бўлишдан кўркишади, ўз ҳаётлари учун масъулиятни бўйинларига олишдан кўркишади, вазифаларни мустақил ҳал қилишдан кўркишади. Улар доимий равишда ҳимояга муҳгож нотавон, бечораларга айланиб қолишган.



Ўғил бола ишлаши керак, у меҳнатнинг қадрини билиши керак!

Аввал бошданок, кўкракдан ажратгандан кейин, уларни аста-секин меҳнатга ўргатиб бориш керак. Бу таълим, катта ҳаётга тайёргарлик. Ўғил эркак бўлиб улгайиши керак, ҳар бир эркак эса ўз оиласининг ҳимоячиси ва таянчи бўлиши лозим. Масалан, мен аёл киши турмушга чиққандан сўнг ишлашига мутлақо каршиман.

Нима учун? Эркак киши агар хотинининг моддий талабларини таъминлай олмаса, у ҳолда нима учун уйланди? Мен эҳтимол 100 % ноҳақ бўлишим мумкин, лекин ўзим мана шу тамойилга асосан яшайман. Мен аёл кишини – бу бир гул деб ҳисоблайман, гул билан эса уйни супуриш яхши эмас.

Мен эркак киши болалигидан нафақат жисмоний меҳнат билан, шу билан бирга ақлий меҳнат билан ҳам шуғулланиши тарафдориман, акс ҳолда унинг махлуқдан фарқи қолмайди. Ўғил боланинг ҳам калласи ишласин, ҳам кўлидан иш келадиган бўлсин. Яъни, унга доим ҳам ақлий, ҳам жисмоний меҳнат қилиш қобилятини сингдириб бориш керак.

Биласиз, Шарқда шундай ақида бор, «Бир йигитга қирқ хунар оз» дейишади. У қирқта хунарни эгаллаши лозим. Ҳар доим ўз оиласини боқа олиши учун. Шукрлар бўлсинки, ота-онамнинг берган ўғитлари сабаб мен – камтарин қулингиз бугунги кунда йигирмадан ортиқ касб-хунарлар бўйича неварашоғирларга эгаман.

Тентакнинг таърифи 3

Биласизми, шу бугунгача нимагаки эришган бўлсам – буларнинг ҳаммаси ота-онамнинг тарбияси шарофатидан. Мен улардан жуда миннатдорман. Улар менга оқилона тарзда тўлиқ эркинлик беришган.

Ҳаммангиз биласиз, Шарқда келин олиш учун қалин пул тўлашади. Аслида бу қалин пули бўлғуси куёв ўз оиласини боқа олишининг кўрсаткичи. Куёв уй учун ҳамма нарсани сотиб олади, мебелидан тортиб гугуртгача ва келиннинг ота-онасига беради. Улар эса ўз навбатида келиннинг сепига нимадир қўшиб ҳаммасини ёшларга қайтаришади.

Шарқда болаликданоқ ўғил боладан эр йигитни тайёрлашади. Сиз ўз болангиздан кимни ўстиришни хоҳлардингиз? Сиз унда кимни кўришни хоҳлайсиз, ўзингизними?

Қадрли китобхон, у ҳолда савол. Айтайлик, сиз бир гуруҳ одамлар билан тушган суратни томоша қиляпсиз, сиз у ерда биринчи навбатда кимни излай бошлайсиз?

Ўзингизни, тўғрими? Яна бир қонуний савол, сиз ўзингиздаги феъл-атворингиздан, дунёқарашингиздан, эришганларингиздан қониқасизми? Розимисиз?!

Бу ҳаётдан ўтганингиздан кейин ҳеч бўлмаганда яна юз йил кимдир сиз ҳақингизда баъзи-баъзида эслаб, суратингизга тикилиб: «Ҳа-а-а! Тарихда шундай ажойиб одам ўтган эди!», деб ёдга олишини хоҳлармидингиз?



У ҳолда фарзандларингизни меҳнатга ўргатинг. Улар ҳаётларида ўзлари фойдаланаётган тўкинлик, фаровонлик неъматларининг кадр-қимматиини, нархини билишлари керак.

Лекин, агар сиз бунга тиришқоқлик билан ҳаракат қилмасангиз, у ҳолда фарзандингиз нари борса сизнинг иккинчи нусхангиз бўлади, холос. Афсуски, ҳар қандай маълумот

узатилиш жараёнида кisman бўлса-да йўқолади. Агар шундай бўлса, у сизнинг энг бўлмагур нусхангиз бўлади, худди куйидаги латифадаги каби:

– Мен худди дадамга ўхшаб ойига ўн минг доллар ишлаб топишни орзу қиламан.

– Даданг ойига ўн минг доллар топадими?

– Йўқ, улар ҳам бу ҳақда орзу қилади.

Кўп йиллар аввал машинамни ювдириш учун сув бўйига келдим. У ерда челак билан турганлар машинамни ювиб бўлгунча, оёғимни чигалини ёзиш учун чеккароққа ўтиб турдим.

Қарасам, ёнимга олти юзинчи «Мерседес» машинаси келиб тўхтади. Ўша пайт учун бу энг зўр машина эди. Унинг ҳайдовчиси ҳам машиналар ювиладиган жойга келиб тўхтади. Машинадан икки метрли баҳайбат эркак тушди. У машинасидан йиғма курси олиб дарахт тагига жойлашгирди-да, ўтириб олди! Ундан кейин машинадан 7 ва 8 ёшлар атрофидаги иккита болакай тушди. Улар машинадан челакчаларини олиб келиб, бировларнинг машиналарини ювишга тушиб кетишди.

Машинамни юваётган аёллар таъна билан гапира бошлашди: «Қандай ярамас ота-оналар бор-а, шундай кичкинтой болаларни меҳнатнинг тагида эзиб қўйишибди. Ўзлари бадавлат бўлса, шу мишиқилар топган сариқ чақага зор эканми, тавба..!»

Аёллардан дарахт тагида ўтирган уларнинг отасими, деб сўрадим. Улар бош чайқаб: «Йўқ, бу уларнинг тансоқчиси!», – дейишди. Болаларнинг тансоқчиси, тушуняпсизми? Уларни синчковлик билан кузатар эканман, мушоҳада юритиб хулоса чиқардим.

Уйимиз олдида истироҳат боғи бор. Бир неча йиллардан кейин мен тасодифан боғда, улғайиб қолган ўша болакайлардан бирини кўриб қолдим. Қарасам, катта киши хот-дог сотиб турибди, болакай эса унга: «Бунисини мана шундай,

Тенгизнинг тажрибаси 3

буни эса бошқача қилинг!», деб кўрсатма берапти. Мен сотувчидан, бу бола ким? – деб сўрадим. У эса: «Бу йигит бизнинг хўжайинимиз!», деб жавоб берди. Бу хўжайиннинг ёши эса ўша пайтларда эндигина 12-13 ёшда эди.

Мен болакай билан сўрашдим ва уларнинг оталари билан яқиндан танишиб олишга муваффақ бўлдим. Ўшандан бери мен уларни кузатиб бораман. Ҳозир бу «кичкинтой»-ларнинг аллақачон чўнтаклариди миллиардлаб пули бор, ҳақиқий эркак бўлишган, пойтахтдаги энг зўр автосалонларнинг ва дўконларнинг эгалари.

Улар нима ишлаб топган бўлса – ўзларининг шахсий меҳнатлари орқали топишган. Оталаридан бир тийин ҳам олмасдан! Уларнинг оталари ҳам дастлаб бадавлат одам бўлмаган.

У хотинидан тул қолган. Ҳали болалари кичкиналигида оналари вафот этган экан. Шундан кейин ота ўз ўғилларини тарбиялашнинг ана шундай йўлини танлаган.

Уларнинг уйларига ким келмасин, бу миллиардер йигитлар меҳмоннинг атрофида парвона сингари айланишади, дастурхон ёзиб, стол безашади, ҳатто меҳмоннинг пойафзалига тозалаб кўйишади.

Ҳалигача шундай. Уларда такаббурликдан асар ҳам йўқ. Улар учун бу меъёр – уйга меҳмон келди! Биттаси пишир-куйдир, бошқаси меҳмоннинг кўнглига қараш билан банд. Улар ўзига бемалол ҳар қайси мультимиллионерлар каби хизматкорлар ёллаши мумкин. Йўқ! Ҳаммасини ўзлари бажаришади!

Катта шаҳар шароити ота-оналарга оилавий масалалар билан шуғулланиш имконини бермайди, улар доим тирикчилик билан банд. Нима учун мен сиздан тезроқ хусусий ишингизни очишингизни сўраяпман, оилангизни тезроқ бу биқик муҳитдан узокроққа олиб кетишни сўраяпман.

Сизларни жисмоний жиҳатдан бунга мажбур қила олмайман. Қаерда хоҳласангиз, ўша ерда яшашингиз мумкин.

Лекин мутахассис сифатида мен сизга тўғри йўлни кўрсатишим, ҳозир амалга ошираётган хатти-ҳаракатларингиздан яхшироқ йўлини тавсия қилишим шарт.

Рухсатингиз билан яна битта воқеани гапириб берсам. Мен битта одамни биламан, унинг ёши 80 дан ошган, ҳар доим улар билан, унинг фарзандлари билан учрашганимда бундай дейман:

– Ҳар гал Яратгандан менинг фарзандларим ҳам сизнинг фарзандларингизга ўхшаб улғайишини сўрайман.

Бир гал ундан сўрадим:

– Болаларингизни қандай қилиб шу қадар ажойиб қилиб ўстиргансиз, илтимос, гапириб беринг.

Унинг фарзандлари ҳар бир танишининг, ҳар бир оғайнисининг туғилган кунини билади, яқин қариндошлари ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўлади. Ва энг оғир дамларда жуда банд бўлишларига ҳам қарамай биринчилардан бўлиб ёрдамга келишади. Бунинг устига, уларнинг ҳаммаси ниши бароридан келган, бадавлат инсонлар. Масалан, улардан бири қайсидир мамлакатда элчи. Лекин ҳаётда улар билан мулоқотда бўлганимда, бу инсонларнинг одамларга хизмат қила олиш жиҳатларидан ҳайратга тушасан, ҳар бир одамга, ҳатто нотаниш одамларга ҳам. Бу уларда рефлекс даражада юз беради, уларнинг ўзи буни пайқамайдилар ҳам. Фарзандларимни ҳам уларга ўхшаган бўлишини жуда хоҳлардим. Саволимга жавобан улар:

– У ҳолда кетдик, -- дедилар. Баҳонада у ерда ишлар қандай кетаётганини кўриб келаман. Менинг меросга қолган бир академиям бор.

Бу қанақа академия эканини биласизми?

Самарқанддан 35 километр узоқликда бир қишлоқ бор. У ерга етиб боргунимизча, ёши улуг отахон менга қуйдагиларни гапириб берди:


– Бу академияни ўз вақтида мен ҳам тугатганман, бу академияда ўғилларим ҳам ўқишган ва ҳозир у ерда невараларим ўқишяпти.

Биз етиб келдик. Охирги 15–20 йил ичида ҳеч ким яшамаган, лекин саранжом-саришта ҳолатдаги оддий қишлоқ уйи.

– Бу, – деди отахон – ота-онамнинг уйи. Молхонада сигир ва қўйлар бор. Болалар эрталаб мактабга кетишдан олдин туришади, 35 километр йўл босиб шу қишлоқкача етиб келишади, мол-қолнинг тагини тозалашади, емини беради, сувини беради, соғади, ана ундан кейин мактабга боришга улгуришади. Кечга томон яна молларнинг ҳолидан хабар олиш учун буюкка келишади. Ва бу жуда ёш пайтларидан буён шу зайлда давом этиб келяпти. 140 километр ҳар куни йўл босишади. Сигирни соғиб, қўшниларга қолдиришади ёки ўзлари билан олиб келишади. Бензиннинг пулини ҳисоблаб кўрамиз ва бу ерда бажарилган ишни сарҳисоб қиламиз, ҳар бир литр сут олтинга тенг бўлиб чиқяпти. Бир томондан қараганда, улар бугунги кунда ойига юз минглаб доллар ишлаб топишади, бошқа томондан – қандайдир арзимаган бир неча литр сутни деб, уч баробар кўп вақтларини сарфлашади.

Лекин бу нарса одамни шундай интизомга келтирадики! Бу улардаги шахсий «эгони», худбинликни шундай таги билан ўчириб ташлайдики! Натижада одамларга хизмат қилиш уларнинг қон-қонига сингиб кетади, тушуняпсизми?

– Мен, шўролар даврида бир улуғ инсоннинг энг севимли одами эдим, – деди у. Улкан парранда фабрикасини бошқарганман, вазир бўлиб ишлаганман, лекин кунига икки маҳал бу ерга келардим ва менга мана шу ердаги бир жуфт сигир ва уч қўй бошлиқ бўларди. Мен уларга кўп йиллар давомида ҳар куни хизмат қилганман. Болаларимни ҳам гўдаклигидан шунга ўргатганман. Дангасаликни уларда болалигиданоқ таги билан йўқ қилганман. Болаларим ўзларини мажбурлаб ёмғирда ҳам, қорда ҳам, жазирамада ҳам кунига икки маҳал бу ерга шошилишарди. Энди эса кимнингдир аҳволи ёмон, деб эшитишса, шу заҳоти шамолдек ёрдамга етиб боришади.



Фарзандларингиз қанча эрта қўли ва ақлини ишга солиб, меҳнат қила бошласа, улар шу даражада мустақил ва муваффақиятли инсонлар бўлиб етишади. Агар фарзандларингизга бахт тиласангиз, уларга болалигиданок меҳнат қилишини ташкиллаштириб беринг.

Энди эса менинг қадрдонларим, ўтиш ёшидаги ҳолатни кўриб чиқамиз. Бу тахминан 14 ёшдан то 18 ёшгача. Келинг, 20 ёшгача деб оламиз. 18 билан 20 нинг ораси жуда яқин.

Ўтиш ёшидаги ҳудуд... Бу ота-она учун энг катта бош-оғриқ бўлган давр. Итоаткор, ювош бола бирдан керак бўлса, бўлмаса, тўғрими, нотўғрими ҳамма нарса юзасидан ўзининг фикрини ўтказга бошлайди. Муттасил равишда ўз эркинлигини чеклаётган одамларга – яъни ота-онасига қарши бўла бошлайди.

Ота-онаси «а» деб айтса, у бунинг тўғри эканини тан олади, уларнинг ҳақлигини ақли билан тушунади, лекин уларга қарши «б» деб тураверади.

Ундаги қаршилиқнинг энг асосий сабабларидан бири, иима учун у сизга қулоқ солмаслигининг бош омили – энди унга наслии давом эттириш дастури имкон бермайди. Бу дастурда «Насл давом эттириш учун зарур ақл-идрокни етарлича ғамладинг, бўлди, энди бориб кўпайишни бошла!» – деб ёзилган.

Дарахт, илдиз ва унинг пояси ҳаётий қувватини ожизликлар манбаидан олса, яъни болалик инжиқликлар билан, «хоҳлайман-хоҳламайман»лар билан ўғитланса, охир-окибат бу дарахт захарли мева беради. Бу нафақат оиладаги

Тенгакнинг тажрибаси 3

муносабатларнинг бузилишига, шу билан бирга аста-секин бутун сулоланинг йўқ бўлиб кетишига олиб келади.



Ўтиш ёшида боладаги истак-хошишларни ундаги гормонал кувват белгилайди. Бу нарса унинг кизиқишлари ва танловларини бошқаради. Ўсмирнинг салоҳияти унинг тутган йўлини тўлиқ оқлайди ва унинг нима учун мутлақо ҳақ эканига жуда ишонарли далилларини тикиштиради.

Айтайлик, унда «уфқ ортида» бўлиш билан боғлиқ биринчи шахсий орзулар пайдо бўлди. Ота-онаси унга:

– Болажоним (қизалоғим), биз у ерда бўлганмиз, у ерда ҳеч нима йўқ. Ҳозир сен ўзинг учун фойдали ишлар билан шуғуллан, тирикчиликнинг ғамини қил, – деб айтишади.

У эса:

– Мен ахир шуни хоҳлаяпман! Сизлар худбиисизлар, қариб, эскириб қолган матоҳсизлар, замонавий ёш, навқирон кўигилни тушунармидинглар. Мен у ерда бўлишим керак! Мен у ёққа боришни хоҳлайман, мен у ёққа боришим шарт! – дейди.

Энди эса диққат қилинг ва яна бир бора диққат қилинг!

Бундай пайтда ота-она қандай йўл тутиши кераклиги борасида иккиланиб қолади.

Бу вақтинчалик эс-хушидан айрилган одамга нимадир гапириб бериш, исботлаш, тушунтириш қийин, чунки у ҳали асосий нарсани тушунмайди, қолаверса, тушунишни хоҳламайди. Унда «гормонлар қайнаб, жўшиб турган ўтиш даври!»

Энг осон усули – бундан имкон борича тезрок, ундан ҳам яхшироғи, лаҳза ичида муаммодан халос бўлиш. Ожиз одамлар шундай йўл тутадилар ҳам.

Бу тоифа ота-оналар мана бундай сўзларни гапиришади:

– Азиз болажоним, биз сени яхши кўрамиз, ҳурмат қиламиз, сенинг истакларинг ҳамма нарсадан ҳам устун. Сенинг ҳаётинг – бу сенинг ҳаётинг. Унда ўзинг яшайсан. Биз сендаги мустақилликни кадрлаймиз. Шунинг билгинки, биз доим сен биланмиз, мана сенинг нарсаларинг. Биз эса сени боқамиз, умрингнинг охиригача пул жўнатиб турамиз. Сенинг ёркин келажакинг ўз кўлларингдан, қандай хоҳласанг, шундай яша, қандай кўнгул ёзгинг келса, шундай кўнгулхушлик қилавер, – тамом, вассалом.

Бола нима истаган бўлса шунга эришди, лекин бу бир лаҳзалик лаззат бағишлайди. Ота-она эса бу лаззат шинавандаси томонидан яратилган муаммодан бир лаҳзага халос бўлади, холос.

Ота-оналар бунинг ҳаммасини ўзининг ялқовлиги ва иродасизлиги оқибатида, фарзандини бу жарликдан донишмандлик томонга, наслни, авлодни давом эттириш анъаналарига олиб ўтишни эплаб олмаганлигидан пайдо қилдилар. Ахир бола, бу – ўз сулоласи тожини қабул қилиб олувчи ворис, меросхўр.

Ота-она ҳаммасини ўз ҳолига ташлаб қўйди ва оқибатда нима юз берди? Уларнинг арзандаси феъл-атвор жихатидан «кўча дайдисига» айланди-қолди.

Энди эса бошқа бир йўл – куч-қудратнинг машаққат ва сабр-тоқат талаб қиладиган йўли.

Ҳар бир ота-она ўзининг шахсий интилишига ва орзусига эга бўлади. Қачонки уларга фарзандларнинг муаммолари, орзулари ва азоб-уқубатлари кўшилганида, кучли ота-оналар бу кўшимча юкни ўз елкаларига ортиб оладилар, фарзандлари билан бирга уларнинг қийинчилигини баҳам кўрадилар, ўз аждодлари тажрибасига таянган ҳолда,

сабр-тоқат билан, муҳаббат ила фарзандларини фаразий, хаёлий, «сохта мустақиллик» ва «эркинлик»дан сақлаб қоладилар.

Улар ўз фарзандларини хатолар, ўйламай кадам босишлардан сақлаб қоладилар, эҳтиёт қиладилар, айти дамда бу панду-насихатлари, гап-сўзлари боласига 100 % етиб бормаслигини олдиндан билган ҳолда, барибир ҳаммасини тушунтириб ўтадилар.

Лекин шу билан бирга, ҳар қандай тушунтириш барибир, фарзанд қалбида муҳим из қолдиришини биладилар.

Алал-окибатда куч манбаида ўстирилган бундай мевалар, жон бахш этувчи жаннат дарахтлари билан озиқланувчи «сулола» деб аталмиш, наслнинг сақланиб қолишига ва кўпайишига олиб келади.

Албатта, баъзи-баъзида ён босиш мумкин, лекин ён босишлар чегараланган бўлсин, болангиз кўпчиликнинг изидан бориб, охир-окибат зоти паст «кўча лайчаси»га айланмасин.



Демак, ҳар бир одамнинг олдида икки хил йўл туради: куч-қудрат йўли ва ожизлик йўли.

Қайси йўлни танлашингиздан қатъи назар, нимага айнан шундай йўл тутаётганингизнинг ишончли, қатъий далилларига таянасиз.

Мана, бола ўз ота-онасининг ҳимояси остида қолди. Аста-секин ўсмирлик гормонлари, ўтиш даври ҳолатлари бир маромга кела бошлайди ва йигирма ёшларидан кейин унда сабр-тоқат ҳисси шакллана бошлайди.

Дастлаб «ёмон» деб ҳисобланган ота-оналар, энди вақти-соати келиб фарзанди томонидан чуқур хурматга, муҳаббатга, ишончга сазовор бўладилар.

Фарзандлар ҳам вақти-соати келиб, оила куради ва бу ерда ҳам ота-онани, жуда кенг тарқалган муаммолардан яна бири кутиб туради – ёшларга оилани сақлаб қолишга ёрдам бериш. Келин-куёвларнинг ширин турмушларини узок йиллар давом эттиришларига ёрдам бериш.

Оилангизнинг энг яхши анъаналари, ота-оналар билан фарзандлар ўртасидаги ўзаро муносабат, уйдаги дўстона муҳит – сизнинг сулолангизнинг байроғи – у келгуси авлодларингизга эстафета бўйича узатилади...

Бир гал уйга қайтгач, отамга юзланиб бундай дедим:

– Ота, мен пойтахтдаги ўқишимни ташламоқчиман.

Отам хотиржамгина қараб, сўради:

– Шундайми? Ишончинг комилми?

Мен эса:

– Ҳа! – дедим.

– Бўпти, лекин сен мендан рухсат сўраяпсан, шундайми?

– Ҳа!

– Мен сенга рухсат бераман, фақат битта шарт билан, – агар менга ўқишни ташлагач, нима билан шуғулланмоқчи эканингни айтсанг.

– Ишламоқчиман... Мен ишлашни хоҳлайман! Ахир катта одам бўлдим, энди ишлашим керак-да!

Шунда отам бундай дедилар:

– Хўш, нима билан шуғулланмоқчисан?

– Ҳамма қатори!

– Яъни фақат жисминг, тананг билан демоқчисан-да?

У ҳолда бундай ишчи менга керак эмас. Мен яхшиси эшак сотиб оламан, у ахир сендан кўра анча кучлироқ. Эркак киши калласини ишлатиши керак, эшак эса фақат гавдаси билан меҳнат қилади. Сенга розилик бераман, агар ўқишни ташлагандан кейин, мен айтган жойда ишласанг.

– Бўпти, розиман!

Ўшанда, буёғига эркин одам эканлигимдан ўзимда йўқ хурсанд бўлгандим.

Тенгакнинг тажрибаси 3

– Майли ўғлим, – деди отам бир куни, – сен учун битта жойда иш гаплашиб келдим, у ерга бориб қанчадир муддат ишлайсан.

Биласизми, ўшанда мен бир ой ким бўлиб ишладим?

Туманимиз марказининг у ёғидан кириб, бу ёғидан чиқиб, елкамда баллон, биқинимда ричаг, қўлимда пульверизатор билан – жамоат ҳожатхоналарини дезинфекция қилиш билан шуғулландим.

Бир ойдан кейин уйда нафақат менинг ички изтиробим, балки мендан таралаётган ҳидга ҳам чидаб бўлмайд қолгач, отам бундай деди:

– Кўриб турибман, меҳнат фаолиятингни муносиб давом эттиряпсан, жамиятга хизмат қиляпсан. У ерда етарлича ишладинг, энди мансабингни оширамыз.

Кейин мени чўчқачилик хўжалиги директори бўлиб ишлайдиган дўстининг қўл остига, чўчқалар болалайдиган цехда тунги қоровул бўлиб ишлашга юборди.

У ерда 80 та мегажин чўчқа бўлиб, улар ўз навбатида мечкай чўчқачаларини худди пулемёт сингари ёруғ жаҳонга чиқариб ташлашарди. Ва мен бу улкан чўчқахонада битта ўзим эдим. Менинг вазифам янги туғилган чўчқачаларни мегажин еб қўймасидан олдин тезда йиғиштириб олиш эди. Шу билан бирга, ҳар куни чўчқахонани тозалардим.

Бизнинг уйдаги «ифор» энди янада ўткирроқ бўлиб қолди. Шу тариқа иккинчи ой ишладим...

Отам қандай аҳволга тушиб қолганимни кўриб турарди, чунки кечагина пўрим кийимлар кийиб пойтахтда яшаб юргандим, энди эса... мана шундай хароб вазиятга тушиб қолдим.

– Назаримда, энди ўғлим, мукамаллик даражасига эришдинг. Давом этамиз, – дедилар бир куни отам!

Шундан сўнг мени бетон қуювчиларнинг ёнига жўнатди. Резина этикларни кийиб бетонни ичига кирасан, эти-

гинг коришма ичида қолиб кетади. Қадам ташламоқчи бўлсанг – кейинги қадамингни энди бетонга ялангоёқ босасан.

Энди этигингни суғуриб олдим, деганда эса белкурагингни чиқара олмайсан. Белкуракини чиқариб олсанг – оёқларинг ботиб кетади. Бир ҳафтадан кейин менинг қўлларим бутунлай қадоқ билан қопланди. Туни билан симиллаб оғрийди. «Ҳеч бўлмаса уйдаги ифор йўқолди-ку», – ўзимга тасалли бераман.

Бу ишда икки ойдан сал кўпроқ муддат ишладим. У ердан отам мансабимни кўтариб, дурадгорлик устахонасига юбордилар, у ерда дурадгорлик санъатидан таълим олдим. Дастарра билан тахталарни арралардим, улардан чўчқалар учун ем соладиган охурлар ясардим.

Бу ишда бир неча ой ишладим, сўнгра у ердан бўёқчилар ёнига кетдим. Ўша ерда бир йиллик меҳнатим ниҳоясига етди.

Ниҳоят отам мени ҳузурига чорлаб бундай деди:

– Ўғлим, ваъда қилинган бир йилни ишлаб бўлдинг, энди қароринг қандай бўлади?

Мен жавоб бердим:

– Ота, мен ишлайман ва ўқиймаи.

– Ишончинг комилми?

– Ҳа, – деб жавоб бердим.


– Майли, мен рози.

Ана шу бир йил – менинг биринчи ва энг асосий олий таълим даргоҳим эди.

Азизларим, болалик, ёшлик – бу ўйин эмас! Ўғил бола табиат қонунига биноан тарбияланиши керак. Нима учун кўпроқ ўғил болалар ҳақида ёзаяпман? Сабаби – қиз болаларни қандай тарбия қилишларини билмайман – ўзимнинг бир нечта қизларим бўлса ҳам, бу борада тажрибам йўқ. Бу ерда камтарин қулингизнинг умр йўлдошига ягона илтимоси бўлганлигини айтаман:

– Қизларимнинг таълим олишига жавобгарман, шундай қилинги, келгусида улар катта ҳарфлар билаи ёзиладиган Она ва Рафиқа бўлиб етишсинлар.

Отамнинг шарофати билан меҳнат нима, меҳнатнинг роҳати нима эканини тушундим. Отамнинг шарофати билан! Демак, ҳар бир ота ўғлининг тарбиясини меҳнат воситасида амалга ошириши керак!



Бекорчилик эркинлиги, вақтини беҳудага соғуриб, кайфу сафо қилишни хуш кўрувчиларнинг эркинлиги – бу эркинлик эмас, бу ҳалокат! Одам текинхўрга, паразитга айлаилади. Ҳар қандай паразит эса ҳажм жиҳатидан ўсиб, катталашиш хусусиятига эга.

Текинхўр тўхтовсиз ўсиб катталашиб, катталашиб бораверади... Ва охир-оқибат, кимнинг ҳисобига текинхўрлик қилаётган бўлса, уни ҳам нобуд қилади... Мисол учун, айтилик, бурга бирдан кучукдан ҳам катта бўлиб кетса, нима рўй беради? Кучук ҳалок бўлади, албатта.

Эҳтимол, сиз учун бу арзимаган тажрибам кулгили туюлар. Лекин ўзгаларнинг тажрибасидан хулоса чиқариб ўрганиш, ўз тажрибасида ўрганишдан кўра яхшироқ.

Бир одамни биламан, бу инсон «Форбс» журналининг рўйхатида туради. Унинг Москвада йирик компанияси бор, бойлиги бир неча миллиард долларни ташкил қилади. Унинг фарзандлари нима билан шуғулланишади, биласизми? Молхона, чўчкахона, товуклар, далалар, ўтлоқлар...

Бутун ёз бу болалар ўроқлар, чалғилар билаи ўт ўришади. Кирза этикларда юриб, молларни, чўчкаларни парвариш қилишади. Чунки – оталари Москвадаги ҳаёт тарзига қатъиян қарши турган.

Эҳтимол сиз, «вой-бў, молбоқарларни кўрмаганмизми?», – дерсиз... Чўпон бирор ташкилот раҳбаридан нимаси билан фарқ қилади? Ҳеч нимаси билан. Биттаси молларга қарайди, бошқаси ўзининг жамоасига. Чўпон ҳам танлов эркинлигига эга – ўз подасини қайси йўналиш билан бошлаб борса экан, ўнггами, чапгами?..

Бугун қандай маҳсулотни ишлаб чиқарса экан – подадаги сигирларнинг қуюқроқ тезагиними ёки суюқроғиними?

Лекин болалар у ерда нафақат молларни парвариш қилишади. Бир тўда мураббийлар бу чўчқабоқарларнинг таълими билан ҳам шуғулланишади, уларга таълим бериш билан бирга, аслзодалик фазилатларини ривожлантирадilar. Болалар ҳар кунги жадвал асосида, эрталаб ва кечкурун мол-ҳолга қарашади, кундуз куни машғулот. Оталари улардан буюк аслзода-романтикларни тайёрлашмоқда.

Улар Москва шаҳридан бор-йўғи юз километр олисда яшашади. Болаларнинг тўнғичи 18 ёшга киргандан сўнггина оталари уларга биринчи марта Москвага келишга рухсат берди. 18 ва 16 ёшли ака-укалар ва уларнинг ўн икки ёшли сингиллари биринчи марта пойтахтни томоша қилишди.

Биз уларнинг отаси билан учрашдик. Нима учун у фарзандларини бу тарзда тарбиялаётгани ҳақида деярли тонггача суҳбатлашиб ўтирдик. Мен уни тушуниб турардим. Лекин барибир, тафаккуримни унинг нуқтаи назари билан ҳам бойитгим келди. Шунда ҳамсуҳбатим бундай деди: «Мен фарзандларимга ўзимнинг каттагина бойлигимни қолдираман, лекин бунинг учун аввал улар мени миллиардер қилган заҳматлар йўлини босиб ўтишлари шарт.


Мен ҳозир сизга айтаётган ушбу маълумотларни, у узок йиллар бу борада олиб борган тадқиқотлари асосида тўплаган ва тарбияда мана шундай услубни танлаган.

Нега у фарзандларини бу тарзда тарбияляпти? Бундай олиб қараганда, унда ҳамма нарса – пул ҳам, бизнес ҳам, жамиятдаги мавқе ҳам бор... Лекин...

Ҳамма гап ҳам шунда-да! Агар фарзандларга мустақиллик, меҳнатга муҳаббат туйғулари сингдириб борилмаса, улар ёшлигидан ҳамма нарсага мустақил эришишга ўргатилмаса, уларнинг ҳаётига путур етади, бебилиска, текин пуллар уларнинг тақдирини кемриб ташлайди. Улар бор-йўғи «бойваччанинг ўғли» бўладилар, холос, бундан-да аянчли тақдирни тасаввур қилиш кийин.

Америкада бир миллиардер яшаб ўтган, у сайёрамиздаги энг бой одамлардан бири бўлган. Ўзининг ёлғиз ўғлига у бор бойлигини қолдирганди. Бироқ бир неча йил аввал энг ночор меҳмонхоналардан бирида, арзон мебеллар билан жиҳозланган хонада сайёрадаги энг бой одамнинг ўғли чўнтагида бир тийин нулсиз аҳволда, ғарибликда вафот этди. У умрида бирор марта ҳам, бирор кун ҳам ишламаганди. Бир умр отаси йиғиб, қолдирган бойлик ҳисобига яшаган. Ва у фақат текин пулларни сарфлаш билан кун кўрган. Натижада, отасининг умри давомида тўплаган улкан бойлиги шамолга совурилган. Ҳаммадан ҳам аянчли томони, у фарзандли бўлишни хоҳламади, сўққабошликда яшади. Оқибатда, мана шу текинхўрга келганда уларнинг бутун бошли сулоласи тарихи тугаб битди.

Мен нима демокчиман?



Фарзандларингиз ҳаётини ўз холига ташлаб қўйманг! Айниқса, улар балоғат палласига кирганларида. Уларни бегоналарданмас, аввало, ўзларидан ҳимоя қилишга ҳаракат қилинг. Яъни ўз гормонларидан, истак-хоҳишларидан. Бу ёшдагиларга ҳар доимгидан-да кўпроқ ота-оналарнинг қаттиққўллиги ва доно маслаҳатлари зарурлигини унутманг.

Азизларим, марҳамат килиб айтинг-чи, болалар мут-тасил ўсиб-улғайиш хусусиятига эга эканини биласизми? Улар фақат дастлабки икки ойгина секин ўсишади... ундан кейин... кўз очиб юмгунча қарабсизки ўғлингиз: «Мен севиб қолдим, уйланмоқчиман!» – дейди, ёки қизингиз: «Фақат унга тегаман!» – дея ўз фикрини билдиради. Сиз эса уларнинг бу гапларидан ҳайрон бўлиб тураверасиз...

Келинг азиз китобхон, уйланиш жараёнини, энг яқин «дўстларимиз» итлар мисолида кўриб чиқамиз.

Ҳар бир халқ ўз эҳтиёжига кўра ўзи учун ҳайвон зотларини яратади, тўғрими? Ажойиб инглиз доғи, калтафаҳм француз балонкаси, москва сайёк лайчаси ва ҳоказо...


Агар астойдил ҳаракат қилсак, 7–8 авлодли селекция иши натижасида исталган кўппакдан олий инглиз доғини ёки бўл-маса мушугингиз ҳам олдига солиб қувлаб юрадиган уч юз граммлик ит зотини яратишга эришишимиз мумкин. Мумкинми? Албатта! Лекин бунга қанчадан-қанча меҳнат кетади!

Энди тасаввур қилинг, агар биз зотдор кучукни кўча лайчалари олдига чиқариб юборсак нима бўлади?

Итнинг кейинги насли қандай бўлади? Тўппа-тўғри! Зотдор кўча лайчаси!

Одамлар ўта синчковлик билан кўпайтиришга эришган кимматбаҳо зотдор кучукларнинг тури жуда кўп! Кўча лайчалари эса – ўз-ўзидан кўпаяди!

Кучукчалар ва мушукчалар ҳам болалигида жуда чиройли бўлишади. Ҳатто хўтикчалар ҳам. Лекин сен уни қандай парвариш қилишингдан қатъи назар, улғайгач албатта эшакка айланади!



Сиздан ўтиниб сўрайман, насл-насаб, ирсият масаласини синчковлик билан назорат қилиб боринг. Зеро, бутун ҳаётнинг тарихи генетик тарзда узатилади.

Тентанинг тажрибаси 3

Ажойиб бир Шарқ мақоли бор: «Қарийсан, қартасан, асли наслингга тортасан!»

Агар наслингиздан кимдир малласоч бўлса, сиз қорасоч, рафиқангиз ҳам қорасоч бўлсангиз-да, лекин фарзандингиз малласоч бўлиб туғилиш эҳтимоли бор.

Агар бўлғуси қудангизнинг уйида барча масалалар «мушт орқали» ўз ечимини топадиган бўлса – бу ҳолат бир куни сизнинг оилангизга ҳам ўтиши мумкин.

Агар бу оилада «қиттак-қиттак» спиртли ичимлик истеъмол қилиш одатий ҳолат бўлса – бу ҳам ўтади. Билимга бўлган қизиқиш ҳам ўтади. Етакчиликка бўлган қизиқиш ҳам бемалол ўгаверади.

Олманинг тагига олма тушади... Ҳеч қачон олма дарахтада шафтоли битмайди.

Шунинг учун ҳам ўз ўғлингиз, «айғирчангизни» ўз ихтиёрига ташлаб қўйиш керак эмас.

Агар сиз ўзингизни кўча лайчасига тенг кўрсангиз – Худо хайрингизни берсин, ўзингиз биласиз! Аммо келгусида невараларингиз ҳақида ҳамма ҳурмат билан гапиришларини истасангиз, зинҳор болалар ҳаётига «эркин муҳаббат»нинг суқилиб киришига йўл қўйманг.

Севги-муҳаббат, ўзаро ҳурмат, оила... билан «шаҳар лайчаси»даги ҳирс, бу бутунлай бошқа-бошқа нарсалардир.

Ёшлик даврида уларнинг бирини бошқаси билан чалкаштириб юбориш жуда осон! Марҳамат қилиб эслаб кўринг азизларим, ҳаммамиз ҳам ёшликни бошимиздан кечирганмиз ахир!

Бўйдоқлигимда отам менга бундай дегаи эди:

– Ўғлим, биласан, сурункали бронхит хасталигим бор. Уни қандай орттирганимдан хабаринг бўлмаса керак? Ўн олти ёшда эдим, йигирма даража совуқда, чит иштон, эгнимда чопон билан бир дўстим иккимиз институтга кириш учун тоғли жойдан 60 километрлик йўлга пиёда кетганмиз. Ҳар иккимизнинг қўлтиғимизда биттадан нон бор

эди, холос... Бизни кузатишга бутун қишлоқ чиққан, улар бизга: «Нима бало, эсингизни еганмисизлар? Ахир, йўлда бўриларга ем бўласизлар-ку! Сиз қаерда ўқимокчисиз ўзи? Институтда сизга бало борми?!» – дея устимиздан кулган. Биз эса мана шундай совукда, шаҳарда ўқиб, илм олиш учун йўлга чиққанмиз.

– Эшитишимча, дўстимнинг бўй етган қариндошлари бор экан. Сен ўзингга келинни ўша ердан олишинг керак, ана шунда менинг невараларим ҳам ўқишга қизикадиган, интиладиган бўлишади...

Сиз ўз фарзандингизнинг бўлғуси келин ва куёвини танлашда фаол иштирок этишингиз керак. Чунки келгусида невараларингиз қандай бўлиши мана шунга боғлиқ. Агар сиз бир қошиқ захар бир бочка асалнинг сифати ва таъмини бузмайди, деб ҳисобласангиз, жуда қаттиқ янглишасиз!



Бошданок фарзандларингизга сизнинг танловингиз ҳал қилувчи кучга эга эканлиги тўғрисида тушунтиринг!

Зеро, кишини ота-оюнасидек ҳеч ким яхши билмайди. Ва унга ўз феълига, фазилату камчиликларига бирдек муносиб жуфтликни танлаб бера олмайди. Бу минг йиллик тажрибалардан ўтган ҳаққат.

Тасаввур қилинг-а, иккита двигателли автомашина ва унда тормоз йўқ! У урилиб, пачоқ бўлади! Ёки иккита тормози бор-у, двигатели йўқ – бундай техникани умуман жойидан қўзғатишнинг иложи йўқ! Яъни бу оламда ҳар нарсада мувозанат, баланс бўлиши муҳим...



Унутманг, азизларим, аслзодалик, қондан-қонга ўтади!

Тептанинг тажрибаси 3

Агар иккита булдог ит зоти чаптишилса, улардан пу-дел зотининг туғилиши ўта кам учрайди. Ёки улардан мушукча туғилиши эҳтимоли хақида-ку, умуман гапирмаса ҳам бўлади.

Демак, сиз учун навбатдаги уй вазифаси: ўз зотингизни аста-секинлик билан бўлса-да, оқсуяк аслзода даражасига кўтаришга интилинг.

Тақдир тақозоси билан бир неча марта қироллик оиласи вакилларининг даврасида бўлишимга тўғри келган. Ўшанда ўзимда жуда кизиқ ҳолатни ҳис қилдим, Ҳазрати олиялари нима ҳақда гапирмасинлар, у аёлдан аслзодалиқнинг шундай таровати, шундай руҳияти таралиб турардики, унга ўзингни кўксингни қалқон қилишга ҳам, керак бўлса хатто жонингни ҳам беришга тайёр бўлиб қолсан киши.

Ахир тарихдан яхши маълумки, подшолик оиласи вакиллари ҳар бир даврда ҳам фақат ўзинининг даражасидаги одамлар билангина никоҳланишган. Шу тарзда улар ўзларида олийнасаб қироллик генларини сақлаб қолишга эришганлар.

Демак, азизлар, келинг, ўз ота-онамининг меҳнатларини муносиб давом эттирайлик. Зеро, ўз аجدодларимиз узок ўтмишдаги бобокалонларимиз теварак атрофдаги оламини синчиклаб ўрганиб, ўзларининг энг сара орзуларини бизга узатишган...

Ҳар биримиз ҳам аجدодлардан мерос бу ҳаёт эстафетасини қўлда кўтариб борар эканмиз, уни янада яхшироқ қилиб келгуси авлодга узатиш учун бундан-да олдинга интилишда давом этишимиз лозим.

Келинг, ўз фарзандларимизнинг таълим-тарбиясидан бўйин товламайлик, ҳаётини муҳим танловларда невараларимизга фаол ёрдам берайлик. Албатта, агар сиз ўзингизни «кўча лайчаси» мақомида ҳис қилсангиз, билганингизча йўл тутинг! Лекин фарзандларингиз, невараларингиз ва эвараларингизни энг яхши ва мумтоз зотлар бўлишларини

истасангиз... Минг йиллардан кейин ҳам одамлар сизнинг авлодингиз хақида эслаб юришини ва уларнинг номини ҳурмат билан тилга олишини истасангиз, зинҳор тарбия масаласини ўз холига ташлаб қўйманг.

Оиланинг моддий таъминотини лотереяга чиқадиган ютук ҳисобига режалаштириш мумкин бўлмаганидек, наслингиз келажагини ҳам тақдир ихтиёрига ташлаб қўйиш мумкин эмас, акс ҳолда оилангизда «кўча лайчалари» урчиб кетиши мумкин.

Устозларимдан бири бола тарбияси хақида бундай деган эди:

– Фарзандлар, болалигидан ўзига қайлиқ ёки куёв танлаш қарорини узил-кесил қабул қилишда ўзлари асосий овозга эга эмаслигига кўникиб улғайишлари керак.

Ахир ҳеч бир ота-она ўз боласига ёмонликни раво кўрмайди.

Эътибор беринг! Лаззатга эга бўлишнинг икки хил йўли мавжуд.

Фарзандингиз ҳаётида иштирок этиб, унинг ўсиб-улғайишида ёрдам бериш орқали бахтиёр бўласиз. Бу лаззатланишнинг биринчи йўли – бунда ижтимоий даража, интеллектуал даража, маънавий даража муҳим.

Ёки ҳеч нима қилмасдан хотиржамликка, осудаликка берилиб, вақтинча оромга эришасиз. Бу лаззатланишнинг иккинчи йўли.

Биринчи лаззатланишга меҳнат орқали эришиляпти, лаззатланишнинг иккинчи шаклига эса – дангасалик, лоқайдлик асос бўлмоқда.

Улардан қайси бири сизни ортга тортади? Иккинчиси!

Агар ёдингизда бўлса, сиз билан илгари ҳам бу ҳақда гаплашган эдик, қачонки инсон ўзининг ривожланиш босқичида орқага қадам ташласа, Табиат ундан халос бўла бошлайди.


Оиладан «эркин муҳаббат» сари кетадиган фарзандлар зинҳор кўпайишни исташмайди. Улар ота-оналаридан эр-

Тентакнинг таъриби 3

кин бўлишди, лекин қарликда фарзандларининг ўзларига нисбатан мана шундай муносабатда бўлишларини хошлашмайди.

Иккинчи йўлдан боришингиз мумкин. Бу жуда енгил. У фарзандларингиз учун ҳам жуда «ёқимли». Бу – уларнинг орзуси, бироқ натижага келганда... ҳаммаси ачинарли бўлади.

Биринчи йўлдан борсангиз-чи? Бу йўлдагилар тер тўкиши, жонини фидо қилиб, тиришқоқлик қилишлари керак. Ҳозир сиз билан бузғунчилик, вайронкорликка ва ёки аксинча, бунёдкорлик кучлари ҳақида гаплашяпмизки, айнан улар негизда ўйлаймиз, хулоса чиқарамиз, қарорлар қабул қиламиз, қандайдир ишларни амалга оширамиз. Тушуняпсизми?



Аслида ҳеч бир хавф-хатар, фалокат қаердадир яширинган эмас, унинг илдизи сизнинг миянгида. Сизни ҳеч ким нобуд қилмайди, ўзингизни ўзингиз, дунёқарашларингиз, нуқтаи назарларингиз ва фикрларингиз ўлдиради, холос.

Ички дунёнгиздаги махлукни изланг... Бошимизга ёғилажак кўплаб кулфатларнинг асл сабаблари айнан ичимиздаги ҳайвонийлик негизига боғлиқ. Агар уни назорат қилмасангиз, ҳаётингиз сувга тушган тош каби пастга – кабоҳат гирдобига ғарқ бўлиб кетади. Уни яна тепага, саодат соҳилига олиб чиқиш узоқ ва машаққатли меҳнатдир. Сиз у ҳақида ўқигансиз-ку?

Сизга қандай уйланганлигим ҳақида гапириб бермоқчиман. Бу ҳикоям билан ота-онамга тақдир йўлимдаги иштироклари учун миннатдорлигимни изҳор қилмоқчиман.

Сизларни ўз юртим, киндик коним тўкилган қишлоқларимга саёҳатга таклиф қиламан. Болалигимда, беш ёшимда мени бир қизалоқ билан унаштириб қўйишган. Қизалоқ ўша пайт эндигина бир ёшда эди. Биз тарафларда болаларни унаштириб қўйиш, уларнинг бир-бирига қайлик эканини англатади. Бизнинг юртда, қайси оила билан қуда-аидачилик муносабатларини ўрнатиш ёши катта қариялар, ота-онанинг ваколатидаги вазифа.

Вақти-соати келгач тушундимки, ўзим бу қизга нисбатан мутлақо бепарқ эканман. Унинг ёши 17 га тўлгач, ота-онамга бу ҳақда айтдим:

– Мен у қизга уйлана олмайман. У менинг тенгим эмас.

Ота-онам бу гапимни жим эшитишгач:

– Фикрингга қўшиламиз, ўғлим. Унинг феъл-атвори сенга тўғри келмайди. Майли, ўз умр-йўлдошингни ўзинг излаб топа қол, – дейишди.

Мен секин-аста теварак-атрофимиздан қайлик излай бошладим. Уларнинг айримлари мана шу қизга уйланаман деб, ота-онамга айтганимни билишмайди ҳам.

Отам ҳар гал менга тахминан мана бундай жавоб берардилар:

– Ўғлим, бу фикринг яхши. Сенинг ўрнингда мен ҳам айнан шу қизни танлаган бўлардим.

Кейин, эса улар биров жим турардилар-да, давом этардилар:

– У қиз жуда яхши. Лекин бу қизнинг ўзига хос мана бундай, мана шундай жиҳатлари бор. Эр-хотинлик ҳаёти давомида бу жиҳатлар баттар ривожланиб кетиши мумкин. Сен шуни хоҳлармидинг?

Биз ўзбекларда:



«Онасини кўриб, қизини ол!» – деган пурҳикмат мақол бор.

Агар бўлгуси келин онасининг қадди-қомати бесўнақай, юзлари эса магиздай буришиб-тиришиб қолган бўлса-ю, феъл-атвори ҳам тиимай шақиллайдиган олашақшақ сингари бўлса – унинг қизи ҳам айнан онасининг изидан бо-ради.

Агар бўлгуси қайнонанг ён атрофдагиларга беписандлик билан кибрланиб қараса, келгусида хотининг худди шундай бўлади. «Қуш уясида кўрганини қилади» – деган гап бежиз эмас.

... Ундан кейин отамнинг бу «мусиқаси»га, онажонимнинг «куйи» жўр бўлади. Улар ҳам танловим борасида ўзларининг нуқтаи назарини батафсил баён эта бошлайдилар!

Мен ота-онамга иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи қизларни кўрсатар эканман, охир-оқибат тўққизинчисига келганда, дод деб, юбордим:

– Азизларим, сизга қайлиқ кўрсатавериб, чарчаб кетдим! Келинг, энди сизлар менга қизларни кўрсата қолинглар. Мен сиз танлаган қиз маъқул бўлса, ўшанга уйланишга қарор қилдим.

Энди улар қиз излашга тушдилар... Дарвоқе, улар мени олдиндан:

– Ўғлим, сенга бўлгуси келиннинг ташки кўриниши ва юзи ёкса бўлди, феъл-атворига эса биз кафилмиз, – деб огоҳлантирдилар.

Шундан сўнг яна бошқа «бош оғриғи» пайдо бўлди... Ота-онам танлаган қизларнинг албатта нимасидир менга ёқмасди. Улар кўрсатган қизларнинг саноғи йигирмадан ҳам ошиб кетди. Қарасам, ота-онам бу машмашалардан жуда ҳам чарчаб кетишди...

Охир-оқибат бир куни улар зорланиб қолишди:

– Бўлди-да болам, энди қизлардан бирортасини танлай қол!

Мен ўйлаб туриб жавоб бердим:

— Бўпти, менга яна бир-иккита қизни кўрсатинглар, улардан қайси бири кўпроқ ёкса, ўша қизга уйланаман, тамом, вассалом.

Тушуняпсизми? Никоҳ тўйимиз куни тўй дастурхонида ўтирганимда келинни эндигина учинчи бор кўриб туришим эди.

Сизлар учун бу жуда беъмани, тентаклик бўлиб туюлади, шунақами? Ахир қандай қилиб эс-хушли одам севгисиз, муҳаббатсиз турмуш қуриши мумкин?

Муҳаббат келади-ю, кетади, лекин оилавий турмушда ҳар кун яшаш керак! Фарзандларни тарбиялаб, ўстириш керак!

Энг муҳими, ана шундай қутилмаган тарзда оила қуриб ҳам биз 30 йиллик эр-хотинлик давомида бирор марта ҳам уришмаганмиз. Бирор марта бир-биримизга овозимизни кўтармаганмиз! Нимага? Чунки унинг феъли менинг феъл-атворимнинг буткул тескариси.

Жаҳл билан столга мушт тушироқчи бўлиб турганимда... Сеига жилмайиб турган одамга кўзинг тушса, жаҳлинг шу заҳоти тарқалади-кетади ва сен беихтиёр унга кулиб қарай бошлайсан.

Мен кейинчалик ўзим танлаган қизларнинг тақдири билан қизиқдим, баъзилари ҳақида атайлаб суриштирганман, баъзилари ҳақида эса тасодифан эшитиб қолганман... Агар уларга уйланганимда, уларнинг деярли ҳаммаси билан, бугуннинг ўзидаёқ ажрашиб кетган бўлардим!

Уларнинг ҳаммаси йиллар ўтиб ғалати аёлга айлаишган, бири уришқоқ бозорчи аёлга айланган... қай бири яна аллаким...

Ёдимда, улардан бири ҳақида отам шундай деганди:

— Ўғлим, ўйлаб кўр, унинг онаси икки марта турмуш қурган, бувиси ажрашган, бу дегани, сен ҳам бир куни келиб хотинсиз қолишинг мумкин. Сен қанча тиришма, уларнинг насаби шундай ё ким биландир қочиб кетади ёки сенга хиёнат қилиши мумкин.

Ўша аёл hozир чиндан ҳам эрсиз. Икки марта турмушга чиқиб иккаласидан ҳам қайтиб келган. Уларнинг оиласида учта опа-сингил бор эди, мен ўша пайтларда уларнинг ўртанчасини танлагандим. Буни қарангки, бугуи уларнинг ҳаммаси эридан ажрашибди!

Эътибор беринг, ота-онам барибир ҳақ бўлиб чиқишди. Ўз вақтида ота-онамга кўрсатган тўққизта қиздан биронтаси ҳам мен яшаб кета олишим мумкин бўлган аёл эмаслигини ҳаётнинг ўзи исботлади.

Уларга уйлансам, шубҳасиз, оилавий ҳаётим жуда аянчли яқун топган бўларди. Эҳтимол, улардан бир-иккитасига тоқат қилган бўлардим, лекин шунда ҳам ҳар куни бир-икки шишани бўшатиш ҳисобига...

Шундан кейин ота-онам кўрсатган айрим қизларнинг тақдирлари билан, уларнинг ҳаётлари нима бўлгани билан қизикдим. Буни қаранг, ота-онам менга уйланишни таклиф қилган қизларнинг ҳаммаси, бугунги куида ўзларининг турмуш ўртоқлари учун муносиб рафиқа бўлишган. Энг қизиғи, улардаи бирортаси ҳам ажралишмаган!

Ишонтириб айтишим мумкинки, бунда ҳеч нимани бўрттирмасдан, ҳеч нимани бекитмасдан гапиряпман. Улардан ҳар бири ўзига хос яхши фазилатга эга ва улардаи истаган бирини танлаганимда ҳам мен яхши ҳаёт кечирган бўлардим.

Нима учун?.. Чунки бу қизларда, ҳозирги пайтда менга хуш ёқадиган барча ижобий жиҳатлар мавжуд. Бугунги кунга келиб уларнинг ҳаммаси хурмат эътиборли хонимларга айланишган.

Демак, сизларга шахсий тажрибамдан, тўғрироғи, оиламиз тажрибасидан келиб чиққан ҳолда тавсия бермоқдаман. Оиламизда фақат менгина ота-онамнинг тавсияси билан уйланганман. Оиламизда эса етти фарзанд бор. Шукрим, бизнинг оила, оилавий муносабатлар борасида энг намунали ҳисобланади. Чунки эр-хотин бир-биримизни хурмат қиламиз.

Мен рафиқамга «Сиз» деб мурожаат қиламан ва уни ҳазиллашиб «Хўжайин» деб атаман. Аёлим ҳам менга «Хўжайин» деб мурожаат қилади. Аслида, аёллар тилида бу «Менинг ҳукмдорим» – деган маънони англатади.

Ўғилларим бир куни менга:

– Дада, бизга келинларни ўзингиз танлаб берасиз, – деганларида чин юракдан севиндим.

Вақти келганда келинларни мен танладим. Бу танловдан ҳозиргача ҳеч ким норози бўлгани йўқ.

Бизнинг тажриба ҳар кимга ҳам тўғри келавермайди, лекин чуқурроқ кавлаштириб қарайдиган бўлсак, тарихда, бутун дунёда бу масалада бир хил тартиблар мавжуд бўлган. Яъни бобо ва бувилар фарзандларининг ва невараларининг турмуш қуришида асосий роль ўйнаганлар ва бу оилага ижобий таъсир кўрсатган.



Инсон ўз ҳаёти устидан тажриба ўтказиши қатъиян мумкин эмас, чунки сиз ҳаёт йўлингиз поёнига етгач:

«Тажриба муваффақиятсизликка учради, сабаби тажриба ўтказувчи аҳмоқ эди», – деб қолишингиз ҳам мумкин.

Фарзанд тарбияси сапёрларнинг касбига жуда ўхшаб кетади: Биласиз, сапёрлар фақат бир марта хато қилади ва ҳалок бўлади. Нима учун мен ўз оилам ҳақида гапириб беришман? Нега деганда, оила борасида мен энг бахтли инсонман, бу ҳақда бутун дунёга жар солишим мумкин. Шу сабабли бу борада бошқалар билан ўртоқлашмоқчиман. Негаки, инсонларнинг ҳаётини ташкил этиш бу – менинг мутахассислигим.

Бизда катта алломалардан иқтибос келтириб гапириш шарт эмас. Гапираётган киши ўз тажрибасидан келиб чиқиб

Тештакнинг тажрибаси 3

фикр билдирса, кўпроқ кадрли бўлади. Ҳар ким ўз ҳаёти ҳақида гапиргани асл ҳақиқат бўлади. Модомики, мен ўз бахтим ҳақида гапиряпманми – бу ҳам айни ҳақиқат.

Дастлаб ота-онамнинг оилавий ҳаётимни куриш билан боғлиқ катъиятларининг чин сабабини тушуниб етмаган эдим.

Бир гал отам менга:

– Ўғлим, тушун, мен ҳам сизларни замонавий бўлишингизни, севиб турмуш куришингизни, келинни ўзингиз танлашингизнинг тарафдориман. Лекин сенга бир гапни айтмоқчиман. Биласан, аканг ўзи топиб уйланди. Лекин унинг болаларининг қонида нафақат акангнинг, балки оналари томоннинг қони ҳам оқади. Аёл кишининг қони эса жуда кучли бўлади. Ўғиллар аксарият ҳолда ўз тоғасига ўхшаш бўлади. Агар шундай бўлса, акангни ҳамма ўғиллари нари борса тракторчи бўлади, чунки келиннинг авлодида нафақат ўқиган, балки ўқишга салгина интилган одам ҳам бўлмаган. Бундан ташқари, уларнинг уруғидагиларнинг ҳаммаси хотинбоз. Ҳатто уйланганда ҳам қоидага биноан эмас, балки «ишнинг пачавасини чиқариб» қўйиб бўлгандан кейин уйланишади...

Тарозининг бир палласига обрў, мансаб, ўқишни қўй ва бошқа палласига хирсу ҳавасни... Улар боши билан иккинчисига шўнғиб кетишган, бошқа нарсага эса уларнинг вақтлари йўқ...

Мен ўша пайтлари отамнинг сўзларига унчалик эътибор бермаган эдим, лекин катта акамнинг ўғиллари ўсиб-улғайишгач...

Акамнинг бешта ўғли бор, мен уларни пойтахтга олиб келдим, энг сара ўқитувчиларни ёлладим, ҳатто алоҳида хона ижарага олдим, фақат, улар эрталабдан кечгача илм олсалар бас эди.

Бир куни репетиторлардан бири менга шундай деб қолди:

Кечирасиз ака, биз уларни ўқита олмаймиз, сабаби бугун бир мавзуни неча соатлаб уларга тушунтирамиз, эртасига

эса айтганларимизнинг ҳаммаси уларнинг эсидан чиқиб кетаяпти.

Ўшанда жиғибийрон бўлиб, акамнинг болаларидан:

– Бу яна қанча давом этиши мумкин?! – деб сўрадим.

Улардан бири йиғлаганча:

– Ака, мен жуда ҳам ўқишни хоҳлайман, куни бўйи китоб устида ўтираман, лекин калламга ҳеч нима кирмайди, – деб қолди.

Тушуныясизми?.. Ҳеч нима кирмайди, тамом вассалом.

Азизларим, «каллага ҳеч вақо кирмаслиги» наслдан-наслга ўтади, кимнидир табиатга қарши равишда ўзгартиришга ҳаракат ҳам қилманг...

Энг ҳайратланарлиси, акамнинг ҳамма болалари аввал кимнингдир қизини ҳомиладор қилиб, кейин уйланишди.

Ва улар эгаллаган касб-кор ҳам отам айтганидек, битта-си кончи, қолганларининг бари ҳайдовчи ва тракторчи.

Иккинчи акам ҳам мустақил уйланди:

Отам шунда унга деди:

– Бу уруғда бирорта ақлу салоҳият талаб этиладиган касб-кор эгалари бўлмаган, уларнинг ҳаммаси жисмоний меҳнатга яралган одамлар. Лекин афсуски бундайларнинг бир умр косаси оқармайди...

Дадам яна:

– Ўғлим, – дедилар куюниб, бизнинг қонимиз у ерда ҳам, бу ерда ҳам қўшилиб кетган. Агар сизлар мана шу тарзда уйланаверсангиз, биз ўз сулоламизни йўқотамиз. Ахир аждодларимиз қабристониди, уларнинг шарафига нақ бешта хонақоқ тикланган. Ана шундай наслу-насабга хиёнат қилмайлик...



Одамни у аслида қандай бўлса,
шундайлигича қабул қилиш керак!

Узоқ йиллар аввал, менга эр-хотинлар мурожаат қилишди. Уларнинг ҳар иккиси ҳам мактабда директор бўлиб ишлашаркан. Ўз фарзандлари бўлмаганлиги боис, болалар уйдан учта фарзанд сақлаб олишган экан. Болалари маълум ёшга етгач улар менга «Энди бу ёғига қандай йўл тут-сак экан?» – деган савол билан мурожаат қилишди.

Буни қарангки, фарзандлардан бири ўғирлик бобида жуда истеъдодли чиқиб қолибди. Ота-оналари ўз пулларини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаган жойларга бекитишса ҳам, ҳалиги ўғил лаҳза ичида бу пулларни топиб олавераркан.

Сабаби ушбу боланинг биологик – чин отаси, биологик онаси ҳам ўта махоратли ўғри бўлган экан. Ана шундай ота-оналардан устаси фаранг ўғри дунёга келибди. У бола ўз ҳақиқий ота-онаси ўғри эканини ва бугунги кунда улар ўғирликни қотиллик билан омихта қилиб, умрбод қамок жазосига маҳкум этилганини билмаган ва ҳозиргача ҳам билмайди. Уни фарзандликка олган ота-оналари ажойиб педагоглар, лекин асранди ўғиллари умрбод қамок жазосига маҳкум этилди – чунки у асл ота-онаси йўлидан бориб ўғирлик ва қотиллик жиноятига кўл урганди.

Демак, одамни ўзгартиришнинг иложи йўк.

У ҳолда сизда шундай табиий бир савол пайдо бўлади. «Мадомики, мен ўзгара олмас эканман, унда нима қилиб бу китобни ўқиб ўтирибман?»



Азизларим! Одамни ўзгартиришнинг иложи йўқлиги тўғри, бироқ у ўзини-ўзи ўзгартириши мумкинлигини унутманг.

Яна бир жиҳати ҳам борки, жуда камдан-кам одамларгина ўзларини ўзгартира олиши мумкин. Аксарият одамлар

хаётнинг оқими бўйлаб сузиб кетаверишади. Бундайлар ногоҳон ўрама гирдобларда фарқ бўлиб кетишлари ҳам ҳеч гап эмас.

Энди хулоса чиқариш учун рухсат бергайсиз!



Агар сиз ўз фарзандингизнинг жуфти халол танлашида фаол иштирок этмас экансиз, бунинг оқибатлари жуда аянчли бўлиши мумкин. Ёшлиқдаги хирсий қизиқиш жуда тез сўнади, лекин қолган барча салбий қирралар йилдан-йилга кучайиб бораверади. Натижада, невараларингиз тимсолида сизнинг насли-насабингизга, зотингизга путур етади.

Ахир сиз ўз фарзандингизга ва невараларингизга бундай тақдирни раво кўрмайсиз-ку, тўғрими?

Агар ота-оналар ўзларининг ялковлиги ва бандлиги сабаб фарзанд тарбиясини ўз ҳолига ташлаб қўйишса, унда болалар эртагаёқ ота-онасини «қариб қолган, ҳаётдан орқада қолиб кетган» – деб ҳисоблаб, катталарни ўз ҳаётига аралаштирмаслик дардига мубтало бўладилар. Уларда кибр, манманлик илдиз отади.

Аксарият ота-оналар фарзандларининг оиласи борасида куйидагича муносабатда бўлишади. Биз жуда банд одамлармиз, бизнинг ишимиз бошимиздан ошиб ётибди, болалар билан шуғулланишга вақтимиз йўқ. «Қайси қизни танласанг, ўшанга уйлан, ўғлим бу сенинг ҳаётинг», ёки «Йигитлардан кимни танласанг, қизим ўшанга турмушга чик, бу сенинг ҳаётинг!»

Тентакнинг таърибаси 3

Бола тарбиясига бу тарзда ёндашиш ёшларнинг алал-окибатда нотўғри қарор қабул қилишларига, уларнинг афсусланиб қолишларига олиб келади.

Агар оиланинг катталари, яъни келиннинг ота-онаси аҳмоқ бўлишмаса, ёшларнинг оиласи дарз кетишига йўл қўйишмайди.




Ким айбдор бўлишидан қатъи назар, ота-она ҳеч қачон ҳеч кимнинг тарафида бўлмаслиги, ҳеч кимнинг ёнини олмаслиги даркор. Уларнинг вазифаси – бетарафлик.

Ота-оналар ўз фарзандларига: «Қизим, сабрли бўл, ҳаммаси изига тушиб кетади», «Ўғлим, тоқатли бўл, хотиннинг аслида ёмон аёл эмас», – деб улардаги ғазаб ўтини пасайтириб туриши лозим.

Хасталикнинг биринчи алангаси эр-хотинликнинг иккинчи йилига ўтиб бошланади ва тахминан бир йил давом этади. Ундан кейин уриш-жанжаллар барҳам топиб, жуфтликлар тинчиб қолишади. Кейинги жанжаллар алангаси эса етти йилдан кейин бошланади. Ҳар етти йилда, бемор оила дардлардан эсон-омон чиқа олса, энди эр-хотинлар тобора бир-бирига ўхшаб бир бутун бўла бо радилар.

Хўш, юқорида тилга олганимиз қанақа касаллик, кадрдонларим?

Ҳар қандай оила улғайган сари, донишмандроқ бўлиб боради, мажозий қилиб айтадиган бўлсак, ўзидан пўст ташлайди.



Уйлангунга, турмушга чиққунга қадар ҳар биримиз ким эдик?.. Индивидуал шахс, тўғрими? Лекин энди ҳамкорликдаги ҳаёт йўлида шу юкни, ортиқча матоҳни, яъни «мен» ва «меники» деган тушунчани йўқотишимиз керак.

Икки ёрти бир бутун бўлишдан олдин, қалбдаги кераксиз туйғулардан халос бўлиш керак, оилада бир-бирлари билан зиддиятни келтириб чиқарадиган нарсаларни йўқотиш керак. Бор-йўғи икки йилгина турмуш қурган ёш эр-хотинлар ўзаро муносабатдаги келишмовчиликларини кўпинча тушуна олмайди. Натижада, бир-бирига нисбатан нафрат ҳисси кучайиб бораверади.

Эслаб кўринг-а, ёмон аҳволга тушганимизда биз эркалар аламимизни кимдан оламиз? Албатта, хотиндан! Аёллар ҳам биринчи галда аламини ўзларининг эрларидан олади.

Оиладаги «пўст ташлаш ёки туллаш даври»да эр-хотинларнинг ҳар иккаласи ҳам жуда тажовузкор бўлиб қолишади ва мана шу пайтда улар, айникса, кўпроқ уришиб, жанжаллаша бошлайдилар. Табиат қонунлари ҳамма ерда ҳам бир хилда бўлади.

Кераксиз «эго», яъни кибрдан халос бўлиш даврида «мен»лар «бизлар»га айланиш пайтида, оиланинг ривожланиш физиологиясини тўғри тушунмаслик ажралишга олиб келиши мумкин. Ота-оналар айна мана шу даврда келин-куёв ўртасидаги зиддиятлар оловидан хушёр бўлиши лозим...

Лекин баъзи ота-оналар бундай пайтда можаролар оловига ёғ қуя бошлайди. Айтайлик, она бундай дейди:

Тентакнинг таъриби 3

– Ҳа қизим, сен ҳақсан, эринг бефаҳм, у эшак. Бунақа кимсаларни ер қандай қилиб кўтариб юрибди экан-а?!.

Ота эса уни кўллаб-қувватлаб, қўшимча қилади:

– Мен ҳозир бориб бу зўравоннинг башарасини бежаб келаман!

Шарқона, хусусан, ўзбекона удумларга кўра бундай вазиятда қуйидагича йўл тутилади.

Узатилган қиз кўз ёшларини оқизиб отасиникига келди ва: «Куёвингиз ана ундай, мана бундай, куёвингиз ярамас, аблаҳ, ва ҳоказолар, деб таърифлади...

Бундай вақтда зинҳор қизингиз томонда бўлишингиз керак эмас, у минг карра ҳақ бўлса ҳам. Чунки қизингизнинг ёнини олсангиз, бу ишингиз натижасида оила барбод бўлиши муқаррар.

Сизнинг тутган йўлингиз мана бундай бўлиши керак – «куёв ҳақ», – ҳатто у қизингиз гапи бўйича ўта аблаҳ ва пасткаш бўлса ҳам.


Аслида эса куёвингиз шунчаки ҳаётда улғая бошлаган.

«Уриш-тўполон», яъни «оилавий касаллик»нинг анча оғир шакли тахминан оилавий турмушнинг еттинчи йилига келиб ривожлана бошлайди.

Айни шу даврда асосий босқич – бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиш, ёш оила ташкил топишининг биринчи босқичи бошланиб, энди бу ёғига оила «биз» деган тушунчага эга бўла бошлайди.

Агар бу пайтда ота-оналар ёшларнинг бу каби «даволашниш жараёнига» аралашиб уларни тинчлантириб, оиладаги ўзаро келишмовчиликларнинг силлиқ кўчишида ёрдам бермаса, у ҳолда ёшларнинг оилавий турмуши ажралиб кетиш билан якун топади.

Кейинги босқич орадан тагин етти йил ўтгач бошланади ва тахминан ҳар етти йилда оилада иккита шахснинг бирлашиши, муштараклашиши, яъни оилада «Мен»нинг йўқолиб бориши ва асл «БИЗ»га ўтиш ҳолати юз беради.



Ёшларнинг оилавий ҳаётида қайнона, қайнота ҳамда қатта қудаларнинг асосий вазифаси ҳакамлик қилиш эмас, балки тинчликпарварликни қарор топтиришдир!

Азизларим, биз сиз билан фарзанд тарбиясидаги ёш психологиясининг ўзига хос томонларини кўриб чиқдик. Энди тарбиянинг умумий масалаларига ўтсак ҳам бўлади.

16 ёшингизда ота-онангиз сизнинг назарингизда қандай кўринган? Худди қаридек, тўғрими? Улар шунақа ҳам тушунарсиз нарсаларни гапиришардики... Сиз учун эса ҳаётдаги ҳамма нарса шундоқ ҳам тушунарли, сиз шундай замонавий, улар эса ниҳоятда қолоқ туюларди. Тўғрими?

Бугунги кунда эса кўпчилигингиз ота-онангизнинг ёшидасиз.

Ўз фарзандларингизга бир қаранг-а, улар энди сизнинг ўсмир ёшингизда. Энди ҳозирги ақлингиз билан қараганда, ҳаммаси бошқача кўринади, тўғрими?

Айни дамда бу мақомга эришганлар ёки келгусида ота-она бўлувчиларга битта саволим бор:

– Айтинг-чи, фарзандларингиз қандай тарбияланишини хоҳлайсиз?

Улар сизнинг дўстингиз, ўртоғингиз, ҳамтовоғингиз, ҳаммаслагингиз бўлиши керакми? Ёки... Қандай?

Меҳр-муҳаббат ва шахсий ибрат кўрсатиш биланми?

Агар ота-она дангаса бўлса-чи? Шахсан ибрат кўрсата олмаса, фарзандларини эса ўзидан кўра яхшироқ бўлишини хоҳласа-чи?

Марҳамат қилиб айтинг-чи, ота-онангиз болалигингизда сиз билан тез-тез мулоқот қилишарми? Сизга панд-насихатлар қилиб, тажрибалари билан ўртоқлашишганми? «Қулоғингизни қоқиб кўлингизга тутқазишган», – тўғрими? У ҳолда яна битта савол. Кимнинг танбехлари сизга

кўпроқ таъсир этади: Онангизни «Қараб тур хали, мендан кўрадиганингни кўрасан», – деганими? Ёки отангизнинг танбехларими? Қайси бири кучлироқ таъсир кўрсатади?

Кимнинг қаттиққўллиги кўпроқ таъсир кучига эга? Ёки кимнинг сўкиб, уришганлари оғир ботган – отамизникими ёки онамизникими?

Мен баъзан ўз машғулотларимда шу тарздаги сўровномаларни ўтказиб тураман. Олинган статистик маълумотлар бўйича отанинг сўзлари кўпроқ ёдда колар экан. Нима учун? Нима учун она боласини уришиб берса, орқасига тушириб, «Қаерларда санғиб юрибсан?» – деб бақирса-да, бу фарзандга чивин чаққанчалик ҳам таъсир этмайди.

Сабаби, онамиз ҳар куни бизга танбех бериши, панд-насихат қилиши, қаттиққўллик қилиши мумкин...

Ота эса ойлаб ширинсўздан ўзгасини гапирмайди, кейин эса бир марта сўкиб берса – биз йил давомида йиғлаймиз, қолаверса, буни умрбод эслаб юрамиз. Нима учун шундай?

Азизларим, бу жуда оддий. Она айтадиган сўзлар миқдори ота айтадиган сўзлардан анча кўп. Қачонки она ҳадеб гапираверса, боланинг унинг сўзларига нисбатан эътибори кескин пасайиб кетади. Айтишади-ку... «Бир қулоғидан кириб, иккинчисидан чиқиб кетади» – деб. Худди шундай вазият юзага келади?

Ота эса она билан таққослаганда кам гапириб, кам уришади... Шу сабабли ҳам отанинг уришгани болага анча кучли таъсир кўрсатади.

Келинг, энди навбатдаги вазиятни кўриб чиқамиз.

Онангиз сизга: «Отанг яхши одам, зўр одам!» – деб айтади.

Отангизнинг ўзи ҳам сизга: «Мен яхши одамман, зўр одамман!» – дейди.

Кўшнингиз сизга: «Сенинг отанг – ажойиб одам, зўр одам-да!» – деб мактайди.

Кимнинг сўзлари сизга кўпроқ таъсир қилади? Кўшнингизнинг сўзлари, тўғрими, фикримга қўшиласизми?

Агар сиз бола тарбияси билан астойдил машғул бўлсангиз – бу яхши.

Лекин уларнинг тарбиясида биз ота-оналарнинг фойдали иш коэффицентимиз жуда кичкина... Ота-онанинг гап-сўзлари, пандлари узоқ йиллар давомида такрорланавериши натижасида таъсир кучини йўқотиб, қадрсизланиб боради.

Лекин агар кўшнингиз унга бир марта, «Сенинг отанг ёки онанг жуда ажойиб инсон» – деб айтса, бола буни бир умр ёдидан чиқармайди.

Чунки бу гапни у бир марта айтди. Ҳамиша микдорнинг камайиб бориши, сифатнинг ошиб боришига олиб келади.

Демак, фарзанд тарбиясига кимни жалб қилиш керак? Ўзингизними? Умр йўлдошингизними? Кўшниларидами? Мактабдаги педагогларними?

Мутахассисларни! Мутлақо четдан келган одамни!

Бироз мавзудан чекиниб, бир воқеани гапириб беришга ижозат берсангиз.

Бир гал янги йил арафасида Устозимнинг уйига унинг ўғил ва қизлари ўз фарзандлари билан йиғилиб келишди. Тасаввур қилинг-а, ўн битта фарзанд ва ўттизга яқин неваралар. Устозимнинг кенжа ўғли вилоят ҳокими экан. Бир пайт қарасам, ўша вилоят ҳокими йўлакчада ўтириб олганча ота-онаси, акалари ва опаларининг оёқ кийимларини тозалаяпти, қўлида пойабзал мойи ва чўтка.

Шу пайт унинг 20–25 ёшлар атрофидаги ўғли келиб:

– Дада, менга беринг, мен тозалай қолай, – дея ялиняпти.

У эса ўғлига:

– Кечирасан, бу ажойиб ишни ҳозирча фақат ўзим бажараман. Агар мен билан нимадир рўй берса – ундан кейин бу савобли иш сенинг чекингга тушади. Сенга ҳам ҳали гал келади. Ҳозирча менга халақит берма, – деди.

Мен ҳайратдан ёкамни тутиб қолдим!

Эътибор беринг, бу хусусият уларга болалиқдан сингиб кетган... Сиз учун бу эҳтимол эртадек туюлар? Улар учун эса бу оддий ҳол! Тушуняпсизми?

Фарзандлар янги йилга ота-онасининг уйига бутун Марказий Осиёдан йиғилиб келишди. Кенжа ўғил ўзининг

Тенгизнинг таъриби 3

улгайган фарзандлари олдида намоишкорона ўтириб олганча, оиланинг кексаларига ўз хурматини кўрсатиб, ота-онаси, акалари ва опаларининг оёқ кийимларини тозалаяпти, ўғлига бу ишни бермаяпти ва зеро, бу юмушни ўзи учун шараф деб ҳисоблаяпти. Ҳайратланарли, тўғрими?

Мен бу ҳақда ўзимиз ёлғиз қолганда секингина Устозимдан сўрадим.

– Сизнинг кенжа ўғлингиз, каттакон бир вилоятни бошқараётган одам, аммо шундай одам меҳмонларнинг пойабзалини тозалаш билан машғул бўлди... Бунинг сири нимада?

Устозим бу саволимга қуйидагича жавоб бердилар:

– Мен уларни бунга ўргатмаганман. Буни тарбиячилардан кимдир ўргатганки, улар болаликдан, ота-онасининг пойабзалини тозалаш учун талашиб уришадилар. Ҳалигача буни давом эттириб келишяпти.



Азизлар, билиб қўйинг! Ҳар бирингиз ўз яқин дўст-аёнларингизга эга бўлишингиз керак ва улар болаларингизга: «Сенинг ота-онанг дунёдаги энг яхши одамлар, сенинг отанг энг яхши, онанг эса энг зўр она!» – деб айтиб бориши керак. Сизга нисбатан ҳурмагни фарзандингизда бегона одам пайдо қилиб борса, унинг тарбиясида бу жуда юқори самара беради.

Сиз ҳақингизда яхши сўзлар, агар тарбиячи ёки мураббийлар томонидан айтилган бўлса, улар шу лаҳзадаёқ болага таъсир этади.

Демак, азиз ота-оналар, сиз албатта ўз аёнларингизга эга бўлмоғингиз лозим, чунки қиролларни айнан аёнлари яратишади. Агар бундай имкониятга эга бўлмасангиз, у


холда она – отага нисбатан аъёнларнинг ролини ижро этади, ота эса – онага нисбатан аъёнлик вазифасини ўтайди.

Энди эса медалнинг терс томонини кўриб чиқамиз.

Хонимлар! Ўз фарзандингизга: «Сенинг отанг учига чикқан аҳмоқ!» – деб айтиш билан сиз ҳеч қачон фарзандингиз назарида ўзингизнинг даражангизни юқорига кўтара олмайсиз. Албатта, эрингиз рейтинг бўйича пастга тушиб кетади, лекин сиз ундан ҳам кўпроқ пастга тушиб кетасиз! Бу сингари ожиз ва тўлорилар услубини унутинг. Оила аъзоларингиздан кимнидир камситиш орқали, сиз зинҳор ўз обрўйингизни кўтаришга эришмайсиз. Бу усул ҳеч қачон, ҳеч кимга, ҳеч қандай натижа берган эмас.

Шундай бир иллат бор, бу, айниқса, тўлиқ бўлмаган оилаларда кўп учрайди. Одатда инсон ўзи эришмаган орзуларга фарзанди орқали эришмоқчи бўлади. Қачонки, инсон ўзини ёлғиз ҳис қилса, у фарзандидан ўзига дўст ясаб олишга ҳаракат қилади.

Лекин шуни унутманг, зинҳор фарзандлар билан оналар дўст бўла олишмайди. Бола ўз ота-онасининг хизматкоридир, лекин бу мажбурият эмас... йўқ! У ота-онасига кўнгилли тарзда, фахрланиб хизмат қилади ва бу хизматидан ўзи ҳам лаззатланади.



Сиз ўз фарзандингизда энг муҳим учта тушунчани тарбиялашингиз лозим.

Биринчиси – бу ҳукмдор бўлиши керак:

Иккинчиси – у дунёдаги энг доно ва руҳан кучли инсон бўлиши керак. У Тангрининг ердаги вакили бўлиши керак. Ва учинчиси

– бир пайтнинг ўзида фарзанд қанчалик

юқори мартаба, юқори мақом эгаси

бўлмасин, у, аввало, ўз ота-онасига қувонч

ва фахр билан хизмат қилиши лозим.

Тентакнинг тажрибаси 3

Оиладаги муносабат: «Хаммасини катталар, яъни донишмандлик ҳал қилади» – деган қонунга бўйсунуши керак.

Биринчи банд: ота-она доим ҳақ.

Иккинчи банд: агар бунга қўшилмасанг, ҳарбийча йўл тут, яъни биринчи бандга қара.

Кадрдонларим, сиз бу қондани ўз оилангизда ҳам қатъий тарзда жорий этишингиз лозим.

Тушунаман, бутун мамлакат миқёсида ёки замонавий шаҳарда бунинг ҳеч бир иложи йўқ, лекин ўз оилангизда, буюк аслзодаликни, кексаларнинг донишмандлиги ҳурмат қилинадиган ва инобатга олиннадиган муҳитни яратиш мумкин-ку.

Менда ҳам фарзандлар тарбиясига оид айрим муаммолар бўлган. Сабаби – мен доимий хизмат сафарлари, турли ташвишлар, ишлар билан банд бўлганман. Яхшироқ таълим бериш учун уларни қишлоқдан шаҳарга кўчиришимга тўғри келди. Хўш, нима деб ўйлайсиз? Бу билан нимага эриша олдим?!

Улар «кўча лайчалари»га айлана бошлашди. Уларнинг қизиқишларини ҳам худди ҳамма «кўча безори» болаларники сингари бўлиб қолди, улар доим қаёққадир йўқ бўлиб қолишар, кўча-кўйда муштлашадиган бўлиб қолишганди. Яқин қариндошлардан айримлари менга «Болаларинг жуда тарбиясиз, сурбет ва қўпол бўлиб ўсишяпти», – деб айтишганида тушкунликка тушиб қолдим.

Фарзандларим билан гаплашдим, уларни уришдим. Улар эса «Ҳа, дада!» «Энди бундай қилмаймиз!», «Хўп бўлади, дада!» – дейишарди. Кейин эса ўша-ўша аҳволда ўзларини ёввойиларча тутишда давом этаверишарди. Биз ҳурматли ота-оналар, пандимизни бир марта айтамыз – ва болалар кўнглига етиб борди, деб ўйлаймиз... Ваҳоланки, бир-икки дақиқадан кейин қарабсанки... мутлақо етиб бормаган! Чунки уларнинг миясида доим шамол ғувиллаб турган бўлади ва у ҳамма сўзларимизни бошқа томонларга учириб кетади.



Шарқона нақл билан айтадиган бўлсак:
«Сен ота-онангнинг ҳақ эканини
тушуниб етадиган пайт келади, лекин
бу пайтга келиб энди фарзандларинг
сени ноҳақ деб ҳисоблай бошлайдилар».

Лекин мен фарзандларимнинг соч-соқоли оқаргандан кейингина акли киришини кутиб ўтиришни ҳечам хоҳламайман. Мутахассисларга мурожаат қилишимга тўғри келди ва улар менга қуйидагича маслаҳат беришди.

Мен ўғилларимга Устозлик қиладиган инсонни уйга таклиф қилдим. У фарзандларим билан хотиржам гаплашар, деярли ҳеч қачон болаларга овозини кўтармасди. Қизиғи, болалар унга доимо қулоқ тутишарди!

Икки ойдан кейин ўғилларимни таний олмадим! Икки ой ичида четдан таклиф этилган одам мен фарзандларим билан йиллар давомида амалга ошира олмаган ишни удалашга эришди.

Ўшандан буён кўп йиллар ўтди, фарзаидларим ҳам бирин-кетин ўсиб-улғайдилар, энди уларнинг ўзлари ҳам ота-она бўлишди. Кўп йиллар давомида уларни кузатар эканман, кўрдимки, ўғилларим жуда яхши томонга ўзгаришган, кўча бекорчиси бўлиш иллатидан буткул фориғ бўлишган.

Мана шу сабабли ҳам азизларим, сиз ўзингизга эиг яхши, энг сара тарбиячиларни, ўз аъёнларингизни топишингиз керак, болангиз неча ёшда бўлишидаи қатъи назар. Тушуняпсизми?

Менинг Голливудда шахсий кинокомпаниям бор. «Холливуд Пикчерз» деб аталади, мен анча йил олдин уни ижарага бергандим, энди у ерда мультфильмларни суратга олишяпти.

Бу соҳани ичидан билганим учун сизга ҳам бироз тушунча бериб ўтмоқчиман. Айтинг-чи, сиз уйда кино кўришни яхши кўрасизми? Яхши кўрасиз, айниқса, Америка фильмларини, тўғрими? Америкада, мамлакат худуди бўйлаб ички томоша учун ман этилган фильмларнинг бутун бошли рўйхати мавжуд эканини биласизми?! Бу эса асосан сиз ва биз томоша қиладиган фильмлар. Агар ишонмасангиз, шубҳалансангиз Интернетдан қарашингиз мумкин. Бу рўйхат албатта бўлиши керак. Ва у ердаги номлар сизга таниш эканлигига шубҳам йўқ.

Ёдингиздами, ўтган асрнинг 90-йилларида видеопркатдан кассеталар олганимизда, уларда «ушбу фильм АҚШ худудидан ташқарида намойиш этиш учун мўлжалланган» – деган ёзув бўларди.

ОИТСдан ҳимояланиш учун энг самарали муолажа – бу шубҳасиз ўзини тийиш. Сиз ҳам азизларим, Америкада намойиш этиш учун ман этилган фильмларни томоша қилмасликка ҳаракат қилинг. Агар томоша қилсангиз ҳам, сақланишга ҳаракат қилинг.

Азизларим, сизнинг эътиборингизни яна нимага қаратмоқчиман?

Биринчидан, сиз кўрадиган фильмларда иккитаси учрашиб қолади, севишади, кейин фаҳш билан машғул бўлади. Аксарият ҳолда бу иш никоҳсиз бўлади...

Нима деб ўйлайсиз, онг ости даражасида бу орқали нимага эришилади? Ожиз одамлар ожиз хатти-ҳаракатлар асосига таянади. Айнан шундай тарғибот туфайли никоҳсиз, жинсий муносабатга киришиш оммалашди. Кейин эса мана шу туфайли «фуқаролик никоҳи» деб аталувчи янги тушунча пайдо бўлди. «Фуқаролик никоҳи» ўзи нима? Марҳамат қилиб бир ўйлаб кўринг-чи?

«Фуқаролик никоҳи»даги жуфтликларнинг тўқсон беш фоиздан кўпроғи, қачонлардир ёшлик даврида бу масалада

огзи куйган ва энди юрагида ишончсизлик ва кўрқув пайдо бўлган кишилардан иборат.

Билиб қўйинг, ана шу ишончсизликдан ва гумондан «фуқаролик никоҳи» пайдо бўлади. Қачонки одам «на у ёқлик, на бу ёқлик эмас» бўлса юз беради бу ҳолат.

Фуқаролик никоҳи – ҳеч қандай ўзаро мажбурият талаб қилмайдиган, масъулиятдан кўрқадиган, ожиз одамлар учун махсус яратилган, эр-хотинлик ҳаётининг тубан шаклидир.

Фуқаролик никоҳи ўнтадан тўққизта ҳолатда эркак киши томонидан қурилади ва аксарият бу эркакларда аёлларга нисбатан ишончсизлик хасталик шаклига эга бўлади. Бу шуни англатадики – чуқур онг ости даражасида улар аёллардан нафратланишади, уларни инкор этишади. Лекин биологик мавжудотнинг физиологияси жинсий эҳтиёжни кондиришни талаб қиляпти, оилага ишонч эса йўқ.

Фуқаролик никоҳи – бу «эҳтиёт чораларисиз яқинлик қилиш ман этилади» деган шиордан башқа нарса эмас. Фуқаролик никоҳида ҳар ўнтадан фақат икки-учтасигина фарзандли бўлишади. Фарзанд кўришни истамаслик асосан эркакларга боғлиқ бўлади. Улар оталик масъулиятдан қочадилар. Натижада, улар мақсадларига эришади – ва бундай оила кўпаймайди!

Американинг ўзида кенг омма учун мўлжалланган телевидениенинг каналларида яланғоч аёлларни кўрсатишмайди! Уларда ўзига хос махсус бўлим бор – уни ахлоқ полицияси дейдилар. Улар аҳолининг ижтимоий ахлоқ меъёрларига риоя қилишларини назорат қилишади.

Яъни мисоллар билан айтсам. Айтайлик, Лос-Анжелеснинг кўп каватли уйларидан бирида истикомат қиласиз. Сизнинг олдингизга гоҳ-гоҳида жазманингиз ишқий муносабатда бўлиш учун келиб туради. Бундай ҳолатда қўшнилардан кимдир «бузуқ ҳаёт тарзингиз билан унинг фарзандларига салбий таъсир этаётганингиз» ҳақида

Тенгизнинг тажрибаси 3

ахлоқ полициясига хабар бериши мумкин. Натижада, сизни ҳибсга олишлари ва бир неча йилларга панжара ортига жўнатишлари мумкин. Мутлақо пуританча ахлоқий қарашлар.

Иккинчидан: сизга тақдим этилган фильмдаги баъзи бир қаҳрамонлар, албатта ижобий қаҳрамон бўлиши шарт эмас. Улар ибодатхонага киришади ва йўл-йўлакай бу муқаддас қадамжони оёқ ости қилиб, таҳқирли хатти-ҳаракатларини амалга оширадilar. Томошабин бу нарсага диққатини у қадар жамламаслиги учун бу ҳодиса гўё шунчаки асосий ҳаракатлар орасида амалга оширилади. Хўш, бу билан нимага эришилади?

Масалан, сиз ибодатхонага кирдингиз. У ерда ўзингизни қандай тутасиз? Черковда, синагогада, масжидда бунинг аҳамияти йўқ... Сиз, аввало, бу муқаддас жойларда ўзингиздаги барча ёмон иллатларни ташқарида қолдирасиз. Чунки бу остонадан илоҳийлик, эътиқоднинг чегараси бошланади. Бироқ юқорида тилга олинган фильмлар орқали пок ва муқаддаслик туйғулар сурбетлик ва имонсизлик билан алмаштирилади.

Учинчидан: сизнинг фильмларингизда йўл-йўлакай фарзанд эркинлиги кўрсатиб ўтилади. Унинг хоҳиш-истаклари ота-онанинг истақларидан ва панд-насиҳатларидан ҳам устун экани зўр бериб тарғиб этилади. Бу бизга нима беради? Ҳеч нима? Авлодлар ўртасидаги зиддиятни келтириб чиқаради, холос!

Унутманг, ҳар бирингизнинг оилангизда ҳам экран орқали мана шундай хатти-ҳаракатларни ўзи учун намуна қилиб оладиган болаларингиз бор. Бундай фильмлар орқали боланинг дунёқарашини, шахсий фикрларини бузишга ҳаракат қилишади ва унинг танлови сифатида.. Болалар натижада ўз ота-онасига: «Сен нимага менинг ҳаётимга суқилиб кираяпсан? Бу менинг ҳаётим! Меники! Сенинг ишинг бўлма-син!» – дейдиган бўладилар.

Фарзанд ўзининг бу хатти-ҳаракати орқали ота-онасини хафа қилаётганини, ҳақорат қилаётганини жуда яхши билади. Лекин ўзи ҳам катта бўлиб ота-оналар қаторига ўтганида, худди шундай ҳақоратларга эга бўлишни истамайди. Ва беихтиёр ўзини бу каби дилозорликлардан химоя қилади. Қандай қилиб дейсизми? Жуда оддий усул ёрдамида, яъни – у кўпайишни хоҳламайди!

Ёки бошқалар томонидан унга таъна-маломатлар бўлмаслиги учун у биттагина бола қилади. Марҳамат, сизга шу керакмиди, мақсадга эришилди! Икки одам бирлашди – ва ўзларидан кейин яна биттасини қолдиришди. Бу нимага олиб келади! Аста-секин муайян миллатнинг Ер юзидан абадий йўқ бўлиб кетишига!

Тўртинчиси: биринчи ва учинчи баиддан келиб чиқади. Фильмларимизда бош қаҳрамонлар мутлақо бахтли, бироқ улар фарзандсиз оила эгаси бўлади. Ёки жуда бўлмаганда битта фарзандга эга, аксарият ҳолда у ҳам жуда бемехр ва муаммоли бола. Ёки кинофильм марказида тўлиқ бўлмаган оила кўрсатилади... Кўзланган мақсад нима эканини илғаб оляйсизми?

Агар Америкада бўлсангиз ва атиги бир-икки фарзандингиз борлигини айтсангиз, у ердагилар сизга ҳайрат билан, тўғрироғи ёқтирмасдан қарайдилар ва сиз шу заҳоти ўзингизни оқлашга тушасиз.

Чунки кам фарзандлилик уларда ҳам беъманилик ҳисобланади. У ердаги оилалар асосан серфарзаид. Беш-олти болага эга бўлиш – улар учун қоида.

Бешичиси: фильмдаги бош қаҳрамон, одатда, ҳамиша ўттиз беш ёшдан катта бўлади. Лекин у бирон марта уйланмаган, чунки бутун умри давомида мансабга эришиш билан банд бўлган.

У гўёки жуда юқори мавқеларга эришган – у йирик корхонада раҳбарнинг ўнг қўли ёки ўзи раҳбар. У жуда бой. Унинг бир нечта машиналари ва уй-жойлари бор. Уйдаги

Тентакнинг тажрибаси 3

кийим-кечакларнинг саноғи йўқ, тугмачани босади ва юзлаб кийимлар илгичга осилган ҳолда эскалаторда юриб келади.

Демак, қаҳрамонимиз учун ҳамма нарса муҳайё ва у жамиятда барча нарсага эришган. Энди унинг кўнгли муҳаббат истайди. Ва у ниҳоят бутун умр уни севган ва фақат уни кутган биринчи муҳаббатини учратади, кейин эса сайёрадаги энг бахтли инсонга айланади.

Шу билан фильм тугайди, happy end. Бунинг нимаси ёмон!

Биз ҳам бу фильмларни ҳайрат ва ҳавасдан оғзимизни очиб, томоша қилганмиз. Лекин энди биз катта одамлармиз. Бизлар ёшларга нисбатан анча қатъий фикрга, дунёқарашга эгамиз.

Аmmo бизнинг 14–18 ёшдаги йигит ва қизларимиз-чи?! Улар ҳали тамоман тентаквойлар ва тентакойлар, мия ўрнида уларда фақат орзу-ҳаваслар... кийим-кечак... қаторлашиб турган машиналар... Беҳисоб пуллар... Ва охирида севги-муҳаббат ҳам... Энг ёмони, мишиқиси оқиб, она сути оғзидан кетмаган болаларда ҳеч қандай масъулиятнинг ўзи йўқ. Ҳаёт эмас, нақ жаннатнинг ўзи!

Айнан ёшлар ҳаммадан кўпроқ бу мафкураси бузук фильмларни томоша қиладилар ва аста-секин уларга тақлид қилиб, ўзгариб, бузилиб бораверадилар.

Энди уларда ўзига хос салбий хулқ-атвор, одатлар, қоидалар пайдо бўлади. Аввало, мен ўқийман... карьера қиламан... оила қуриш эса кутиб тураверсин.

Ва шундай бўладики, улар умр бўйи нима билан шуғулланса шуғулланадики – лекин оила қуришни ўйламайди. Қарилик даврига келиб эса бирдан тушуниб қолади-ки, бундай ҳаёт фақат фильмлардагина чиройли кўринар экан... Ҳаётда эса ҳаммаси бутунлай бошқача бўлиб чиқди!

Азизларим, ҳозир сиз билан жуда оғриқли мавзуни муҳокама қиляпмиз. Сиз юқоридаги фильм кўринишидаги маънавий таҳдидларга дуч келганингизда чуқурроқ

ўйлаб кўринг – бу каби томошалар болаларингизга нима бера олади?!

Улардаги барча фикрлар, нуқтаи назарлар, танловлар Сизга ва болаларингизнинг онгига тикиштирилади!

Ҳаммасидан ёмони шундаки, буни сиз ҳам болаларингиз ҳам пайқамасиз! Ҳолбуки, секин ҳаракатга келувчи бу минани уйингизга ўзингиз олиб кирдингиз!

Биласиз, ҳозирги кунда ўнлаб турдаги оммавий қиргин қуроллари... атом бомбалари, бактериологик бомбалар, кимёвий бомбалар мавжуд. Аммо энди улар қаторида маънавий-маданий бомбалар борлигини унутманг! Улардан қай бири қўрқинчлироқ эканини ўзингиз тушуниб олинг.

Атом бомбаси нима қилади «ба-бах!» портлайди ва ўлдиради. Бактериологик ва кимёвий қурооллар ҳам ўлдиради, лекин, шовқин-суронсиз. Аммо бунда сизни кимдир бегона ўлдирапти, ҳар ҳолда ўзингизни ўзингиз эмас.

Маънавий хуружларнинг мазмун-моҳияти шундаки, унда сизнинг ўзингиз кинотеатрга борасиз ёки телевизор орқали уни томоша қиласиз ва бу ажал оғусининг дозасини ихтиёрий қабул қиласиз. Сиз заҳарланасиз ва шу билан бир-га сизнинг насли-насабингиз ҳам тугайди.



Шундай экан, бу мафкуравий заҳарни зинҳор уйингизга киритмасликка ҳаракат қилинг!

Исбот сифатида сизга бир тадқиқот натижаларини айтиб бермоқчиман. Лекин аввал битта саволимга жавоб берсангиз!

Нима деб ўйлайсиз, эс-хуши жойида, жисмоний жиҳатдан соғлом эркак ўз хоҳиши билан бичилишга рози бўлиши мумкинми? Шифокорнинг олдига келиб ундан ўзидаги эркаклик фазилатидан маҳрум этишни сўраши мумкинми? Жавобингизни эслаб қолинг.

Ҳаммангиз биласиз-ки, 1985 йилгача собиқ шўролар давлатининг бари чегаралари ёниқ эди.

Бошқа давлатлар учун бемалол бўлган фильмлар бизгача етиб келмас, келгани ҳам махсус хизмат ходимлари томонидан «тозаланган» бўларди!

Мана шу сабабли ҳам таълим олиш жараёнида мана шу фильмларни томоша қилган «ВГИК», яъни Бутуниттифок киноматография Давлат Институти битирувчиларини ўрганишимизга тўғри келди. Уларга ўша пайтда чет эл фильмларини томоша қилиш рухсат этилганди. Тадқиқотларимиз натижалари ҳайратланарли чиқди.

36 фоиз битирувчилар фильмлар таъсирида фарзандли бўлишни хоҳлашмайди ва улар албатта фарзандсиз. Бу микдор ўта салмоқли эди. Юзта битирувчидан 36 одам ўз хоҳишига биноан фарзандсиз яшамоқда!

Ҳолбуки, ҳаммасининг соғлиқлари меъёрида. Лекин улар бутунлай стерилланган, яъни айтмоқчимизки, ўз хоҳишларига биноан «бичилганлар»га айланган. Стерилланиш ва бичилиш тахминан бир хил нарса. Иккаласининг ҳам жамиятда келтириб чиқарадиган оқибатлари бир хил.

Албатта, дастлабки йилларда, яъни 1985 йилгача цензура бу хавfli радиацияни имконияти даражасида тўсиб турди. Кейин эса видеокассеталар пайдо бўлди-ю, маънавий вабонинг тўлқини барча юртларга тарқалиб кетди.

Азизларим! Агар одам радиация тарқалган ҳудудга кирса, у албатта нур касалига учрайди, бу қафолатланган.

Ҳатто ўта даражада кучли бўлсангиз ҳам, радиация ба-рибир ўз ишини амалга ошираверади.

Энди эса Россия аҳолиси ва Хитой аҳолисининг микдорини таққосланг. Фарқни сездингизми? Бунга сабаб – Хитой аудиторияси ғарб фильмларини намойиш этиш учун хар доим ёпиқ бўлган. Ва ҳалигача ёпиқ.

Энди эса вазифа – «нурли» тушунчасини турли сўзлар ёрдамида тасвишлаб беринг: қуёшли, ёрқин, пок, тоза, оқ, чарақлаган, чароғон, нурафшон...

Бир неча дақиқа ўтгач, сиз янги синонимларни топа олмай қоласиз.

Лекин агар сиз Худо берган куни бу ҳақда ҳаммадан сўрайверсангиз, бир неча йилдан кейин рўпарангиздаги одамни кўришнинг ўзидаёқ у одам қайси сўзларни тилга олишини биласиз.


Худди шу каби «Нима учун фарзандингиз битта?» деган саволга энди сиз доим чиройли, ақлли, ишонарли, ўзингиз ҳам ишонадиган баҳоналарни топиб бера оласиз. Мисол учун: «иктисодий вазият шундай... ночорларни кўпайтиришнинг нима кераги бор»... яшайдиган жой йўқ... шароит дегандай... ўнлаб баҳоналарни. Лекин буларнинг бариси бўлмағур сафсата!

Сизнинг қиёфангизда аллақачон ўз аждодлари меҳнатининг кушандаси бўлган, ўзи ҳам ҳалокатга маҳкум манқурт ҳосил бўлган. У инсоният келажагининг қотилидир.

Кимдаки, соғлиғи жойида бўлса-ю, фарзанди битта бўлса, у аллақачон хаста одамдир! Агар кимда бу ҳам бўлмаса, у бедаво касал! Кимда иккита фарзанд бўлса? У ҳам хаста, лекин уни ҳали тузатса бўлади.

Кимда фарзанд учта бўлса? У ҳали тирик. Кимдаки тўртта бола бўлса... Нима дедингиз? Бундайлар энди қолмаган дейсизми?! Йўқ!

Қалбингизнинг тубига бир боқинг – сиз йўл бошида қанча фарзандли бўлишни хоҳлаган эдингиз? Деярли ҳаммангизнинг кўнглингизда камида бешта фарзандли бўлиш истаги бор эди. Ҳаётда-чи, улар қанча?



Энди эса кимнинг фарзанди бўлмаса, шунингдек, биттагина ёки иккитагина фарзанди бўлса, сизларга уй вазифаси...

Хуллас... ўзингиз тушунасиз, ёш бола эмассиз!

Тештакнинг тажрибаси 3

Ҳомиладор бўлиш, ҳомилани тўққиз ой олиб юриш ва уни туғиш жуда оғир иш. Буни эркак киши ҳеч қачон ҳис қила олмайди, бунинг азобини фақат аёллар билади. Лекин кимнинг фарзанди бўлса, яна шуни ҳам билишади-ки, уларнинг ҳаёти икки босқичга эга: яъни фарзанд туғилгунга қадар ва фарзанд туғилганидан кейинги босқич. Бола туғилгунга қадар жуфтликлар кўп жиҳатдан эркин бўлишган, ўз-ўзларига бек, ўзларига хон бўла олишган, қарёққа хоҳласалар, қачон хоҳласалар ва қанчага хоҳласалар бораверишган...

Лекин! Ҳеч бир ота-она фарзанд тугилгандан кейинги ҳаётини фарзандсиз кечган ҳаётга алмаштирмайди. Чунки ҳар қандай қийинчилик, энди улар эришган «ота-оналик» деб аталувчи неъмат ва у берган ҳис-туйғулар олдида ҳеч нарса эмас. «Оналик туйғуси», «оталик туйғуси» барча қийинчиликлари билан бирга минг чандон эркинлик ўрнини боса олади.

Бугунги кунда бефарзандлик бўйича энг юқори кўрсаткичларни немислар ташкил этмоқда. Шу сабабли улар энг тез йўқолиб бораётган миллат сифатида қаралмоқда.

Аниқроқ айтадиган бўлсак, бугунги кунга келиб немислар деярли тугаб бўлган. Ва бу жараёни орқага қайтаришнинг иложи йўқ. Ҳозирда Германияда яшаётган 40 фоиз немислар оилага эга эмас. Бу аниқ маълумот. 40 фоиз! Уларнинг оиласи йўқлигидан ташқари, улар оила қуришни исташмайди ҳам!

Демак, 60 фоизи қолди. Улардан 40 фоизидан кўпроғи оилали, лекин фарзандли бўлишни хоҳлашмайди. Хоҳлашмайди! Тамом-вассалом! Уларнинг фарзандлари тугул, фарзандли бўлиш нияти ҳам йўқ!

Тахминларга кўра яқин юз йил ичида Германияда немислар қолмайди. Аввалига улар камсонли халққа айланишади, ундан кейин эса умуман йўқ бўлиб кетишади. Аҳоли

миқдори эса аввалгидек бўлиб қолаверади. Аммо миллий сифат ўзгаради.

Бугуиги кунда Германия ўз популяциясиини бутунлай бошқа миллат вакиллари ҳисобига, бу юртга окиб келаётган эмигрантларнинг ҳисобига саклаб турибди. Ҳатто ҳозирнинг ўзида Германия кўчаларида ким биландир немис тилида гаплашасан-у, лекин яқинроқ танишиб олсанг, биласанки, бу одам немис эмас, балки турк, ёки ёҳудий, ё бўлмас рус, ёки украиналик бўлиб чиқади.

Немислар йўқ бўлиб боришяпти... яна қандай қилиб денг?! Улар буни шу қадар ҳашамат билан, калондимоғлик билан қилишяптики! Шунча тўкин-сочиликда, энг юқори даражадаги техника билан жиҳозланган, фаровоиликнинг барча жиҳатлари муҳайё бўлган ҳолатда... Бу ахир вабо қучоғидаги базмуҷамшид билан баробар-ку!

Ҳа, айтгандай, Англия билан ҳам худди шу аҳвол! Жуда тез орада инглизлардан «Бу миллат дунёга инглиз тилини берган эди» – деган хотира қолади, холос. Худди лотин тили билан бўлгани сингари... шумерлардан қолган миҳхат ёзуви сингари.

Ва бу борада энди барча Европа мамлакатлари кетма-кетлигида давом этаверади. Мазкур пойгада Россия ҳозирча энг охириги ўринлардан бирида турибди.



Азизларим, фарзандларингиз учун фильмларни ҳам, китобларни ҳам синчковлик билан танланг! У ерда сизнинг наслингизни йўқ қилишга қаратилган хуфя дастур бўлмаслигига диққат қилинг!

Тенгнинг таъриби 3

20 йил муқаддам мен бир хитойлик мухожир мураббий-лигида қўл жанги санъати билан шуғулланганман. У собик шўролар даврида ташқи разведкада ишлаган, истеъфодаги майор, кўп йиллар Хитой армиясида хизмат қилган, кейин эса Хитой ҳукумати таркибида хизмат қилган... фақат нафақага чиққанидан кейин ўз Ватанига қайтган.

Ўша инсон менга Хитой миллати сифатини яхшилаш дастурида қатнашганини гапириб берган эди.

Ушбу дастур олдида миллатни текин малай, иш қуроли каби одамлар кўпайиб кетишидан саклаш учун шафқатсиз селекция ўтказиш вазифаси қўйилган. Бунга қайси йўл билан эришмоқчи бўлишган? Такиклаш орқали!

«Битта оилага – битта фарзанд!» – бу миллатни селекция қилишнинг деярли 100 йилга мўлжалланган давлат дастури эди. Улар қандай қонун қабул қилишганини қаранг. Ҳар бир оила фақат бир фарзанд ўстириш ҳукукига эга, лекин... агар сиз олий маълумотга эга бўлсангиз, яъни ақлий салоҳият соҳиби бўлсангиз, унда сиз иккинчи фарзандли бўлиш ҳукукига эгасиз.

Мабодо, олий маълумот билан бирга қандайдир соҳа бўйича илмий даражага ҳам эга бўлсангиз, учинчи фарзандли бўлишга ҳам ҳақингиз бор!

Модомики, сиз ўқимаган, дангаса, ишёқмас бўлсангиз-чи, сиз иккинчи ва учинчи ва ҳ.к. миқдорда фарзандли бўлишингиз мумкин, лекин... ҳар бир кейинги бола учун давлатга қуртдек қилиб жарима пулини тўлаб қўйишингизга тўғри келади.

Жарима ҳам кам эмас – унинг миқдори ўртача хитойликнинг уч йиллик маошига тенг.

Нима деб ўйлайсиз – бундай миқдордаги пулни тўлашга ким қодир? Фақатгина шунча пулни ишлаб топадиган одам! Ким кўпроқ пул ишлаб топа олади? Кимнинг ақли-фаросати юксак бўлса!

Агар чиндан ҳам акли жойида бўлса, ишбилармонлик, уддабуронлик, ташкилотчилик, раҳбарлик, етакчилик кобилиятларига эга бўлса... демак, бундай одамлар кўпайиши керак!

Битта бола – меъёр, ортиғига жарима, кейинги бола учун яна жарима! Пулини тўлаб қўй ва бемалол кўпаявер!

Қонуннинг яна бир қисми бор – ёпик қисми. Агар учинчи фарзанд учун ҳам жаримани тўлиқ тўласангиз, давлат сизга қанча хоҳласангиз, шунча кўпайишга рухсат беради! Мутлақо текинга! Бунга қўшимча тарзда аввалги ундирилган жарималарни икки хисса қилиб қайтариб беради... Ва бу сирни ошқор этмаслик ҳақида сиздан тилхат олинади.

Давлат миқёсида жорий этилган бу жарималар миллатнинг ожиз, кучсиз қатлами олдида тўсиқ бўлди, элак вази-фасини ўтади. Шафқатсиз бўйсундириш орқали улар табиий йўл билан мутлақо мустақил равишда ўз миллатини қуллик генидан тўзалаб ташлади. Шу билан бирга ўқишга ва ишлаб пул топишга акли етадиганлар учун жойни бўшатиб беришди.

Бу қудратли дастур 1947–1948 йилларда ишлаб чиқилган ва 1951–1952 йилларда жорий этилган эди.

Ўша дастурда айтилишича, агар унга амал қилинса, 1975–1980 йилларга келиб кучли шахслар улғайишиб, ҳукумат таркибига кирадилар, давлатдаги энг асосий мавқеларни эгаллашади. 1990-йилларга келиб эса Хитой миллатининг ривожланишида кескин ўсиш юз беради ва бу ўз навбатида Хитой томонидан жаҳон экспансиясига олиб келади...

Ва шундай бўлди... шундай бўлаяпти. Шунинг учун «келгусида бутун сайёра хитойликларга тегишли бўлади» деб айтилгани бежиз эмас.

Энди эса қаранг, Россияда иккинчи фарзанддан бошлаб ҳар бир болага ҳукумат томонидан 400 минг қанчадир рубль миқдоридан ҳақ тўланади. Энди эса марҳамат қилиб

Тенгизнинг тажрибаси 3

ўйлаб кўринг, фикр юритинг, солиштириб кўринг... Бунинг оқибатлари қандай бўлади?

Бу аста-аста миллатнинг завол топишига олиб келади! Чунки бу дастур бўйича биринчи навбатда люмпенлар, яъни ночор синфга мансуб аҳоли кўпайишга интилади!

Аслида Россия учун ҳам аҳолини кўпайтиришнинг энг яхши усули бу Хитойдан ўрнак олишдир.

Шундай қилинса, туғилиш тўхтаб қолади, деб ўйлайсизми? Унда адашяпсиз! Билиб кўйинг, «Тақиқланган нарса албатта ширин бўлади!»

Азизларим, марҳамат қилиб айтинг-чи, биз сиз билан ҳозир нима ҳақида гаплашаётган эдик? Хитой ҳақидами? Россия ҳақидами? Демографик муаммоларни ҳал қилиш ҳақидами? Йўқ асло ундай эмас!

Биз ҳозир мустақил фикр юритишнинг нақадар муҳим эканлиги ҳақида гаплашяпмиз. Сизнинг теварак-атрофни англашингизда ҳамма нарса ўзаро муштарак эканлиги ҳақида. Бу олам сизга қандай туюлаётган бўлса, зинҳор шундай эмаслиги ҳақида!

Биз ҳозир сиз билан икки объект орасидаги тўғри ва текис йўл ҳар доим ҳам қисқа бўлавермаслиги ҳақида гаплашдик.

Ҳар бир халқнинг ҳам ўзининг бунёдкорлари ва бузғунчи вайронкор одамлари бўлади. Ор-номус қондасига бинноан яшайдиган одамлар бор, шунингдек у хиёнатдан бу хиёнатгача яшайдиганлар бор. Миллатнинг айнан маъна шу ожиз қисми ҳар қандай вазиятда енгил томонга ўтиб олади ва жонини саклайди. Булар ўта хавфли инсонлардир.

Менинг кенжа ўғлим Москвадаги мактаблардан бирида таълим оларди. Бир куни у одатдагидек дарсдан кейин мактабдан уйга қайтгач, биздан сўраб қолди:

— Дада, она, сизлар мени яхши кўрмайсизларми?

Бизлар бу саволдан хангу манг бўлиб қолдик:

– Ким сенга бу гапларни айтди? – сўрадик ундан.

У ўзининг мобиль телефонини олди-да, дарс пайтида тужириб олган видеони бизга кўрсатди. У ерда эса бир ўкитувчи бутун синфдаги болаларга «ота-онангиз сизларни яхши кўрмайди» деган гапларни уқтиряпти!

Эртаси кунни мактаб директорининг олдига келдим, унга видеони кўрсатдим. У хижолат бўлиб, узр сўрай бошлади. Ўша ўкитувчини ишдан бўшатиб юборишни ваъда килди.

Мен унга:

– Ўша бемаъни ўкитувчингиз билан менинг ҳеч кандай ишим йўқ. Аммо мен ўз фарзандимни кандайдир шўрпешона одамлар тарбиялашни хохламайман, – дедим.

Шундан кейин ўғлимни бу мактабдан бутунлай олиб кетдим. Кейин эса уни Тошкентдаги энг обрўли таълим масканларидан бирига ўқишга бердим.

Азизларим, афсуски, ҳали хануз «ўрта мактаб» деб аталувчи жуда муаммоли масканлар мавжуд, у ерда ўқувчилардан ўртача даражадаги текин малайларни яратишади.

Ўз синфдошларингизни эсланг... аълочиларингиз ҳозир қаерда ва нима билан машғул? Улар кимларнингдир югурдаклари.

Энди эса икки ва уч баҳолари орасида юрганларни эсланг, «аммамнинг бузоғи»дек галварсларни айтмаяпман, синфдаги норасмий етакчиларни назарда тутяпман. Уларнинг ярмидан кўпроғи эндиликда бойвачча бўлиб кетишган. Кечаги аълочилари эса институтни кизил диплом билан тугатиб, ўша аввалги «иккичи»ларнинг қўлида хизмат қилишяпти!

Бундай ўйлаб кўрайлик, мактаб ўқувчини нима бўйича баҳолайди? Худди қулдек бўйсунувчанлиги учун! Ҳамма уй вазифасини бажариб келсин! Ҳамма бир сафга турсин! Бола боради, келади, нимадир олади, нимадир беради! Баракалла, мана сенга беш баҳо! Ўзгаларнинг буйруғига

Тентакнинг таъриби 3

канча итоаткор бўлса, бўйсунса, уни шунча кўп рағбатлантиришади! Яна – хотираси яхшилиги учун. Бор-йўғи шу, холос!

Кимда-ким ўзининг шахсий фикрига, ўз нуқтаи назарига, ўз истакларига эга бўлса, кимда етакчилик қобилиятлари кўзга ташланса, кўпчилик педагоглар бундай ўқувчиларга тоқат қила олишмайди. Бунақаларнинг «боплаб таъзирини бериб қўйишга» ҳам тайёр туришади. Мўминтойлар эса уларнинг жони-дили. Педагоглар, илтимос, мендан хафа бўлманг, чунки ўзимнинг ҳам бу илмга алоқам бор.

Қадрли китобхон, нимага мен сизларни доим – ўзингизнинг хусусий ишингизни очинг, шаҳардан кенгликлар сари кочиб кетинг, фарзандларингизни табиат қўйнида тарбияланг, деб турткилайман. Бу уларнинг шахсий ривожланиши учун, улардаги қобилиятларни очиш учун яхши имкониятларни яратиб беради. Фарзандларингиз учун энг сара мураббийларни ёллаш учун ҳам молиявий асосингиз бўлади.

Ёдингиздами, ҳозирда замонавий бойваччаларнинг 97 % чекка шаҳарлардан чиққан, деб айтган эдим.

Мана сиз билан йўл-йўлакай ўзимизга менежерларни ва асосий кадрларни излаб топиш мавзусига ҳам яқинлашдик. Учинчи авлоддаги шаҳарлик зинҳор сизнинг директорингиз бўлишга ёки ўринбосарликка ярамайди. У мутлақо бундай ишларга тўғри келмайди... Унинг ўрни учинчи, тўртинчи бўғинларда.

Шаҳар бизлардан ўзгалар буйруғи, хоҳишларининг ижросисини яратади. Шаҳар юқори даражадаги қулайликни, кафолатланган шинамлиқни, яъни – ёнгинангдаги дўкон, бир томонда истироҳат боғи, гир-атрофда кўплаб кўнгилочар масканларни бериб эвазига боланинг қалбидаги буюк даҳоларни, кашфиётчиларни олиб қўяди, яъни ҳар жабҳада янгилик ярата оладиган шахсларни барбод қилади. Шаҳарликлар кўпинча ўзларининг шаҳарлик экани билан

кибрланадилар. Бу такаббурлик эса уларнинг онгидаги маънавий бўшлиқдан униб чиқади.

Шу сабабли азизларим, сизларни бу балолардан эҳтиёт килмоқчиман!

Ҳеч қачон фарзандларингизни калтакламанг! Кейин бундан ўзингиз қийналиб юрасиз! Ўтиргани жой тополмай қоласиз... Айниқса, агар ота бўлиб ўз қизингизга қўл кўтарсангиз! Бу қизингизни бир умрга синдириши мумкин.

Мабодо бундай бахтсизлик оилангизда рўй берган бўлса, албатта, бу ҳақда бафуржа гаплашиб олишингиз керак, фақат бир суҳбат билан чегараланиб қолманг. Ўз болангизга сиз бундай бўлишини сира хоҳламаганингизни тушунтиринг, ҳис-туйғуларингиз ҳақида айтинг, кечирим сўранг. У сизни чин юракдан кечириб юборишига эришиш!

Болалар ўз табиатига, беғубор ва масъумлигига кўра Худога якин туришади. Уларда биз катталарга хос зимдан тош отиб, қандайдир қонун-қоидалар, шартли хатти-ҳаракатлар, сунъий юз ифодалари ўрнатиш ҳолатлари бўлмайди.

Соғломлаштириш билан шуғулланганимизда биз, аввало, нима қиламиз? Аста-секин кайфиятни кўтариб борамиз? Кайфиятни шу даражага қадар кўтарамизки, натижада тана аъзоларимиз бизнинг истакларга ижобий жавоб бера бошлайди.

Айнан мана шу ҳолатда, яъни ниманидир хоҳлаганингизда у самарали амалга ошади. Бу кўпчилик омадли одамларнинг доимий яшайдиган меъёрий ҳолатидир. Аллақандай ёқимли сархушлик, ижодий илҳом ва жазава ҳолати!

Бу азизларим, таърифлашга ожиз жаннатий ҳолат. Болалар мана шу ҳолатда яшайдилар. Биласизми, болалар кўриш қобилиятини тиклаш машғулотларига келишганда...
5–6 кундан кейин улардан аксарияти кўриш қобилиятини

Тенг ақиниң тажрибеси 3


тиклашга эришади. Улар қандай қилиб бу натижага эришди экан, деб суриштира бошласангиз, шуни пайқаб қоласизки, улар ҳатто нима қилиш керак эканини тушуниб ҳам етмаган бўлишади.

Устоз, мураббийлар айтган фикр ва тавсиялардан ҳали бирортасчани ҳам тушуниб етмаган, лекин барибир, ўз соғлиқларини тиклашга улгуришади. Бу қандай юз беради?

Агар болага: «Биз сен билан фалон тамаддихонага борамиз, у ерда гамбургерлар еймиз, натижада кўриш қобилиятинг яхшиланади...» деб айтсангиз, аминманки, болаларда кўриш қобилияти ҳақиқатан тиклана бошлайди.

Чунки улар ҳар доим аллақандай, сеҳргарликка ишониш, мўъжизаларни кутиш ҳолатида бўлишади. Энг асосийси эса ана шу сеҳргарликни ишга тушириш. Кўп ҳолатларда оналарнинг ўзлари болаларининг хасталикда узоқ қолиб кетишларига сабабчи бўлишади.

Шу сабабли ҳам, одатда, биз ота-оналарни болаларнинг машғулотиға яқинлаштирмаймиз.



Инсон ҳамиша яратувчилик, бунёдкорлик ҳолатида бўлиши керак! Ҳаётга худди болалар сингари ёндашиш керак! Ҳамма жойда, ҳамма нарсада мўъжизаларни кўра олиш, атрофингиздаги янги ва қизиқарли нарсаларни илғай олиш, пайқай билиш, доимий равишда навбатдаги мўъжизадан юрагингиз ҳаприқиб яшаши керак.

Хар бир бола ўзлигида зичланган, яхлит ҳолатга келтирилган ҳаёт негизини сақлайди. Шу сабаб ҳам улардаги ҳаётгий қувват бутун вужудларидан қайнаб чиқиб, тошиб туради.

**ЎЗ БАХТИНИНГ
ҲИМОЯЧИСИ ҲАМ,
УНИ ЯКСОН КИЛУВЧИСИ
ҲАМ – ИНСОННИНГ ЎЗИ**

- ▶ *Фаровонлигингиз манбаининг таркибий тузилмаси.*
- ▶ *Даромадлар генераторини қандай қуриш мумкин ва шу билан бирга қандай қилиб унинг таъсиридан ҳалок бўлишининг олдини олиш ҳақида.*
- ▶ *Касб-корлар ва бизнес турларидаги ижобий ва салбий жиҳатлар.*
- ▶ *Бутун умрингизга мазмун бахш этувчи ишни қандай топиш мумкинлиги ва унинг муддатини узайтириш сирлари тўғрисида.*

Handwritten text in a speech bubble, likely a note or entry from the Hofbuch.

Handwritten text in a larger speech bubble, containing several lines of entries or notes.

К

елинг, азизлар энди сиз билан инсонларнинг касб-корлари хусусида суҳбатлашамиз. Бу мавзу кимнингдир ўзи учун долзарб, кимнингдир эса фарзандлари ўсиб келяпти. Ким ўзининг хусусий ишини очмоқчи бўлса, унинг ҳам ишга ёллаётган одами қайси касбнинг, мутахассисликнинг эгаси эканлигига алоҳида эътибор қаратиши кераклиги учун ҳам мазкур мавзу муҳимдир.

Албатта, ҳар бир коида ҳам истиснога эга, лекин биз сиз билан бу ерда қонуниятлар ҳақида, статистик кўрсаткичлар ҳақида гаплашамиз.

Одам боласи одатда феъл-атвори ва истакларидан келиб чиққан ҳолда касб танлайди.

«Сен менга шошилмасдан айт ва айтганларингни икки бора такрорла...» – шу биргина гапда ҳарбийларнинг портрети мужассам.

«Мен ҳеч қачон ўзимдан қониколмайман, ўзимни доим ожиз сезаман, шу сабабли ҳам сен аблаҳни қамокда қиритаман!» – бу айрим милиционерларнинг синдроми.

Педагоглар ҳар доим гапиргани-гапирган, гапиргани-гапирган. Демак, уларнинг гапларини ўқувчилар қабул қилмай қўйишгач, улар ўқиб-ўрганишдан тўхтаб қоладилар. Кейин эса ёзув тахтасига доимий равишда такрорланаверганидан ёд бўлиб кетган қоидаларни илтишолади.

Муҳандислар техник тасаввурга, мушоҳада юритиш салоҳиятига эга. Уларнинг орасида бадиий адабиётни ёқтириб ўқийдиганлар камдан-кам учрайди.

Бухгалтерлар доим сонларни ҳисоблаш билан банд, те-варак-атрофнинг гўзаллиги ҳақида ўйлаш учун уларнинг вақти йўқ. Лекин азизларим, бухгалтерср ижодкор бўлса – буни ғаройиб ҳодиса деб ҳисоблаш мумкин. Бу худди эр-такдаги семурғ қушини учратиш каби ноёб воқеа.

Азизларим, инсон ўзига касб-кор танлар экан, ҳамиша ўзида йўқ нарсанинг ўрнини тўлдиришга интилади.

Баъзи бир кишиларнинг онги бутунлай қотиб қолади. Тасаввурий мушоҳадаси ҳам йилдан-йилга ёмоилашиб бо-ради. Ҳисобчиларнинг касбий касаллиги қандай бўлади? Улар орзу қилишдан тўхтаб қолишади! Ёки уларнинг орзу-лари ҳам касбларига хос тарзда фақат рақамлар билан боғ-лиқ бўлади.

Муаллим ва мураббийларда ҳам ўзига хос қотиб қолиш дарди бўлади. Улар доим баланд овозда гапиришади, лекин ўзлари қар бўлиб қоладилар. Улар йилдан-йилга чиройли гапирадиган бўлиб боришади, лекин шундай пайт келадик-ки, улар ўзгалар гапига кулоқ тутиб, уларнинг мағзини чақа олмайдиган бўлиб қолишади, чунки муаллимлар фақат га-пиришга ўрганиб қолишган!

Ҳаммадан ҳам қизиғи, муаллим одамга унинг касали ҳақида гапирсангиз, масалан, унинг буйрагида икки сан-тиметрли тош борлигини айтсангиз, у сиздан буни қандай қилиб билдингиз, деб сўраш ўрнига, мана бундай жавоб беради: «Адашдингиз! Буйрагимдаги тош икки сантиметр эмас, икки ярим сантиметр!»

Яъни муаллимлар узоқ йиллик фаолиятлари асноси-да ҳайрон қолиш ҳиссидан мосуво бўлиб қолишади ва ҳар доим бошқа кишиларнинг гапларидан хато излашади.

Аслида ўқитувчи сифатида менда ҳам бу касаллик бор. Шунингдек, мен яна битта жуда ноёб хасталикка эгаман

Тестанининг тажрибаси 3

– европача исм-шарифларни эслаб қолишим жуда кийин. Ўзимники менга жуда оддий туюлади – Мирзакарим Са-
накулович, жуда оддий...

Йўқ, азизларим, ҳазиллашдим! Қани бир табассум қи-
линг-чи, қадди-қоматингизни ростланг!

Бир гал фан доктори бўлган терапевтга шикоят қили-
шимга тўғри келди:

– Мен одамларни исмлари бўйича эслаб қола олмай-
ман, ҳатто йигирма йиллаб уринган тақдиримда ҳам ўх-
шамайди; лекин агар автобусдами, кўчадами, қулоғимнинг
учи билан бир одам ўз касали ҳақида гапираётганини эши-
тиб қолсам, бу одамни бир қарабоқ эслаб қоламан. Исмлар
эса атига беш дақиқада ёдимдан кўтарилади...

Шунда терапевт менга:

– Бу муаммо фақат ўзимда бор деб ўйлагандим... Мен
одамларни коринлари бўйича эслаб қоламан. Лекин юзидан
эмас. Беморларим менга коринини очиб кўрсатади: «Ҳа-я,
мен ахир сизни эллик йил аввал текширган эдим-ку! Юзла-
рига карасанг, ҳаммаси бир хилдек...», – дея таскин берди.

Бу ҳам бир касбий касаллик.

Қандайдир муайян сифатлар эгаси бўлган одам, албатта,
ўзига мос касбни танлайди.

Милицияда ишлайдиган одам банкда ишлайдиган одам-
дан кўп жиҳатдан фарқ қилади. Театрда ишлайдиган одам
дўконда ишлайдиган одамдан фарқ қилади. Масалан, мен
ҳеч қачон савдо соҳасида ишлай олмайман. Бир гал бола-
лигимда, мактабда ўқиб юрган пайтларимда икки ҳафтача
бозорда тарвуз сотганман. Натижада шуни тушундимки, бу
иш менга мутлақо тўғри келмас экан.

Яна айтайлик, ҳеч қачон милиционер бўла олмайман. Бу
соҳада ҳам икки йил штатдан ташқари ишлаганман. Бунинг
нима эканини биламан.

Айтинг-чи қадрли китобхон, сиз милицияга ишлаш учун
борармидингиз? Милиционер сиздан нимаси билан фарқ

килади? Бу касб эгалари орасида фақат бу ишга алоҳида лаёқати бор одамларгина ўсиб кета олади.

Бактериялар ва вирусларни ушлаб олиш учун бизнинг организмимиз антителалар ажратиб, у ерда тартиб-интизомни сақлаб турадиган лейкоцитлари ишлаб чиқаради. Вужудимиздаги бу «кўриқ»чилар ўзининг белгиланган шакли ва вазифасига эга. Улар қондаги қонунбузарларни ушлаб олишга ва йўқ қилиб юборишга ихтисосланган. Лекин «Қозонга яқин юрсанг...» – деган гаплар ҳам бежиз эмас.

Бош қаҳрамон – полициячи бўлган истаган фильмингизни қаранг, бизнинг маҳсулотми, чет эл фильмларими, бунинг аҳамияти йўқ. У ёки уйланмаган бўлади ёки ажрашган. Агар оиласи бўлса ҳам доим хотини билан қирпичок бўлиб, жанжаллашгани-жанжаллашган.

Тасодифдан у оилали ва ҳаёти рисоладагидек бўлса, демак, бу онла аъзоларини фильмнинг бошидаёқ ўлдириб юборишади. Кейин омон қолган «шоввоз» қасд олиш ниятида ўн барабар кўп кишини гўрга тикади.

Шундай сюжетга эга бўлмаган бирорта фильмни айтинг-чи. Эҳтимол, бу бор-йўғи кино-ку, дерсиз? Албатта, ҳаётда ҳамма нарса учраши мумкин, баъзан шундай мўъжизаларга дуч келасанки, буни ҳатто атайлаб ўйлаб топиш ҳам мушкул. Лекин мен сизга, оддий статистикадан келиб чиқаётган далилларни баён қиляпман, холос.

Ҳатто ҳарбийларнинг феъл-атвори ҳам милиционерларнинг феъл-атворидан фарқ қилади. Лекин собиқ ҳарбийлардан бизнесда ўзингизга ҳамкор оладиган бўлсангиз – эҳтиётроқ бўлинг. Чунки уларда ўзига хос жиҳат ўта ривожланиб кетган бўлади – у ҳам бўлса «карьерани ўстириш»га бўлган интилиш.

Узоқ йиллик кузатувларимга асосланиб айтишим мумкинки, зобитларнинг аксарияти увон учун, орден учун бўладиган пойга иштирокчисига айланиб қолишади. Вақт ўтиши билан уларда зимдаи курашиш малакаси пайдо бўла-

ди. Бундай одамлар учун бизнесда ҳар қанақасига ўз мақсадига эришиш меъёрий ҳолат ҳисобланади.

Аммо зобитлик шаъни билан инсонийлик шаъни бутунлай бошқа-бошқа нарса, Ватан учун жонини бериш бу битта нарса, ўзи учун бахтли ҳаётни бунёд этиш – бу бутунлай бошқа фалсафа.

Ҳарбийлар ҳам, албатта, турли хил бўлади, худди милиционерлар сингари.

Юқори таркибдаги зобитлар, бошқа барча фаолият турларидаги мансабдорлар каби ўзининг феъл-атвори ва хатти-ҳаракати бўйича қуйи таркибдагилардан кескин фарк қиладилар.

«Кўнгилчанлик», «меҳрибонлик», «ижодий фантазия», «ижодкорлик» каби тушунчалар аскарлар учун камчиликлар ҳисобланади.

Ҳарбийларда баъзан кўполлик – кадрланади, тажовузкорлик – кадрланади. Энди ўзингиз учун тасаввур қилинг, 25 йиллаб фақат кирза этикда юрсангиз, сиз қандай одамга айланардингиз?

Мен Россияда шартнома асосида хизмат қиладиган ва бошқа мамлакатлардаги урушда қатнашиш учун ёлланган бир гуруҳ ҳарбийлар орасида тадқиқот ўтказдим.

Тадқиқотлар давомида менинг вазифам уларни кузатиш, таҳлил қилиш – айрим қонуниятларни аниқлаш ва эслаб қолиш ҳамда уларнинг ички портретини яратиш эди.

Улардан бири билан илк марта учрашганимда хаёлимга «у касал бўлса керак, аниқ соғ эмас» – деган фикр келганди. Ўзимча «у эҳтимол, қандайдир истиснодир» – деб ўйладим. Иккинчисини кузата бошладим – қарасам, буниси ҳам аввалгининг айнан ўзи. Учинчиси ҳам худди шундай. Ва шу тариқа бир дунё одамни ўрганиб чиқдим. Уларнинг ҳаммасида ҳам шизофрениянинг оғир кечувчи маниакал синдроми кузатиш мумкин эди.

Мен кўнгилли бўлиб ўзга юртларда урушга борганлар ҳақида гапиряпман, азизларим. Улар доимий равишда одам қонига ташна. Улар қон ҳидисиз ўзларини тасаввур ҳам қила олмайдилар. Мен бундай одамлар билан бир йилча мулоқотда бўлдим – ва уларга нисбатан бир умрлик қалб аллергиясини орттирдим. Чунки бу одамлар юқори инсоний кадр-кимматлардан узоқ, маънавий жиҳатдан катъиятсиз одамлар эди... Уларга фақат одам қони керак. Улар буюртмачилари билан қуйидагича савдолашадилар: «Сен менга ойига 10 000 доллар тўлайсан, мен истаганингни ўлдириб беравераман».

Ўлдиришни истамайдиган ҳаётни асл кадрловчи одамлар эса... уларни ҳатто фронтга сафарбар қилишганда ҳам урушдан воз кечишга ҳаракат қилишган. Буни зинҳор кўрқоқлик деб тушунманг, бу инсонийликка эътиқод, ҳолос.

Ички дунёсида инсоний қадриятлар устун одам ҳеч қачон ўзга бир одамни ўлдиришни истамайди. Бу менинг фикрларим эмас, балки илмий ҳулосалардир.

Агар одам ўз онги бўйича ҳайвонийликка яқин турса, унинг мушоҳадасини ва амалга оширадиган ишларини ҳайвонийлик негизи белгилайдиган бўлса, бундай кимса бошқа одамни, мавжудотни ўлдириши муқаррардир.

Албатта, ҳар бир одам боласида ҳам ярим йирткичлик хусусияти бор. Лекин ҳайвонлар билан солиштириганда, биз танамизга пропорционал жойлашган каттагина мияга эгамиз, шунинг ҳисобига биз одам бўла олганмиз.

Агар одамни фақат инстинкт бошқарса, у ҳолда одам ўзининг илк босқичига яқинлашиб қолади ва унда ўлдиришга бўлган эҳтиёж пайдо бўлади.

Одамлар жамияти ҳамиша ёввойилашиш хусусиятига эга! Ёввойилашганлар бошқа ёввойилашганларга ҳужум қиладилар, натижада сайёрамиз ривожланиш йўлига тўсик бўлаётган одамлардан ҳалос бўлади.

Ҳозирда мен нафақат касбларнинг турлари бўйича тадқиқот ўтказаяпман. Шу билан бирга, одамларни ҳалок қилувчи маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган шаҳарларни ҳам ўрганияпман. Бу шаҳарлар «қарғиш теккан, яъни беҳосият» бўлади, яъни бу жойлар рисоладагидек ҳаёт кечириш учун мутлақо ярамайди.

Мана шундай ҳудудда яшаган одам нима билан шуғулланишидан катъи назар, ўзи билмаган ҳолда ўзини ва фарзандларини укубатлар ва фожеаларга гирифтор қилаверади.

Иш юзасидан бир гал биз Тулага борган эдик. У ерда менга: «Бизнинг шаҳар оилаларнинг ажралиб кетиши бўйича Россияда биринчи ўринда туришини биласизми?» – деб сўраб қолишди. Менинг юрагим «шиғ» этиб оркага тортиб кетди. Биз соғликни сақлаш вазирлиги орқали ФХДЁ идорасининг статистик кўрсаткичларини текширдик.

Ҳақиқатан ҳам, Тула етим болалар миқдори бўйича, аҳоли бошига ҳисоблаганда қариялар уйининг кўплиги бўйича, касалликлар, ажралишлар бўйича Россияда биринчи ўринда турар экан...

Ижевск шаҳри ҳам улардан узоққа кетмаган... Ижевск ва Тула шаҳарлари қурол-аслаҳа ишлаб чиқаради. Уларнинг ҳар иккиси ҳам вайронага айланган тақдирлар шаҳри.

У ҳолда нима учун атом бомбаси ишлаб чиқарадиган шаҳардаги одамлар бинойидек, мутлақо рисоладагидек яшашяпти? У ердаги ёлғиз одамларнинг ва ажралишганларнинг миқдори тинч-тотув яшаётган, эзгуликка йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган шаҳарлардаги каби...

Чунки бу қуроллар ҳали ишга туширилмаган ва уни ишлаб чиқарган одамлар улардан қурбон бўлган инсонларнинг тавқи лаънатларининг зарбасига учрамаган.

Тулада ва Ижевскда ишлаб чиқарилган автомат ва пистолетлардан эса бутун дунёда ҳар куни фойдаланишяпти...

Мен қуроллар ихтирочиси бўлган машхур бир одамни танирдим. Унинг қариллик даври ёлғизликда кечди. Мен ундан: «Сиз ҳеч бахтли бўлганмисиз?», – деб сўраганимда у менга бундай деб жавоб берди: «Мен бахт нима экаиини билмайман».


Ишончингиз комил бўлсин, у нафақат ўзини бахтдан маҳрум қилди, ўзининг бўлғуси авлодларини ҳам. Чунки унинг ихтиро этган қуроллари туфайли миллион-миллионлаб одамлар ҳалок бўлган ва ҳозир ҳам бўлмоқда.

Бу дунёни чуқурроқ ўрганганим сари мен тобора мистик бўлиб боряпман. Сиз уларга ишонасизми, йўқми, бу билан айтайлик, Сатурн, Нептун ёки Зухро сайёралари ғойиб бўлиб қолмайди. Улар қандай бўлса, шундайлигича туради. Лекин телескоп орқали ўзингиз уларни кузатсангиз, бу ишонч сиз қайсидир китобларда ўқиганингиздан бошқачароқ мазмун касб этади.

Амалиёт, менинг кадрдонларим, амалиёт – энг муҳим нарса. Ўзгаларнинг муваффақиятли ҳаётини телескоп орқали кузатиб борганингиз етар, ўзингизнинг ҳам биринчи даражали юлдузга айланиш вақтингиз аллақачон келди.


Инсонларнинг ҳис-туйғулари масофадан туриб бизнинг ҳаётимизга таъсир қилиш хусусиятига эга. Тақдирнинг «Нима эксанг – шуни ўрасан» тамойилидаги механизми юз фоиз ишлайди. Мен сизга бунинг қандай ишлашини очик тушунтириб бера олмайман, лекин кўп йиллик тадқиқотларимга асосланиб буни ишонч билан тасдиқлашим мумкин.

Қай тарзда кишиларнинг ҳис-туйғулари, лаънатлари бошқа одамларга етиб боришини аниқ билмайман. Бу қандай механизмлигини ҳам билмайман. Менда уларни аниқлайдиган бирор-бир ускуна ҳам йўқ. Лекин менда статистика натижалари бор.



Ўзингизнинг ва яқинларингиз мансаб пиллапоясидаги ютуқлари, тадбиркорлик фаолияти зинҳор қурол-яроғ ва уруш пойдеворига қурилган бўлишига йўл қўйманг. Ўз оилангизни, ўз уруғингизни ўзга инсонларнинг қарғишларидан ҳимоя қилинг.

Энди тарихга эътиборингизни қаратмоқчиман. Одатда, халқнинг меҳрига сазовор ҳукмдорлар давлатни узоқ вақт бошқарганлар. Халқ ёмон кўрган подшолар билан эса ҳаммаша нохуш нимадир юз берган... Бундай подшолар қандайдир 5-6 йил ичида навқирон, яшнаб турган кучли одамдан, тўкилиб кетаман деб турган, шалвираган кимсага айланишган. Чунки улар ўзлари муносиб бўлмаган жой учун куч ва соғлиги билан ҳақ тўлашган.



Агар сизни яхши кўрадиган одамлар сони ёқтирмайдиганлар сонидан бир нечтага кўп бўлса ҳам хурсанд бўлаверинг. Чунки сизни яхши кўрадиган мана шу бир нечта одам сизнинг «хос соқчи»ингиз, «донорлар»ингиз, «қалқон»ингиз бўлиб хизмат қилади.

Албатта, мен эстрада юлдузи эмасман, лекин касбим тақозоси билан ҳар доим тингловчилар олдида ўз истеъдодимни намойиш қилишимга тўғри келади. Бизда бир нечта босқичда машгулотлар ташкил қилинган. Энг биринчи босқич соғломлаштиришдир. Кейин эса «Омад устахонаси»гача бир поғона бор. «Омад устахонаси» тингловчилари

олдида чиқиш, соғломлаштириш курсларига келганларнинг олдида чиқиш қилишдан минг карра енгилроқ.

Соғломлаштириш курслари – дастлабки уч кун ичида мендаги кувватни шунақа сўриб оладики, буни таърифлашга сўз ожиз. Чунки астойдил соғайишни истаётган беморлар сендан ёрдам кутишади-да. Уларнинг ҳаммасига нимадир керак: кимга маълумотлар, кимга сеҳрли ҳапдорилар, яна бошқасига бошқа нималардир. Мана шу чексиз «олиш» истаги қандайдир кўзга кўринмас жараёни ишга туширади ва менинг кучимни сўриб олиб қўя бошлайди.

Соғломлаштириш машғулотларида қийналиб кетганимдан кейин яширинча тадқиқот ўзказа бошладим. Ва пайқадимки – факат менда эмас, мазкур соҳадаги шогирдларимнинг ҳаммасида ҳам худди шу аҳвол такрорланар экан.

Тўртинчи, бешинчи кунги машғулотлардан кейин зал аста-секин маърузачини қўйиб юбора бошлайди. Бугун унчалик қийалмаганингни ҳис қиласан. Тахминан олтинчи машғулотга келиб шундай туюладики, ҳеч ким ҳеч қандай энергия ҳам олмаяпти, ҳеч ким ҳеч нарса бермаяпти ҳам.

Еттинчи – саккизинчи машғулотлардан кейин кувватнинг ўзингизга қайта бошлаши юз беради. Энди зал ўзининг ижобий тўлқинларини тиқиштира бошлайди – хоҳлайсизми-хоҳламайсизми, лекин барибир тери катакчалари орқали сизга нурли нимадир кириб кела бошлайди. Ва вужудингизда барқарорлик юз беради, берганларингиз ва қабул қилиб олганларингиз ўртасида ғаройиб мувозанат юзага келади.

Энди эса улкан стадионларда чиқиш қиладиган машҳур артистни тасаввур қилиб кўринг, у бечора оломон олдида турибди ва ҳамма ундан нимадир хоҳлаяпти...

Мазкур концертга келганларнинг ҳаммасида ўша санъаткорга нисбатан яқинроқ бўлиш истаги бор. Улар ахир айнан ундан эшитиш учун, уни кўриш учун, нимадир олиш учун келишганда.

Актёрлар ҳам тез куйиб адо бўлиб кетадилар. Оломон ўз севган санъаткорини ўзининг чексиз-чегарасиз талаб-истаклари билан куйдириб юборади. Ва жуда кўп юлдузларнинг ҳаёти кўпинча айнан шу сабабли пастга қиялаб кетади.

Азизларим, бу нафақат менинг кузатишларим ва хулосаларим. Буни актёрларнинг, хонандаларнинг, бастакорларнинг ўзлари ҳам бот-бот айтишади. Яна уларнинг аксарияти ички аъзоларида сурункали касалликлар борлигидан шикоят қиладилар. Кўпчилигининг оилавий тақдири нотўқис – ёки доим оиласида қандайдир муаммолар. Уларнинг омма наздидаги чиройли ҳаётлари пардаси ортида – ёлғизлик, турли касалликлар, синган тақдирлар яширинган.

Худди шу каби муаммолар, ўзгаларнинг ҳис-туйғулари билан ишлайдиган касб эгаларида ҳам бўлади. Бу театр ва кино соҳаси вакиллари дир. Ҳар қандай театр бу кучли ҳис-туйғулар гирдоби демакдир. Қай бирингизнинг актёр танишингиз бор. Улар қанақа одамлар? Кучли ҳиссиётларга эга одамлар, тўғрими? Уларнинг ҳаммаси – эмоционал, ўта жижжак бўлиб қолишади, гарчи улар ҳам илгари вазмин, оғир одам бўлишган: эркаклари ҳам, аёллари ҳам бир хилда.

Чунки қайсидир бир тақдир соҳиби ролини ижро этиш асносида, ўзининг руҳий ҳолатини ҳам машқ қилдириб, юқори эмоция эгасига айланиб қолишади. Кимдаки эмоция – ҳис-ҳаяжон устунлик қила бошласа, унда ақл ўчади.

Шу сабабли, одатда, аёл кишилар кучли эмоцияга берилиб, албатта, бирорта ишқал қилиб қўяди, кейин эса бу ҳақда афсусланиб ўтирадилар.

Артистларда энг кўп учрайдиган касбий касаллик – бу шахснинг йўқолиб кетиши. Чунки касбий тақозо туфайли улар доимий равишда кимларгадир айланишади, қайсидир ролга кириб кетишади ва... бир кун келиб ўзлари аслида ким бўлганлигини ҳам унутиб қўядилар. Кейин бир умр бундан азоб чекадилар.

Актёр қанча кучли бўлса, бу фожеа шунча тез юз беради.

Мен ҳозир икки фоизни ташкил қиладиган буюк истеъдод эгалари – Худо берган руҳиятига кўшимча яна қалбида инсонийликнинг энг яхши сифатлари мавжуд бўлганлар ҳақида гапирмаяпман. Мен бу касб эгалари миқдорини ташкил қиладиган асосий жамоа статистик кўрсаткичи ҳақида гапиряпман.

Мен фаол тарзда ўзимни ривожлантириш устида шуғулланган пайтларим ҳис қилиш имкониятим ўн чандон ошиб кетарди. Масалан, бундай ҳолатда кабинетимда ўтириб, ҳозир бу ерга ким киради ва нима гапларни айтишини ҳам билардим... Ҳатто унинг хаёлидан нималар кечаётганини ҳам...

Бундай пайтларда, гўёки теварак-атрофдаги одамларни «сканерлаб» олардим. Албатта, буни мен уларнинг фикрларини ўқиш учун ёки сирларини билиш учун қилмасдим. Мен тадқиқот ўтказардим. Картотека тузаётгандим. Шу сабабли кўплаб сахна кишилари билан мулоқотда бўлишимга тўғри келганди. Мен ҳам уларнинг ҳис-туйғулари билан «заҳарланиб» қолдим. Уларнинг сўзлари билан эмас, айнан «туйғулари» билан.

Артистларда шу қадар кучли ҳис-туйғу пайдо бўладики, доим кимларнидир ижро этар экан, улар ўз шахсиятини йўқотиб қўйишади.

Айтайлик, у олдингизда турибди, аммо унинг ниқоби ортида, ижроси ортида ҳеч нимани кўрмайсиз. Чунки у ерда бирорта шахс йўқ – фақат чиройли ниқоб бор, холос, унинг орти – бўм-бўш!

Яна бир охириги тадқиқотларим натижасидан келиб чиқиб, Сизга реклама ролигида тасвирга тушишни тавсия қилмайман. Негаки, мана шу сабаб билан ҳам айрим актёрларнинг тақдири барбод бўлар экан.

Реклама бошланганида нима юз беради? Айниқса, агар у ҳадеб олдингизда пайдо бўлаверса... Сиз ўзингизни қандай ҳис қиласиз? Асабийлашасиз ва бошқа каналга ўтасиз-қўя-


сиз. Рекламани бир марта кўрасан, иккинчи марта... ва энди қарагинг ҳам келмай қолади. Бешинчи мартадан кейинчи? Ўнинчи мартасида-чи?

Тасаввур қилинг, бир пайтнинг ўзида ўттиз сония ичида бутун мамлакат сиз ҳақингизда ёмон фикрларни ўйлай бошлайди: «Аблаҳ! Овозингни ўчир! Жонга тегдинг!»

Миллионлаб одам бир пайтда телевизор кўради ва миллионлаб одамларнинг ҳаммасида бу реклама қатъий эътирозни пайдо қилади! Албатта, у ердаги маҳсулотга нисбатан эмас... Йўқ, мана шу рекламадаги актёр ёки актрисага нисбатан.

Ва бу муносабат шу заҳоти ўша актёрнинг уйигача етиб келади. Инсонларнинг нафрати, зид муносабати – миллионлаб аудиторияга кўпайтирилган ва кунига ўн марталаб такрорланаётган ҳолатда. Шу сабабли ҳам охириги пайтларда актёрлар кўпам реклама роликларида суратга тушмасликка ҳаракат қилишади, чунки бу уларнинг ҳаётларида ва карьераларида жуда салбий акс этади.

Мана сизга фикр ва руҳий ҳис-ҳаяжон кучининг исботи. Машинаси билан серқатнов йўлга қарама-қарши тарзда юриб бораётган киши ҳеч ким мени туртиб ўтмайди, деб ўйлаши ўта аҳмоқлик. Демак, ҳар қандай касбда ҳам хавфсизлик техникасига риоя қилган яхши!



Ўзингизни иисоний эътиросларнинг нишонига айланторманг. Ўз ҳаётингизда сизни қўллаб-қувватлайдиган миллионлаб кишилар бўлишига интилинг.

Энди азизларим, кейинги саҳифаларда энг шарафли касблардан бири – шифокорлик касби ҳақида сўз боради. Ушбу касбнинг яхши ва ёмон томонлари ҳақида.

Эркаклар орасида касбий «мижоз сустлиги» фақат гинекологларда учрайди. Бу исботланган. Эркак гинекологлар биринчи навбатда импотент бўлиб қолишади. 10 йиллик иш фаолиятдан кейин уларда аёл кишига нисбатан қизиқиш мутлақо сўнади. Чунки улар ҳар куни аёлларнинг энг «жозибали» аъзоларини кўравериб, бу уларни умуман ҳаяжонлантирмай қўяди.

Ўзингиз биласиз, қандолат фабрикасида ишлайдиган киши қандолат маҳсулотларига нисбатан бефарқ бўлиб қолади.

Чунки бу ердаги сирлилик йўқолади, тушуняпсизми? Ёдингиздами, ҳурматли хонимлар, мен сизга эригиз ҳузурида яланғоч қолишдан сақланишни маслаҳат берган эдим?

Тадқиқотни давом эттираемиз. Кимнинг психиатр танишлари бор, марҳамат қилиб айтинг-чи, уларнинг эс-хуши қанчалик жойида? 15–20 йиллаб ишлаган психиатрлар, бошқа шифокорлардан нимаси биландир фарқ қиладими? Уларнинг ўзлари ҳам йиллар ўтиб, аста-секин энг севимли ташхисларига яқинлаша бошлайдилар.

Нима учуи? Чунки одам худди мўриларига қурум тиқилиб қолган эски печка сингари бўлиб қолади. Энди унга ўзининг шахсий фикрлари ҳам заҳарли ис чиқара бошлайди. Оқибатда, унинг ўзи ҳам шундан заҳарланади.

Айни шунинг учун педагогларнинг, психологларнинг, психиатрларнинг дам олиш таътиллари икки ҳисса кўп қилиб белгиланган. Давлат уларга бундай имтиёз беришининг сабаби бор – чулки улар ўта зарарли касблар.

Биласизми, мен ўз вақтида бир машҳур шифокорнинг психиатрия бўйича ёзган китобини ўқиб қолган эдим.

Китоб муаллифи – академик, буюк олимлардан бири, ўз соҳасида у Бехтерев даражасида эди. Китоб тахминан 1950 йилларда нашр қилинган. Унда жуда улкан меҳнат маҳсули жамланган бўлиб, унинг ҳар бир сўзи асосли, ҳар бир фикри текширилган ва исботланган эди.

Тенгачнинг тажрибаси 3

Мен мазкур китобни ҳатто армияга ҳам ўзим билан бирга олиб кетгандим. Уни қаерга борсам, ўзим билан олиб юрардим.

Орадан кўп йиллар ўтгач, тасодифан ўша олимнинг тириклиги ҳақида эшитиб қолдим. Кейин тезда ҳамма ишларимни четга суриб, бу одамни излаб топишга киришдим. Ниҳоят, уни Одессадан топдим. Бу одам 50 йил давомида руҳий беморлар касалхонасида раҳбарлик қилган ва шу ерда даволовчи шифокор бўлиб ишлаган. Нафақага чиққанидан кейин эса у ўзи ишлаган касалхонага бемор сифатида тушган эди.

Биз учрашган пайтларда унинг ёши 80 дан ҳам ошиб кетганди. Унинг алоҳида палатаси бўлиб, у худди иш кабинети каби жиҳозланган экан. Ҳар куни эрталаб у ўрнидан тураркан, соат 9-10 ларда шифокорлар келиб, ундан хабар олишади. Уларнинг кўпчилиги академикнинг шогирдлари. У оқ халатини кийиб, шогирдлари билан бирга беморларни кўздан кечиришга кираркан. Мутлако жиддий. У худди бош шифокор сифатида беморларни кўздан кечиради, уларга даволаниш муолажаларини тайинлайди.

Санитарлар ҳам, шифокорлар ҳам бир овоздан буни тасдиқлашади, чунки эрталаб беморларни кўрикдан ўтказиш пайтида у мутлако соғлом бўлиб қолади. Кўрик тугаганидан кейин, академик эгнидаги халатини ечиб кўйиши билан яна унинг касали хуруж қила бошлайди.

Бу қандай касаллик? Ўзининг 80 ёшли кампирини рашк қилиш касали. Ҳаддан ортиқ даражадаги сабабсиз рашк. У хотинини ўлдириб кўйишга ҳам тайёр бўларкан, чунки унинг назарида ўзи йўқ пайтда хотини бошқалар билан «дон олишаётган» эмиш?!

Ана шу ғаройиб мутахассисдан сабоқ олиш учун мазкур касалхонага санитар бўлиб ишга жойлашишимга тўғри келди. Орадан бир неча ойлар ўтиб, биз академик билан жуда яқин дўст бўлиб қолдик.

У ҳар куни менга маърузалар ўқирди: беморларни текширувдан қандай қилиб ўтказиш, бунда нимага биринчи навбатда эътибор қаратиш тўғрисида... Мен ҳамон психиатрия илмининг ёрқин намояндаларидан бўлган бу инсоннинг қўлида тўққиз ой таълим олганлигим билан фахрланаман.

Машгулотнинг биринчи, иккинчи ҳафтаси мен учун жуда оғир кечди. Уйга қайтиб келгач, телевизорни қўйсам менга шундай туюлардики: «янгиликларни ўқиётган суҳандоннинг мияси жойида эмас, оммабоп кўрсатув бошловчиси – касалхонанинг «маниакал – депрессияли психоз» бўлимининг бўлгуси бемори...»

Агар одам ҳар куни кўплаб руҳий хасталарни кўраверса, соппа-соғ одамларга қараб ҳам улардан касаллик белгиларини топадиган бўлиб қолар экан. Маҳоратли психиатрда йиллар ўтган сайни ана шундай касбий деформациялар юз беради.

Невропатологлар ҳам вақти келиб шунга ўхшаш дардга дучор бўла бошлайдилар... Кўп йиллик стажга эга бўлган ақли расо невропатологни топишнинг деярли иложи йўқ.

Энди ижобий тўлқинларга ўтамиз. Энг узоқ-узоқ умр кўрадиган шифокорлар – бу педиатрлар. Энг самимий, айтилик, энг калби ёш бўлган шифокорлар ҳам – педиатрлардир.

Яна битта жиҳати. Нима учун педиатрлар энг кучли шифокор бўлиб етишадилар?

Энг зўр шифокор бу ветеринарлар. Ветеринар ҳеч қачон ўз беморидан: «Қаерингиз касал?» – деб сўрамайди. Келади, қарайди, яна бир марта қарайди, «бунисига укол, бунисини эса гўштга топширинг!» – дейди. Ҳайвонлар ахир қарери, нима учун оғриётганини шифокорга айта олмайди-ку! Шу сабаб ҳам бу шифокорлардаги касбий интуиция жуда ривожланиб кетади.

Тентакнинг тажрибаси 3

Кичкинтой болалар ҳам ҳеч қачон қаери ва нимага оғриётганини тушунтириб ўтиришмайди. Шу сабабли ҳам педиатр ўзининг ҳис қила олиш сезгисини ривожлантиришига тўғри келади.

Колаверса, педиатр шифокор истаса-истамаса, бизнинг болалар – митти фаришталаримиз билан бирга бўлганликлари учун улардаги беғуборлик, адолат, олийжаноблик даражаси ошиб бораверади. Сиз пайқаганмисиз, болалар шифокорининг ўзи ҳам кўпинча худди боладек бўлади. Худди улар сингари беғубор ва тоза қалб эгаси.

Энди эса эътиборимизни вужуднинг яхлитлигини бузадиган, унииг ичига қўллари билан кириб борадиган касб эгаларига қаратамиз. Булар жарроҳлардир.

Асл жарроҳ учун беморни ёришгача бўлган пайт ва ёрган пайти жуда катта қизиқиш уйғотади.

Ўз мутахассислигидан келиб чиққан ҳолда кўпчилик жарроҳлар одамга тахминан мана бундай қарашади: юқорида оғиз, ўртада меъда, пастда чиқарув тешиги. Бундай ёндашувда қалб учун ўрин йўқ. Шу сабабли ҳам аксарият жарроҳлар ўта совуққон бўлишади.

Ҳар бир касб-корнинг ичида ҳам ҳаёт учун хавfli тармоқлари бўлади. Шифокорлардаги бу мутахассисликка – реаниматологлар эгадир.

Улар чиндан ҳам энг заҳматкаш, меҳнаткаш шифокорлар. Реаниматологиинг дам олиш имконияти йўқ ҳисоб. Реаниматолог бу ҳар куни, ҳар бир сонияда жангга киришадиган шифокор ва уни ҳар гарафдан ўлим қуршаб туради. Тағин бу ҳали беморнинг қариндошларини ҳисобга олмаганда.

Бу одамга ҳар томондан ҳиссиётлар довули ёғилади, шу жумладан бемор томонидан ҳам. У ётган жойида ҳар куни «аҳволим оғир, аҳволим жуда ёмон» – деб шикоят қилиб ётади. Беш дақиқага ташлаб чиқиши билан бемор дарров: «Қани доктор? У нима учун мени ташлаб кетди?!» – деб инграй бошлайди.

Ўз вақтида мен турли хил мутахассисликдаги тиббиёт ходимлари ўртасида тадқиқот ўтказгандим. Шифокорлар орасида оиласида энг оғир муносабатга эга, оиласи мустақкам бўлмаган, қариндошлари кўп касал бўладиганлари бу – реаниматологлар бўлиб чиқди. Тиббиёт ходимлари орасида энг қисқа умр кўрадиганлари ҳам айнан реаниматологлар экан.

Қадрли шифокорлар, илтимос, мендан ранжиманг. Ҳар ҳолда қирқ йилча сиз билан деярли бир сафда меҳнат қилиб келяпмиз ва сизни жуда ҳам ҳурмат қиламан. Ҳар куни одамларга ёрдам бераётганингиз учун, одамларнинг соғлигини ва ҳатто баъзан ҳаётларини сақлаётганингиз учун ҳам сизларни жуда қадрлайман.

Энди эса яна кузатишларимдан бири ҳақида сўзлаб бераман. Беморларнинг шифокор ҳаётига салбий таъсири тахминан ўн бешинчи бемордан кейин бошланади. Биринкетин беморларни қабул қилар экан, тушлик пайтига келиб шифокор ўтиргани жой тополмай қолади.

Агар беморларнинг микдори йигирмадан ошиб кетса, шифокорнинг энергетик қувватида нимадир рўй бера бошлайди. Шифокорга худди қандайдир игналар санчилаётгандек туюлади ва беморлар шифокорнинг ҳаётий қувватини сўриб ола бошлайдилар. Бу мавзуда сизга нимаики гапираётган бўлсам, буларнинг ҳаммасини мен ўзимда ҳис қилганман. Бизларнинг ҳар биримизда, азизларим, нафақат жисмоний кучнинг, балки имунитетнинг ҳам захира кучи бор, шу билан бирга бошқа яна нималарнингдир ҳам захираси мавжуд.

Шифокор кўплаб норози кайфиятдаги беморлар билан мулоқотда бўлганидан кейин кун охирига келиб худди вагон-вагон юк бўшатган ҳаммол сингари чарчаб қолади, лекин барибир аста-секин ўзини тиклай бошлайди.

Ҳар бир касбда ҳам ўзининг асл жонкуяр ва фидойилари бўлади, улар ўзларининг муҳаббати туфайли соҳага хизмат

қилишади. Ва барча касбларда ҳам моддий кониқиш учун ишлаётганлар бор.

Ҳамма касб эгалари орасида ҳам ишга худди сургунга бораётгандек қатнайдиغانлар топилади.

Шу билан бирга ҳамма касбларда ҳам ўз касбининг усталари, пирлари бўлади. Ҳаттоки, ассенизаторларнинг орасида ҳам. Ассенизаторлар деганим – бу ҳожатхоналарни тозалайдиغانлар. Ҳатто шу ишнинг ҳам ўз буюклари, донишманд усталари бор.

Азизларим, унутманг, ҳар биримиз ҳам жисмоний кучнинг, интеллектуал салоҳиятнинг, ирода кучининг қанчадир миқдордаги захирасига эгамиз.

Ярим килолик юкни сиз шундоққина ўйнаб кўтара olasиз. Бироқ, агар сизга юкни кўпайтириб яна ва яна ортаверришса ва охирида имкониятингиз чегарасидан ташқари юк кўйилса, сиз кўтара олмайсиз ва белингизни синдириб кўйишингиз мумкин.

Инсонларнинг иммунитети ҳам ўзининг ўлчамига эга. Агар инфекция қандайдир ўлчамдан ошиб кетса, бизнинг иммунитетимиз энди турли хил касалликлар ҳужумига тўғанок бўла олмай қолади ва биз энди касал бўлишга маҳкуммиз.

Худди шу тариқа бизда ҳам ҳаётий иммунитет бор, ҳар биримизнинг тақдиримиз чидамлилигининг захираси мавжуд.

Исталган касбда, исталган фаолиятда, исталган ҳолатда теварак-атрофимиздаги олам бизни ё қўллаб-қувватлайди, ёки вайрон қилади. Мутлақо нейтрал – ҳолис муҳит мавжуд эмас. Мутлақо хотиржамлик, осудалик факат қабристонда бўлади.

Инсонларнинг фикрлари ва ҳис-ҳаяжонлари ҳар доим ўзининг манзилини, ўзининг эгасини топади. Киши буни хоҳлайдими, хоҳламайдими, бу сўраб ўтирилмайди. Уларга сизнинг аниқ манзилингиз, фамилиянгизнинг кераги йўқ. Улар ҳамма тўсиқларни айланиб ўтганча сизни албатта топиб боради.

Бехосият хунарлар ва хайру барака келтирадиган касб-корлар бор.

Бехосият касб-корлар дегани нима?

Сизнинг салоҳиятингиз қанчалик даражада юқори, асаб тизимингиз қанчалик даражада мустаҳкам бўлмасин, агар сиз мана шу соҳаларда ишласангиз, қилаётган ишингиз бир куни сизни емиради ва абгор қилади.

Агар кимдир инсонларга бахтсизлик ёки азоб-уқубатлар келтирадиган маҳсулотларни ишлаб чиқарса, бундай товарлар ишлаб чиқарувчига одамларнинг йўллаган салбий ҳиссиётлари, қаерда бўлишидан қатъи назар, етиб боради.

Қачонки, инсонларнинг бизга нисбатан салбий ҳиссиётлари, нафратлари кўпайиб кетса, бизнинг ҳаётимиз кескин тарзда барбод бўла бошлайди. Қандайдир офат тошқини бизни ва оиламизни ўзининг домига тортиб, ҳаммамизни турли тарафга улоқтириб юборади...

Хайру барака келтирадиган касб-корлар ҳам худди шу тарзда ишлайди, яъни юз фоиз бу ҳолатга тесқари йўналишда. Инсонларнинг миннатдорлик туйғулари, ташаккурлари сизни топиб олади, сиз бунга ишонасизми ёки ишонмайсизми, бундан қатъи назар, улар сизнинг ҳаётингизда хазина каби жамланиб бораверади.




Шунинг учун ҳаётий балансингизни кузатиб, назорат қилиб боринг Шундай қилинги, миннатдорчиликлар, қарғишлардан кўпроқ бўлсин. Сизнинг фаолиятингиз тури, бизнесингиз, касбингиз зинҳор оилангизга, фарзандларингизга, яқинларингизга бутун ҳаётингизга ёмон томондан таъсир қилмаслиги шарт.

Шундай ишлар борки, кам пул келтиради, лекин тонилган маблағ хайру баракали бўлади.

Шундай ишлар борки, катта пул келтиради, лекин ҳар бир тийин учун жуда катта ҳақ тўлашингизга тўғри келади.


Шундай ишлар борки, қанча ишлаб топмагин, ҳаммаси бир уюм қоғозга айланади...

Табиатда «текин» деган тушуица мавжуд эмас. Ҳамма нарса учун нима биландир ҳақ тўлаш шарт бўлади.



Нимага хизмат қилиш учун бел боғласанг, мукофотингни ҳам шунга яраша олаверасан.

Ёвузлик йўли – энг енгил, бироқ ннҳояси аянчли йўлдир. Эзгулик йўли – жуда оғир йўл. Бу ўзига хос йўл билан инсонлар сафини ожизлардан тозалаш, табиий сараланиш қонуни амалга оширилади.



Ўзингизга ва фарзандларингизга касб-кор танлашда жуда ҳам эҳтиёт бўлинг. Таҳлил қилинг, статистика бўйича кўрсаткичларни ўрганинг, бу касб эгаларининг шахсий ҳаётларида, мансаб-мавқеларида, молиявий ва соғликлари борасидаги аҳволлари қандай эканини ўрганиб чиқинг. Ўйлаб кўринг ва яна такрор ўйлаб кўринг!

Энди азизларим, шахсий мисолимда қандай тадбиркорлик турлари билан ҳеч қачон шуғулланиш керак эмаслиги ҳақида гапириб бермоқчиман.

Худо сақласин, токи, сиз ҳам билмасдан бу қопқонга тушиб қолмаслигингиз учун ҳаммасини бир бошдан тушунтираман.

Тадбиркорликнинг шундай фаолият тури борки, у бир қарашда сизга жуда енгил ва сердаромад бўлиб кўринади. Бу ароқ-вино маҳсулотларини ишлаб чиқариш. Нима учун «бир қарашда» сердаромад туюлади? Чунки аслида ундай эмас.

Зеро, бу фаолият тури шу кунгача ҳеч кимнинг ҳаётига бахт келтирган эмас. Мен буни қаердан биламан? Чунки бир пайтлар ўзим ҳам бу «қопқонга» аҳмоқлик қилиб тушиб қолганман!

Ҳар бир воқеа, кадрдонларим, ўз муқаддимаеига эга. Шарқона таомилга кўра гапни узоқдан бошлайман.

Москвадан Тошкентга учиб келар эканман, ота маконимгача бўлган манзилга элтиб кўйиш учун 15–20 одам аэропортга чиқиб, кутиб оладиган бўлиб қолганини пайқаб қолдим. Мени кутиб олишларидан, ўртамаздаги муносабатларни шунчалик кадрлашларидан, ҳар қандай об-ҳавода ҳам мени кутиб олишга тайёр одамлар бөрлигидан кўнглим тўлқииланиб, кўзимга ёш келарди...

Бир неча марта мана шу тарзда кутиб олишганидан кейин мени бу қадар меҳр билан илҳақ бўлиб кутишлари бекор эмаслигини фаҳмлагандай бўлдим. Бу одамларнинг аксариятига мендан нимадир керак эди. Агар аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, уларнинг ҳаммаси пулга муҳтож.

Улар ўз ҳаётларини менинг ҳамёнимга таянган ҳолда режалаштира бошлашганди. Қарасам, улар аета-секин умуман ишламай кўйишди.

Бир куни ўтириб олиб ҳисобласам, кимгадир ҳар ойда 5 минг доллар, кимгадир минг доллар, кимгадир уч минг доллар сарфлар эканман. Ҳаммасини жамлаб ҳисоблаганда яхшигина пул чиқяпти. Лекин энди уларга булар камлик қила бошлаганди. Қарангки, бу пуллар уларга фақат «дўст-

лари билан кучугининг туғилган кунини тор доирада нишонлаш учунгина» етар экан, холос.

Шу даражага бориб етдики, мен уларга «Ҳозир ёнимда бундай пул йўқ...» деб айтсам ҳам улар ишонмай, жаҳл билан «Қанақасига экан? Мен фалончидан пул олаётганимда сен келганингдан кейин ҳаммасини тўлайман, деб сўз бериб қўйганман...» – дейишгача боришди

Бир гал буларнинг ҳаммаси жонимга тегди ва мен бировнинг ҳисобига уюштирилаётган бундай базму жамшидларга буткул барҳам беришга қарор қилдим.

Ҳамёнимнинг истеъмолчилари бўлган акционерлар жамоасининг ҳамма вакилларини йиғиб, уларга бундай дедим: «Демак, гап бундай, мен сизларни ўз қариндошим сифатида кўришни истар эдим, сизлар ҳам мени қариндошиигиз сифатида кўришларингизни хоҳлайман. Бир қоп пул сифатида эмас... Ўйлаб кўринг, бундан буён мени худди Америкадан келаётган бандерол сифатида кутиб олмаслигингиз учун сизларга нима қилиб беришим керак?»

Улардан бири: «Бизга винзавод куриб бер, шундан кейин биз сени умуман безовта қилмаймиз...» – деди.

«Бўпти...» дедим. Мен уларга уч ой ичида 2 минг 700 тонна сиғимга эга вино заводини қуриб бердим.

Ер ажратиш ҳам, лойиҳалаштириш дегани ҳам бўлмади. Тахминан апрель ойининг ўрталарида бу гап бошланган бўлса, август охирига келиб биз аллақачон узумларни қабул қилишни йўлга қўйган эдик. Тасаввур қилинг-а, бу улкан ишни шундай қисқа вақт ичида йўлга қўйишга эришдик!

Биринчи фалокат қурилиш ишлари энди бошланган пайтда юз берди. Менинг катта ўғлим бувисининг уйига бориб укалари билан ток остида ўйнаб ўтирган жойида ток зангидан бири синиб тушган ва тўғри келиб унинг ўнг кўзига теккан. Натижада, кўз нерви шикаст топган.

Худога шукур, ҳаммаси ўтиб кетди. Операция қилишди, кўриш қобилияти мутлақо тўлиқ тикланди, ҳатто изи

ҳам қолмади. Шу сабабли мен бунга эътибор ҳам бермадим. Ўзимча, ҳаммада ҳам бўлади-ку, деб ўйлагандим.

Бироздан кейин иккинчи воқеа рўй берди. Кичкина укам, бу заводга мутлако алоқаси йўқ бўлган одам, шунчаки завод қурилишини кўриш учун келганди. Қурилиш ёнидан ўтиб кетаётганида у ерда тортилган симлар узилиб кетиб, симнинг учи тўппа-тўғри унинг ўнг кўзига санчилган. Жуда чуқур, тўғри қорачикка келиб текканди.

Бу ерда энди анча жиддий операция талаб этилди. Укам қисман кўриш қобилиятини йўқотди. Унинг ҳатто кўз қорачиғининг шакли ҳам ўзгариб қолди.

Мен энди бу ерда жиддий ўйланиб қолдим, нега бундай тасодиф – икки ой ичида менинг энг яқин инсонларим, ҳаммадан ҳам кўпроқ яхши кўрадиган одамларим касалхонага ўнг кўз жароҳати билан тушди экан?

Иккаласида ҳам бир хил воқеа. Ахир ҳар куни ҳам кўзимизга сим қадалавермайди-ку! Бунгача оиламизда ҳеч кимнинг кўзига шикаст етмаганди.

Кейин заводимизга йигирма тонналик трейлер цистернада спирт келтира бошладик. Биринчи трейлернинг ўзиёқ кўтарилиш пайтида орқага кетиб қолди ва гуриллаб ағдарилди. Ёмғир туфайли. Бу умуман ёғиши керак бўлмаган ёмғир эди. Ким Тошкент атрофидаги жойларда истикомат қилса яхши билади, августнинг охирида, сентябрнинг бошида ёмғир қуйиши, бу ерлар учун ўта қутилмаган ҳодиса.

20 тонналик биринчи трейлер ағдарилди, иккинчиси эса унинг ортидан... Ундан кейин спиртни эллик тонналик идишларга қуя бошлашди, идишлардан бирининг остки мосламаси очилиб кетди, иккита ишчи бу спирт вулкони остида қолиб, яхшигина «чўмилиб олишди».

Кейин улар қутилмаганда совуқ қота бошлашди, спирт учиб кетаётганда танани музлатади... Улар исиниш учун вагон уйчага киришган. У ерда эса электр плитаси ёниб тур-

Тенгизнинг тажрибаси 3

ган эди. Натижада иккала ишчи ҳам машғала сингари ёна бошлади.

Уларни шошилинич равишда касалхонага олиб бордик. Биттасида тахминан олтмиш фоиз куйиш, бошқасида қирк фоиз куйиш юз берганди. Худога шукур, шифокорлар астойдил ҳаракат қилишди, шундай дарахт пўстлоғи бор, агар куйган жойга сепсанг ҳатто чандиқ ҳам қолмайди. Ишчилар тўлиқ тузалиб кетишди, ҳатто чандиқ ўрни ҳам қолмади. Лекин куйган жойлари жуда даҳшатли эди!

Оқибатда бизнинг ҳамма пуллар, хом-ашё сотиб олиш учун сарфланган харажатлар ва қиёсий қилиб айтадиган бўлсак заводнинг таннархи – мутлақо ҳамма пуллар шамолга учди.

Устига-устак бу ишга бурнини тикмаган одам қолмади. Завод атрофида коррупция ривожлана бошлади. Сотиб олинган хом-ашёлар билан боғлиқ ғалва-ю, муаммолар ҳам тобора кўпая бошлади. Юқоридагилар спиртни ўннга, сўлга сотиб юбораверишган.

Ходимлар гўё ҳеч қандай жиноят содир этмагандек. Улар вазирликдан бу спиртни қонуний равишда сотиб олишган. Аниқлаштирилса, вазирликнинг ўзи бу спиртни ноқонуний сотган бўлиб чиқди. Натижада, икки йил заводдаги барча масъуллар прокуратурага бўзчининг моксидек тергов учун қатнашига тўғри келди.

Лекин энг ноҳуш ҳодиса ҳали бу эмас. Бу бахтсиз завод қурилган жойнинг атрофидаги одамлар тамоман ичкиликка берилиб кетишди. Заводга яқинлашганимда йўл-йўлакай рўпарамдан чиққан одамлар мени кўриши билан машинамни тўхтатишар экан: «Нима қилиб қўйдинг? Бугун қишлоқ ичкиликка муккасидан кетди. Қанча одамларни хароб қилдинг!!!» – деб хафа бўлишарди.

Қолган даҳшатли тафсилотлар устида батафсил тўхталиб ўтирмасликка ижозат берсангиз. Улар жуда кўп эди. Бу бало ва офатларнинг бари, охири мен масжидга бориб,

Яратганга тавба қилиб, тиз чўкиб, бу заводдан бутунлай воз кечганимдан кейингина барҳам топди.

Мен мутасаддилардан заводни ёпишларини сўрадим. Менга «Келинг, уни бутунлай бузиб ташлаймиз!» – деб таклиф қилишди. Мен эса бу таклифга: «Йўк! Менинг аҳмоқлигимга ёдгорлик сифатида тураверсин!» – дедим.

Ана шундан кейин ҳаётим яна ўз изига туша бошлади. Ҳалигача ўша завод ёнидан ўтиб кетаётганимда унга қарайман ва қачондир шундай аҳмоқликка қўл урганимдан хижолатга тушаман.

Шундан кейин қўшни винзавод билан боғлиқ воқеаларни ҳам эшитдим. У ерда 23 минг тонналик ҳажмдаги завод қурилган эди, бу меникидан 10 марта йирик дегани. Улардаги натижалар эса худди бизникини такрорлайди.

Ўша воқеалардан кейин мен тасодифан Москвада бир одам билан учрашиб қолдим. Қарасам, унинг қўллари тинмай қалтираяпти. Мен у билан сиртдан таниш эдим. Ҳар доим мен уни жуда бахтли одам бўлса керак, деб ўйлардим...

У эса озгина ичиб олди-да, гапиришга тушиб кетди. Суҳбат давомида қизлари, ўғиллари, хотини, умуман оиласи ва қариндошлари билан қандай муаммолар гирдобида қолиб кетгани ҳақида гапириб берди. Гапдан-гап очилиб билдимки, у дунёдаги энг бахтсиз одам экан. Оиласида ҳамма бир-бири билан уришган, фарзандлари отаси билан гаплашмайди, хотини билан аллақачон ажралишган, болалари бир-бири билан ит-мушук эмиш.

Мен ўшанда бунинг сабаби нима бўлиши мумкин, деб ўйладим, ким билади тагин..

Кейин бирдан эсимга тушди. У ахир ўз республикасида вино ва ароқ маҳсулотларининг энг йирик ишлаб чиқарувчиси. Унинг заводлари ўн минглаб тонна алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқаради.

Мен ундан: «Бу фаолиятингиз ҳаётингизга таъсир қилмадимикин?» – деб сўрадим? У менга: «Ҳа, ҳаммаси мана

Тентанинг тажрибаси 3

шундан бошланди. Мен ароқ-вино заводи эгаси бўлган пайтимдан бошлаб, бутун ҳаётим остин-устун бўлиб кетди...» – дея тан олди.

Ана шундан кейин мен бу борада тадқиқот ўтказишга қарор қилдим. Барча ароқ ва вино заводлари директорларининг тақдирини ўрганишга қарор қилдим. Ҳар бир заводда ҳам узоқ муддатлардан бери ишлаб келаётган мутахассис ва ходимлар бўлади. Бундай заводларда директорлар тез-тез алмашиб туриши кузатилади. Айрим узоқ вақтлардан буён ишлаб келаётган одамлар қирқ йиллаб битта ишда ишлашади, ҳаммани ёдда сақлаб юришади ва ҳамма ҳақида ҳамма нарсани билишади....

Ўшанда бизлар бутун Ўзбекистон бўйича юзга яқин винзаводларни ўрганиб чиқдик. Уларнинг қарийб 30 йиллик тарихини синчиклаб кузатдик. Заводларнинг раҳбари ким бўлган, қанча одам ишлаган, қайси шаҳарлардан, бу бошлиқларнинг лавозимга тайинланиши қандай юз бергани, фаолияти ҳаётига қандай таъсир қилган, раҳбарларнинг фарзандларининг тақдирлари қандай бўлгани ҳақида бутун бошли китоб туздик.

Кейинроқ, худди шундай тадқиқотларни мен Россияда ҳам ўтказдим. Ўшанда жами беш юзга яқин раҳбарларни ўрганиб чиққандик. Уларнинг тақдирини кўрганимда, бу ерда ўзига хос қонуният мавжудлиги мени ҳайратга солди. Шу соҳа раҳбарларининг 100% синган ҳаётга эга экан, 100% – бахтсиз одамлар! Ишонасизми, бирорта ҳам истисно йўқ.

Мана шу тариха тушундимки, менинг ҳаётимда рўй берган воқеа-ҳодисалар ҳечам тасодиф эмас экан.

Агар танишларингиз орасида кимдир вино-ароқ улгуржи савдоси билан ёки ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш билан шуғулланган бўлса, марҳамат, улар ҳақда эслашга уриниб кўринг, уларнинг бу бизнесдан топган пуллари қаёққа кетган? Тақдири қандай кечган?!

Мен ўтказган тадқиқотлар натижаси бир хил: бундай тижорат билан машғуллар касодга учраган, миллион доллар қарз бўйнига тушган, ярим миллион доллар қарзга ботган... Тушуняпсизми, азизлар? Уларнинг ҳар бири ҳақида шундай дея оламан!

Ароқ ёки вино ичувчи инсонларнинг: «Бу маҳсулотни ишлаб чиқарган одам барака топсин!» – деганини, ҳеч эшитганмисиз?

Вино ҳақида баъзан: «Яхши экан...» – дейишади. Аммо ишлаб чиқарувчи ҳақида-чи?

Лекин мазали, сифатли нон истеъмол қилганда, сиз нонвойни эслайсизми? Ҳар доим бўлмаса ҳам вақти-вақти эслайсиз-а? Сиз эсламаслигингиз мумкин, лекин бошқалар, сизни ишонтириб айтишим мумкин, жуда кўп бора эслашади. Ва юракдан чиқариб «барака топсин, кўли дард кўрмасин», – деган ният-истакларни айтишади.

Лекин ароқ ва уни ишлаб чиқарувчилар ҳақида ҳеч ким, ҳеч қачон бундай алқов ва олқишни айтмайди!

Тасаввур қилинг, азизларим: тенгқурлари билан кўчада ўйнаётган бола, бирдан отаси маст-аласт, оёғида зўрға туриб, чайқалганча тентираб келаётганини кўрса, ёнидаги болалар эса уни «Қара, ваҳ-ҳа-ҳа, бу сенинг пиёниста отангку» – деб масхара қила бошлашса, четдан туриб бунга қандай баҳо берардингиз?

Ўғли ичкиликнинг зўридан ҳушини билмай ётганини кўрган онанинг туйғулари қандай бўлади? Унинг зору гирён бўлиб, юракдан чиқариб айтган лаънатлари қаёққа бориб тегади? Кўринмас манзилга деб ўйлайсизми? Йўқ, асло!

Жуда камдан-кам ҳолатда: «Буни сотганга лаънатлар бўлсин, деб айтишади! Одатда: «Бу оғуни ишлаб чиқарганинг уйи куйсин!» – деб қарғашади.

Шу ўринда мен бир мисол келтираман: Менда шуғулланаётган битта тингловчи аёл билан бир қатор нохуш вазият юзага келганди.

У шахсан ўзига тегишли бўлган миллионлаб гектар ерларнинг эгаси, бутун Россия бўйлаб ва чет элларда гўшт комбинатлари бор. Россиядаги шакарнинг учдан бир қисми унинг Москва шаҳри учун озиқ-овқат маҳсулотлар етказиб берувчи ташкилоти орқали ўтади.

Унинг омборларида Россия Федерациясининг дахлсиз озиқ-овқатлар захираси жойлашган. Бу кўрсаткичлар нималарни англатишини тасаввур қиляпсизми?

Одатда, ҳаётда бегоналар учун яхшиликлар қила бошлаганигда сенга нисбатан қора кучларнинг қизикиши уйғона бошлайди. Аста-секин сен улар учун энг тотли ўлжага айлаиасан.

Ўша аёл дастлаб бешта, кейинроқ эса жами 30 та виноарок заводларини сотиб олишга қарор қилибди.

Тушуняпсизми? Мана, масалан, Россияда машҳур «Кристалл» заводи шулардан бири эди.

Мен унга шу заҳоти бир гапни айтдим: «Азизим, мени ўзинг учун шу бугундан бошлаб йўқ деб ҳисоблайвер. Жуда ақлли бўлиб кетдинг. Айтган жойидан кесадиган, чўрткесар. Мен эса оддий мураббийман. Билганингни қил, фақат ўтиниби сўрайман, бу бехосият худудга сукилиб юрма. Олдингиздаги енгил даромад аслида хўрак сифатида қўйилган. Унинг ҳақини эса инсонларнинг қарғишига қолиш ҳисобига тўлайсан!»

У менга қулоқ солмади, чунки бизларнинг ҳаммамиз ҳам катта пулни кўрганда баъзан қар ва сўқир бўлиб қоламиз.

Шу гапларимдан кейин ҳам у, барибир, завод сотиб олди... бешта эмас, иккита спирт заводини. Мен бежизга ҳар доим «аёл кишида ақл йўқ» – деб айтмайман-да. Бешта завод бўлди нима-ю, иккита завод бўлди нима? Бошга қарата беш марта ўқ узилди нима-ю, икки марта ўқ узилди нима... Биринчи ўқдан кейин тамом-ку, қолганининг ҳеч қандай фарқи қолмайди...

Йил охирига келиб унда бир талай муаммолар бошланди.

Биринчидан, иккита завод раҳбари савдо ёрлиғини, чиқарилаётган бутун маҳсулотнинг савдо маркасини ўз номига патентлаштириб олишга ва уни шахсий мулк эканини тасдиқловчи ҳужжатларни расмийлаштиришга улгуришган.

Иккинчидан, улар 30 миллион долларга яқин маблағни ҳам ноқонуний ўзлаштиришган... Аввал бир миллион, кейин икки миллион, кейин уч миллион, ундан кейин қарабсизки – 30 миллион долларни ўмариб туришибди.

Учинчидан, улар ўзларининг фoш этилганини билиб қолишгач, аёлни йўқ қилиш пайига тушиб, котил ёллаб, «буюртма» беришган.

Аёлнинг хавфсизлик хизматидагилар, илдамлик ва уздабуронлик билан бу «буюртма»ни ўзлари олиб, нейтраллаштиришга эришдилар.

Натижада, жиноятчи икки директорни ҳам камокка жўнатишди, лекин бу алғов-далғовлар икки йилдан ҳам ортиқроқ вақт давом этди. Аёлнинг ҳаёти эса даҳшатга айланди. Заводда чиқарилаётган маҳсулотини қайтадан сертификатлаштиришга тўғри келди... Бу жараёнлар мобайнида кечган икки йил ичида у аёл 70 миллион доллар пулини йўкотди.

Шунча воқеалардан кейин унинг ўзи бу сиртмоқдан заводини сотиб қутулмоқчи бўлганида, заводига харидор топилмади. Сабаби завод жуда қиммат турарди. Яъни ўзига зарар етказмасдан туриб ундан халос бўлишнинг мутлақо иложи йўқ эди. У менинг олдимга келиб маслаҳатлашганида: «Буларни ҳаммасини ёкиб юбормоқчиман. Танк бульдозерининг остида мажақлатиб ташлайман. Таг-туғи билан йўқ қилиб юбораман!» – деди. Мен унга: «Керак эмас. Бу тавқи лаънатдан қутулишнинг енгил усули бор. Сен уни жуда осонлик билан енгишинг мумкин» – дедим. Ва ўз тавсиямни бердим.

Бугунги кунда ҳам бу икки завод ишлаб турибди, у ердаги ходимларнинг умумий миқдори тахминан уч мингга

яқин одам. Аёлнинг бу заводдан оладиган даромадининг ҳаммаси болалар уйига ўтади. Бир тийинни ҳам у ўзига олиб қолмайди.

Фақат мана шу йўл билан у қарғишлару, лаънатлардан халос бўла олди, чунки унинг ҳисобида миллиардлаб долларлари бор эди. Агар сиз бу бизнес билан шуғуллансангиз, харажатларига чидаб бера олармидингиз?

Азизларим! Винзавод ва спиртзаводларни ишга туширар экансиз, сиз ўз қўлингиз билан оилангизга кутилмаган фалокатларни тайинлаган бўласиз.

Шу сабаб ўзингиз учун тадбиркорлик турини танлаганингизда сизнинг бизнесингиз туфайли қурбонлар бўлмаслигига алоҳида эътибор беринг. Токи, сизнинг маҳсулотларингиздан ҳеч ким жабр кўрмасин. Сизнинг «манзилингиз»га ҳеч ким лаънат ва қарғишлар жўнатмасин.

Энг камида – сиз ишлаб чиқарган маҳсулотлардан фойдаланувчи кимсалар сизга нисбатан бефарқ бўлишсин ёки ишлаб чиқарувчи ҳақида мутлақо эсламасин ҳам.



Инсонлар томонидан сизга нисбатан бўлган миннатдорлик туйғулари сизнинг ҳисоб рақамингизга жамланиб бориш хусусиятига эга. Шунинг учун ҳам сейфда пулларни йиғиш билан эмас, инсонларнинг миннатдорликларини жамғаришга ҳаракат қилинг.

Миннатдорчиликлар сизнинг ҳимоянгни фақат мустаҳкамлайди. Миннатдорликлар ҳар доим сизни барча масалада худди тирговуч сингари қўллаб туради.

Сиз нимагадир етишишга уриниб интила бошласангиз-у, бирдан кучингиз етмай қолса, шу пайт орқаваротдан

сизни қўллаётган юз минглаб қўлларни ҳис қиласиз... Улар оғиб кетаётган жойингиздан ушлаб қолиб, сизни юқорига, мақсадингиз сари ирғитиб юборишади.

Энди эса азизларим, энг асосий нарсага қайтамиз – яъни ҳаётий мақсадларга.

Ким ўзининг ҳаётдаги мақсадини топмоқчи бўлса, унга энг самарали машқларни тавсия қиламан. Мана ҳатто ёзиладиган фикрларни ҳам тайёр қилиб қўйдим, сиз «Ҳозир дафтарим йўқ эди, майли кейин излаб топарман», – деб баҳона топманг. Яхши ручкани оламизда, шу ернинг ўзида ёзишни бошлаймиз.

Машқимиз нимадан иборат? Кетма-кет ўзингизнинг ҳаётдаги энг муҳим 20 та мақсадингизни ёзиб чиқинг.

Агар нима ёзишни билмасангиз, у ҳолда: «Мен ҳамма нарсани хоҳлайман ва ҳаммасига ҳозирок эришишим керак», – деб ёзасиз. Яхтани ҳам, самолётни ҳам қўшиб қўйинг. Оқ уйни. Майли, Оқ уйни хоҳламасангиз, панжарали уйни ёзинг... бу ҳазил.

1. _____

2. _____

3. _____

4. _____

5. _____

6. _____

7. _____

8. _____

Тестанинг тажрибаси 3

9. _____

10. _____

11. _____

12. _____

13. _____

Топшириқ қийин эканми? Азизларим, меиға ишонинг, сизлардан кўпчилигингиз ҳаётда нимага эришмоқчи эканингизни ўзингиз ҳам аниқ билмайсиз, фақат улар ҳақида ғира-шира тасаввурга эгасиз, холос.

14. _____

15. _____

16. _____

17. _____

18. _____

19. _____

20. _____

Ўздингизми? Баракалла! Нима ёзишингиздан қатъи назар айни дамда сиз ўзингизнинг вос-восларингизни ёза-япсиз. Нимага бундай деганимни тушунтириб бераман.

Марҳамат қилиб айтинг-чи, ҳеч бир лойиҳасиз ниманидир амалга ошириш мумкинми? Мумкин. Лойиҳасиз қуриш ҳам мумкин, масалан, кучукча учун мўлжалланган уйчани, ишлов берилмаган тахталардан бемалол бунёд этиш мумкин.

Рисоладагидек уй, яъни одамзод учун керак уй – албатта, лойиҳани талаб қилади. Сарой ёки қасрлар эса бу кўпчилик билан обдон ўйлаб амалга ошириладиган иш.

Лекин ҳаёт – қурилиш эмас-ку! Ҳаёт ҳар қандай қурилишдан анча мураккаброқ-ку! Қани менга айтинг-чи, сиз қайси каллаварамнинг акли билан шу кунгача лойиҳасиз яшаб келяпсиз?

Оддийгина бухгалтерия ҳисоб-китобини ўтказинг! Четдан туриб қаранг, мен нималарни хоҳлайман ва унга қандай қилиб эриша оламан? – деган саволларга жавоб беринг.

Яхши, ёздингизми: Ким ўн марта, ким йигирма марта, кимдир эса қирк, эллик марталаб ўз мақсадларини ёзиши мумкин... Асосан аёллар бу ҳақда кўп ёзишади.

Эркаклар ҳам ёзади, лекин шу билан бирга улар нималарнидир ёзган билан бу ниятлари ўзидан-ўзи амалга ошириб қолмаслигини ҳам яхши билишади. Орзу-мақсадлар амалга ошириши учун эса яхшигина тер тўкиш керак! Албатта хонимлар билан таққослаганда эркакларнинг фантазияси ва орзулари бироз қайчиланган, яъни камтарроқ бўлади.

Энди эса диққат, рўқчаларни четга қўямиз.

Тасаввур қилинг, сизни эртага шифокор кўригидан ўтиб келиш учун жўнатаман ва бирдан шифокор сизга: «Сиз ўзи нималар билан бандсиз? Аҳмоқлик билан! Вақтингизни нималарга сарфлаб юрибсиз? Ўзингиз билан шуғуллансангиз-чи! Чунки сизнинг бор-йўғи бир йиллик умрингиз қолган. Ҳаётингизни тартибга келтиринг!», – деб қолади.

Демак, энди сизнинг атиги бир йиллик умрингиз қолибди. Нега бунақа кам! Ҳа майли, айтايлик 365 кун вақтингиз бор...

Тенгизнинг тажрибаси 3

Сиз умрингиз охирига қадар албатта бажаришингиз керак бўлган бешта мақсадни ёзинг. Ҳаётлигингизда амалга оширмасангиз, икки оламда армон ўтида куйдирадиган бешта мақсад! Тушундингизми?!

Уларни амалга ошириш учун сизда бир йил вақт қолди.

1. _____

2. _____

3. _____

4. _____

5. _____

Мен сизни тушунаман, умрингизнинг атиги бир йилгина вақти қолганини бирдан ҳис қилишнинг иложи йўқ.

Ҳис қилишга уриниш ва мана шу ҳолат билан реал тўқнаш келиш – бу мутлақо бошқа-бошқа нарсалардир. Ҳозир қанча ҳаракат қилманг, уриниб кўрманг, сиз бу даҳшатнинг юздан бирини ҳам ҳис қила олмайсиз...

Ёздингизми? Баракалла!

Энди эса диққат, сизда бор-йўғи бир кеча-кундуз вақт қолди, 24 соат! Эртага сиз ҳаётни тарк этасиз. Буни тасаввур қилиш жуда қийин. Ақл бовар қилмас даражада қийин иш. Лекин ҳаракат қилинг.

Бу вақт ичида улгуришингиз лозим бўлган учта вазифани ёзинг! Учта вазифа. Умрингизда бор-йўғи 24 соат вақт қолганда бажарилиши лозим бўлган учта вазифа!

Бу ҳолатга, бу ролга киришиш керак!



Агар бу машқ натижасида сизда кўрқув, хавотир пайдо бўлса, демак, ҳали ҳолатга киришмагансиз.

Мабодо, сиз бор-йўғи бир кунлик умрингиз қолганини билсангиз, сизда ўта чуқур хотиржамлик, ўта чуқур бифарқлик ҳолати юзага келади. Сизни энди ҳеч ким хавотирга солмайди.

Сиз ўлимни бағрингизга босиб турар экансиз, кечагина сизни қувонтираётган, хавотирга солаётган ёки яшашга бермаётган нарсаларга абадийликдан туриб жудаям хотиржам қарайсиз.

1. _____

2. _____

Марҳамат қилиб учинчи вазифани топинг. Сиздан бошқа ҳеч ким ушбу ёзганларингизни ўқимайди.

3. _____

Ёздингизми? Мана шу, айнан ҳаётингизнинг бош мақсади бўлади.

Қолган ҳаммаси, айниқса, сиз биринчи марта ёзганларингиз – сиздаги вос-вослар, сиздаги алаҳсирашлар. Лекин бусиз ҳам мумкин эмас. Аслида уларнинг бир қисми – узок муддатли режалар.

Бир йил умрим қолди, деб ҳис қилган ҳолатда ёзганларингиз, булар энди ҳақиқатга анча яқинроқ.




«24 соат умрингиз қолганлигини ҳис қилиб ёзганларингиз ҳаётингизнинг бош мақсадларидир.

Азизлар, шуни унутмангки, ҳаммамизнинг ҳам асл мақсадларимиз мутлақо бир хил эмас, улар турли-туман бўлиши табиий.

Сизга бир ўтинчим бор. Сиз ҳозирги ёзганларингизни, айни ҳозирдан, шу сониядан бошлаб амалга оширишга киришинг!

Иложи бўлса, барчасини эртага қадар рўёбга чиқаринг. Бу сиз учун уй вазифаси бўлади.



Шарқда шундай нақл бор: «Эрталаб турдим, бозорга бордим, бир кафан олдим, мозорга бордим!» Демак, умр киска, шу бугунданок яшашни ўрганиш керак!

Кечкурун ухлашга ётар экансиз – билингки, бу уйқудан бутунлай уйғонмаслик мумкин. Шу сабабли ҳам куннинг охирига келиб инсоннинг ҳамма ишлари тугатилган бўлиши керак, мутлақо ҳаммаси. Шундай бўлиши учун интилинг, албатта, ҳар доим ҳам бунга эришиб бўлавермайди. Лекин ҳаракат қилиш шарт!

Азизларим, агар биз ҳаётга мана шу тарзда ёндаша бошласак, ичимизда баҳор куртак ёза бошлайди, қалбингизда чошгоҳ пайтидаги тўрғай қушининг овози янграб, мовий осмонда оппоқ булутлар сузиб, офтоб чарақлаб турган бўлади.

Сиз энди ўзингдаги мана шу ҳолатни ҳамма билан ўр-тоқлашишга тайёр бўласиз. Хўмрайган, қовоғидан қор ёғиб турган одамни кўрсангиз ҳам, сизда уни нимадир билан хурсанд қилиш истаги уйғонади. Нима учун абадий ҳаётни «ёвузлик» деб аташларини энди англаётгандирсиз? Нима учун одамзод эртами, кечми бу фоний дунёни ташлаб кетиши шарт эканлигини тушунгандирсиз?

Қачонки инсон бор-йўғи бир кунлик умри қолганини билса, англаса, унинг учун бу ҳаётда қазаб эмас, меҳр асо-сий қадрият бўлиб қолади.



Ким ўзига бир кунни бўйсундира олса,
у бугун умрини ҳам бўйсундиришга
қодирдир!

Ўз мақсадларимизга эришишда бизга нима кўпроқ ҳа-лакит беради?

Одатда кўпчилик одамлар доимий равишда «ички дунё» деб аталмиш муҳит ичида бўлишади, чунки уларнинг наза-рида бу дунё энг яхши, энг чиройли, энг афзал ва ҳоказо...

Лекин, навбатдаги янги вазифа, янги иш, янги босқичлар-га кўтарилиш зарур бўлиб қолса – инсонда ички безовталиқ, қандайдир ишончсизликлар пайдо бўла бошлайди.

Ҳар биримизда ҳам ички душман, ички қаршилиқлар бор.

Айтинг-чи азизларим, ақлу фаросат, донишмандлик учун энг катта хавф-хатар нима? Беҳуда орзулар ва фанта-зиялар – айнан мана шулар – донишмандлик учун ҳалокат ҳисобланади.

Тасаввур қилинг-а, сиз аслида қулоғингизгача муаммо-ларга ботиб ўтирибсиз, лекин зинҳор юқоридаги ва қуйи-даги ярим шарларни ҳаракатга келтирмайсиз. Сиз бандсиз – орзу қиялсиз, бирдан Алоуддиннинг сеҳрли чироғидаги

Тештакнинг тажрибаси 3

меҳрибон жин пайдо бўлиб қолади-ю, «Куф-суф» деб сеҳр-ли сўзларни айтади. Ва сизнинг ҳамма муаммоларингиз ўз ечимини топади. Бунақаси бўлмайди!

Бора-бора сиздаги фаолиятсизлик ва орзуга берилиш одатга айланиб қолади. Мана шу аҳмоқона фантазиялар туфайли сиз ҳеч қачон жон куйдирмайсиз, ҳаракат қилмайсиз, энди улар сиздаги ҳаракатсизликнинг ўрнини тўлдира бошлайди. Оқибатда, сиз энди фақат ўз фантазияларингиз ичидагина фаолият юритадиган бўлиб қоласиз...

Сиздаги реаллик энди, онгушуурингиздаги ожизликларга таянади. Ўзини-ўзи нобуд қилувчилар орасига тушиб қолмаслигингиз учун, психикангиз – руҳий ҳолатингиз сизга ўта беъмани, бироқ ширин фантазияларни тиқиштира бошлайди...

Турли изтироблардан бўш пайтларда, биз ўзимизга фантазияларни ўйлаб топа бошлаймиз ва мана шу хомхаёллар дунёсида яшайверамиз. Мана шу фантазиялар дунёсидагина лаззатланамиз, роҳат-фароғатни ҳис қиламиз.


Агар сиз шахсингиз, мавқеингиз, оилангиз борасида рўёбга чиқа олмасангиз ҳаётингиздаги реаллик худудини, аслият худудини сароблар тўлдира бошлайди.

Демак, бу саробии тарқатиб юбориш учуи бизга нима ёрдам беради? Ҳаракат!!! Ва яна ҲАРАКАТ!



Унутманг, қаерда реал ҳаракат бўлмаса, ўша ерда унинг ўрнини беҳуда фантазиялар эгаллайди.

Фантазия, яъни хомхаёллар тушдан нимаси билан фарқ қилади? Деярли ҳеч нимаси билан. Тушни биз ўзимиз англамаган ҳолда кўрамиз, бироқ фантазияларда онгли равишда ўнгимиздаги тушларни яратамиз.




Ўз хаёлингизда сиз теварак-атрофдаги оламни яхшилайсиз. Реал ҳаракатларда эса ўзингизни яхшилашга ҳаракат қиласиз!

Кўп ҳолларда бу иллюзияларни – хомхаёлларни бузиб ташлашга инсоннинг иродаси етмайди. Биз сиз билан фантазиялардаги, куч-қудратимизга беихтиёр ишонамиз, ҳатто шахсий кучимиздан ҳам кўра кўпроқ ишонамиз. Бу ҳаёти-мизнинг исталган соҳасига тегишли.

Аслида эса...



Инсон ҳеч қачон айна дамда эриша олмайдиган нарсалар ҳақида орзу қилмайди. Ҳар қандай орзу – бу сизнинг рўёбга чиқа олмаган фазилат ва жиҳатларингиз!



Нималар ҳақида орзу қилманг, сиз шу бугуноқ уларга эришишга қодирсиз. Бу имконият ҳар доим бор. Бу бизга табиат томонидан жойланган, буни ҳеч қачон унутманг!

Сиздаги фантазия, сиздаги орзулар нима дегани? Бу онгу шуурингиз, қалбингиз, улар ўзларини кишанбанд ҳолда ушлаб турганингизни тушунтиришга уриняпти.

Демак, оқилона вазифага, бажариладиган иш ҳажмига

Тенгизнинг тажрибаси 3

қандай қилиб эга бўлишингиз мумкин? Марҳамат қилиб: «Мен мана шуни, шуни хоҳлайман», деган мазмунда рўйхат тузинг.

Мана шулар сиз бажаришингиз керак бўлган иш ҳажми бўлади.

Шуни эътиборга олиб қўйинг, бу рўйхатга бот-бот қараб туриш лозим, чунки у микдор бўйича ҳам, сифат бўйича ҳам ошиб бориш хусусиятига эга.

Орзуларингиз ушалиши орқали сиз нималарга эга бўлишни хоҳлардингиз. Ўйлаб кўринг, шошилманг. Эртанги кунгача ана шу ҳақда ёзиб қўйинг...

Режа тузинг. Хомаки чамалаб чиқинг. Ниятлар баёнини битинг.

Ишни энг оддий нарсалардан бошланг.

Кимнинг оиласи бўлмаса, биринчи вазифа – ўз оиламни яратиш, деб ёзинг.

Кимда орзулар бўлмаса, ёки улар рўёбга чиқмаган бўлса, биринчи вазифа – қайси соҳаларда, қаерда, нималарга эришишни хоҳлаган бўлардингиз, шу соҳани топинг.

Кимнинг хусусий иши бўлмаса – биринчи даражали вазифа – ўзининг хусусий ишини очиш деб белгиласин.

Қадрли китобхон, умуман айтинг-чи, қайси миллий маданиятни яхшироқ деб ўйлайсиз? Хитойликларникими, ҳиндларникими, немисларникими, французларникими, Европа маданиятими ёки Шарқники? Эҳтимол Ғарбники, Жанубники, Шимолники маъқулдир?! Қайси жойнинг, қайси халқнинг маданияти яхшироқ?

Инсоният цивилизациясининг исталган маданиятида Ҳаёт деб аталмиш муҳр бор.

Табиатда ҳам, барча миллатлар ва маданиятлар учун бир хилдаги валюта мавжуд – бу Ҳаёт.

Агар бирорта миллат ўзини дунёга устун деб билса, демак билингики, бу маданият хавфли ҳалокат ёқасига келиб қолган.

Уларнинг маданиятини, ҳаёт тарзини намуна тарзида қабул қилиб олар экансиз, билингки, сиз ўз-ўзингизни ҳалок қиладиган балоларни, офатларни юқтириб оласиз.

Қадрли китобхон, сиз қайси миллатнинг фарзандисиз? Ҳозир аждодларингиз дафн этилган жойларда, келажакда хитойликлар, ҳиндлар яшай бошласалар, бунга қандай муносабатда бўлардингиз?

Ахир, бундан ҳам бошқача бўлиши мумкинми? Агар бугуннинг ўзида хитойликлар сони деярли бир ярим миллиард. Ҳиндлар эса – миллиарддан ҳам кўпайиб кетди!

Европаликлар эса катта-катта қадамлар билан ер юзидан йўқ бўлиб боришмоқда. Нима учуи? Чунки улар кайфу сафо билан ва мансабу мартаба қутқуси билан банд. Бу мартабаларнинг сизга нима кераги бор? Модомики, унинг шарофати билан ҳали туғилмаган болаларингиз, неvara ва эвараларингиз, юз минглаб одамлар Ер юзидан йўқолиб кетса?!

Нима учун мен бўйдоқларни оила қуришга тинимсиз даъват қиладиганми, уйланганларни эса болалар сонини кўпайтиришга чорладиганми биласизми?

Чунки менинг ўзим – табиат қонунларини бузган буюк халқларнинг тақдирига мисолман. Менинг халқим, миллатим ер юзидан йўқолиб кетган. Бир пайтлар аждодларим яшаган жойларда ҳозир бутунлай бошқа халқлар яшашмоқда.

Баъзи бир Европа халқлари ҳали дарахт илдизларини қовлаб кун кўриб юрганида, менинг халқим Семирамиданинг Самовий боғларини яратган. Менинг халқим биринчилардан бўлиб ёзувни яратган. Марказлашган иситишни ва марказлашган қувурларни кашф этган.

Европада ҳали шаҳарлар бўлмаган бир пайтда, менинг халқим Бобилни қурган, ижтимоий суғуртани яратган ва шу билан бирга жуда қўрқинчли бир тарбия тамойилини ҳам яратишган – яъни болаларнинг катталар таъсиридан эр-

Тестанининг таърифи 3

кин бўлишини. Охир-оқибат ҳаммаси нима билан тугаган? Улар ер юзидан буткул йўқ бўлиб кетишган!

Македониялик Александр ўзининг буюк юришини бошлаганида, менинг халким Шарққа қараб чекина бошлаган ва Самарқанд атрофидаги жойларга келиб қолган.

Аждодларим XVI асрдаги биродаркушлик жанглирида қатнашган. Жангдан соғ-омон қолганлар урушдан кейин ўз вилоятларининг жанубига кетиб қолишган. Бу Қобул эди, бўлғуси Афғонистоннинг худудлари, ўша пайтларда бу ерлар Самарқанднинг жанубий вилояти бўлган.

Бу халқнинг 10 000 кишилик охириги шохобчаси. Марказий Осиёдан дастлаб Афғонистонга, ундан кейин Ҳиндистонга кетишган. Ва ўша ерда Бобурийлар ёхуд «Буюк мўғуллар» сулоласини барпо этишган.

Азизларим, сиз бу атамани замонавий Мўғулистон халқи² билан адаштирманг илтимос, бу мутлақо бошқа-бошқа миллат. Мўғуллар – бу шумерликларнинг энг охириги шохобчаси. Яъни уларнинг сўнгги хайрлашув арияси.

Буюк мўғуллар сулоласининг асосчиси Бобур бўлган – буюк Соҳибкирон Амир Темурнинг невараси. Ҳиндистонда Бобурга кўрсатиладиган эҳтиром Россияда Петр I га кўрсатиладиган ҳурматдан кам эмас. Бобур уч юз йил ҳукмронлик қилган улкан империяга асос солди.

Улар Афғонистондан бор-йўғи ўн минг кишилик лашкар билан келишган. Бу тарихий факт. Сиз бу ҳақда керакли адабиётлардан билиб олишингиз мумкин.

Маҳаллий ҳукмдорнинг юз минг кишилик армияси устидан ғалаба қозониб, Бобур қудратли сулолага асос солди.

Мен Ҳиндистоннинг бебаҳо марвариди ҳисобланадиган бу мақбараларга битилган ёзувларни кўрганимда йиғлаб юбордим, чунки бу ёзувларни ўқий оладиган одамлар дярли қолмаган.

² Замонавий Мўғулистоннинг асосий аҳолиси халхаслар (муҳаррир изоҳи)

Ҳинд таржимонидан бу ердаги ёзувларни ўқиб беришини илтимос қилдим. У сўзларни ўқияпти, лекин тушунмаяпти, у менинг она тилимдаги сўзларни ўқияпти. Қандайдир замонавий тилдаги сўзлар эмас, бизнинг қишлоғимиз лаҳжасидаги сўзлар.

Ҳиндистонга борсангиз, қаерга қараманг – ҳамма ёқда зиёратгоҳларни кўрасиз... зиёратгоҳлар, зиёратгоҳлар... Уларнинг ҳаммасида эса менинг она тилимдаги ёзувлар...

Сайёрамиздаги етти мўъжизадан тўрттасини менинг халқим бунёд этган. Лекин у ҳаётнинг энг асосий мўъжизасини уддалай олмади – асрлар оша ўз халқини, наслу насабини сақлаб қолишни. Ҳозирги кунда унинг даҳоси, заковати ўзбек, тожик, македонияликларнинг қонида жўш урмоқда. Тагин миллатимнинг қайсидир жиҳатлари афгонларда, ҳиндларда, арабларда ҳам сақланиб қолган... Нега ҳайрон бўляпсиз, шунчаки, мен йўқолиб кетган шумерликларнинг вакилиман.

Энди ўзимни бирорта ҳам миллатга мансуб эмасман, дейишимнинг сабабини тушундингизми?! Шумерликнинг бугун ватани йўқ. Уларнинг ватанлари аллақачонлар йўқ бўлиб кетган.

Сиз-чи кадрли китобхон! Сиз ахир ўзиингизнинг миллатингизни ер юзидан йўқ бўлиб кетишини хоҳламайсиз-ку? Тўғрими?! Бас, шундай экаи, у ҳолда олға – ҳаётингизда катта, мустаҳкам ва бахтли оила бунёд этиги!

Ҳаракат қилинг кадрдонларим. Ҳаракатда – баракат! – дейдилар.

Ва ҳамиша
ёдингизда бўлсин:
ҲАММАСИ
ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА!

Этунд тарбиянинг бу сунати дундаги устай берилган ва мундан келди. У сунатини ўқиганда, донди тушунаётганда, у мундан ома таланишга сунатини ўқигани. Қандайдир таланишга сунатини ўқиганда, бундан келди.

МУНДАРИЖА

Ўз ҳаётига хўжайин, яъни ҳокими мутлоқ бўлиш ҳақида	5
Менинг уйим – менинг қувончим, тетиклигим ва яна минг бир роҳат-фароғатим	31
Ишқалсиз оила қўрғонини бунёд этиш ҳақида	93
Фарзандлардан чақир тиканак ўсиб етишмаслиги учун уларнинг боғчасини нималар билан ўғитлаш лозимлиги хусусида	183
Изчил ва доимий гуркираб ривожланишнинг Илоҳий қонунияти ёки ўрта асрларга саёҳат	219
Ўз бахтининг ҳимоячиси ҳам, уни яқсон қилувчиси ҳам – Инсоннинг ўзи	313

М.С. НОРБЕКОВ МАРКАЗИ

Инсоннинг бемор ва бахтсиз бўлишга ҳаққи йўқ

М. С. Норбеков

М.С. Норбеков соғломлаштириш маркази Инсонларга ўзлигини англаш, ўзлигини мукамаллаштириш мажмуалар дастурини таклиф этади.

Машғулотлардан кўзланган асосий мақсад – инсоннинг ўз рухий ва жисмоний ҳолатига фаол ёндашуви.

Ўзининг интилиши, иродаси, рухий чиникқанлиги билан ҳар ким ҳам саломатлигини, ички ҳолатини, тақдирини ижобий томонга ўзгартиришга қодир.

Тизим асосини устоздан шогирдга узатиладиган, асрлар давомида узок ўтмишдан мерос бўлиб келаётган Шарқнинг кўҳна билимлари ташкил этади. Бу билимларни англаб етиш, ўзлаштириш учун енгил бўлган билимлар машғулотларга асос қилиб олинган.

Бугунги кунда миллионлаб инсонлар – Россияда, МДХ давлатлари, Болтиқбўйи, шу билан бирга АҚШ, Германия, Исроил ва қатор мамлакатларда инсонлар соғломлаштириш марказида олган билимлари ёрдамида фақат саломатлигини тиклаб қолмасдан, ҳаётда ўз ўринларини ҳам топиб, етакчи, омадли инсонларга айланишди.

Тизимнинг 1, 2-ўқув соғломлаштириш босқичлари ва маҳоратни ошириш Асосий ўқув курслари 30 йил мобайнида такомиллашиб борган.

Охириги йилларда «Омад устахонаси» ташкил этилди. Бу махсус курс ўз устида ишлаб, яхши натижаларни қўлга киритган тингловчиларимизга мўлжалланган.

Ўқув соғломлаштириш курслари 1-босқич

Курснинг йўналиши инсоннинг табиатида азалдан мавжуд бўлган жисмоний ва руҳий кучларни бошқаришни ўргатади. Курс тингловчилари ташқи таъсирларсиз ва аралашувисиз ўз муаммоларини бартараф этишни ўрганишади.

Асосий мавзу танани бошқариш ва ўзини тиклаш қобилятини уйғотиш (ёшариш); соғлиқни тиклаш, юрак қон-томирлари, асаб, эндокрин, сийдик йўли, иммунитет, лимфа тизими, модда алмасхуви жараёнининг бузилиши муаммоларини бартараф этиш, кўриш қобилятини созлаш, эшитиш ва бошқа сезги аъзоларидаги муаммоларни бартараф этиш, нафас олиш йўли аъзолари ишини созлаш, ҳаракат таянч аппаратини ишини тиклаш, жинсий аъзолар билан боғлиқ муаммоларни, юздаги ва коматдаги нуқсонларни бартараф этиш, шу билан бирга ҳар хил чандиқлар, спайкалар, чурралар, стрия (тери ости ситгилиши) ва теридаги бошқа хил муаммоларни бартараф этиш устида ишланади.

Машғулотлар 10 кун 4,5 соатдан давом этади.

Ўқув соғломлаштириш курслари 2-босқич

Иккинчи босқичда биринчи босқичдаги билимлар мустаҳкамланади. Касалликнинг келиб чиқиш сабаблари чуқур ўрганилиб, уларни бартараф этиш устида ишланади. Саломатлик борасида муаммолар бошқа безовта қилмаслиги ва хасталиқдан батамом халос бўлиш учун ҳар бир касаллик билан махсус шуғулланилади ва шу билан бирга феъл-атвор устида ҳам мақсадли ишланади. Тана кучини жисмонан ривожлантириб, шакллантириб бориш билан бирга шахс сифатлари ва руҳиятни чиниктириш маҳорати ҳам оширилади. Натижада, инсондаги ноёб қобилятлар очилиши билан бирга сезгиси (интуңцияси) ҳам ривожланади.

Машғулотлар 10 кун 4,5 соатдан давом этади.

Болалар ўқув-соғломлаштириш курслари

Соғломлаштириш курсининг биринчи қисм дастури болаларнинг тасаввур дунёсига мослаштирилган ҳолда олиб борилади.

Кўплаб болалар соғломлаштириш курсларини ўтиб ижобий натижаларни қўлга киритмоқдалар. 7 кун давомида фарзандларимиз нафақат соғлиқни мустаҳкамлаш билан чекланиб қолмасдан, машғулотлар жараёнида болаларнинг феъл-атворида ижобий томонга ўзгаришлар кузатилади, улардаги ўзига нисбатан ишонч ортиб, етакчилик қобиляти ривожланади, ота-оналар ва теварак атрофдаги инсонлар билан ўзаро муносабатлари яхшиланади.

Машғулотлар 7 кун 3 соатдан давом этади.

Асосий босқич – Интуиция курси

Академик М.С. Норбеков ноу-хауси

Бу курслар инсонда атроф-оламни англаш ва уни ҳис қила билиш қобилиятини уйғотиб, Англаш орқали мушоҳада юритишга, ҳаётини ижобий томонга шакллантира боришга ўргатади.

Асосий мавзу: олдиндан сеза олиш, ҳис эта олиш қобилиятини ривожлантириш, ҳаётини режалаштирган ҳолда унинг оқимига ижобий таъсир эта олиш, асаббузар вазиятлардан узоқда бўла олиш, Ғолиб Инсон қиёфасини шакллантириб боровчи хулқ-атворнинг яхши томонини кучайтира бориш. Курс якунида жисмнинг биологик ёшаруви, ҳиссиётларнинг ўткирлашуви, ўзаро муносабатларда уйғунликнинг найдо бўлишига мукофот тариқасида эга бўласиз.

Машғулотлар 10 кун 4,5 соатдан давом этади.

VIP – дастур

Иши бароридан келган омадли инсонлар учун сара машғулотлар. Машғулотлар 25–30 кишилиқ кичик гуруҳларда олиб борилади. Курсларга саралаш асосида қабул бўлади, юқори даражадаги эътибор ва назорат таъминланади.

Машғулотларни марказнинг етакчи ўқитувчилари – М.С. Норбековнинг шогирдлари олиб боришади.

VIP – соғломлаштириш курслари ўқув-соғломлаштириш курслари асосида ташкил этилган, иккинчи босқич соғломлаштириш ва асосий босқич курсининг элементларини ўзида мужассам этган.

VIP – Асосий курс дастури асосий босқич курсининг негизини ҳамда психологик билимлар элементларини ўзида мужассам этади.

Машғулотлар 10 кун 4,5 соатдан давом этади.

«Омад устахонаси»

М.С. Норбековнинг муаллифлик курслари

Дастур шахснинг заиф томонини йўқотишга, ҳаётининг 495 томонини шакллантириб боришга йўналтирилган: бизнесда эришган натижаларни кўтаришга, ички имкониятларини кашф қила боришга, руҳиятини чиниктириш, атроф-олам билан уйғунликда яшаш, оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш, феъл-атворидаги кучли томонларини янада ривожлантириш, ўз ҳаётини ижобий шакллантириш қобилиятини ривожлантириш ва бошқа кўплаб масалалар кўрилади.

«Омад устахонаси» асосий курснинг элементларини ўзида мужассам этади. Машгулотларни дастур муаллифи М.С.Норбеков ва унинг энг сара шогирдлари олиб боришади.

Курсни ўтиб бўлгач, Сиз миллионерларнинг ёпик клубига аъзо бўлишдек ноёб имкониятга эга бўласиз.

Кўзнинг кўриш қувватини тиклаш бўйича қўшимча машгулотлар

Мақсад: кўзнинг кўриш қуввати пасайиши сабабини топиб, бартараф этиш. Шаркнинг кўҳна билимларига асосланган кўришни яхшилаш ва тиклаш услубини эгаллаш, шулар асосида кўришни созлаш, барча ички аъзолар ва тананинг бутун тизими билан қўшимча ишлар олиб бориш.

Асосий мавзу: кўриш ва эшитиш нерви атрофияси, узокни ва яқинни хира кўришни бартараф этиш, катаракта, глаукома, астигматизм ва ҳ.к. каби муаммолар устида ишланади. Шу билан бирга, гипертония ва гипотония, томирларнинг варикоз кенгайиши, остеохондроз, ички аъзолардаги ва тана тизимидаги бошқа кўплаб муаммоларни бартараф этиш устида ҳам ишланади.

Машгулотлар 5 кун 4 соатдан давом этади.

Эшитиш қобилиятини тиклаш бўйича қўшимча машгулотлар

Мақсад: эшитиш қобилиятининг пасайишига ва йўқолишига олиб келган сабабларни топиб, бартараф этиш, эшитиш қобилиятини созлаш, бутун тана ва ички аъзолар билан қўшимча машқлар олиб бориш.

Асосий мавзу: эшитиш нерви неврити, нейросенсор гаранглик. Меньер касаллиги, юқумли касалликлар ва лат ейишдан кейинги асорати бўлган эшитиш қобилиятининг пасайиши (йўқолиши) ва шу каби муаммолар устида ишланади.

Машгулотлар 7 кун 4 соатдан давом этади.

«Бахтли оила» курслари

**М.С. Норбековнинг оиладаги ўзаро муносабатлар мавзuidaги
маърузаларига асосланади**

Мақсад: оилада самимий муҳит яратиб, бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва ҳурмат қилишни ўрганиш.

Асосий мавзу: Эркаклик гурури, оилада етакчилик, интим муомала, болалар тарбияси, ота-оналарга нисбатан кеңиримли бўлиш.

Курс эркак ва аёлнинг бир-бирига табиий эҳтиёжи борлигини тушунишга ёрдам беради, кўплаб тушунмовчиликларга сабаб бўладиган эркак ва аёл дунёкарашидаги фарқни англаб етишга, эр-хотин ўртасида ҳурмат бўлиши кераклигини тушунтиришга қаратилган. Уйланмаган ва турмушга чиқмаганларга оила қуришга ва оилада бахт яратишга йўналтирилган.

Машғулотлар 10 кун 4,5 соатдан давом этади.

Бизнинг марказда таълим олиш учун ёшнинг аҳамияти йўқ. Марказимизнинг эшиклари барча учун очик, ким қалбан очик, ким қалбан қаримаган бўлса, кимки орзуларининг рўёбга чиқишига ишонса, асрлар давомида тўпланган донишмандлик йўриқномасидан фойдаланишга тайёр бўлса, марҳамат.

Умуртқа погонасини тиклаш бўйича қўшимча машғулотлар

Ҳозир умуртқа погонангиз қай аҳволда? Сизнинг 5–6 см ўсишингиз учун, кайфиятингиз аъло бўлиши учун, танангизнинг ҳамма аъзолари Швейцария соатидек бекаму кўст ишлаши учун ўзингизга атиги 15 дақиқа ажратсангиз кифоя. Мазкур курсда биз Сиз билан бажарадиган машқлар оддий бадантарбия эмас, жисмоний тарбия ҳам эмас. Улар умуртқа погонасини асл ҳолига келтириш учун ишлаб чиқилган махсус машқлар. Бу машқлар умуртқалараро халқаларнинг жой-жойига келиши учун, хотирангиз ҳам аввалги ҳолига қайтиши учун, дунё нақадар гўзал эканлигини ҳис этишингиз учун ҳам керак.

Машғулотлар 5 кун 3 соатдан давом этади.

БАХТЛИ АЁЛ СИРЛАРИ

(кўшимча машғулотлар)

Ўзингизни фаришта эканлигингизни биласизми? Нафақат оиланинг, балки дунёнинг тошу тарозиси сизнинг мавқеингиз билан белгиланишиничи? Ҳаётнинг турли ташвишлари гирдобига ўралашиб бу ҳақда ўйламай қўйган бўлсангиз, ҳалиям кеч эмас. «Бахтли Аёл сирлари» машғулоти сизга ўз ҳаётингизни жаннатга айлантириб, ўзингизни фариштадек аёллигингизни қайта ҳис қилиш имконини беради. Шунингдек, машғулотларимизда барчага сеvimли бўлиш; оила аъзолари билан илиқ муносабатни йўлга қўйиш; теварак-атрофимизни теран мушоҳада қилиш; муаммоларни доолик билан ҳал этиш; олам билан уйғунликда яшаш ва бошқа чинакам аёллик сирларини ўрганасиз.

Хўш, дуиёдаги энг бахтли аёлга айланишни истайсизми? Марҳамат! Машғулотлар 7 кун мобайнида ҳар куни 3 соатдан давом этади.

ФАҚАТ ЭРКАКЛАР УЧУН МАХСУС МАШЎУЛОТЛАР

Мазкур курс фақат М.С. Нурбеков соғломлаштириш машғулотлари-га қатнашганлар учун кўшимча машғулот. Бу машғулотлар фақат ўзига ишонган, омадли, соғлом ва ҳақиқий эркалар учун. Машғулотдаги асосий мавзулар: эркалик қувватини тикланиши ва яхшиланиши, Аёллар билан бўладиган муносабатни тўғри йўлга қўйиш, Карьера ва бизнесни тўғри ривожлантириш, Омадли яратиш ва феъл-атвор билан ишлаш, Руҳиятни кўтариш голиб ва етакчи инсон бўлиш саноати.

Машғулотлар 3 кун мобайнида 3 соатдан давом этади.

ҚАЛБНИ ТОЗАЛАШ

(кўшимча машғулотлар)

Инсонда энг нозик нарса ҚАЛБ ҳисобланар экан. Сиз билан биз ҚАЛБимизни қанчалик тоза тутсак, уни атрофдаги ҳар хил ёмон нарсалардан авайлаб-асрасак, у шунчалар нурга, яхшиликка тўлиб бораверар экан.

Бу машғулотлар ёрдамида Сизни қалбингизни азоблаётган оғриқли ҳотираларга муносабатингизни ўзгартиришни, Қалбингизни нохуш ҳиссиётлар, кўркув, хавотир, нафрат, алам, кайгу, ғамлардан тозалаб енгиллашиш усуллари, стресс ҳолатидан чиқишни, келгусида стрессга тушмасликни, инсонларга нисбатан қалбингизда муҳаббат ҳосил қилишни, ҳаттоки, сиз ҳеч қачон кечира олмайман деб ўйлаган инсонингизга нисбатан муносабатингизни ўзгартириш усуллари, онгни нохуш ўй-хаёллардан тозалаб тушқунлик ҳолатидан чиқишни ўрганиб оласиз.

Машғулотлар 3 кун мобайнида ҳар куни 3 соатдан давом этади.

ДИҚҚАТ! Янги лойиҳа!

Интернет орқали М.С. Норбеков услуги бўйича машғулотларда қатнашишнинг ноёб имконияти

Масофада ўқитишнинг муаллифлик дастури, тингловчилар билан юзма-юз олиб бориладиган дарсларнинг сифатидан фарқ қилмайди.

Асосий эътибор: ҳар бир тингловчига ўзига хос ёндашилади. Сиз етакчи ўқитувчилар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш имконига эга бўласиз. Шахсан М.С. Норбековнинг ўзлари билан ҳам аудиоконференцияларда, гуруҳларнинг ёпиқ форумларида, электрон почта орқали ва ICQ (индивидуал ёзишма) олиб боришингиз мумкин.

Курсда: ўқув-методик материал интернет-таълим учун махсус мослаштирилган. Курснинг асосий маҳорат услуги баъни ёзилган аудиоёзув. Ўқув-таълим учун видеоматериал, М.С. Норбековнинг маърузалари.

Интернет машғулотларда ҳам аудиториядагидек машғулотлар олиб борилади. Бу ҳақда қўшимча маълумотларни электрон почта-миз орқали олишингиз мумкин: info@norbekov.uz.

**Батафсил маълумотлар олиш учун
Академик М.С. Норбековнинг Ўзбекистондаги соғломлаштириш
марказига мурожаат қилинг.**

Мурожаат учун телефонлар:
(95) 195-65-97; 0(371) 276-28-89, 276-44-59;
www.norbekov.uz. e-mail: info@norbekov.uz.

Манзил: Тошкент шаҳри,
Буёвдор шоҳкўчаси, 23-уй.



Хаёт устидан тажриба ўтказиш қатъиян ман этилади.

Сабаби бир куни хаётингиз поёнига етганида: «Тажриба муваффақиятсиз чиқди, чунки тажриба ўтказувчи аҳмоқ эди» – дейшингиз мумкин.

М. Норбеков

Ўз бахтининг халоскори ҳам, кушандаси ҳам инсоннинг ўзи.

Яратганнинг даргоҳидаги шахсий ҳисоб рақамингизнинг хос-кодини қаердан олишингиз мумкин?


Нима учун ҳиссиёт ва романтиклик жиҳатдан кучли эркаклар ҳеч қачон қашшоқлик домига тушмайдилар?

Сиздаги омад ва омадсизликларнинг асл сабаби қаерда?

Одамлар ўз муҳитига қанчалик таъсир этади, муҳит одамларга қандай таъсир кўрсатади?

Нима учун эркакнинг ожизлиги аёлининг кучлилигида, аёлнинг кучи эса унинг ожизлигида намоён бўлади?

Меҳр-муҳаббатнинг сеҳрли қонунияти: қанча кўп берсанг, шунча кўпига эга бўласан.



ISBN 978-9943-4602-2-5



9 789943 460225